

457262
K-59



КАССОБ СИРИ

Детектив

Азамат
ҚОРЖОВОВ

Азамат ҚОРЖОВОВ

ҚАССОБ СИРИ

Қиссалар

457262

Тошкент
«IJOD-PRESS»
2017

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)7

Қ59

Тақризчи:

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Қоржовов, Азамат.

Қассоб сири: қиссалар / А.Қоржовов. — Т.: IJOD-PRESS, 2017.
— 224 б.

ISBN 978-9943-994-71-3

Азамат Қоржововнинг «Қассоб сири» номли қиссасида қассоб йигит ҳаётидаги жумбоқли бир воқеа ҳикоя қилинади. Дарслардан бўш вақтларда кушхонада қассобчилик билан шуғулланиб, икки-уч сўм пул ишлай бошлаган талаба кунларнинг бирида ўз ҳунаридан ғаройиб бир мақсадда фойдаланишга мажбур бўлади. Орадан сал кам чорак аср ўтгач, бошига тушган кўргулик олис ёшлигига алоқадордек туюлади. Китобга киритилган «Ўғирланган келинчак» қиссасида эса ўз тақдири онасининг дўконидаги битта буюмга боғлиқ бўлиб чиққан келинчак қисмати билан танишасиз.

УЎК: 821.512. 133-31

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-994-71-3

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2017

ҚАССОБ СИРИ

Кечки пайт газета таҳририятида ўтирганимда уяли телефоним жиринглаб қолди. Компьютер мониторидаги соатга қарадим: 18:00. Ҳойнаҳой, хотиним дўконга кириб ул-бул харид қилишни тайинламоқчи, деб ўйладим. Бироқ бугун душанба. Ростини айтганда, иш ҳафтасининг бошланиш кунида қаҳвахонага кириб чарчоқ ёзиш учун бир соат ўтирмоқчи эдим.

— Ие! — Не кўз билан кўрайки, телефонимнинг экранида «Мухтор Солиев чақиряпти» деган ёзув жилланиб турарди. Бу одам ёзувчи бўлиб, бир хил ҳаёт тарзида умр кечирарди. Қиссам унинг ҳаёти ҳақида бўлса, шу жойда ўқишни тўхтатиб, воз кечиб қўя қолишингиз авло эди. Бироқ ўша душанба мени сирли воқеа кутаётганди. Уч марта уйланган, икки қизни вояга етказган (бири мўмина-ю ювош, иккинчиси эркатой, жиззаки) ва охир-оқибат бошига оғир кўргилик тушган қассобнинг чигал шахсий ҳаёти ҳақиқатан сизни ҳам ниҳоятда қизиқтириб қўйса керак.

«Мухтор ака келибди-да! Наҳотки, ҳозир бирга ўтириб, улфатчилик қуюқ бўлса?!» деган ўйда:

— Э-э, ассалому алайкум, бормисиз? — деб хитоб қилдим.

— Ваалайкум ассалом, журналистлар журналисти! — деди у.

— Қадамларига ҳасанот, акажон!

— Қадамларига ҳасанот? Буни қаранг... Тошкентда эканимни қаёқдан билдингиз?

— Борсам, қўнғироқ қиламан деган ким, ака?

— Мен! Лекин уйдан телефонлашим ҳам мумкин эди-ку.

— Сизни неча йилдан буён танийдиган бўлсам,

уйингизда ўтирган чоғлар иш вақтим тугашини пойлаб сим қоққансиз. Қачон иш вақтим тугашини пойлайсиз? Тошкентга келиб, ишларингизни битирасиз-да, кечга яқин бирор-бир ресторан ёки ошхонани банд этиб, кейин соатга қарайсиз. Демак...

Мухтор ака ёйилиб кулди. Сўнг:

— Детектив ёзавериб, детективлашиб кетибсиз, ука, — деди.

— Детектив ёзган бўлсам, иккита ёзгандирман, учта...

— Гапни чайнаманг, ҳазиллашдим. Тошкентга келганимни детектив усулида аниқлаганингиз йўқ. Ростини айтсам, баҳонгиз «икки»! Бу усулни «томоғи тақиллаб турган кишининг орзуси» дейишади. Одамларга ҳайронсан, телефон қилсанг, нуқул зиёфат хаёлига келадими-ей... А, лаббай, журналистжон!

— Бу орзу эмас, ака, ўзим меҳмон қиламан.

Мухтор ака хийла жиддий тортиб сўради:

— Ҳа, майли. Бугун мен ҳам, сиз ҳам чўнтак ковламаймиз. Айни дамда қаердасиз?

— Чилонзорда.

— Биз эски жойда, Чорсуда бирга товукхўрлик қилган ошхонада ўтирибмиз. Келинг, интиқлик билан кутяпмиз. Ишингиз қачон тугашини пойладим, топдингиз лекин, — деди Мухтор ака.

— Меҳмонлар кўпми?

— Рўпарамда биттагина одам бор. У ҳам бўлса, ижоддан минг чақирим нарида тер тўкадиган киши.

— Ким экан?

— Бу қўшиқни аёлларга айтасиз. Рўпарамдаги жаноби олийлари эса бадқовоқ эркак! Энг қизиги, бу қассоб ечилмаган жиноят иши масаласида сизни кутиб ўтирибди. Сиздек одам бу воқеанинг тагига етмаса, бошқалар етолмайди. Кафолат!

— Қассоблар мени кутмайди... — дегандим, Мухтор аканинг телефонида бошқа кишининг — қирқ беш-эллик ёшлардаги нотаниш кимсанинг овози дўриллади:

— Салом алайкум, ука, Мухтор жиддий гапиряпти. Мошинадамисиз? Пиёдамисиз? Пиёда бўлсангиз, илтимос, таксига ўтиринг, ўзим ташқарига чиқаман. Мен қора бўйинбоғдаман, оддий қора бўйинбоғ! Таксидан тушиб, супермаркетнинг олдидаги йўлакдан ошхонага қараб юринг, сунъий пальмалар ёнида сигарет чекиб турган бўламан.

— Масала жиддий, — деди Мухтор ака телефони ундан олиб. — Шу одамга балки сизнинг детективларча ёрдамнингиз тегар-а? Нима дедингиз? Ишқилиб, мени уялтириб қўйманг. Сизни жуда мақтаганман.

Детектив асар ёзганман, аммо ҳақиқий ҳаётда жиноятчиларни топа оладиган изқувар эмасдим. Юқоридаги суҳбатдан кейин мен билан учрашишни хоҳлаётган, жиноий иш бўйича ресторанда ёрдам кутиб умидвор бўлаётган шахс ҳақида ҳеч қандай тайинли хулосага келолмадим. Ким ўзи бу одам? Қассоблар бўйинбоғ тақмас эди-ку? Ё Мухтор ака адабиёт атрофида тентираб юрадиган ва ҳар замонда бир қалам тебратиб қўядиган танишларидан бирини ҳазиллашиб «қассоб» деб атадимикан? У ҳолда нега охирида «ҳазилсиз» деб сўзлади? Жиноят содир бўлса, милиция шугулланади, жиноят жумбогини ҳеч ким ечолмаган тақдирда кейинчалик яна кимларгадир мурожаат қилишлари мумкин. Шундай экан, мендан ёрдам сўраётган одам камида бир йил муқаддам содир бўлган воқеани сўзлаб берса керак. Ва албатта мен умрим бино бўлиб бировнинг жумбогини ечиб бермаганимни ҳам билади. Иш қанчалик жиддий бўлса, мен билан учрашишдан мақсади шунчалик мавҳум эди. Негаки, танг ҳолда қолган

одамлар одатда менинг газетамга ёинки бошқа даргоҳларга боргувчи эдилар.

Чорсунинг чорраҳасида, аниқроғи, айри йўлда таксидан тушиб, ошхоналар сари юрдим. Ўтган сафар Мухтор ака қўнгироқ қилиб чақирганида, бу ерда вилоятдан келган бир гуруҳ ижодкорлар билан товукхўрлик қилгандик. Манави сунъий пальмалар ортидаги ошхона эди, шекилли.

Шу пайт супермаркет олдидаги плита йўлакда сигарета чекаётган қора костюмдаги баланд бўйли, тўлачадан келган кишига кўзим тушди. У оқшом чўкаётган шаҳарга виқорли боқиб, ўйчанлик ила тутун пуфларди. Қора бўйинбоғ дид-фаросат у ёқда турсин, алланечук маҳорат билан боғланган эди. Ҳарҳолда ароқ ичган эса-да, бўйинбогининг тугуни бузилмаганига қараганда, бу одам мени кутаётган молсўяр эмасди.

— Сизми ўша шоир? — тўсатдан қўл чўзди у.

— Сиз...— дедим мен луғатимдаги қайси сўзни тилга чиқаришни билмай.

— Мухтор ичкарида. Қани, ҳайданг, ука!

Кўриниши шаҳарлик, шеваси қишлоқлик эканидан далолат бераётган нотаниш киши мени ошхонага бошлаб кирганида Мухтор ака ноз-неъматлар бисёр дастурхон тўрида данак еб ўтирарди. Биз қучоқлашиб кўришдик. Фотиҳа тортилиб, ҳол-аҳвол сўрашилди.

— Тўғриси айтсам, Тошкентда эканингизни «Мерседес-Бенс» автобусининг сигналидан билдим, — дедим Мухтор акага. — Телефонда саломлашганимда, автобус сигнал чалиб ўтди. Энди, ака, битта-иккита детектив ҳикоялар, жиноят иши юзасидан мақолалар ёзиб, айрим сигнал-пигналлардан хулоса чиқарган билан одам детектив бўлиб қолмайди. Бояги гаплар ҳазил эди, деб ўйлайман.

— Ву-ха-ха-ха... — кулиб юборди Мухтор ака. — «Деб ўйлайман» эмиш! Детектив бўлмасангиз ҳам шунга яқинроқ одамсиз, шунинг учун сизни тавсия қилдим-да.

Иккимизга тикилиб ўтирган нотаниш киши янада қовоқ солди.

— Бу одам бугун ҳақ бераман, деб қўярда-қўймай судраб келди, — Мухтор ака нотаниш кимсага қўли билан ишора қилди. — Ҳар доим Тошкентга келиб, менга учрашмай кетасан, деса, тўғриси, виждоним қийналарди. Танишинг, исми Назар ака, асли бизнинг вилоятдан. Бир-иккита тадбирда бирга ўтирганмиз, ҳозир жиянлари у ёқда мен билан битта ташкилотда ишлайди. Вилоятда ҳам тез-тез кўришиб турганимиз учун улфат бўлиб қолганмиз. Яшаш жойи Тошкент. Касби қассобчилик...

— ...эди, — гап қўшди Назар ака.

— ...эди, — дея давом этди Мухтор ака. — Ҳозирда Назар ака колбаса цехининг хўжайини, бозорларда гўшт расталари бор, озиқ-овқат дўкони ҳам ишлаб турибди. Хуллас, Назар ака қишлоқ қассобидан етишиб чиққан катта тадбиркор. Тошкентга келганига йигирма йилдан ошган...

— Йигирма беш йил бўлди, — аниқлик киритди Назар ака.

— Шундай қилиб, ҳикояни мен сўзласам... — Мухтор ака таржимаи ҳол баёини тўхтатмади. — Армиядан қайтиб, ТошДУга ўқишга ўтганидан буён туз-насибаси шу ерда. Ота-бобоси қассоб ўтгани учун талабалик чоғларида унча-мунча мол сўйиб турган. Яъни бир-икки сўм ишлаш учун якшанба кунлари, ёзги таътилда, ҳатто, «э, бор-е» деганича бошқа кунлари ҳам дарсдан вақт чегириб кушхонада қассобларга ёрдамлашган. Кейинчалик шаҳар кушхонасининг катта қассобларидан бирига айланган. Агар вақти бўлса, бир кунда ўнта

молни ҳам сўйиб, саранжомлаб, дўконларга юборишга кучи етарди. Бора-бора уни талаба эмас, пулдор қассоб сифатида таний бошлашади. Ўқиш ўлда-жўлда қолиб кетганидан кейин нима бўларди? Университетдан ҳайдашади...

— Тўхта, Мухтор, — деди Назар ака, — менда оғзаки нутқ йўқ, шунинг учун сенга топширдим, тартиб билан гапир, жўра. Ўқишдан ҳайдалишимдан аввал бир уйга борганман. Бу уй қолиб кетмасин ҳикоянгдан. Ҳаммаси ўша уйга боглиқ-ку, тавба! — У официантга қаради. — Пўчоқ-мўчоқларни тозаланглар, овқат-повқатларингдан олиб қелинглар. Чойни ҳам янгиланглар!

Назар ака ҳаётида рўй берган воқеани кечки овқат устида тинглар эканман, мени гоҳ детектив ёзувчи, гоҳ журналист, гоҳ шоир ўрнида кўраётган икки ҳамтовоққа нега бунчалик керак бўлиб қолганимни ҳамон тўлалигича англолмасдим. Мухтор аканинг ҳикоясида шунақа бир воқеага гал келдики, ҳафсалам пир бўлди. Бу изкуварликка оид эмас, балки арвоҳлар, инс-жинслар ҳақидаги қўрқинчли алаҳсирашга ўхшарди. Мана, Мухтор ака ҳикоя қаҳрамонининг олдида сўзлаб берган ўша воқеа:

— Бир куни Назар ака квартирасига хомуш ҳолда қайтаётганида, дарахт тагида ўтирган бир одам чақиради. «Менми?» — ҳайрон бўлади Назар ака. «Ҳа, сен», дейди бегона киши имлаб. Ҳўкизларни думалатиб юрган, бунинг устига ўқишдан ҳайдалиш арафасида аламзада ҳолга тушган бизнинг қассоб шарти кетиб парти қолган кишининг қошига бориб: «Нима гапингиз бор?» дейди ўдағайлаб. Киши ўтирган ўридан инқиллаб туриб, қўл узатади. Унинг ўнг қўлида, бошмалдоқ ва кўрсаткич бармоқлар ўртасидаги юмшоқ жойда каттакон кўзнинг, худди тирик одамнинг кўзидақа кўзнинг татуировка қилинган расми бор эди. «Ўқишдан

ҳайдашмоқчими?» — деб сўрайди у кўзларини йилтиратиб. Оғзи илжайишга монанд ғалати қийшаяди. «Сизга нима?» дейди Назар ака янада асабийлашиб. «Сен кушхонада ишлайсан, — тамшанади кимса, — университетда иккинчи курссан, квартиранг анави оқ уйнинг иккинчи қаватида. Кўрдингми, анча нарсани биламан, чунки менга... фақат нотўғри тушунма, бир довюрақ қассоб керак. Кўзлари одамникига ўхшаш молни сўйишинг керак, тушунаяпсанми?! Бугун кечаси шаҳар чеккасидаги ҳовлига олиб бораман. Лекин бошингга қоп қийдираман, қаерга, кимникига борганингни билмаслигинг шарт. Мени товламачи гумон қилсанг, молни сўйишинг учун олдиндан ҳақингни ўн баравар бераман. Розимисан?..»

Назар ака ғалати кимсага бошдан оёқ кўз югуртириб, қандай хулоса чиқаришга боши қотади: касал деса касалга, соғ деса соғга ўхшамайди. Бир кўнгли, отаси қатори бўлса-да, энтак-тентак сўзлагувчининг пешонасига бир чертиб, йўлидан кетаверишни ўйласа, яна бир кўнгли қизиқади. «Кўзлари одамникига ўхшаш молни сўйиш учун атайлаб мен ҳақимда суриштирган, маълумот тўплаган, йўлимни пойлаган бу одамнинг сири нимада? — фикр қушларини учиради Назар ака. — Қассобхонадагилар ҳазиллашмоқчими? Лекин қайси аҳмоқ мен билан ўйнашмоқчи? Факультетдаги можаролардан сўнг қанақа асабийлашиб юрганимни билишмайдими?! Ёки рўпарамда илжайиб турган нусха чиндан телбами? Телба экан, айтган пулини топиб беролармикан?»

«Ўйланиб қолдинг?» — саволмуз қараб туради сирли кимса.

«Ҳовлингизга бошимга қоп кийиб бормаيمان», — дейди Назар ака. Шунда кимсанинг кўзлари янада

йилтираб, бошини асабий чайқаб: «Менинг ҳовлим эмас...менинг ҳовлим эмас...» деб такрорлайди.

«Унда айтинг, ҳовлининг нима сири бор? Мол ўрнига одамни назарда тутаётган бўлсангиз, ҳаммангизни мол қатори сўяман! — дўқ уради Назар ака. — Биринчидан, ҳеч қачон одам ўлдирмайман, агар тентаклик қилмаса! Иккинчидан, мени қотиллик тугул, оддий товламачиликка аралаштирганларни ҳам аямасдан, ўласи қилиб дўппослаб, терисига сомон эмас, ёғочнинг қириндисини тиқиб, тирик тулупни меласага ўзим топшираман, тушундингизми? Тушунмаган бўлсангиз яна такрорлай, ака?!»

«Қасам ичиб айтаман, ҳеч қандай товламачилик эмас», — дейди кимса қўлини кўксига қўйиб.

«Мен ҳам қасам ичаман, сиз айтаётган уй эгаларининг сирини сотмайман, — қайсарлик қилади Назар ака. — Бошингга қоп кийиб бориб, молини сўясан, деб калламни қотиргунча инсон тушунадиган тилда инсонга ўхшаб гапиринг. Мен ҳам ёш бола эмасман, сиз ҳам. Айтасизми, йўқми?»

«Уй нозик бир одамники, — бир оз бўшашади кимса. — Жиноятчилар макони эмас, одам-подам ўлдирмайсан. Кўриб турибман, ҳалол қассобнинг қишлоқдан келган ҳалол студент ўглисан. Менинг ҳам эс-ҳушим жойида. Бирдан-бир сир — ўша сўйиладиган мол. У бузоқчалик вақтида ўз оёғи билан келиб қолган. Ҳовлида катта бўлган. Кейинчалик бу молнинг одамга одамдай қараётганини уй эгалари сеза бошлайдилар. Охирги вақтларда нигоҳини кўрганлар борки, эти жимирлаб, калимасини қайтаверади. Бир куни ярим кечаси молхонада кимдир гўнғир-гўнғир гаплашаётганини эшитиб қоладилар. Уй эгаси фонарь ёқиб, ичкарига кирса, молдан бошқа ҳеч ким йўқ...»

«Мол гапираётган эканми?» — масхараомуз кулади Назар ака.

«Мол эмас... — дейди кимса. — Лекин бошқа ҳеч зог йўқ эди, бирорта тирик жон кўринмасди...»

«Мол ўзи билан ўзи гаплашаётган экан-да?» — яна кулади Назар ака. Чидаялмаган кимса ёш қассобнинг ёқасига шартта ёпишиб: «Устимдан кулма, ярамас бола! Маймун ўйнатаётганим йўқ! Бўлган воқеани гапириб, молни сўйишга қассоб ахтариб келдим!» дейди.

«Нега энди сиз ахтарган қассоб мен бўлишим керак экан? — Назар ака ёқасини халос этиб, кимсани силтаб ташлайди. — Отам тенги эканингизни ҳурмат қилиб индамай турибман. Бўлмаса, бир уриб жагингизни элликтага майдалаб қўлингизга тутқазиб қўярдим!»

«Фақат сен сўёласан, бошқа гапнинг нима кераги бор?!» — ўжарлик қилади кимса.

«Нега энди мен? Тушунтириб гапирасизми ё...» — муштини дўлайтиради Назар ака.

«Сен хўп дегин, ука, — ялинади кимса. — Мен ўз фикримни айтайми? Мол оддий ҳайвон! Уй эгалари сал ваҳимачироқ, иримчироқ, ҳар хил бўлмағур афсоналарга ишонадиганлардан, холос. Ўзинг ўйла-да, ҳеч замонда мол ҳам гапирадими? Пулини ол-да, сўйиб ташлайвермайсанми!»

«Бўпти, пулини беринг», — бир қарорга келади Назар ака.

Кимса ҳар бир чўнтагидан бир сиқимдан пул чиқариб, санашни буюради. Пуллар ўз давридаги анча қадрли қизил ўн сўмликлар ва кўк беш сўмликлар эди. Назар ака санамайди. «Уй эгаларини кўрсам бўладими?» — деб яна бир марта қаттиқ оҳангда гапирган заҳоти, кимса қўл силтайди: «Қўймадинг-қўймадинг-да, у университетда домла, — дейди. — Сени танийди.

Кўрсанг, сен ҳам танийсан. Ҳовлисида гаройиб мол боққанини, ўн йилдан бери битта молдан қутулолмай яшаганини биров билишини истамайди. Эшитганлар худди сенга ўхшаб устидан қулиши мумкинми? Мумкин. Ундан ҳам баттари, домла партия аъзоси! Битта қорамол доцентнинг масаласини ҳал қилиб қўйиши ҳеч гапмас. Университетда ўқийсан, буларни мендан яхши тушунасан. Ҳозир моли ўлар ҳолатда ётибди, уч ойдирки жони чиқмаяпти. Борасан-да, бўғзига тиг тортасан-қўясан. Биз сени яхши биламиз, бошқа қас-соб ахтаради деб хомтаъма бўлма».

«Мен ҳақимда домла маълумот берган экан-да?» — тушуниб етади Назар ака.

«Ҳа», — тан олади кимса.

«У ҳолда пули керакмас, — ақчаларни қайтаради Назар ака.— Мени ўқишда қолдирсин, хизмат биздан».

Кимса совуқда тургандек жунжикиб, бурнини тортади-да, татиуровкали қўлини узатади: «Беш ташла!» Назар ака қўл ташлайди...

Мухтор аканинг ҳикояси шу нуқтага етгач, қаршим-да ўтирган Назар аканинг чап қовоги пир-пир учиб, гавдасини хиёл кўтарди.

— Мухтор, — деди у чойнакка қўл чўзиб, — эсингдан чиқибди, мен унга қўл берганим йўқ. Орадан йигирма йилдан зиёд вақт ўтди, лекин юз йил ўтса ҳам эсимдан чиқмайди, мен унга қўл бермадим. Журналист укамизга менинг ҳаётимни бузиб... йўқ, бузибмас, сал нотўғри гапирма-да энди! Мен ундан ўша куни қўлидаги татиуровка ҳақида сўраганман. Кейин қаргиш урган уйга бир ўзим бораман, демаганман.

— Ака, мен ҳаётингизни барибир зўр ҳикоя қиляпманми, йўқми? Очик айтинг, — деди Мухтор ака.— Баъзи фактларни кечиктирсам, сувавораман. Кейин...

бу журналист укамиз шусиз ҳам диққат билан тингла-
япти. Қотилни топиб беради, кўрасиз ҳали.

— Қотилни топиб бераманми? Мен-а? — овқатим
бўғзимга тиқилди. — Э, қанақа одамсиз, Мухтор ака?!
Мен бир бечора журналистман, қотил топадиган изқу-
вар эмасман-ку, акажон! Тўғрисини айтганда, Назар
аканинг бошига талабалик чогида тушган воқеани
шунчаки қизиқиш юзасидан тинглаётгандим. Аммо-
лекин қизиқ воқеа экан...

— Э, бидилламасангиз-чи! — деди Мухтор ака. —
Мана, рўпарамизда Назар ака сўппайиб, умидвор ўти-
рибди. Чорак аср илгари бу киши қандайдир тентакроқ
кимса билан аллақандай сирли ҳовлига бориб мол сўй-
ган, қотиллик ўшанда бўлган, сиз энди қотилни то-
пишда ёрдам беринг, демаяпман. Шунча йил ўтгандан
кейин қотилни қай гўрдан топасиз? Қани, овқатдан
енг, анавидан ичинг, лекин қулогингиз менда бўлсин!
Мол сўйиш воқеаси аслида катта бир жиноий ишнинг
чорак аср илгари бошланган кичик дебочаси эди.

— Чойдан ичинг, — менга пиёла узатди Назар ака.
Сўнг Мухтор акага ўқрайди. — Давом эт!

Мухтор ака ҳикоясига яна жон киритди:

— Сирли кимса Назар акага татиуровкали қўлини
узатиб, беш ташлашни сўрайди. Шунда Назар ака унинг
қўлига қараб: «Одамнинг кўзини татиуровка қилганингиз-
га қараганда, тилсимли қорамолга алоқангиз бор-ов», —
дейди худди ҳозиргидек қовоқ уюб. «Э, ўлай агар-е,
бу бир тасодиф, Варкутада қирқ йил аввал чиздирган-
ман», — деб жавоб беради кимса. Назар ака ёлғиз бора-
ман демагани ҳам рост. «Бўладиган гапни эшитинг, —
дейди Назар ака, — квартирамдаги курсдошим ҳам мен
билан бирга боради. Бошига қоп кийиб аллақаёқларга
лўкиллайдиган аҳмоқ эмасман. Болта билан бир уриб

ўлдирмасликларингга қани кафолат?» Кимса ўз фикрини айтади: «Сенинг ўлигинг бизга нима учун керак? Жонингда бировнинг қасди бўлса айт! Ижарахонангдаги курсдошингни бирга олиб кетолмайман. Агар шубҳа ўтинг сўнмаса, майли, у билан юзма-юз гаплашаман, чўнтагимда суратим ҳам бор, ташлаб кетаман. Мабодо сен қайтиб келмасанг, курсдошинг мелисага хабар беради, суратимни уларга кўрсатади, келишдикми?»

Ҳаммаси ҳалиги кимса айтганча бўлади. Курсдоши билан учрашиб чиққанларидан сўнг богча орқасида Назар аканинг бошига қоп кийдириб, томоғини бўғмайдиган қилиб, чирмаб боғлайди. Кўп ўтмай бир машина тўхтади. Йўл бўйи ҳайдовчи ҳам, кимса ҳам бир огиз гаплашмайдилар. Назар ака машина «Жигули» эканини билади. Университетда қайси домланинг «Жигулиси» бор? Факультетда иккита, университет бўйича тўққиз-ўнта атрофида. Кимлар партиёга аъзо? Бунӣ эртага бир соатда аниқлаш мумкин. Партиё аъзоси бўлмиш «Жигули»да юрадиган домлаларнинг қайси бирлари шаҳар чеккасидаги ҳовлида яшайди? Хў-ўш... Иттифоқо, Назар ака миясини бунақа тарзда ишлатишдан тўхтатади. Ахир, ҳовли эгасини ҳозир топиш унга нега керак? Уйида одамга ўхшаб тикиладиган, кечалари гапирадиган сигири у ёқда турсин, уч бошли ити-ю тухум туғадиган мушути бўлмайдами?! Муҳими, университетдан ҳайдалиб кетмаса, бас.

«Домла, — дейди Назар ака ҳайдовчига, — мен эркакман, сизнинг сир-пирингиз билан ишим йўқ. Ўқишда олиб қолиш учун гапингиз ўтадимӣ ўзи? Қанча сўрасангиз бераман. Таржимаи ҳолимни биларкансиз, яна баъзи маълумотларни айтиб ўтсам дегандим...»

«У домла эмас, ёлланма киракаш. Бегона одамга

ўзинг ҳақингда маълумотларни гапирмаганинг яхшироқ», — эътироз билдиради кимса.

«Балки домладир, — ишонмайди Назар ака, — сирли ишга кўп одамни жалб этиш хавфли. Таксичи, талаба ва сиз! Қисқаси, ўзим ҳақимда шуни айтмоқчиманки, домла, менинг отам оддий қишлоқ қассоби. Топгани болаларига етмайди. Шунда ҳам ўқиб-интилиб Тошкентга келдим. Бошида яхши баҳолар олдим. Замон борган сайин ўзгариб боряпти, хато қилганимни тушундим. Мен — қассобман! Университетни битирсам ҳам барибир қассоб бўламан! Бўлганда ҳам шаҳарнинг энг олд қассоби! Шунга қарамай ўқишдан ҳайдалиш — шармандалик! Ўқишга ўтишимга отам зигирча ёрдамлашмаган бўлса ҳам, университетдан кетиб, қассобчилик қилаётганимни эшитса, бир марта падари бузрукворимни ўлдирган ҳисобланаман... Домла, жон беролмай қийналаётган сигирингизни сўяман, гап йўқ, бундан кейин фақат бўш вақтларимда қассобчилик қилиб, яхши ўқийман. Пул топишга ўзимни уриб, хатога йўл қўйганимни жуда яхши тушуниб етдим. Келажакда қассоб бўламан, деяпман, ҳозир эса студентманми, студентлигимни қилай. Фақат... фақат ҳайдалиб кетмай, илтимос. Битта мол сўйиш билан ўқишда олиб қолишингизга ишонмаганим учун гапиряпман...»

«Домла ўқишингни ректоратдагилар орқали ҳал қилади, — дейди кимса, — ваъдами, ваъда! Ҳозир сен таксичини домла гумон қилиб бекорга огзингни огритаяпсан. Домла шундай одамки, айтганини албатта қилади. Валинеъматинг ким эканини ректоратни рентгендан ўтказсанг ҳам аниқлаёлмайсан».

Назар ака нималар демасин, ҳайдовчи миқ этмайди. Нечта чорраҳадан ўтди, қаёқларга бурилди, бошига қоп кийдирилган талаба эслаб қололмаслиги тайин

эди. Қирқ дақиқача йўл юрадилар ва ниҳоят бир ҳовлига киришгач, дарвозани ёпадилар. Кимса Назар аканинг биллагидан тутиб йўл бошлайди. Гўнг ва емиш иси тутган молхонага кирганларида, эшик ташқаридан қулфланади, кимса Назар аканинг бошини қондан халос этади. Назар ака оёқларини узатиб ётган қора сигирни кўради. Жонивор ўлим олдидан зўрға нафас оларди. Тумшугини охур тагига тикиб олгани гўёки кўзларини яшираётгандек тасаввур уйғотарди кишида. «Кўзлари одамникига ўхшармикан?» деган ўйда Назар ака охур томон юрганида, мол бирдан бошини бошқа ёққа буради. Шарпамдан чўчиб кетди, деган хаёлда Назар ака нариги тарафдан яқинлашади. Ё алҳазар, мол сомон уюм сари талпинади-да, тумшугини емиш орасига тикишга уринади. Қанчалар ажабланарли бўлмасин, қари сигир ростдан ҳам кўзларини яширишга ҳаракат қилаётганди.

«Пичоғингни ол, қассоб йигит, — амр этади кимса. — Сенга маслаҳатим, унинг кўзларига қарама. Кўрма-япсанми, кўзинг билан кўзи тўқнашишни ўзи хоҳламапти».

Назар акани совуқ тер босади, аммо ортга йўл йўқ эди. Аввалдан тайёрлаб қўйилган арқон билан молнинг оёқларини маташтириб боғлайди-да, кўзларига қарамаган ҳолда «бисмилло» айтиб, бўғзига пичоқ тортади. Мол кўп ҳам типирчиламайди: икки-уч оёқ силкиб, жонини топширади. Назар ака қора терга ботиб кетган бўлса ҳам, пешонасини артишга куч тополмайди. «Раҳмат сенга», дейди кимса. Шу лаҳзада Назар ака молнинг очиқ қолган кўзларига кўз ташлайди. Тавба-тавба, бу кўзлар... ҳақиқатан одамнинг кўзлари... Ҳатто киприклари ҳам гўзал бир хотинники каби эди... Назар ака тушунади, кимсанинг кўлидаги татиуровка оддий одамники эмас, гўзал

аёлники... Қотиллик қилгандек ўзини ниҳоятда айбдор ва қонхўр ҳис этади. Эс-ҳушини тўплаб синчиклаб қараса, сигир молхонанинг бир бурчагига кўз қадаб ўлган экан. У ёқда нима бор, деб Назар ака бурилиб қарайди. Пахса девор орасидан осилиб турган темир ҳалқани кўргач, беихтиёр ўша ёққа юради. Кимсанинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамайди...

Ҳикоямни эшитиб, бу бир афсона, деб ўйлаётгандирсиз, журналистжон? Йўқ, ҳамма кўргиликлар Назар ака ҳаётида шу ердан бошланади. Нима экан темир ҳалқа, демоқчимисиз? Пахсачилар девор орасига чўян ҳайкални кўндаланг қўйиб, устидан пахса уриб юборишган экан. Ҳайкалнинг тумшуги девор орасидан чиқиб қолган. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бу қорни билан ётиб олган сигир ҳайкали бўлиб, темир ҳалқа бурнидан ўтказилган экан. Пачоқ ҳайкалнинг фақат кўзлари яхши сақланган бўлиб, ҳозиргина сўйилган молнинг кўзларидан асло фарқ қилмас экан.

«Қаерга келиб қолдим-а?» — деб Назар ака тўполон кўтаради. Молхона ташқаридан қулфлангани учун очиб бўлмасди. Бироқ Назар ака кимсани итариб юбориб, кичкина дарчадан ҳовлига мўралашга муваффақ бўлади. Биласизми, у ҳовлида нимани кўрган?

— Нимани? — деб юбордим мен.

— Каттакон тут дарахтини, — жавоб берди Мухтор ака.

— Хўш, кейин-чи?

— Назар ака оёқ учида туриб ҳовлини яхшилаб кўрмоқчи бўлади, — ҳикоясида давом этди Мухтор ака, — афсуски, дарча анча тепада жойлашганди, айланаси мушук сигадиған туйнукдай эди, холос. Ҳовлида битта чироқ ёниқ. Уй томи шиферланган, тарнов ўрнатилган, бўғоти тўқ сариқ рангдаги фанерли. Бунақа ҳовлилар кўп, Назар ака эртасига ахтаришни бошла-

са, минглаб ҳовлиларга кириши лозим, тентак бўп кетади-ку! Боя айтганимдай, ҳовлини ахтариш Назар акага керак ҳам эмасди. «Ука, шунинг учун сени бошидан огоҳлантирдим, — дейди кимса, — бу молни уй эгалари фаройиб ҳисоблайди, деб. Биз кутгандек, сен уни сўя олдинг. Уч ой аввал келган қассоб тўппатўсиндан ўлиб қолган экан. Икки ой бурун келгани ҳозир жиннихонада ётганмиш. Сен қони қайноқ студентсан, ёшсан, мана, эпладинг!.. Кел, бошингга қопни кийдирай. Квртирангга яқин жойга машинада ташлаб кетамиз. Тез орада ўқишдаги муаммоларинг ҳал қилинади».

Назар ака дарчадан яна бир марта қарайди. Бу сафар тут шоҳлари ортида порлаётган олисдаги қизил чирокқа кўзи тушади. У аэропорт атрофидаги маёқларни эслатарди. Назар ака ўйлайди: «Ҳовлини топиш қийинмас. Университетдаги қайси домланинг аэропорт томонларда ҳовлиси, ҳовлисида молхонаси ва каттакон тути борлигини суриштираман. Уй эгаси домла экани ёлгон чиқмаса агар...»

Шу тобда ўзини янада ёмон ҳис қилади, ҳадемай хушсиз йиқилмаса гўрга эди. Ўзидан аввалги қассоблар ҳолига тушмаслик учун бошини қопга тутди. Уни молхонадан чиқариб, машинага ўтирғизадилар. Дарвоза очилади, машина кўчага юради. Ўн-ўн беш бурилишлару светофорлардаги тўхташлардан сўнг тормозланади. «Туш, ука», — дейди кимса эшикни очиб. Назар ака зўрга оёқ босади. Кимса уни йўл четига суяб бориб, бетон тўсиқ устига ўтирғизади. «Қопнинг ипи тугилиб қолибди, ҳозир машинадан қайчи келтираман», — дейди. Бироқ машина эшиги қарсиллаб ёпилгани ва моторнинг ванғиллагани эшитилади. Назар ака тугунни бир амаллаб ечиб, қопни бошидан юлиб олганида қоронғи

кўчада яккаю ёлғиз ўтирган эди: на кимса, на машина бор. Ижара уйига бир амаллаб етиб келгач, ўзини каравотга ташлайдию уч кун алаҳлаб ётади. Қишлоққа хабар берилади. Отаси бир ой шифохонама-шифохона эргаштириб юради ва тайинли ташхис қўйилмаганидан аччиқланиб, ўғлини етаклаб вилоятга жўнайди. Кимдир касалликнинг эскилик эканини айтади-ю отанинг саъй-ҳаракатлари бир четда қолиб, жиловни она эгаллайди. Нафаси ўткир муллаларга ўқитади. Фолбинлар хосиятсиз жойда мол сўйганини башорат қилишади. Сирли ҳовлидаги воқеа ҳаммадан сир тутиб келинаётган эди. Фолдан сўнг ҳам Назар ака у ҳақда оғиз очмайди. Отаси билса, қассобчиликдек касбни шубҳали одамлар манфаатига хизмат қилдиргани учун бир умр хафа бўларди. Бу орада Назар ака ўқишдан ҳайдалади. «Касаллик туфайли ўқишни ташлади» деб халққа ҳисобот берилади. Қишлоқда касал ётган кунларнинг бирида, аниқроғи, ёз ойидаги ярим кечаси ниманингдир шитирлашидан уйғониб кетади. Дераза очиқ, парда енгил шамолда ҳилпирар эди. Назар ака деразадан бош чиқаради. Маккажўхоризор ичидан кимдир уй томон секин, аммо қўполлик билан яқинлашиб келмоқда эди. Келаётган мавжудот одам эмаслигини фаҳмлаб, шкафни очади-да, отасининг қассоб пичоғини олади. Шунда ҳалиги мавжудот ҳам маккажўхоризордан бошини чиқаради. Бу ўша эди, сирли ҳовлида сўйилган қора сигир. «Сендан қутуламанми, йўқми?!» — хитоб қилади Назар ака ва деразадан сакраб тушиб, сигирга ҳамла қилади. Жонивор маккажўхориларни шитирлатиб қочади, Назар ака Африка чангалзорларидаги ёввойи овчилардек қувади. Маккажўхоризордан кейин сабзи даласи бошланади. У ердан ҳам қувлашиб ўтадилар. Катта ариқ кўндаланг бўлади. Сигир мисоли

кийикдек сакраб ўтади, Назар ака эса Хитой киноларига кун-фу усталари каби ҳавода енгил учади. Оралиқ масофа борган сайин қисқаради. Кимнингдир томорқасидаги сим тўр бурчагидан йўл тополмай тўхтаган сигирни Назар ака қайтадан бўғизлайди...

Йўқ-йўқ, унга шундай туюлганди. Аслида афсонавий сигир аллақачон сўйилган, буниси қўшнинг оддий қисир сигири эди. Қонсираган ёш қассоб ўз «чанқоғи»ни ҳуши бошидан учган ҳолда қондирганди. Қишлоқ кексалари «Назар қассобчилик қилмаса касб касаллиги бир фалокат келтиради», дейдилар. Шу-шу Назар ака қассобчиликка киришади. Тошкентга қайтиб, кушхоналарда кеча-кундуз тиним билмай ишлайди. Пул орттиради, ўзи кушхона очади. Эндиликда бозорларда ўзининг гўшт расталари бор эди. Қўл остида ўнлаб қассоблар ишлайдиган бизнесмен кейинчалик колбаса цех ҳам ташкил қилади. Салтанатида бир кунда элликталаб мол сўйиладиган вақтлар келади.

Орадан ўтган шунча йил мобайнида Назар аканинг оилавий ҳаёти қанақа бўлди, деб қизиқаётганингиз аниқ. Ҳикоянинг янада сирли, янада ачинарли қисмига гал келди. Ота-онаси Назар акани Тошкентдан чақиртиришиб, қўшни қишлоқда яшовчи мулланинг Арофат исмли қизига уйлантиришади. Тўйдан сўнг келин-куёв Тошкентга жўнашади. Арофат янга акамизга иккита қиз туғиб беради. Тўнғичининг исми Зумрад, кенжасиники Муслима эди. Ҳадемай йигирма йил ўтади-кетади, қизларнинг бўйи етади. Қизлар ҳозирча ўз йўлига. Гап улар ҳақида эмас, фақат бир жиҳатдан алоқадор, аниқроғи, беайб сабабчилар. Назар ака ўғил фарзанд ҳақида кўп ўйларди. Айрим кишилар каби у ўғилсизликни катта бахтсизлик ҳисобларди. Бундай олиб кўрсак, иккита қиз тугул битта қиз билан ҳам одам бахтли яшаши мумкин. Бе-

фарзанд турмуш кечириб ҳам бахтсизлик нима, ҳис этмаслиги одамнинг ўзига боғлиқ. Дунёқараш нотўғри илдиз отса, битта ўғли борлар ҳам армон қилади-да, «эҳ, ўғлим иккита эмас», деб. Худо иккита ўғил берса, шунда ҳам армонли ўйлар...

Мухтор аканинг ҳикоясини Назар аканинг ғазабнок йўтали тўхтатди.

— Одатда, мен ҳикоямга ўз фикримни ҳам қўшишим керак, — ўпкалади Мухтор ака.

— Қўш, лекин чайналма, — ўқрайди Назар ака. — Менинг ҳаётимни журналистга барибир чувалаштириб гапираяпсан. Уйланганимдан кейин икки қизли бўлдим, тўғри, гўшт расталари очдим, буям тўғри. Хато жойи шу — қизларимнинг бўйи етганида мен ҳали колбаса цех очмагандим. Расталарга гўшт тарқатиб юрганимда, ҳаётимда бир воқеа юз берган. Бу воқеа бошқаларига боғлиқ бўлгани учун сенга айтганман. Сен бунга айт.

Шу пайт официант учта ликобчада товуқ келтирди. Бўшаб қолаёзган ароқ шишаси ёнида очилмагани гўдайди. Назар ака огир ўйга толганди. Афтидан у етти ўлчаётганди ва айтадиганини зум ўтмай тилига чиқармоқчи эди. Ҳурмат юзасидан кутдик.

— Мухтор, бас, — деди у, — тўхтатамиз.

— Гапирмайми? Чала ҳикоя мева бермайди, Назар ака.

— Хотиним ўлдирилганини қисқача айтиб қўя қол, — қўл силкиди собиқ қассоб. — Илтимос, ўзингдан ҳар бало қўшма. Ўғил фарзанд ҳақида менинг фикрим жа сен ўйлаганчанлик эмас, Арофатнинг ҳам катта айблари бор. Ҳа, айнан айблари! Яна уйланган эканман, кўр-кўрона мени айблашнинг нима кераги бор?!

— Янгамнинг айблари ҳақида айтмагансиз. Билганим — иккита қиз туққани.

— Бу айб эмас, — гап қўшдим мен.

Назаримда, мавзу одамгарчилик қобикларини ёриб чиқмоқда эди. Аёл тўққиз ой қорнида кўтариб юрган фарзанди туғилгач, унинг қиз экани учун қандай айбдор бўлиши мумкин? Бунинг учун онани диний, тиббий, жиноий, ахлоқий жавобгарликлардан қайси биридадир айблаш инсонийлик мезонларига тўғри келармикан? Қолаверса, собиқ қассобнинг хотини ўлдирилган экан, мавзу ниҳоятда жиддий. Мен жиддийликни инсонийлик билан жиловлаб олишим керак эди.

— Назар аканинг биринчи хотини Арофат янга ўлдирилмаган, у тирик, — деди Мухтор ака менга қараб. — Қиз туққани айби эмас, фикрингизга қўшиламан. Шунинг учун қизларни «беайб сабабчилар» дедим. Қизлари балоғатга етгач, Назар ака бошқа аёл билан танишиб қолади. Иккинчи хотини бозорда кўкат сотиш билан шугулланувчи тўлачадан келган кўҳликкина қиз бўлиб, ёши йигирма бешга бориб қолганига қарамай турмушга чиқмаганди. Кимдандир яшириб, кимларнидир тўйга айтиб, никоҳ базми ўтказадилар. Бу янганинг исми Маҳлиё эди. Уч йил яшайдилар. Фарзанд бўлмайди. Икки йил муқаддам Назар ака колбаса цех очади. Ёлғиз кампир билан истиқомат қилувчи, яқинда эридан ажрашган Зарина исмли бева келинчак «санэпидемстанция»да ишларди. Назар аканинг унга иши тушади. Иш юзасидан бир неча марта ташкилотда учрашадилар. Зарина ҳусн-жамол бобида минглаб тенгқурларини чангида қолдириб кетадиган гўзал эди. Эри ҳам айнан чирой масаласида рашк қилиб, талоғини берган экан. Шахсий ҳаёти йигирмага ҳам кирмай барбод бўлганидан куйган Зарина шаҳардаги узоқроқ қариндоши бўлмиш момоникига келиб яшай бошлаганди. Қариндошлари ёрдамида ҳалиги ташкилотга ишга кирганди. Икки

хотини билан ҳам тенг яшаб юрган Назар ака учинчи хотин ҳақида хаёл сурадиган даражада хотинбоз эмасди. Бироқ Заринанинг ёлғизлигини, шаҳарда яшашидан мақсади — уй-жой сотиб олиб, бундан кейин ўзи учун умргузаронлик қилмоқчилигини эшитгач, хаёлидан «эҳ, сал кечроқ учради-да», деган ўй ўтади. Тез орада Зарина қорасини ўчиради. Ҳойнаҳой, ёш нарсани уйдагилари шаҳарда ёлғиз юришга қўймай эрга бериб юборишган бўлса керак, деб ўйлаган Назар ака янглишган эди. Кунларнинг бирида қорни оғриб, бозор биқинидаги дорихонага киради-ю аптекачи ўрнида Заринани кўради. Билардики, жувон фармацевтика бўйича ўқимаган. Иккиси ҳол-аҳвол сўрашади. Назар ака унинг дорихонага қандай келиб қолгани билан қизиқади. Зарина очикқўнгил эдими, соддадиллиги тутдими, кушхона, гўшт расталари ва колбаса цех эгаси бўлган салкам отаси қатори кишининг ниҳоятда меҳрибонлик билан оилавий шароитини суриштирганидан эридими, ҳарқалай сирини очади. Дорихона эгаси Заринанинг вилоятидан, у улгайган тумандан бўлиб, она томонидан икки авлод нари қариндош экан. Бегона шаҳарда бегона одамлар билан ишлама, деб ноқонунийлигига қарамай, дорихонага ишга олибди. Аслида вазифаси ичкарида дори-дармон идишларини жойлаштириш экану шу тобда сотувчи йўқлиги важидан бирровга турган экан. Назар ака яна икки-уч саволдан сўнг сезадикки, қариндошчилик ришталари аллақачон узилиб кетган. Аптекачи эгасиз жувонни илинтириш учун арқонни узун ташлаган, холос. Назар ака ўша кунни уйига бориб иккала хотини ҳақида ўйлаб кўради ва Заринадек навниҳол, соҳибжамол жувонга уйланиш учун улардан воз кечиш керак, деган қарорга келади. Келинчакка уй олиб бериш, молиявий таъминлаш ҳечам қийин эмасди унга...

— Тўхта! — деди Назар ака бир қошини чимириб. — Мухтор, сен гапга гапни ёмон қўшаркансан. Ҳаётимни ажойиб қилиб гапир, мен барибир ҳикоя қилолмайман, десам, қўшиб-чатма-да энди! Бировнинг ҳаётини қарорларини ўзингдан хулоса чиқариб гапираркансан. Мени хотинбоз қилиб кўрсатадиган аҳмоқона хулосаларинг умуман керакмас! Заринага уйландим, бу — тақдир эди! Тақдирдан қочиб қутулолмайман-ку! Кейин у ўлди, чунки танлаган уйи хосиятсиз макон эди. Ҳикояни талабалигимдаги сирли сигир билан боғла! Ўзинг «дебоча» дединг-ку! Мен журналист укамиздан шундан сўнг сўрайман, бу нима сир-синоат эканини.

— Тушундим. Зарина ҳомиладор бўлади, — ҳикоя ипини улади Мухтор ака, — «УЗИ»да текширишса, ўғил! Назар ака ўзида йўқ шоду хуррам эди. Заринага алоҳида ҳовли совға қилади. Бироқ қувончли дамлар узоққа чўзилмайди. Кунларнинг бирида, кеч соат ўн бирларда Заринаникига борса, эшиклар ланг очиқ. Бояқиш учинчи хотин зинапоя тагида ўлиб ётибди, ўнг қўлида пичоқ. Шу пичоқдан кўкраги тагига, кейин аниқланишича, ўпкасига зарба берилган. Ҳозиргача жумбоқ бўлиб келаётгани шуки, марҳума чап қўлида «А4» ҳажмдаги фин қоғозини гижимлаган ҳолатда ўлганди. Чангалидаги қоғозни очиб кўришади. Назар ака суратга қарайдию сесканиб тушади. Суратда нима акс этганди, дейсизми? Бир йигит бошига қоп кийиб, қўлида пичоқ билан турибди, оёқлари остида эса сўйилган қора сигир! Ҳа, молнинг кўзлари шахло кўзли қизларникидан андоза олиб чизилганди. Юқорироқда учта аёлнинг боши тасвирланган. Нўноқ рассом ўхшатолмаган эса-да, бу бошлар Арофат, Маҳлиё ва Заринаники эканини пайқаш мушкул эмасди. Тергов-суриштирув, экспертиза ходимла-

рининг текширувлари шуни кўрсатадики, Заринанинг ҳузурига кечаси бир йигит келган. Гарчи йигитнинг шахси ва айнан у пичоқ урган-урмагани аниқланмаган бўлса-да, қотилликда гумон қилинади. Йигит ким эди? Нега у Заринани ўлдирди ёки ўлдиришга уринди?

Булар ҳақида ўнлаб тахминлар олга сурилади, гумондорлар қамоққа олинади. Ҳатто айрим экспертлар Зарина бахтсиз ҳодиса туфайли ўлган, анави йигит қўрққанидан қочиб кетган, деган фикрларни ҳам айтишади. Ҳақиқатан, бир тоифа текширувчилар очикдан-очик қотиллик қилинганини рад этишади. Оддий қилиб айтганда, ё усталик билан суиқасд уюштирилган, ё бахтсиз ҳодиса рўй берган, яъни Зарина зинапоядан йиқилаётиб ўзига огир жароҳат етказган. Мана шу мен айтмоқчи бўлган фожиали ҳикоя! Етмай қолган айрим далилларни, лавҳаларни Назар аканинг ўзидан сўрайсиз. Бу киши ҳикоя қилишдан кўра савол-жавобларга яхшироқ жавоб беради, шу сабаб менга бошланмасини юклади. Назар акани қийнаётган муаммо — мархуманинг қўлидаги сурат эди. Ажабланарлисиз, Назар ака талабалик чоғида бир ҳовлига бориб кўзлари одамни-кига ўхшаш сигирни сўйганини Заринага ҳеч қачон айтмаган, раҳматли бировдан бу ҳақда эшитгани ҳам даргумон. Ҳа, Зарина янгамиз сигир воқеасидан бутунлай беҳабар эди. Суратни ўзи чизмагани ҳам аниқ. Ҳўш, сурат қаердан келиб қолди? Ё уни қотил «саҳналаштирдими»? У ҳолда қотил Назар аканинг ўтмишини қаёқдан билди ва нега айнан учинчи хотинини ўлдирди? Учта аёл сурати Назар аканинг уч хотинига ишорами? Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Хотинлар навбат билан, кичигидан бошлаб ўлдириб кетилади, демоқчими? Қайси гуноҳлари учун? Йигирма беш йил аввал сўйилган сигирни дебми?

Мухтор ака ароқдан сузилган кўзларини менга тикди, Назар ака эса сочиқ учини ўйнаб, хаёлга толди.

— Фожиа қачон бўлган? — деб сўрадим.

— Ўтган йили, ўн еттинчи июнда, — жавоб берди Мухтор ака.

— Милициянинг ўнлаб ходимлари тополмаган экан, мен қандай топаман? — икки ҳамтовоққа бир-бир қарадим.

— Менимча, сиз ҳозиргина тергов-суриштирувни бошлаб бўлдингиз, — Назар ака чой ҳўплади. — Лекин «Қотиллик қачон бўлган?» деганингизда савол тўғрироқ бўларди.

Улар Заринанинг қотилини фош этишимни мендан ҳазил тариқасида сўрамаётгани ҳақиқат эди. Тавба, ҳикоя хотимаси ҳечам бу қадар реал тус олмаганди-я! Наҳотки, бугундан бошлаб мен ҳам машъум сюжет давомида пайдо бўлган янги персонажга айлансам?

— Очиғи, бирор ёрдамим тегишига ишонмаяпман.

— Мухтор сизни тавсия этди, — кўзларини лўқ қилди Назар ака. — Шу йигитга гапириб берсак, оз бўлса ҳам, нафи тегиши аниқ, деди. Шундай мавзуларда мақола ёзганмисиз? Ёзган одам ҳаводан олмайди, шундайми, ука? Битта мавзуда миясини кўп ишлатган одам пир бўлади.

— Ҳаводан-ку олмаганман. Хўп, сизнингча, қандай ёрдамим тегиши мумкин? Бу ҳикояни ипидан игнаси-гача уларга, орган ходимларига ҳам айтиб бергансиз. Шунда ҳам гумондор йигит топилмабди-ку.

— Милиция афсонага кўп ҳам эътибор қаратмади, — деди Назар ака. — Сўнгги умидим афсонадан. Юз фоиз ишонч билан айтаман, Заринанинг ўлимига мен йигирма беш йил аввал сўйган сигир воқеаси алоқадор. Ўтган йили терговчи ёзиб берганларимни қизиқиб ўқиди, лекин алахсираш ёки муҳим бўлмаган нарсалар деб қаради. Қандай исботлай? Сирли кимсанинг фотосуратини курсдошим йўқотиб қўйганди. Олти ой ав-

вал у вафот этди. Уйига бориб, хотинидан альбомини сўрадим. Курсдошим ҳардамхаёл эди, ўзим шахсан ахтарсам сурат топилишига ишондим. Синчиклаб ахтардим ва дўстим йўқотган суратни топдим, милицияга бердим, йигирма беш йил аввалги раем орқали топиш мумкин-ку, дедим. Барибир жавоб йўқ, садо йўқ.

— Демак, мен қора сигир ҳақидаги афсона орқали қотилни топиб беришимни истайсиз? Худди кинолардагидек!

— Шунга яқинроқ, — деди Назар ака аввалгидан-да асабий чой ҳўплар экан.

— Ёрдамингиз асқотишига бир сабаб бор, — гап қўшди Мухтор ака.

— Бугунча етар-а? — пиёлани дўқ этиб қўйди Назар ака.

— Албатта, — дедим мен. — Умуман, етади! Етиб ортади, ҳурматли акажонлар!

Назар ака яна овқатга манзират қилди. Еб-ичиш давомида собиқ қассобнинг кайфи сезиларли даражада ошди. Зиёфатнинг туби кўринган эди. Ўтган бир соат ичида мен Заринанинг ўлими юзасидан бирор жўяли гап айтмадим. Мавзуни унутишни хоҳлаётганга ўхшардим. Шунда ҳам Назар ака қўнгил узмаётганига қараганда, каминани очилмаган яна бир саҳифа кутарди. Мухтор ака ҳам бежиз «Ёрдамингиз асқотишига бир сабаб бор», демади.

— Тўйтепага ташлаб келасиз, — деди Назар ака менга. — Кайфим ошиб қолди, «Нексия»ни бу ҳолимда ҳайдолмайман.

— Умримда рулга ўтирмаганман, — кулдим мен.

— Бўлмаса, ёнимда йўл кўрсатиб борасиз, светофор чироқларини аниқ турасиз. Қайтишда, бир таксичи укага тайинлайман, Тошкентга ташлаб кетади. Мухтор ўзининг меҳмонхонасида қолади. Тўғрими, Мухтор?

— Ҳа, Тўйтепада менга нима бор? — оғзини қий-шайтирди Мухтор ака. — Эрталаб нашриётларга учрашаман, Тўйтепадан-келаманми судралиб! Пешингача ишимни битириб, вилоятга қайтишим керак.

Биз Чорсу бозори яқинидаги меҳмонхона дарвоза-сида Мухтор ака билан хайрлашиб, «Нексия»га ўтир-дик.

— Чорсу атрофидаги йўлларни ўлардек мастлигим-да ҳам яхши биламан, — деди Назар ака, — лекин Жанубий вокзалда адашмайлик, хўпми? Сиргали йў-лига тушиб, кўприкдан Қўйлиқ йўлига ўтиб оламиз. Маъқулми? Нега индамайсиз?

— Бурилишларни эслолмайман, — дедим мен. — Жа-нубий вокзал орқали Қўйлиққа аввал ўтсам ўтгандир-ман... — Елка қисдим. — Таксида юрганингда ҳар бир бурилиш ёдда қолмас экан.

— Бошимга қоп кийдиришсагина эслолмаслигим мумкин, — кўрсаткич бармогини ўқталди Назар ака.

— Бояги гаплар ростми ўзи?

— Нима, ишонмадингизми?

— Сирли жиноятлар содир бўлишига ишонаман, аммо одамга ўхшаш сигир ростдан афсона.

— Шундай деб ўйлайсизми?

— Ҳа.

— Фикрингизни ўзгартирмайсизми?

— Йўқ, ака.

— Қўйлиқ йўлига тушганимизда, бир оз юриб, да-лалар ёнидан ўтамиз. Очиқ ҳавога чиқиб, сигарет че-камиз. Ўша ерда бир гап айтаман.

Мен шаҳар чеккасида учрайдиган қизил чироқлар порлаб турадиган узун-узун устунлар ҳақида ўйладим. Ҳойнаҳой, Назар ака бир вақтлар сигир сўйилган ҳов-лини топганини гапирса керак. Дала этагидаги устун-

ларнинг қизил чироқлари ҳовлини топишга хизмат қилгандир.

«Нексия» йўл четида тўхтади. Биз йўл ёқасида туриб, тунги далага тикилдик. Назар ака сигаретини босиб-босиб чекаркан:

— Сизга катта сирни ишонсам бўладими? — деб сўради.

— Ишонмасангиз айтманг, — жавоб бердим мен. — Умуман олганда, бировларнинг сирини ёйиб юрадиган одатим йўқ.

— Яқинда ўша ҳовлини топдим, — шивирлади у менга ўгирилиб. — Қалай?

— Йигирма беш йилдан кейин-а? Қойил, — мийғимда кулдим.

— Бунини нега Мухторга, милицияга, прокуратурага айтмаганимни ҳозирча билмай турганингиз маъқул. Хотиним Зарина мендан анча кичик бўлса ҳам, шунчалик ёқиб қолдики... ҳеч кимни бу қадар севмаганман... Ҳа, шу ёшимда уни севдим десам ҳам бўлади. Уйим йўқ деганида, сотиладиган уй ахтаришни буюрдим. Бечора бир ой излади. Шаҳар марказидан... яъни марказрогидан топди. Бориб кўрдим. Яхши... Арзон экан нисбатан... Сейфимдаги пулларни олиб келдим. Бир кунда совға қилдим ҳовлини. Нега арзонлигини суриштирмайманми? Аввал кимлар яшаганини маҳалладан сўрамайманми? Ишқилиб, кимдир, арзон сотдинг, деб эгасини айнитмаслиги учун шошдим. Зарина ўлганидан кейин боргим ҳам, эслагим ҳам келмади ҳовлини. Унга зор жойим ҳам йўқ эди. Уч ҳафта аввал телефоним жиринглади. Уйга қараб қўйинглар, деб қўшнига калитларни, телефон рақамимни бериб қўйгандим. «Омборхонангизнинг биз томондаги девори қулаб тушди», деди қўшни. Бордим.

Ҳовлига киришда чап томонда, ҳаммомга туташган битта хона омбор вазифасини ўтарди. Аввалги эгаларидан қолган ашқол-дашқоллар ётарди. Уста чақириб, деворни таъмирлатиб, сўнг ҳовлини сотиб юборишга қарор қилдим. Усталар иш бошлади. Кечқурун яна телефоним жиринглади. Устабоши мени чақирли. Омборнинг ҳаммом тарафдаги девори ҳам ёрилган экан, бир қулоч жойи ўпирилиб тушибди. Қарасалар, ҳаммом ва омбор ўртасида яна бир девор, аниқроғи, пахса девор ва бўм-бўш оралиқ бор экан. Усталардан бири қизиқиб фонар тутибди. Девор оралиғидан чиқиб турган пачоқланган флягага кўзи тушибди. Бу нималигини тасаввур қилипсизми?

Қўлларини силкиётган, кўзлари ёнаётган Назар аканинг аҳволини тушундим. Айни дамда фляга аслида нима эканини англадим.

— Кўнглим сезяпти, Назар ака, — дедим. — У фляга эмас...

— Баракалла! Фляга эмасди! У худди ўша эди! Мен йигирма беш йил аввал кўрган сигирнинг чўян ҳайкали! Темир ҳалқаси ҳалигача осилиб турибди. Усталар рангим оқариб, титраб кетганимга ҳайрон қолишди. Биласизми, ука, Зарина келиб-келиб ўша бехосият уйни танлаган экан. Йиллар ўтиб, молхона бузилган, уй қайта қурилган, тут эса кесилиб кетган, сигир ҳайкали жойлашган деворни бузишга эса негадир журъат қилишолмаган. Бир ёгига ҳаммом, иккинчи томонига омборхона қуриб, пахса деворни ўртада, абадий қоронғиликда қолдиришган.

— Наҳотки, сиз талабаликда сирли сигирни сўйган ҳовлингизни сотиб олгансиз?

— Айтаяпман-ку! Ҳаммаси тушдан фарқ қилмасди. Молхонанинг жойлашувини, сигирни сўйган жойимни пачоқ ҳайкалга қараб тасаввуримда жонлантирдим.

Сўнг дарча ўрнини ҳам тахминан белгиладим ва омборхонадан чиқиб, нимани кўрдим, денг!

— Нимани?

— Телеминорани... Юнусободдаги телеминорани! Ўшанда тут шохлари орасидан кўринган қизил чироқлар телеминораники экан... Тентак бўлиб қолаёздим, ука! Усталарга ҳовлининг ўртасини қазитдим, тўнка чиқди. Кесилган тут тўнкаси эди. Энди айтинг, Заринанинг қўлидаги расм қотилликнинг ягона калитими?

— Ягона калит бўлмаса ҳам, алоқадорлиги катта, — дедим. — Нега милицияга хабар бермадингиз, Назар ака? Улар аввал гумонларингизни алаҳсираш деган бўлса, энди жиддий эътибор беришади. Мана, далил деб чўян ҳайкални кўрсатасиз.

— Мен кутган саволни бермадингиз, ука, — ранжиди Назар ака.

— Қандай савол?

— Чўян ҳайкал билан тут дарахти тўнкаси топилган экан, нега мен ҳовлини сотган одамнинг ёқасидан бўғмадим? Талабалигимда бошимга қоп кийдириб уйларибга келтиргансанлар, мол сўйдиргансанлар, ўқишда олиб қоламан, деб алдагансанлар, хотинимнинг ўлимида ҳам сенларнинг қўлларинг бор, десам бўлмасмиди?

— Сиз ҳақсиз.

— Аввал ёши улуг қўни-қўшнилардан сўраб-суриш тирдим. Улар йигирма йилча муқаддам ҳовлининг асл эгаси хотини билан бирга автохалокатга учраб ўлганини айтишди. Мен ўйлаганимдек, университетда домла эмас, театрда рассом бўлган экан. Бефарзанд ўтган. Ҳовлини бизга сотган одамнинг уйига дарҳол етиб бордим. У ҳовли хотинига қариндошидан мерос

қолганини айтди. Уй эгаларининг суратларини кўрса-тишни илтимос қилгандим, кўрсатди. Татиуровкали кимсанинг суратини альбомда учратмадим.

Назар ака бир зум даладан кўз узмай қолди. Уни ич-ичидан яна бир дард эзаётганини фаҳмладим.

— Ҳовли ўша экани ҳақида ҳозирча фақат сиз-га ёрилдим, — деди у. — Нега Мухторга, милицияга, прокуратурага чопиб бормадим? Ҳайкал ўтган йили то-пилганида, терговчининг хонасига ўпкамни қўлтиқлаб югурардим, ҳовлиқардим, дунёни бошимга кўтариб тўполон қилардим. Нима учун энди яширинча иш ту-тишга қарор қилдим?

— Сизни диққат билан тинглаяпман, ака.

— Дардларимни қалин дафтарга ёзганман. Уйга бор-сак, бериб юбораман. Ўқиганингиздан кейин яна гап-лашамиз, хўпми?

— Жон деб ўқийман. Одамнинг ичини қизитмай ай-тинг, нима учун мени танладингиз?

— Аввал дафтаримни ўқиб чиқинг, — деди у.

Тўйтепадан ярим тунда қайтдим. Дафтар ажи-бужи ҳарфларга тўлиб-тошганди. Бошидаги икки-уч саҳифа-сига кўз югуртириб, тақдир, умр, гуноҳлар бобида-ги чалакам-чатти хулосаларни ўқиб, заррача қизиқиш ҳис этмадим.

Мухтор ака эрталаб қўнғироқлашиб, кеча кўп ичиб юборганини айтди-да, ажалга рўпара қилгани учун узр сўради.

— Қанақа ажал? — дедим тушунмай.

— Маст одамнинг машинасига ўтириш — ажал! Бун-дан кейин Назар акага яқинлашманг, виждоним қий-наляпти.

Мухтор ака кечаги гапини тескари гапирмоқда эди.

— Ўлдирилган учинчи хотин воқеаси қулоққа илинган лағмон эмасми? — дедим жаҳлим чиқиб.

— Бўлган воқеалар! Лекин бошингизни қотирмаслигингиз керак. Бу мендан сизга акалик маслаҳатим.

— Унда нега тавсия қилдингиз, Мухтор ака?

— Ўзи қўймади.

— Мени чақиришингизни сўраб қўймадимми? Қаёқдан таниркан?

— Татиуровкали кимсанинг суратини кеча кўрсатганди, — Мухтор ака ҳорғинлик пардасида сўзлади. — Расм саксонинчи йилларнинг бошида туширилган, оқ-қора рангда, анча эскирган. Шунга қарамай, ҳалиги кимсанинг орқасидаги кулиб турган одамлардан бирини танидим. Тасодифга ҳам ҳайронсан-да. У киши Худоёр ака эди, сизнинг домла амакингиз. Биласиз, саксонинчи йилларда талабаларини Тошкентда ўтказиладиган спорт мусобақаларига тез-тез олиб келган. Бу ҳақда пойтахтда ишлаб юрганимда амакингиз шахсан менга гапириб берганди. Эсингиздами, интервью тайёрлаганим, суратларини ҳам газетага чиқартирганим? «Татиуровкали кимсани мана бу киши таниса, ажабмас. Жияни ҳозир Тошкентда, газетада ишлайди», деганимни биламан, Назар ака сизга ёпишди-қолди.

— Нега қишлоққа бориб, амакимга учрашмади?

— Бир нимани ўйлаган бўлса керакки, аввал сизни чақиртирди.

Мухтор ака яна бир марта узр сўраб, телефонини ўчирди. Кеча автоҳалокат рўй бермаганини мен ҳам мўъжиза ўрнида қабул қилдим. Сешанбада иш қизгин кечарди, дафтарни уйга ташлаб кетдим. Тушга яқин бошим оғриди. Кечаги бемаврид зиёфатнинг касри эди. Кўз олдимда Назар ака билан Мухтор аканинг устма-

уст ичишлари жонланди. Таҳририят биқинидаги ошхонада муздек пиво сотиларди.

— Қалайсиз? — қорнини силаб пешвоз чиқди Отабек деган ошхоначи.

У ўттиз уч ёшда бўлса-да, ҳалигача уйланмаган эди. Бир гал ҳаёти ҳақида гапирганди: ўрта мактаб, ўқишдан йиқилиш, армия, савдогарлик, фирмада иш юритувчилик, вокзалда чипта сотиш, кабобпазлик, ошхонани ижарага олиш, ота-онасининг вафот этиши... «Хоббимни эшитсангиз, қотасиз», деганди. Айтишича, Қорбобо ёки Микки Маус, ҳатто қўрқинчли махлуқлар кийимларини кийиб, байрамларни қиздиришни ёқтираркан, ҳафталаб тайёргарлик кўриб, ҳафталаб ўз қаҳрамонлари қиёфасидан чиқолмас экан. Назаримда, Отабек ҳаёлий ҳаёт кечирарди ва ҳақиқий ҳаётни унутиб қўйгандек эди.

— Кеча кўп ичибман, — дедим унга ёқадиган оҳангда.

— Э, мен учта жойда ўтирибман! — хурсанд бўлди Отабек. — Келинг, эллик-эллик оламыз!

— Йўқ, ишдаман, — дея газплитасига кўз ташладим. — Айтинг, аччиқ қора чой дамлашсин.

— Чорсуда ўтирдик, кейин Қўйлиқда ичдик. Тўй-тепага кетишдаги мармар ошхонани биласизми? Ўша ерда ҳам зиёфатни давом эттирибмиз... Ҳой, битта қора чой опкелинглар! Аччиқ бўлсин!

Отабек ҳайронлик-ла қараганимга янада илҳомланди:

— Ошналарим кўп-да, ўртоқ. Бизники ҳар куни машат!

— Сиз айтган жойларда кеча мен ҳам ўтирдим-ку!

— Айнан қайси ошхоналарда? — кўзлари чўғланди Отабекнинг.

— Ростини айтсам, фақат Чорсуда. Лекин Қўй-лиққа ҳам бордим, Тўйтепага ҳам. Танишимнинг кайфи ошиб қолганди, уйиға ташлаб келдим.

— Шунақа демайсизми? Иш билан юрган экансиз-да! Биз эса... — Отабек кўрган-кўрмаган зиёфатларини кўкларга кўтарди. Кейин: — Бир кунда уч-тўртта ресторанда ўтириш жонга тегиб кетган! — деди жўшиб. — Ўзимнинг ошхонамни ҳисобга олмайман... Эҳ, шу қарашингизда сиздан яхши Капитан чиқаркан.

— Қанақа капитан?

— Қаҳрамонларимдан биттаси! «Хеллоуин» учун ўзим яратганман. «Хеллоуин»га қизиқасизми?

— Бидъатларни ёмон кўраман, — очигини айтиб қўя қолдим.

Ошхонадан бош огриғимга огриқ қўшиб чиқдим. Шу ҳолимга кечқурун Назар ака қўнгироқ қилди.

— Ярим кечагача бўлсаям ўқиб, эрталаб телефон қиламан, — дедим зўрга.

— Қаерда тушлик қилдингиз?

Савол мени таажжубга солди.

— Таҳририятга келдингизми, ака?

— Йўқ. Таҳририятнинг орқасидаги ошхонадами ёки бинонинг олд томонидаги «Анҳор чироги»да овқатландингизми?

— «Анҳор чироги»да. Нега буни сўраяпсиз?

— Хафа бўлмасангиз, дафтарни ўқиб чиққанингиздан кейин гаплашсак, дегандим, ука.

— Майли, ўзингиз биласиз.

— Ишхонангиз атрофидаги идораларга ишим тушганида иккала ошхонага ҳам кирганман. Иккаласиям ярамайди.

— Овқатнинг фарқига унчалик бормаيمان. Агар жа тузи, ёғи, пиёзи кўпайиб-камайиб кетмаса, албатта... — гап овқатга бурилганидан ҳамон ҳайратда эдим.

— Ёзувнинг фарқига жа борасиз-да, тўғрими? — деди Назар ака. — Дафтарни еттинчи саҳифадан бошлаб ўқиганингиз дуруст.

* * *

Назар аканинг дафтарида маврид-бемаврид гаплар жуда кўп эди. Қанчалик қайчиланганини айтиб ўтирмасдан, керакли гапларни бир оз таҳрирда тақдим этаман. Ҳа, ўшанда елим ёпишган еттинчи-саккизинчи саҳифаларни секин ажратдим ва қуйидаги сарлавҳани ўқидим: «Уч марта уйланган эркак дардлари».

— Тошкентдаги кушхонада қассобчилик қилиб юрган кезларим, — деб бошланганди сарлавҳа остидаги хатбоши, — отам бир ҳамқишлоғимдан гап тайинлаб юборибди. Шу ҳафта уйга борармишман, мени мулла бобонинг кенжаси бўлмиш Арофат деган қизга уйлантирармиш. Муллани танимаган одам йўқ. Бироқ Арофатни кўз олдимга келтиролмадим. Адашмасам, мендан беш ёш кичик эди. Мактабда бошқа қишлоқнинг қизларидан олти-етти ёш катталарни ва тўрт-беш ёш кичикларни танирдим, мулланинг қизини эса эслолмадим.

«Учрашмайманми? — дедим онамга. — Қизни аввал бир кўрай, гаплашай. Менга тўғри келадими, йўқми, нега отам бирдан ваъдалашиб юрибди, ҳайронман».

«Шунақа гапларингни қўй! Келинимиз ойдек! — жавради онам. — Мулла бобонинг қайси қизи ёмон?! Қайтанга қишлоғининг аёллари, опаларидан ҳам меҳнаткаш, пишиққина, деб мақтади».

Қўшни қишлоқлик дўстим ҳам ҳеч ким билан юрмаган, истараси иссиқ, чиройли эканлигини, совчиси кўплигини гапириб, юрагимга ўт қалади.

Арофат ўрта бўйли, узун малла сочли, уятчан, оддийгина қишлоқ қизи эди. Ниҳоятда гўзал ҳам, хунук

ҳам деёлмасдим. Кўзимга жилмайиб қараши юрагим-ни жизиллатгани рост эди. Катталар айтгандек, «хотиннинг фарқига борармидим», эл қатори уйландим. Чиллани қишлоқда чиқармадик. Йигирма кун деганда, «Газ-53»ни буюртма қилиб, Тошкентга жўнадик...

Бугунги кунда мени хотинбозликда айблашади. Уч марта уйланган бўлсам-да, ўзимни хотинбоз ҳисобламайман. Гап номимни оққа бўяшда эмас. Менимча, хотинбоз дегани, бу — бошқа масала. Хотинбоз уйида гулдай хотини туриб, дуч келган қиз-жувонга суқланиб қарайди, илинтириш пайида юради, кўчадагилардан пуллари аямайди, яширинча никоҳ ўқитади, истаса, никоҳсиз ҳам яшайверади. Мен-чи? Арофатга кўниб яшамадим, отамнинг ўз фарзандларига намуна бўлган сўқмоғини бузиб, бобомнинг умрбод яшаган боғини тўздирдим. Шукрли ва ношукр бандалар ўртасидаги одам эдим мен. Дарҳақиқат, битта хотин билан қўша қаришни хоҳламаганмидим? Ниятим аввал бошда бутун эди. Уй-жой сотиб олганим, қайта таъмирлатиб, мебеллар билан тузаганим, машинали бўлганим, гўшт расталари сонини оширганим — бу ишлардан кейин яна бир хотиннинг ташвишига тушганим... Одамлар орқамдан «бунақалар пули кўпайса, хотинни иккита қилишни ўйлайди», деб нафратланиб гапиришарди. Пулдорлик имконияти каминага гаройиб давралар эшигини очганди. Танишларимнинг хотинлари янги урфда кийинган, хушчақчақ, тили билан дили кийикдек ўйнаб турган офатижон хонимлар эди. Улар билан ресторанда ўтирганимизда, дала ҳовлиларда ҳордиқ чиқарганимизда, менга нимадир етишмаётганини ҳис этардим.

«Ҳамма нарсам бор, замонавий хотиним йўқ...»

Ҳа, шундай фикрга келдим. Арофатнинг қишлоқ шеvasида сўзлашиши, ўзини эллик ёшли хотинлардек

вазмин тутиши, ҳазилларни тушунмаслиги, фақат тўйлару базмлардан олдин пардоз қилиши, уйда эски кийимларда юриши, қишлоғида ҳафталаб меҳмондорчиликда қолиши йиллар ўтиб асабимга тегадиган бўлди. Орзу-ҳавасим қиялаб кетаверди, кетаверди, бир кун қарасам, «туппа-тузук» хиёнатчига айланибман. Яъниким, мен беихтиёр равишда бегона қизжувонларга зимдан қарайдиган бўлгандим. Бу вақтда икки қизим — Зумрад ва Муслиманинг бўйи етиб қолганди.

Уларни ташлаб кетишни хаёлимнинг бир чеккасига келтирмасдим, аммо кўнглимнинг деворига чизилган сувратдаги шўх хотин билан яшаш ҳам ўй-хаёлимни тарк этмасди. Гўё тақдир чорраҳасида иккиланиб турардим. Бирор жувон илинадиган бўлиб бўй кўрсатса, илинтираман. Кўз сузмаса, Арофатга чидаб эллик-олтмиш ёшни уриб қўяман, ундан у ёғига ҳойнаҳой олифта хотинни орзу қилмасам керак.

Гўшт растамнинг олдида бозорни кўндаланг кесган кўкат расталари жойлашганди. Маҳлиёни шу ерда учратдим. Бошқа хотинни тусаб қолган эмасманми, ҳар гал унга зимдан қараб ўтардим. Суриштирсам, турмуш қурмаган, ёши йигирма тўртда. Ҳар кеч ундан кўкат сотиб олардим. Қиз: «Келинойим яхшимилар?» деб сўрайдиган бўлди. Демак, нигоҳимда ички дунём кўринган ва у хотиним бор-йўқлигини билиб, шунга қараб иш тутмоқчи.

Бир куни қармоқ ташладим. Гўшт олмоқчи эди, ўзим растасига элтиб беришимни айтдим. «Сизга бепул, бирор кун ҳисоб-китоб қиларсиз», дея пулини қайтардим. Маҳлиё қизариб кетди. Фурури устунлик қилиб, пулни чўнтагимга тиқиштиришга уринди. Атрофдаги кўкат сотувчилар бизга маъноли қараб қўйишди. Ўртамизда нимадир борлигини на бошқалардан, на ўзи-

миздан сир тутардик. Маҳлиё ҳам тормозни босишни истамади. Мени кўрганда аввалгидан-да ширин товуш билан сидқидилдан салом берадиган бўлди. «Яна бир қадам ташлашим керак», дедим ўзимга ўзим. Кечқурунларнинг бирида бозордан чиққан эди, йўлини тўсдим: «Юринг, ташлаб қўяман». У машинамга ўтиргач, бозордаги баъзи хотинлар иккимизни гап-сўз қилганини гапириб, қарғанди. «Эътибор берманг, биз ёмон иш қилганимиз йўқ-ку», дедим ва қулогигача гуноҳга ботиб яшаётган танишларим ҳаётидан мисоллар келтирдим. Афтидан унинг ҳам айрим дугоналари эрларига хиёнат қилган эмиш.

Ўша куни биз хилват ресторанда кечки овқатни бирга едик. Мен хотинимда кўнглим йўқлигини, қолаверса, иккита қиздан сўнг туғмаганлигини, мен эса ўғилли бўлишни хоҳлашимни гапирдим. Маҳлиё фикримни маъқуллади. Тобора бойиб бораётганимни, колбаса цех очиш режамни ҳам яширмадим. «Шу ёшгача эрга тегмабсиз, куёв қанақа йигит бўлиши керак?» сўрадим ундан. Маҳлиё идеалидаги йигитдан умидини узган ҳолда: «Мени тушунган одам бўлса, турмуш қуриб кетавераман», — деди. Анча вақтдан бери бошқа хотин ахтариб юрганимни айтдим. У дарров кўнмади, лекин узоққа ҳам чўзмади.

Бозордаги сотувчи қизга уйланганимни Арофат уч ойдан сўнг билди. Жанжаллашишга бормоқчи эди, дедим: «Агар мени бозордагиларга шарманда қилсанг, жавобингни бераман, Тошкентда яшаттирмайман! Икки қизинг билан қишлоққа кетсанг, чангга ботиб, тутун сасиб юрасан!..» Арофат йиглаб-сиқтади, ўдағайлади, ялинди, мен Маҳлиёдан воз кечмадим. «Мусулмончиликда икки хотин билан яшаш гуноҳ эмас-ку», дедим Маҳлиёникида уч кунлаб тунаб қолишни бошлаганимда. Шунда Арофат кўзлари қонга

тўлиб, нафрат билан қаради. «Отам мулла бўлиб икки-та хотин олмади, сиз ҳар куни ароқ ичиб, зиёфатма-зиёфат юрасиз, мусулмончиликни тушунармидингиз?! Катта хотин розилик берсагина эр иккинчи хотинга уйланиши мумкин. Бировларнинг эрига тегиб оладиган мегажинингизга айтинг, бир умр қарғаб яшайман! Агар бирор кун йўлимда учраса, бўғиб ўлдириб, кейин ўзимни деразадан ташлайман! Учинчи хотинга уйлана-сиз, тўртинчисини топасиз! Қани, ғарлик билан қаер-гача бориб, нималарга эришар экансиз!» — деди у.

Бора-бора Арофатга қўл кўтарадиган бўлдим. Уйим-ни тинчлик, меҳр, хосият тарк этди. Қизларим мендан бешиб қолишган эди. Айниқса, тўнгичим Зумраднинг юзидан кулги йўқолди, сал нарса учун синглисига шунчалик ғазабнок қичқирардики, феъли ёмонлиги учун келажакда ҳеч ким келин қилмаслигидан, оила кўрса, барибир эри билан бахтиёр яшолмаслигидан кўрқардим. Ҳатто шифокорга кўрсатдим. Оилада тинч-лик йўқлиги, онасининг хўрланиши, отасининг яна бир хотини борлиги... Шу каби сабаблар навнихол қизни эзиб, янчиб, мисоли бир заҳарли янтоққа айлантириб қўйган эди. Кўшнилари унга Қиммат деб лақаб қўйиб олишди.

Шунда ҳам кўзим очилмади. «Маҳлиё менга ўғил туғиб берсин, кўрасан кейин!» деб бақирдим бир куни Арофатга.

«Ким туғмасин дебди? — чайқалиб кетди Арофат. — Нимани кўраман кейин? Кўтариб келиб мақтанасизми ўйнашингиздан бўлганми?»

«Кўзингдаям, сўзингдаям нафратдан бошқа ҳеч нима йўқ! — дедим ғазабим тошиб. — Шу гапинг учун... агар ўғлим туғилса, шу уйни номига ўтказиб қўяман! Кўчада қоласан! Нима, ҳаммасига мен айбдорманми?»

Ўзингга қараб юрганингда, феълингни тузатиб олганингда, бошқа хотинга уйланишни ўйламасдим ҳам!..»

Биз жанжаллашаётганимизда, қизим Зумрад кўзлари ёшга тўлиб, ранг-рўйдан қон қочиб телевизорга, аниқроғи, бир нуқтага тикилиб ўтирганди. Ўрнидан сакраб туриб, ошхона эшигини шарақлатиб ёпди. Ёпаётиб у ҳам худди онаси каби менга нафрат билан қараганини кўрдим. Муслима қизим ҳам бирпасдан сўнг опасининг ортидан шошилди. Эр-хотин ҳамон бақир-чақир қилардик. Айни дамда низолар қизларимнинг жонига тегиб кетганини тушуниб турардим. Тушунганим сайин «Мен нима қилай? Бир умр Арофатга чидаб яшашим керакми?» деган нидо қалбимнинг тош деворларига урилиб, акс садо берарди.

Кутилмаганда, Муслиманинг даҳшатли чинқириви эшитилди. Ошхонага отилиб кирганимда, Зумрад билагини пичоқ билан кесаётганди, шошилишда арқонни узаётган каби жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди у. Оқарган ранги, силкинаётган сочи, шиша сингари совуқ кўзлари, қовжираб қолган лаблари ҳеч қачон кўз олдимдан кетмаса керак.

«Тез ёрдам» келгунча хотиним иккимиз қонни тўхтатишни зўрға уддаладик.

«Жанжалларинг жонимдан тўйдирди, ўлишни истайман...» — йиғлади қизим.

Шундан сўнг Арофат билан жикқамушт бўлишга чек қўйдим. Уйга индамай келиб, индамай кетардим. Маҳлиё ва туғилажак ўғил ҳақида ҳам қайтиб оғиз очмадим. Тақдирга тан берганлар оиласи эдик гўё.

Бироқ ҳаётимда урушнинг иккинчи fronti очилганди. Маҳлиё тез суръатларда семириб, икки йилда басавлат, беўй, гийбатчи хотин қиёфасига кирди. Яна бир феъли — доим пул сўрарди ва топган-тутганини либосларга, тақинчоқларга, еб-ичишга, қариндошла-

рига сарфлаб юборарди. Бозор ичидан кичикроқ озиқ-овқат дўкони очиб, унга топширганимда ҳам пул орт-тирмай ҳузур-ҳаловатда яшади. Бир хонали уй харид қилиб, ўртадан гишт тердириб, иккита хонага бўл-диргандим. Кейинчалик ҳақиқий икки хонали уй ваъда берганимдан ҳам тонмайман. Аммо у икки хонали уй сотиб олишдек мақсадимни ўлдириб яшади. Биз тез-тез ади-бади айтишиб қоладиган бўлдик.

Ҳомиладорлик кечикаётгани учун шифокорга жў-натганимда, дастлаб алдаб юрди. Шифокор билан шахсан учрашганимда, маълум бўлдики, Маҳлиё-нинг фарзанд кўриши даргумон экан, яъни шамол-лашни вақтида даволатмагани учун ўтказиб юборган, энди муолажалар тўқсон тўққиз фоиз умидсиз эмиш. Унинг феъл-атвори ва хасталигини тош-тарозига сол-сам, Арофат икки баравар афзал эди. Ёмғирдан қочиб, дўлга тутилган мен — адашганни «Қаёқдан ҳам унга уйландим? Арофатга чидаб яшаш арзонга тушаркан!» каби ўйлар азобларди. Арофат вазиятдан фойдаланса бўларди. У яна кўнглимдаги ишни қилмади. Кундо-шини ҳайдаттириб юбориш ўрнига ўша-ўша тушкун, ўша-ўша ҳаракатсиз, эскича хотинлигича қолди...

«Маҳлиёдан қандай қутулсам экан?» деб ўйлардим. Ўз-ўзидан ўлиб қолса эди, деган ҳаёлим ҳам йўқ эмасди. Гоҳида ҳафталаб хабарлашмасдим. Мақсадим — шу вақт ичида бирортаси билан топишса-ю, қутулсам.

Ҳаёт давом этаверди ва ҳаммаси аксинча бўлди. Қўшхотинлик можаросидан чарчаган мендек банда-га учинчи аёл — кўҳликкина бева келин Зарина учра-ди. Арофатга ҳам, Маҳлиёга ҳам аллақачон кўнгилсиз эканимни, турмушим совуқ ошга айланганини, бар-часига қўл силтаб, шу навниҳолга умримни багишла-шимни ўйладим. Қизларим — аламзада Зумрадимнинг, беозор Муслимамнинг кўз ёшлари Заринага уйланиш

фикримни кунпаякун этолмади. Кўша-кўша хотин олиб, оқибатда қизларимни эл-юрт олдида тириклай ерга кўмаётганимни ўз вақтида ҳис этолмадим. Кечаги афсус бугунги нафс олдида мағлуб эди. Нимани хоҳласам, шуни қилишга ўрганиб қолган худбин эканимга оз-моз ақлим етарди, холос.

Заринанинг хаёли охир-оқибат мени бутунлай маҳв этди. Ароқни ўйлаган ароқ ичади, порани ўйлаган пора олади. Мен Заринага қарталаримни очдим, унинг қарталари ҳам меникига мос эди, ҳаёт ўйингоҳида биз битта оила бўлдик, бошқача айтганда, бир лайлакка уч ин.

Зарина зулмат чўкаётган ҳаётимга нур олиб келгандек бўлди. Мана, мен орзу қилган хотин! У эрта турар, кўзгу олдида ўзига оро берар, тансиқ овқатларни баъзан журнал ёки газеталардаги тавсияларга қараб тайёрларди. Юз-кўзи яшнаб, дурдек тишларини ярақлатиб кулишлари, дид билан танланган уй либосларида менга яшнаб-яшнаб ёстиқ отишлари, вальсга таклиф этишлари, шоколад ёки қаҳвани назокат-ла тутишлари... Кўп қилиқлари ёқарди. Дўконларнинг яхшилари қаердалигини сўзсиз биларди, қайси кинотеатрда қандай янги фильм қўйилаётганидан ҳам бохабар эди. Гоҳида жаҳлим чиқса, мушукдек суйкалиб, бошимни, бўйнимни, елкамни уқалаб, асабийлашмаслик мавзусидаги ширин маърузасини ўқиб, кайфиятимни жойига тушириб қўярди.

Арофат ва қизларимдан ҳафтада бир марта хабар оладиган бўлдим. Маҳлиё эса мен томонимдан унутилди ҳисоб. Лекин Маҳлиёнинг пулдор эрни осонгина қўлдан берадиган сиёғи йўқ эди. Зарина билан яшаганимдан сўнг ўйлаб қарасам, Арофат ва Маҳлиё таклифу тақаллумда менга ноз-фироқ ҳам қилмабди. Айниқса, Маҳлиёнинг овқатни, кийим-кечагимни

қойиллатиб қўйганини эслоламанми? Маҳлиё рақобатга бир йил ҳам туриб беролмади. «Уни менга нима боглаб турибди?» — савол берардим ўзимга. Турмуш қурмаган ҳолида ҳаётини баҳшида этгани учун умрбоқий тўловми?

Зарина билан яшаётганимни эшитганида, ростмана тутақди:

«Шунақа қиларкансиз, нега менга уйландингиз? Бахтсиз бўлиб, кўчада қолсам, каллангиз билан жавоб берасиз!»

Маҳлиё қаради, барибир унутяпман. Шунда аввалгига нисбатан меҳрибонроқ бўлди. Бир куни: «Ҳадеб хотинни кўпайтиргунча манави бир хонали каталак ўрнига нариги кварталдан икки хонали уй олиб беринг», деди. Табиийки, бу алвастига бир тийин сарфлаш ҳаёлимда ҳам йўқ эди. Озиқ-овқат дўконига ажратган сармоямни еб битиряпти-ю, боз устига топган-тутганимни тутқазаманми? Муддатни орқага сурдим.

Зарина эса кўп қаватли уйларни ёқтирмасди, дарду ҳаёли Тошкент шаҳрида ҳовлида яшаш эди. Ошаётган уй-жой нархи мендек тадбиркорни ҳам дўппини ерга қўйиб, ўйлаб иш тутишга ундарди. Аслида ўша кезлари пулларим шахсий бахтимни қуришга сарфланаётгандек эди. Маҳлиёга уйланиш, Маҳлиёга уй. Заринага уйланиш, Заринага уй. Бахт шундай нарса эдики, уни топдимми, йўқми, хотинларимнинг қандай каромат кўрсатишларига қараб, кутишим керак эди. Иккиланиш, қўрқиш, орқага йўл йўқлиги, ҳатто Арофатнинг қасддан бировни топиши, қизларимдан жудо бўлиб, сўппайиб қолишим... Ҳадикда яшардим. Хотин устига хотин олиш ҳақиқатан ўта қалтис ўйин эди.

Ниҳоят Зарина ҳомиладор бўлди, «УЗИ» бизга бахтдан дарак берди: Ўғил! Ўшанда Зарина шаҳар мар-

казига яқин маҳалладан ҳовли топди. Қўҳна уй, оддий, салқин. «Ўғлим дунёга келиб, атак-чечак қилгунча кенгроқ жойда қаср қураман», — кўнглимга тугдим мен.

Маҳлиё кичик кундоши ҳомиладор эканидан ва ҳовлига эга бўлганидан хабар топган куни:

«Дўконни номимга ўтказинг! Шундан сўнг қорангизни ҳам кўрмай! — деб қичқирди. — Менга бахтсиз қилиш учун уйландингизми? Икки йил ўтар-ўтмас одамни туғмасга чиқардингиз! Бошқасини топдингиз! Хотинингиз битта бўлса экан, қайсидир маънода... (аслида тирноқдаги кирчалик ҳаққингиз йўқ-ку-я, шунинг учун қайсидир маънода деяпман) уйлансангиз бўларди, лекин сизга... Э, гапириш бефойда!.. Агар шу ҳафта талабларимни бажармасангиз, Заринанинг қўлоғини боглаб, устига бензин қуйиб, ёқиб юбораман! Умрим қамоқда чириса ҳам шу ишни қиламан!»

Чўнтагимга ҳемири ҳам бермайдиган озиқ-овқат дўконини Маҳлиёга хатладим. Бировнинг этагини маврид-бемаврид қўйиб юбормайдиган феълим бор эди. Онда-сонда Маҳлиёниқига кириб турардим. Гоҳида уйда қорачадан келган бақувват ёш йигит ўтирганининг устидан чиқардим. «Поччам келдилар, кета қолай», дерди йигит хижолат чекиб. Кимлигини Маҳлиёдан сўраганимда, «Қишлоқдаги аммамининг ўғли, бу йил армиядан қайтиб, университетга ўтди, ҳар замон келиб туради», деб жавоб берганди. Ҳаққига кўчганда, эр-хотин бир-биримизнинг қариндошларимизни яхши танимасдик. Юқорида айтиб ўтганимдек, мен мувозанатимни йўқотгандим. «Маҳлиё бирортасини топса эди, қутулардим» деган фикр хаёлимга келган он чап елкамдаги фаришта ўз дафтарига «даюс» деб ёзиб қўйган бўлса, не тонг! Қадимда тўртта хотини билан яшашган-ку дердим, эндиликда иккинчи хотиннинг ўзиёқ бошимга етиб, туғилганимга пушаймон қилдирмаса гўрга эди, деб ҳадикдан уйқум қочарди...

Хулласи калом, уч марта уйланганимнинг қисқача тарихи шу. Энди Заринанинг ўлдирилиш мавзусига қайтсам. Қотиллик юз берган кечада уникида тунаш навбатим эди. Колбаса цехимга Қозоғистондан ўттиз бош бўрдоқи келтирилгани учун ташвишлар билан бўлиб, кечқурун уйга боролмадим. Бунинг устига Маҳлиё қўнғироқ қилиб, минг чақирим наридан бо-жаларим келганини, улар мен билан отамлашмоқчи эканини айтиб, ялинди: «Илтимос, шу бугун шарманда қилманг! Охирги марта ўзингизни эримдек тутинг!..» Тўғриси айтсам, кундузги югур-югурлардан миям шундай чарчагандики, Маҳлиёнинг таклифи кўнгилни айнитар даражада ортиқча эди. Оғзимга келган сўзлар билан сўкдим уни.

Асабийлашганимнинг яна бир сабаби бор эди: бу вақтда Арофат ҳам қўнғироқ қилганди. Айтишича, қизларим Олчали маҳалласидаги «Озодахон» ресторанига таксида кетишибди ва ҳалигача қайтишмабди, телефонлари ўчиқ эмиш. Муслиманинг яқин дугонасига дадаси таваллуд айёми уюштирган экан ўша ресторанда. «Нега айнан Олчали маҳалласи-ю, «Озодахон» ресторани?» — фигоним фалакка ўрлади. Яхши жой эмаслиги менга аён эди-да.

Аксига олиб, машинасида қизларимни уйга элтиб қўювчи ёрдамчим цехда эмасди. Кимни ҳам юборардим? Ўзим бордим. Муслима ресторанда экан, Зумраднинг бир дугонаси шу маҳаллада яшаркан, кўришгани кетибди.

«Сени бу ерга ташлаб, ўзи кечаси нима қилиб юрибди?! — жаҳлимни яширолмадим. — Икковингнинг ҳам телефонларинг ўчган, қарамайсанларми?! Онанг хавотирда! Бошимдан ошиб ётган ишларни ташлаб келдим ўн беш километрдан!»

«Бугун дугонасиникида ётиб қолса керак».

«Қайси дугонасиникида, қайси уйда қолганини айтиши керакми?!»

Зумрадни топишнинг иложи бўлмади, уйга Муслима иккимиз қайтдик. Зумрадни ахтаришга қайтиб чиқаётганимда, унинг телефонидан «SMS» келди: «Сиз қўнғироқ қилган рақам ҳозир мавжуд».

«Синглингни туғилган кунга ташлаб, қаерларга йўқолиб қолдинг?! — бақирдим унга. — Телефонингни ўчирганинг нимаси? Йигирмага кирган кап-катта қиз ҳам шунақа қиладими? Гапир!..» — Зумрадни койир эканман, ногаҳон юрагимни аччиқ ўй тилиб ўтди: «Йигити билан юрган бўлса-чи?»

«Дугонамникидан ҳозиргина чиқдим, йўлдаман... бекатда...»

Алоқа узилди. Дарвоқе, оилавий жанжаллар, яна иккита хотинга уйланганим Зумраднинг феълени йилма-йил оғирлаштириб борганди. Бирор йигит билан дардлашишини тасаввур этолмасдим. Муслиманнинг эса ошиқлари кўплиги сир эмасди. Зумрад уларни қарғаганларини эшитмаганманми? Ҳа, барчасидан бохабарман.

«Қизинг бирор билан гаплашадими дейман?» — ўқрайдим Арофатга.

«Севги, йигит, эр деса, жон-пони чиқиб кетади», — хўмрайди у.

Шундай эса-да, фикрим ўзгарди. Зумрад қонхўр эмасди, севишганлардан қанчалик нафратланмасин, кўнгли сувсайди ва бошқа кўнгилдан сув ичишни тусайди. Кўпинча уйга келмайман, эркин муҳитда қолган қизим бирор йигит билан топишиб олган бўлиши ҳам мумкин-ку.

Яна қўнғироқ қилдим. У Олчали маҳалласидаги бе-

катда эканини айтдию, яна алоқа узилди. Бир кор-ҳол бўлганини тушундим. У ҳеч бунақа қилмас эди. Олчали маҳалласи бекатидан таксида келгунча кутармидим. Машинамда яна йўлга чиқдим ва йўл-йўлакай Заринага икки-уч марта қўнгироқ қилдим, кўтармади. Цехдаги ишлардан ташқари қизларим билан боғлиқ ташвишлар чиқиб қолганини, уйга кечроқ боришимни кичик завжамга айтмоқчи эдим. Ҳайрон бўлдим, телефонимга муштоқ эмасми, нега эътиборсиз қолдирди?

Кейин Зумраднинг рақамларини тердим: «Қаердасан?»

«Ўша жойда турибман», — қизимнинг йиғлоқи овози эшитилди.

У Олчали маҳалласи бекатида қўлларини чалиштириб, жунжикканнамо кутарди мени. Сигарет чекаётган бекорчихўжа йигитлар иршайиб қараб қўйишарди. Қизиги, Зумраддан уч қадам нарида қизил чироқлари ёниб, киракаш машина мижоз пойларди.

«Нега бундай турибсан, қизим? — дедим унга. — Таксига ўтирсанг бўлмайдими?»

«Сизни келиб қолади, дегандим...»

«Дугонанг қанақа қизки, сени кечаси бекатга ёлғиз ташлаб, уйига индамай қайтиб кетса?! Уйи қаерда?»

«Анави кўчадан бурилишда. Мени таксига чиқариб қўйди. Шу ерга келганда машина бузилиб қолди. Дугонамни безовта қилсангиз хафа бўламан, дада!»

«Манави таксига нега ўтирмадинг?»

«Сизга телефон қилганимдан кейин кутай дедимда! Йўлга чиқиб, яна сарсон бўлиб уйга қайтардингиз! Телефонимнинг «заряди» ўлиб, яхшилаб гаплашолмадим».

Кечаси ёлғиз юрганигаю телефонидаги носозлик учун бир оз койидим. Кейинги кўчага бурилганимизда, Зумрад деди:

«Дугонамникига борганимга шунча гап эшитдим! Зарина опа мени қанча иғво қилаётганидан беҳабар-сиз!.. Фақат мен ёмон!»

«Қайси Зарина опанг?» — ичим шув этди.

«Ўша-да... хотинингиз...» — деди қизим ва Зарина пулим учун мени эр қилиб юргани, нафақат Арофат ҳамда қизларимдан, балки менинг ўзимдан ҳам нафратланишини, бир кун келиб, ўз тенгини топишини, чунки ёши катта эркак билан ноиложликдан, яъни Тошкентда шарт-шароитини яхшилаш мақсадида оила қурганини, энг ёмони, қизларимни кимларгадир ёмонлашини, Зумрадни телба, енгилтакка чиқаргани — барчасини йиглаб, шартта-шартта сўзлади у.

Биз шундай чорраҳада турардикки, чапдаги кўча орқали юрсам, Заринага олиб берган ҳовлимнинг ёнидан ўтиларди. Машинани бурдим. Боргунимча ҳам сабрим чидамай телефон қилдим, аммо Зарина кўтармади. Қизимнинг гаплари исботланса, Заринани бўғиб ўлдиришим ҳеч гап эмасди. (Шунда ҳис этдимки, Заринани чин юракдан севмайман, менга ёш хотин ва ўғил фарзанд кераклиги учун ҳам у билан яшаяпман.)

Кўча эшик очиқ эди. Машинадан туша солиб ҳовлига шиддат-ла бостириб кирдим. Ҳовли тўрида одам бўйи зинапоя бўлиб, уйга шу зинадан чиқиларди. Зарина зина тагида қонга беланиб, узала тушиб ётарди.

«Босқинчилар! — деб бақирдим. — Ўлдирди!.. Ўлдириб кетишибди!..»

Назаримда, ҳовлига кимлардир бостириб кириб хотинимга пичоқ санчишган, ҳозир улар сандиқ-жавонларни титкилаб пул ахтаришмоқда. Бироқ уйда ҳеч зог йўқ эди. Ҳеч ким ҳеч нарсани сочмаган. Ичкаридан чопиб чиққанимда, Зумрад мурданинг бошида кўзларини катта-катта очиб, қалт-қалт титраб турарди. Бақир-

чақиримни эшитиб қўшнилар ҳам келишди. Қизимни кўчага олиб чиқишиб, машинамга ўтиргиздилар, сув-пув ичиришиб, зўрга ўзига келтиришди...

Жиноят қидирув бўлими ҳозиргача шугулланияпти (ҳарҳолда улар шундай дейишган). Менинг эса қотил топилишидан умидим сўнган. Ўйлантирган нарсаси — марҳуманинг қўлидаги сурат. Йигирма беш йил аввал бошимдан кечирган саргузашт, наҳотки, хотинимдан қасос олиш даражасидаги мудҳиш воқеа эди? Нега мени, фарзандларимнинг онасини, иккинчи хотинимни эмас, айнан учинчи оиламни — ҳомиладор Заринани нишонга олди? Бу ерда қандай сир, қандай қора жумбоқ бор? Суратнинг алоқаси йўқ, бу тасодиф, деёлмайман. Мен сузаётган уммонда наҳангнинг елка қаноти ўша сурат мисолида кўриниб турарди.

Кўп ўйладим. Сирли ҳовли воқеасидан кимлар хабардор эди? Марҳум курсдошим ўшанда татиуровкали кимсани кўрган эди, бошимга қоп кийдириб олиб боришгач, воқеаларни батафсил сўраб олганди. Бир куни Арофатга ҳам айтганман. Арофат одам ўлдиришга жазм этадими? Ичида ёвузлиги бўлса, Маҳлиё менга никоҳлангандан сўнг, ҳеч бўлмаса, сочини юларди-да. Арофат ҳозирлари дардини ташқарига чиқармай қўйган мушфиқ аёлга айланган эди.

Заринада иккинчи хотиним Маҳлиёнинг ўчи бор десам, янглишмайман. Аммо Арофат ёки Маҳлиё қотил ёллаганига далил йўқ, ишонгим ҳам келмайди. Заринани ўлдириш аёлларим қониқадиған қасос эмас, ўзларига қазилған чоҳ эди. Бугун бўлмаса, эртага фош этаман. Бироқ кундошли бўлған он ҳар бир хотинимда мендан кўпроқ пул ундириш касали хуруж қилған, қилавергани рост эди. Улар уй-жойга, маблагга эгаллик истагида ёниб яшашған. Қотил ёллаш аёлларимга ҳақиқатан ҳам оғир эди. Ундан кўра кундошини ўзи

бўғиб ўлдириб қўя қолишни маъқул кўришларини ҳам гушунаман. Шундай эса-да, кундошлар бир-бирига қарғиш ёғдириб умр кечирарканлар, чет эл фильмларидагидек суиқасд уюштиришмаса-да, рақибалари ўлимга юз тутишини нақадар исташларини тасаввур қилардим. Қора истак шу даражада кучайиши мумкин-ки, кунларнинг бирида бирортаси жарлик лабида уч-раса, итариб юборишлари ҳеч гап эмасди. Шу важдан гумонимнинг чети ҳамон Арофат ва Маҳлиёнинг эта-гига илашиб турарди. Тақдир чорраҳасида икковидан бирига Заринанинг душмани учрагани эҳтимолдан холи эмасди-да. Ва хотинларимнинг бир ишораси керак бўлган, холос... Ҳаммаси тамом!

Ғалати кунларни бошимдан кечира бошладим. Уйимга — Арофат ва қизларимнинг ёнига келаман, овқатланаман, ухлайман, бирга телевизор томоша қиламан, рўзғор харажатларига пул ташлайман, оғир тошларни хачирдек айлантириш учун бизнес тегирмонига оёғимни судраб жўнайман. Ҳар куни шу аҳвол. Арофат ва қизларимдан бошқа ҳеч кимим қолмади. Ўртада Арофатнинг айби билан одам ўлиб кетган бўлса ҳам, бир оила бўлиб яшайверадигандек туюлав-рарди менга. Ўлим кўпхотинлилик олдида тарсакидек эди гўё. «Ҳақиқатан ҳам Заринанинг бошига Арофат етган бўлса, нима қиламан? — дердим шифтга термулиб. — Ҳадемай иккала қизимга ҳам совчи келади. Шундай пайтда қизларимнинг онасини қаматаманми? Заҳар қўшилган ошни ўзим пиширдим. Энди ўзим ичи-шим керак. Ҳатто Маҳлиёни ҳам қаматишим айтишга осон (Маҳлиё ҳақида дафтарнинг кейинги саҳифала-рида бир гап айтаман). Ўлимга юз тутган учинчи хо-тиним Зарина эса менсиз ўтадиган кечаларини ошиғига бағишлаган ва ўйиндан ўт чиққан бўлса-чи? «Топган ёш хотинингиз қандай каромат кўрсатиши эл-юртга ол-

диндан маълум» деб, ҳатто, қизим Зумрад ҳам айтма-
дими? Қўшхотинлик (аниқроғи, учхотинлик) мисоли
уруш майдони эди. Майдонда мени рўзгор ташвишла-
ри, хотинлар жанжали енгмаса ҳам, йил ўтган сайин
танимдан мадоримни сўриб олаётган табиат енгиши
муқаррар эди. Ким табиат олдида таслим бўлмаган?
Шов-шув, фожиа, қон билан енгилдим. Ҳа, юзимга
Заринанинг қони, кўнглимга ғийбат балчиқлари сач-
раган бахтиқаро кунларим эди.

Бойлигим ҳам менга татимай қолди. Бир замонлар
оз-моз пул топганимда, кўча қизлари билан танишиб,
ресторанма-ресторан айш суриб юришни орзу қилган-
ларимни эсладим. Эҳ, бўлмағур орзуларим кейинча-
лик қўша-қўша хотин олишга мажбур этган экан-да.
Онадан пок туғилган қалбимга хотинбозлик аталмиш
уруғни ўзим экканман, ўз қўлларим билан. Ақлимни
тозалаб юрмаганим менга қанчалар қимматга тушди.
Арофатга уйланган чоғларимга қайтиб қолсам, феъли-
га кўниб яшардим. Ундан чиройли хотин ясаб олишим
мумкин эди. Эр ўз хотинининг ҳайкалтароши. Қаёқдан
ҳам хотин устига хотин олиш фикри миямга ўрнашди,
баъзан афсусларимнинг чек-чегараси кўринмасди. Ме-
нимча, бу касаллик эди. Гарчи кейинги хотинларим
ҳам шаръий бўлса-да, ўз вақтида ақлимни оппоқ қанд-
дай қилиб қаноат дастурхонига ўраб қўйишим даркор
эди. Таассуфки, энди орқага йўл йўқ. Кўп ўтмай Зари-
нанинг қотилини қонун сиртмогига илинтиришни ҳам
хоҳламай қўйдим. Нима ўтган бўлса, ўтди. Оққан сув-
дан ичдингми, ичмадингми, бари ўтмиш. Ҳовли ҳам
мендан кетади. Заринанинг опалари сотиб, пулини
бўлиб олишади шекилли, биргаликда идорама-идора
тентираб юришибди.

Кўнгилда гумонлар чарх уради: балки айб фақат За-
ринанинг ўзидадир? Ўша йигитни ҳовлига киритган,

ўз ўлимига имзо чеккан. Мени севганида, қандайдир йигитни каминанинг рухсатисиз кечаси ҳовлига киритармиди? Ҳақиқатан, ўйга толаман. Заринани нега севдим? Бўйдоқлигимда ҳар қандай эркак билан гаплашиб кетаверадиган қиз-жувонлар ёқмасди-ку. Нега ииллар ўтиб дунёқарашим ўзгарди? Иккинчи, учинчи хотинликка номзодлар бировнинг кўзига тик қарамайдиганлар эмасди. Улар айнан тик қарайдиганлар, гамза қиладиганлар, эркакнинг оиласи борлигини била туриб, розилигини айтадиганлар. Бугун гамзаси менга, эртага-чи? Ўғлим йўқ экан, ниятимга етиш учун неча марта уйланишим керак эди? Мен муҳаббатга дуч келганмидим ёки насл муаммосига?

Милиция икки уй наридаги йигитни анча вақт тергади. Поччаси қўшхотинлиги сабаб аламзада йигит қаердаки иккинчи хотинларни кўрса, орқасидан жирканч сўзлар билан сўкинаркан. У ёш келинчакнинг ҳовли совға қилган эри колбаса цех, кушхоналар, дўкон ва гўшт расталари хўжайини эканини, ёши икки барабар катталигини, яна иккита хотини борлигини билиб қанчалар нафратланган! Яна бир гумондор «Боғи Аҳмад» ресторани олдида бизга туртиниб кетган маст эркак эди. Мен Заринанинг олдида у билан ёқалашиб қолаёздим. «Хотинчангни ҳам, сени ҳам сўйиб кетаман», деб дўқ урганди у (Мендек бақувват қассобга пичоқ ўқталадиган тиррақи бузоқлар бор экан-да!) Қотиллик юз берган кечада кўчанинг нариги томонидаги гилос дарахти остида симёғоч чироғидан ўзини пана қилиб турган одамни кўришган. «Боғи Аҳмад»да биз билан фикиллашган кимсани топишди, аммо гувоҳлар уни дарахт тагидаги одамга ўхшатишганига қарамай қотил экани исботланмади: жиноят содир этилган вақтда бошқа жойда бўлгани ҳамда ҳовлидаги изларнинг мос келмаслиги уни қамоқдан қутқарди.

Гумондорлар сони ошиб кетаверади. Уларни икки гуруҳга ажратаман ва қанчалик гумонда эканлигини шунга қараб белгилайман. Бу қандай гуруҳлар? Бир вақтлар одам кўзли сигирни сўйганимни эшитганлар ва ўтмишимдаги сирли воқеадан беҳабарлар.

Агар Заринанинг қўлида сигирни сўйганим тасвирланган сурат бўлмаганида бундай гуруҳларга ажратиш тушимга ҳам кирмасди. Поччасининг дастидан аламзадага айланган йигит, «Боғи Аҳмад» олдида биз билан гижиллашган маст қабилар талабалигимда бошимга қоп кийиб, сигир сўйганимни қаёқдан билишади? Иккинчи гуруҳдагиларни ҳисобдан чиқариб ташлагим келади. Уларга сурат — далил! «Хўш, у ҳолда биринчи гуруҳдагилар кимлар?» деган савол туғилади. «Ўтмишимдан хабардорлар», деб жавоб бераман. Сиримни марҳум курсдошим ва хотиним Арофат билар экан, фақат иккови билан чекланаманми? Уларнинг огзи талабаликдаги сирим бобида неча марта қимирлаган экан-а? Кимлар эшитмаган бошимга қоп кийиб бориб, телба рассомнинг уйида гаройиб сигирни сўйганимни? Суратни далил қилиб, изланар эканман, қотилни топишим учун неча йил керак?..

Шу ўринда иккинчи хотиним Маҳлиё билан орани қандай очиқ қилганимни ёзай. Зарина ўлган ҳовли яқинидан машинада ўтиб кетаётганимда, қизил чироқ ёнди-ю тўхтадим. Ўнг томонимдаги кўча ўзига оҳанрабодек тортиш билан бирга мудҳиш воқеа юрагимни эзарди. Зарина ҳаётлигида шу атрофга йўлим тушса, қанчалик шошилаётганимга қарамай бирровга кирмасам чидолмасдим. У менга ўғил ҳадя қилмоқчи эди, энди эса ўз вужудида ўғлимни ҳам олиб кетган армонли аёлга айланиб, баттар муттаасир этди. Эҳ, бевафо дунё!..

Шу пайт кўчага яна қарадиму йўлакда, шундоққина светофор ёнида одимлаётган йигитга кўзим тушди. Таниш эди у! Жуда-жуда таниш! Агар Зарина яшаган кўчага бурилса, мени лол қолдирган бўларди. У бурилди! Ҳа, бурилди. Ким дейсизми? Маҳлиёнинг аммасининг ўғли. «Армиядан келиб, университетга ўтди, ҳар замон уйга келиб туради», деганди. Исми Тожимуродми, Ҳожимуродми эди. Мен Зарина билан яшаган кўчада нима қилиб юрибди? Наҳотки, Маҳлиё суиқасд уюштирган бўлиб чиқса? Жияни шу атрофда изғир экан, менинг шубҳаланишга ҳаққим йўқми?

Турфа шубҳали хаёлларга тўлиб, машинани жонажон кўчага ҳайдадим. Йигитни ҳуркитиб юбормаслик учун бир уйнинг дарвозаси ёнида тўхтадим. Йигит хийла нарига боргач, ортига қараб олиб, кўчанинг сўл томонига ўтди. Зарина яшаган ҳовлининг дарвозаси тагидан ўтишга кўрқдими, дейман. Бироқ барибир мендан қутулолмайди. Гувоҳим — икки кўзим! Маҳлиёнинг жияни Заринанинг кўчасида юрибди! Бундан чиқди, аввал ҳам келган. Кўшнилари ўша кунда гилос тагида кўрган йигит шу бўлса не ажаб?!

Кўп кутмадим. Йигит гилослар тагидан ўтаётиб кўчанинг нариги тарафига, Зарина яшаган ҳовлига қараб қўйди. Кўздан йўқотмаслик учун машинамни олдинга ҳайдадим. Йигит уч юз-тўрт юз қадамлардан сўнг чапдаги тор кўчага қайирилди. Муюлишда ҳам орқасига қараганини кўрдим. Машинамни катта кўчада қолдириб, изидан пиёда тушдим. Тутун ўрлаётган хазон уюмидан бурилиб, ҳовлига кирди. Ҳатто, эшикни тақиллатиб ҳам ўтирмади. Ортидан борганимда, бир парча томорқада ҳам хазон уюми тутамокда, ҳовли саҳнида ўттиз беш ёшлардаги одми кийинган хотин кир ювмоқда эди. Менга ажабсиниб қаради.

«Тожимуродми, Ҳожимуродми... ҳозир келган йигитни чақиринг!» — дедим важоҳат билан.

Маҳлиёнинг жияни қия очиқ эшикда қўйлагининг тугмаларини ечаётган ҳолда турган экан, кўзлари тўла хавотир билан остона ҳатлади. Кир юваётган хотин бир сўз демай, гоҳ менга, гоҳ йигитга нигоҳ ташлади.

«Ким экан десам, сизмисиз? — деди йигит ижирғангандек афтини буриштириб. — Нега изимдан искаланиб юрибсиз? Сизлардан қутуламанми, йўқми?»

«Шу ерда яшар экансан-да?» — дедим.

«Тухмат қилишга бошқа одам қидиринг! — деди йигит. — Яқинда ижарага келганман. Иккинчи хотинингиз нариги кўчадаги ҳовлида ўлгани тушимга ҳам кирмаган».

«Иккинчи хотиним сенинг Маҳлиё холанг, билдингми?!»

«Бўпти, учинчи хотинингиз! Менга нима фарқи бор?!»

«Ҳовлимнинг яқинида яшашинг тасодиф эканининг ҳам менга фарқи йўқ, — дедим. — Уйимга бостириб кирганингни, Заринани ўлдирганингни бўйнингга қўяман!»

«Қўйинг! — кўзлари ғазабга тўлди йигитнинг. — Икковингизга ҳам тупурдим! — У жазавадига чидаёлмай сенсираклади: — Ўзларинг шарманда бўласанлар! Эшитдингми?!»

Даҳанаки жангдан хавфсираган хотин кўни-қўшнilarини чақирш учун кўчага югурди.

«Керакли жойда сайратаман!» — деб йигитнинг ёқасидан бўғиб, кўчага судрадим.

Маҳалла эркаклари иккимизни ажратиб қўйишди. Милицияга қўнғироқ қилдим. Етиб келган ходимлар йигитни бўлимга олиб кетишди. Шундоқ ҳам унинг

исм-фамилияси гумондорлар рўйхатига аллақачонлар тиркаб қўйилганди. Биринчи кун ҳеч қандай натижа чиқмади. Иккинчи кун цехдаги хонамда ўтирсам, терговчи қўнғироқ қилиб, Ҳожимуроднинг қотилликка алоқаси йўқлигини айтди ва озод этилишидан оғиз очди. «Лекин унинг нимасидир шубҳали», дегандим, терговчи аламли ҳақиқатни етказди: «Биринчи гаплашганимдаёқ буни сезгандим, ростдан ҳам йигитда шубҳа уйғотадиган нимадир бор эди. Бугун у сирни айтишга мажбур бўлди. Иккинчи хотинингиз Маҳлиё билан ҳозир бирга яшамайсиз, шундайми?»

Мен орамиз бузилганини, битта озиқ-овқат дўконининг ва бир хонали уйимнинг баҳридан ўтганимни алам билан гапирдим.

«Мол аччиғи ёмон, — деди терговчи, — лекин сизга ундан ҳам аччиқ қалампирни тишлатаман, хафа бўлмайсиз. Хуллас, бу Ҳожимурод деганлари бўйдоқ бўлса ҳам, хотинингиз билан, яъни собиқ иккинчи хотинингиз билан бирга яшаб келган. Улар яқин қариндош ҳам, қишлоқдош ҳам эмас. Битта «совхоз»дан, эски таниш. Шу кунларда ораларидан ола мушук ўтиб, Ҳожимурод бир талаба дўсти яшайдиган ўша ҳовлидан қўним топган экан».

Қулоқларимга ишонмадим. Маҳлиё менга хиёнат қилиб юрган экан-да! Кўз олдимда, ўзидан кичик йигит билан! Эсиз дўконим, эсиз уйим! Бола-чақамнинг ризқини хиёнаткор маъшуқага сарфлаган овсар эркакка айландимми? Маҳлиё турмуш қурмасдан аввал бунчалик сурбет эмасди-ку? Ёки у аввалдан... Ўйласам гўримда ҳам тиж турадиган даражада ҳасратдан ёна бошладим. Менинг келишимни билиб туриб ҳам Ҳожимуродни чақираверган. «Эрим келса, жияним дейман», деган. Шундай ҳам деди-ку, юзимга қараб,

кўзимга қараб, юрагимга қараб. «Хотинларимнинг севимли эриман, кўпчилик эркаклар менга пинҳона ҳавас қилади», деб юрсам, кулгига қолган эканман-а!

Зарина ҳақидаги яхши ҳаёлларим ҳам туман каби тарқади-кетди. Учинчи уйланишимдан вақтинчалик бўлса-да бахт топганмидим ўзи? Семирган, хунуклашган Маҳлиё икки ёш кичик йигит билан алоқа ўрнатган экан, соҳибжамол ёш Зарина-чи? Балки қизим Зумраднинг у ҳақда йиглаб айтганлари ҳақиқатдир? Ўз пушти камаримдан бўлган фарзандларимни элга ёмонотлиқ қиладиган хотинга миллион-миллион сарфлаб, шоҳона ҳаёт қуриб бердимми? Кун келиб, у отаси қатори одам билан яшашдан безиб, тенгини топиш ҳақида ўйлармиди? Ким билади, ўйлагандир ҳам. Яна бир оз яшаганида бунга улгурармиди.

Бахтсизликдан карахт бўлиб яшадим. Нега кўнглимдаги хотинни тополмадим? Хотин устига хотин — ғавғо устига ғавғо. Тақдир чархпалаги бир айланиб, мени яна Арофат ва қизларим билан қолдирди...

* * *

Назар ака юқоридаги сатрлардан сўнг дафтарнинг охириги саҳифасигача дард аталган нолишларни баён этганди. Бир хотин билан қўша қариш, фарзандларнинг бошини эгмаслик, кексайганда бир кампирнинг ёнида, фақат ўз жуфтлигидан тарқаган невара-чевараларнинг ҳурмат-иззатида бўлиш, ота бир, она бошқа қондошлар низосидан чарчаш...

Ҳақиқатни айтганда, Назар ака учун ҳам, бошқалар учун ҳам ҳеч қандай изқувар эмасдим. Худоёр амаким неча йиллар бурун бир кимсанинг ортида суратта муҳрлангани ва мазкур сурат туфайли Назар ака менга мурожаат қилгани ҳамон фантастика бўлиб туюларди.

Мақсади — барчасидан бохабар бўлганимдан кейин Худоёр амакимга тушунтиришим керак. Ахир, ўзи ҳақида бошқалар ҳикоя қилишни Назар ака ёқтиради-да. Амаким татиуровкали кимсани таниса, ҳовлининг ҳам сири очиладигандек.

Чоршанба куни туш чоғи Назар ака таҳририят кўчасига келганини айтди. Ташқарига чиқиб, «Нексия»сига ўтириб, дафтарини топширдим.

— Уч марта уйланганиму Заринанинг ўлими ҳақида ўқидингиз, қандай фикрлар туғилди? — сўради у.

— Ўзингиздан эшитсак, ака, — деб жавоб бердим.

— Нимани?

— Қотил кимлигини.

— Сизни тушунмадим.

— Хафа бўлмангу ёлғончисиз, Назар ака! Ўзингизча, ёлғонни боплаб уддалайсиз. Бунинг устига айтган гапларингизда ҳам, ёзганларингизда ҳам далиллар аралаш-қуралаш, бижиган аҳволда, ҳаттоки кўр-кўрона хатолар билан тўлган. Дафтарингизни ўқигунимча зўрга сабрим чидади. Бу гапларни газета ходими сифатида айтмаяпман. Мени изқувар ўрнида кўраётган экансиз, ҳўп, изқувар ролини ижро этиб берай, бир неча дақиқа бўлса ҳам. Розимисиз? Шу билан орамиз очиқ.

— Нега бирдан тўнингизни тескари кийдингиз, ука? Бундоқ тушунтириб гапиринг, нима гап ўзи? Вақтингизни ўғирлаган, асабингизга теккан бўлсам, узр. Мабодо ёрдами тегиб қолармикан, деб умид қилгандим.

— Тинчлик, ака, ҳеч гап бўлгани йўқ, — дедим кесатиб. Сўнг айбловларимни очиқ айтишга ўтдим: — Одам ишониб бўлмайдиган сигир афсонасидаги татиуровкали шахснинг суратини топгансиз, ҳозир у сизда, лекин мендан яширяпсиз.

— Буни қаёқдан билдингиз?

— Изқуварлик иқтидоримни ишга солмадим, Мухтор акадан кеча эрталаб эшитдим.

— Буни ўзим ҳам айтишим мумкин эди. Мендан бекорга хафа бўляпсиз. Тўғри, сиз изқувар эмассиз, милиция қилган ишнинг юздан бирини ҳам қилолмайсиз, аммо...

— Расмда Худоёр амаким ҳам бор. Қишлоққа биргаликда бориб, амакимни секин тергаймиз, хотираларини кавлаймиз. Режангизни бехато очиб беряпманми? Қари нафақахўр учун мендан Шерлок Холмснинг қўғирчоғини ясаб, устимдан кулишингизга қараб ўтираманми? Боринг, амакимга учрашинг! Мени аралаштирманг!

— Афсуски, адашдингиз. Аслида мақсадим бутунлай бошқа. Мухторга ўхшаган аҳмоқлар икки дунёда ҳам билолмайди. Мана, ўша одамнинг сурати. Ростини айтайми, ука?

— Хўш?

— Телбанинг расми Заринанинг ўлимида роль ўйнамайди.

Назар ака бир чети саргайган, бужмайган оқ-қора суратни қўйнидан чиқарди. Татиуровкали кимса Мухтор Солиевнинг ҳикоясида тасвирланган каби озгин, қаримсиқ, довдирроқ бир нусха эди. Ўнг қўлидаги татиуровка зўрга сезиларди. Дарвоқе, татиуровканинг орқасида турли рангдаги байроқларни кўтарган спортчи талабалар сафга тизилган, ҳаммаси бир хил спорт либосида. Уларнинг олдидаги костюмли ўқитувчи чиндан ҳам Худоёр амаким эди. Афтидан қайсидир байрамга келгандилар. Орадан йигирма беш-ўттиз йил ўтиб кетгани аниқ эди.

— Унинг сурати нега қотилликда роль ўйнамаслигини айтайми? — дедим ҳамон тумшайиб. — Чунки қо-

тил ўзингиз. Орангиздан ола мушук ўтибми, хиёнат-пиёнатда тутибми, Зарина янгани ўлдириб қўйгансиз. Қизингиз Олчали маҳалласида экани айни муддао эди. Қизингиздан гувоҳ сифатида фойдаланиш кўнглингизга лоп этиб келган...

— Эй, эй...

— Гапни кесманг, Назар ака! Қизингиз Зарина янгани ёмонлаган экан, нима учун машинани дарров уникка ҳайдадингиз? Нафсониятингизга тегдими? Адашмасам, учинчи марта уйланганингиздан буён қизингиз биринчи марта арз-дод қилмагандир? Айнан қотиллик куни ғайрат-шижоатингиз қўзиб қолгани менда шубҳа ўйғотди.

— Миянгиз ишлай бошлади, фақат жиноятчига қарши ишлатинг, илтимос.

— Менга мурожаат қилишдан мақсадларингиз кўпга ўхшайди. Шулардан бири — чалгитиш. Яъни Мухтор акага, менга қандайдир татиуровкали кимса, одам кўзли мол, чўян ҳайкал ҳақида сафсата сотиб, ишонтирасиз. Кейин эса, мабодо қўлга тушгудек бўлсангиз, бизнинг мияларимиздан фойдаланасиз. «Мен ўлдирганим йўқ, йигирма беш йил аввал худди шу уйга сиз сўйишга келганман», фалон эди, писмадон эди, дейсиз. Бигиз қилинган қўлингизнинг нишонида биз бўламиз.

— Тухматни йиғиштиринг...

— Милиция бир йилдан бери кўп ва хўп тер тўкканга, атрофингизда ҳалқа тобора торайиб келаётганга ўхшайди.

— Ҳей, нима бўлди сизга? Ёрдам сўраб келсам, ўзимни қотилга чиқариб қўяяпсиз-ку!

— Мени изқувар гумон қилган экансиз, майли, детективча саволларга ўтамиз. Зарина янгани сиз ўлдирмаган бўлиб чиқсангиз, ўртада ростдан ўта маккор

сирли шахс турган ҳисобланади. Ўша сиз эмас экансиз, кимлиги мени ҳам қизиқтиради. Саволларга аниқ жавоб берасиз, келишдикми?

— Вей, одам ўлдирганимда шунақа куйиниб юрамидим?!

— Биринчи саволим: кундалигингизда ёзишингизча, тўнғич қизингиз Зумрадни Олчали маҳалласи бекатида «Телефонингни ўчирганинг нимаси? Йигирмага кирган кап-катта қиз ҳам шунақа қиладимиз?» деб койиган экансиз. Тасдиқлайсизми?

— Ҳа, лекин бу гапнинг бировнинг ўлиб кетишига нима алоқаси бор?

— Энди бу ёққа қаранг!

Телефонининг калькуляторини қўшдим.

— Неча ёшдасиз, ака?

— Қирқ бешда. Туғилган йилимни, хотиним ўлган санани, яна алламбалоларни қўшиб, айириб, кўпайтириб, фол очмоқчимисиз?

— Йўқ, албатта. Хўш, ўтган йили, яъни жиноят содир этилган вақтда қирқ тўрт ёшда бўлгансиз. Бирор жойда хато қилсам, эътирозингизни дарров айтинг.

— Э, ҳар қанақасига ҳисоблайверинг. Раҳматли Заринани чертмаганман ҳам.

— Демак, қирқ тўртдан йигирма тўртни айирамиз, чунки ўтган йили қизингиз Зумрад йигирма ёшда, сиз қирқ тўртда бўлгансиз, тўғрими? Энди менга маълумки, сиз йигирма тўрт ёшингизда қизли бўлгансиз. — Назар акага саволомуз боқдим, у бошини қимирлатди. — Йигирма уч ёшингизда келин-куёв Тошкентга кўчиб келгансиз. Бир йил ўтиб, Арофат янгамиз қиз тугиб берган. Душанба куни, Чорсуда Мухтор аканинг ҳикоясини диққат билан тинглабманми?

— Шундай ҳам дейлик. Пўсткалласини эшитайлик-чи?

— Ундан сал аввал ҳарбийдан қайтиб, йигирма ёшингизда ўқишга ўтгансиз. Бир йилдан сўнг, йигирма бир ёшингизда татиуровкали билан сирли ҳовлига бориб, одам кўзли сигирни сўйгансиз. Бир йил касал бўлиб ётиб, кейинги йил, яъни йигирма икки ёшингизда Тошкентга талаба бўлиб эмас, ҳақиқий қассоб қиёфасида қайтгансиз. Яъни уйланишингиздан аввал пойтахтда қассобчилик қилгансиз, тарихингизда адашмаяпманми?

— Вой-бў, буларнинг Заринанинг ўлимига нима алоқаси бор?

— Шошилманг, ака. Менга изқувар деб қараяпсизми, миямда бор ақлни ишга солиб, хизматингизни қилаяпман, холос. Ҳозирги санадан ҳисобласак Тошкентга йигирма беш йил бурун келганингиз рост, аммо Зарина янга ўлган вақтда сиз пойтахтга келганингизга йигирма тўрт, одам кўзли сигирни сўйганингизга йигирма уч йил бўлганди. Душанба куни Чорсуда ўтмишингиз ҳикоя қилинаётганда эса сирли воқеага нақ йигирма тўрт йил тўлганди. Бу далилларга нима дейсиз?

— Қўшиламан, — бошини қашиди Назар ака. — Ўлай агар, йилларни ҳисоблашнинг нима фойдаси борлигига тушунолмаёпман.

— Хулосаки, касофат сигир йигирма беш йил аввал сўйилмаган, — дедим қассобнинг дийдиёсига парво қилмай.

— Майли, йигирма тўрт йил бурун! Шу рақамлардаги хатолар учун мени қотилга чиқармоқчимисиз?

— Фожа юз берганда йигирма уч, менга ҳикоя қилинаётганда йигирма тўрт йил бўлган.

— Жинни-пинни бўлдингизми? Ёки устимдан кулаяпсизми? Қандай алоқаси бор айнан шу йилларнинг?

— Аниқлик керак. Битта хато — барбод, барбод!

— Хўп. Энди айтарсиз йиллардан хато қилганим ўтган йилги жиноятга боғлиқлигини!

— Узр, ака, — дедим. — Тажрибали бўлмаганим учун аниқ бир нима деёлмайман. Мухтор аканинг сиз ҳақингиздаги ҳикоясини эшитиб, кундалик дафтарингизни ўқиб, шундан бошқасига ақлим етмади.

— Тентак экансиз. Мен бирор нима аниқлабдими, деб хомтаъма бўлиб ўтирибман.

— Хоҳласангиз жумбоқни ечишга ростдан ҳам уришиб кўраман. Натижа чиқмаса, мендан хафа бўлиш йўқ.

— Буқаламунлик қилмай, одамга ўхшаб гапиринг.

— Зарина янганинг фожиасига бир неча шубҳа-гумон йўлидан яқинлашаман. Суриштирганим сайин яқинлашиб боравераман. Шубҳа-гумон йўллари камайиб, охир-оқибат битта қолади ва қотил ёки ўлимга сабабчи шахс кимлиги аниқ бўлади. Ҳозирча гумондагилар орасида сиз ҳам борсиз.

— Йўқ, ўша мен эмасман, — бош чайқади Назар ака. — Қотил бўлганимда, бошимни оғритиб юрмасдим бунақа! — У машина калитига қўл югуртирди, илло бурамади. Менга бир умид боглаб турарди, чамаси.

— Сиз эмаслигингизга ишонишимни хоҳласангиз, саволларимга виждонингиз ҳаққи тўғри жавоб беринг, — дедим қатъий қилиб.

— Яна қандай саволлар? Айтинг!

— Янганинг ўлимида қўли бор бир одамдан кўпроқ шубҳаланяпсиз. Уни бирдан фош этишга қўрқяпсиз. Шунинг учун ҳар томондан эҳтиёткорлик билан ёндашяпсиз. Ўтган йилга қараганда фикрингиз ўзгарган. Тахминим тўғрими?

Назар ака сочини асабий силаб, машина шифтига тикилди-да, уф тортди.

— Тўғри, — деди у. — Бошқаларига қараганда, битта-

сидан кўпроқ шубҳаланяпман. Ҳали бу гумоним ҳақида гапиришга эрта. Аввал амакингизга учрашиб, татиуровкали ҳақида сўрайлик.

— Нега эрта? Одатда ишимни осонлаштириш учун нима билсангиз, оқизмай-томизмай гапириб беришингиз керак.

— Ишни тартиб билан узоқдан бошлайлик, илтимос. Бўлмаса, тузатилмайдиган хато қилиб қўяман.

— Сизнинг асл мақсадингиз бошқа, — деб кўрсаткич бармоғимни бигиз қилдим. — Зарина янганинг ўлимига сабабчи шахсни судга топшириш эмас.

Собиқ қассоб нозик бармоғимга беписанд қараб қўйгач:

— Мақсадим бошқа эмас, — деди. — Ёндашув бошқа... сал бошқача... Ўртада қотилни топишдан ҳам муҳим сир бор.

— Ана энди ўзингиз келяпсиз, Назар ака.

— Менга бу ишда ёрдам берсангиз сизни катта мукофот билан сийлайман. Охири қандай якун топишидан қатъи назар кўрган-кечирганларингизни бир умр ҳеч кимга гапирмайсиз. Келишдикми?

— Фикримни айтайми?

— Фақат «йўқ» деманг.

— Сиз қотил эмассиз, Назар ака.

— Раҳмат, — қўл узатди у.

Биз қўлларимизни қисиб, дўстлик изҳор этдик.

— Шунга қарамай, амакимга учрашишимиздан олдин яна саволлар беришим керак. Сабаби, асосий нишонда қолаверасиз. Ахир, сиз бўлмаганингизда янга ўлмасди, сигир сўйганингиз тасвирланган расм ҳам раҳматлининг қўлига тушмасди.

— Саволлар бемалол дедим-ку.

— Ўқишдан ҳайдалаётганингизда нега университет домласини ахтармадингиз?

— Ўшанда қаттиқ касал бўлганимни Мухтор ресторанда яхши гапирди. Мени ўқишда қолдиришга ҳеч ким ҳаракат қилмаётгани очиқ кўриниб турарди. Чув тушгандим. Сирли ҳовли эгаси эса ҳеч қандай ўқитувчи эмас, деган фикр бошидаёқ калламда бор эди. Ўзимни ўзим шарманда қилишда давом этишдан нима фойда?!

— Татиуровкалини жинни деб ўйлайсизми?

— «Томи тўлиқ кетмаган телба эди» десак ярашади.

— Шунақа дейсизу, сизга ўз даврининг қимматбаҳо валютасини, яъни қизил ўн сўмликларини ўйлаб ўтирмасдан тутқазганига қараб савдойилигига унчалик ишонмайман. Қизил ўн сўмликлар у пайтларда телбаларни ҳам сергаклантирган салмоқли бойлик эди.

— Пулини олмаганман. Ўқишдан ҳайдалмаслик учун шартлашгандик.

— Сувни кўрсатиб суғормай кетган устаси фаранг товламачи демоқчимисиз?

— Умуман олганда, шундай бўлиб чиқди, — тан олди Назар ака.

— Ҳеч қачон! — дедим мен. — Устаси фаранг товламачи битта қари сигирни сўйдириш учун ғалати томоша қўймайди. Қисқаси, йигирма уч йил муқаддам учраган татиуровкалининг ўтган йилги фожиада заррача ҳам айби йўқ. Менимча, у аллақачон вафот этиб, кўкариб чиққан.

— Мен ҳам шуни айтаман-да.

Ўйга толдим. Сўнгра дарҳол дедим:

— Яна бир гапингизга шубҳам пайдо бўлди, Назар ака. Сиз гумондорларни икки гуруҳга ажратгансиз. Талабалик чоғингизда сирли ҳовлида сигир сўйганингиздан хабардорлар ва бундан умуман беҳабарлар. Ўтмишингиздан беҳабар одам ҳақиқатан ҳам Зарина янга яшайдиган ҳовлига келиб, ўлдириб, қўлига сураат қистириб кетмайди.

— Ҳа, албатта.

— Ўтмишингизни биладиганлар-чи?

— Улар шундай қилиши мумкин эмасми? — деди Назар ака. — «Уларга сурат — далил!» деб дафтарга ёзганман-ку! Айнан менинг ҳаётимдан хабари бор одам Заринанинг бошига етганини сурат айтиб турибди. Хабари бўлмаса, қаёқдан чизади ўша суратни? А? Айтинг-чи менга!

— Йўқ, — дея фикримни жамладим. — Янада чуқурроқ ўйлаб кўришимиз керак. Улардан гумонсирашингизга сурат далил экан, бу гумон хато эканига ҳайкал далил.

— Қанақасига? — кифт учирди Назар ака.

— Шунақасигаки, сиз ҳайкални яқинда топгансиз. Зарина янга ўлганда ҳайкал айнан ўша уйдаги девор орасида эканини ҳеч зог билмаган. Ҳатто, сиз ҳам! Ўйлаб кўринг, ҳовли сал кам чорак аср илгари сиз одам кўзли сигирни сўйган жой эканини қотил қаёқдан биледи? Мақсади хотингизни ўлдириш бўлса, сизда янгалардан учта эди. Айнан учинчи хотинингиз «қурбонлик»ка танланган экан, калаванинг бир учини суратдан ахтариш хато.

— Суратда нега ўтмишимдаги воқеа чизилган? Ким чизган? Нима учун бечоранинг қўлида эди у?

— Сизнингча, қотил Зарина янга иккалангиз қаргиш урган ўша эски уйни сотиб олганларингизни билганми? «Ким ўтмишимдан хабардор бўлса, улар кўпроқ гумонда» деб гуруҳга ажратишдан фойда йўқ. Бу ўша уй эканини татиуровкали кимсагина биледи. Бунинг учун телба-тезик нусха шунча вақтдан бери тирик бўлиши, сизни таниши ва аллақандай қасос истагида яшаши керак.

— Саволимга аниқ жавоб бермаяпсиз. Суратда нега талабалигимдаги воқеа тасвирланган? Лаънати расм қанақасига алоқадор эмас?

— Айтмоқчиманки, сиз талабалик кезлари бошингизга қоп кийиб келган ҳовли шу эканини қотил билмаган. Шунга қараб, Зарина янга эски ҳовлини сотиб олгани учун ўлдирилмаган, деган хулоса келиб чиқади. Истайсизми, йўқми, шундай, Назар ака! Хотинингиз ўйлаганингиздан бутунлай бошқа сабабдан ўлган. Марҳуманинг қўлидаги сурат, кейинчалик девор орасидан топилган сигир ҳайкали бизни чалғитяпти. Кимдир қора сигирни сўйганингиз учун хотинингизни ўлдиришга қасд қилганида, Арофат янга билан Маҳлиё янга ҳам тирик юрмасди. Фикрим шу.

— Гумон кимдан?

— Қотилнинг маконига турли сўқмоқлардан боришимни айтдим. Гумондорлар ҳозирча кўп. Марҳум курсдошингиз ҳам бу рўйхатда.

— Асадуллами?

— Исмини билмайман. Сиз билан ижарада бирга турган, татиуровкалининг суратини олиб қолган, кейинчалик йўқотиб қўйдим, деган, бундан олти ой аввал вафот этган шахс.

— Э, ҳеч вақога арзимайдиган гумон бу! — Назар ака қўл силтади. — Зарина ўлганида курсдошим шифохонада ётганди. Охирги йиллари пашшага ҳам озор бермайдиган ювош, ҳалим, индамас одамга айланганди. Неча йиллардан бери касал эди. Икки йил аввал бир тўйда учратганимда ҳассага суяниб юрган экан. Қаерда ишларди дейсизми? Қишлоғидаги ўрта мактабда муаллим эди.

— Хўп, татиуровкали киши сизни мол сўйишга олиб кетаётганида, курсдошингизга ўз суратини қолдириш-

дан мақсад — сизнинг хавфсизлигингиз эканига эътироз билдирмайман. Мабодо, номаълум гўшадан тирик қайтмасангиз, суратни курсдошингиз милицияга топширади ва татиуровкали ушланади. Нима учун суратни топишга жиддий киришиб, татиуровкали билан шуғулланмаганингиз эса эътирозга лойиқ. Ахир, мол сўйишга олиб борган одам сизни алдади, ўқишдан ҳайдалдингиз.

— Барибир ўқишдан кетишимни тушундим. Университетнинг юзига оёқ қўйиб, кўп вақтимни кушхонада ўтказганим учун гўр бўлармидим! Бир йил тўшакда ётганимдан сўнг ўқишимни тиклашни ҳаёлимнинг кўчасига ҳам келтирмадим. Тошкентга ўқишга боришим керакмиди, қассобчилик орқасидан пул топишгами, мақсадни аниқ қилишим шарт эди, ука.

— Мурданинг қўлидан ўтмишингиз акс этган расм топилганидан кейин ҳам курсдошингизни эсламадингизми?

— Асадулла менга бир ҳикояни кўп гапирарди. Бир қароқчи умрида сон-саноқсиз жиноятлар қилибди. Ўрмонда юрса, олдидан ўргимчак чиқиб қолибди. Оёғи билан эзиб ташласа бўларкану индамабди. «Кел, шу ўргимчакка озор бермай», дебди. Вақти-саоти келиб, қароқчи ўлибди. Тўппа-тўғри дўзахга тушибди. Кунларнинг бирида қараса, юқоридан ўргимчак ипи тушаётганмиш. Дўзахдан қутулиш учун ипга осилибди. Лекин бошқа гуноҳкорлар ҳам ипга тармашиб, жаҳаннамдан қутулиб кетаётганини кўриб, «Бу менинг ипим! Сенлар тушинглар!» деб бақирибди. Шунда ип узилиб, қароқчининг ўзи ҳам дўзахга қулаб тушибди. Умрида бир марта қилган яхши иши учун берилган савобдан ҳам фойдаланолмабди.

— Акутагава, — дедим жилмайиб.

— Нима? — пешонаси тиришди собиқ қассобнинг.

— «Нима» эмас, «ким» деяверинг, Назар ака. Сиз япон ёзувчиси Акутагаванинг ҳикоясининг мазмунини сўзлаб бердингиз.

— Асадулла чет элликларнинг китобларини кўп ўқирди. У китобдан олиб гапирган экан-да?

— Шундай қилиб, курсдошингиз ўргимчакни ҳам ўлдиришга журъат қилмайдиган савобталаб одам бўлганми?

— Ҳа. Унинг альбомини титкилаб-титкилаб мана-ви расмни топганимда ҳам шубҳаланмадим. У атайин яширмаган. Расм қишлоқдаги уйининг тоқчасидаги жомадон ичига тушиб қолган. Шу-шу унутилган. Зарина ўлмаганида раем сариқ чақалик қийматга эга бўлмасди.

— Расмдан сизнинг умидингиз борми, йўқми ўзи?

— Заринанинг қўлидаги қогозга чизилган расм калаванинг биринчи учи. Татиуровкалининг фотосурати йўлкўрсаткич. Мен фотосуратни катта аҳамиятга эга деб ҳисобламайман. Усиз ҳам сирни очса бўлади.

— Милиция чизилган расмдан деярли фойдаланмадими?

— Қора сигир афсонасига ҳам қўл силкиди улар.

— Ҳайкалнинг топилганини органлардан яшириб-сиз, Назар ака, энди-и...биз анча қалин сирдош бўлдик. Ҳайкал ҳақида бошқаларга гапирмаганингизнинг сабабини айтасизми?

— Ҳозирми?

— Ҳа-да. Мени изқувар ўрнида кўраркансиз, яширманг.

— Олдин амакингизга учрашайлик. Боя айтдим-ку бировдан шубҳа қилаётганимни. Ҳайкални органдан бекитаётганиму кимдан шубҳалаётганимни айтишим, хуллас, сизнинг ишингизга халақит бермайди. Топширигимни бажаринг, ўзим рози қиламан.

— Гап айланиб-айланиб, барибир татиуровкалига тақаляпти. Сизнингча, амаким йигирма йил аввалги бир байрамда тасодифан кадрга тушиб қолган экан, атрофидагиларни номма-ном айтиб бера оладими?

Назар ака ногоҳон завққа тўлиб, қўл узатди.

— Беш ташланг! Амакингиз уни эслолмаслиги аниқ! Бу расмда эслайдиган зўр нарсани кўриб турибман. Шуни айтса бас, ўтмишимнинг жумбоқларидан бири ечилади.

— Нима экан? — фотосуратга тикилдим.

— Гиштли бино, — деди Назар ака фотосуратга бар-могини нуқиб. — Бу бино ҳозир йўқ. Шўро даврида у қаерда жойлашганини айтса, иш анча олдинга сил-жийди.

Шундан сўнг Назар ака кетди. Шанба куни эрта-лаб унинг «Нексия»сида қишлоққа, Худоёр амаким-нинг ҳузурига жўнадик. Бизнесменнинг ёнида ўтириб, югурик йўллардан кўз узмай ўйлардим: «Мен билма-ган анча-мунча маълумот қассобга аён. Нияти учин-чи хотинининг қотилини ёки жазманини фош этиш эмас. «Ховлидан топилган излар дарак бераётган йи-гит ким?» деган савол кеча-ю кундуз тинчлик берма-яптимикиан? Бировдан шубҳам бор, деб қайси йигитни айтаётган экан? Ўзининг ўғли йўқ. Жиянлари, амаки-ваччаларимикиан?»

— Кечирасиз, Назар ака, — дедим унга, — Маҳлиё янганинг тақдири нима бўлди?

— Ёлғиз яшаяпти. Кўргани кўзим, отгани ўқим йўқ. Фиринг десам, қаматади. Бу — унинг шиори. Ўлдириб қўйишимдан қўрқади, ярамас.

— Ҳожимурод уйланмадими унга?

— Қаёқда-э!

— Кундалигингизда Зарина янганинг ахлоқидан гу-

монсираб, нималардир ёзгансиз. Гўё у кундоши Маҳлиё каби уйга бир йигитни киритган. Зарина янга сизнинг келишингизни била туриб, наҳотки, бегона йигитни чақирган бўлса? Бунисига ишанолмаيمان.

— Тўғри айтасиз, бу фикрни терговчилар ҳам ўртага ташлаганди. Кечаси келган йигит Заринанинг таниши бўлган, лекин ўйнаши эканига ишониш қийин, дейишган. Айтганингиздек, менинг йўлда келаётганимни билган ҳолда жазманини чақирмайди-ку.

— Қўшнилар кўчадаги гилос тагида турган шарпанинг ўғил бола эканига кафолат беришдими?

— Нима бало, у қиз ҳам бўлиши мумкинми? — ялт этиб қаради Назар ака.

— Йигирма-ўттиз ёшлардаги йигит эканми ё ёши қайтган эркакмикан, демоқчи эдим.

— Йигит бўлган. Жинси кийган, қўлини чўнтакларига солган, ўрта бўйли. Битта гувоҳнинг айтишича, у қўлида қўғирчоқ ушлаб турганмиш.

— Қўғирчоқ?

— Ҳа, қўғирчоқ. Кечки соат ўн бирларда кўча бўйидаги гилос тагида йигит нима учун қўлида каттакон қўғирчоқ ушлаб туради? Гувоҳнинг кўзига қўша қўринган бўлса керак.

— Бирор қизнинг туғилган кунига совга олиб келгандир?

— Қўғирчоқ масхарабозларникига ўхшаган бесўнақай экан. Чиройли, бежирим «Барби» эмас, ука.

— Ҳм, бу жуда қизиқ маълумот, — деб қўлларимни чалиштириб, пастки лабимни тишлаган кўйи миямга зўр бердим.

— Тунов куни раҳматли курсдошимдан бекорга шубҳаланмадингиз, — деди Назар ака.

— Асадулла ака ҳақида фикр ўзгардимми?

— Менда бир заиф шубҳа бор. Татиуровкали телба олис қишлоқдан келиб, университетда ўқиётганимни, қассобчилик қилиб пул топаётганимни, ўқишдан ҳайдалаётганимни, қаерда ижарада туришимни — ҳаммасини қандай аниқлаган? Менимча, Асадулла уни таниган. Ўтган йили Заринанинг ўлишига улар айбдор эмас, бироқ бир-бирини таниган бўлиши мумкин. Асадулла якшанба кунлари мардикорчиликка чиқиб кетарди. Қаерларда нима ишлар қилганини бир оғиз айтмасди. Мен билан кушхонага юр, яхши тўлайман, десам ҳам бормасди. Тирик жонзотни сўйишларига қараб туришни онгига сиғдиrolмасди. Шоиртабиат инсон эди-да, бечора. Балки одам кўзли сигирни сўйиб-саранжомлашимни уюштиришда курсдошимнинг ҳам қўли бўлганмикан, дейман-да.

— Хўш-хўш?

— «Ховли эгалари бефарзанд ўтган» деган далилга эътибор беринг. Улар ҳовли юмушларини бажаришга четдан одам, яъни мардикор чақиришадими? Чақиришади! Бир куни (қора сигирни сўймасимдан олдин) ҳамхонам бўлмиш Асадулла сирли ҳовлига ишга бориб қолади. Қараса...

— Қараса, одам кўзли сигир ўлолмай ётибди, — деб оғзидан гапини олдим. — Уй эгаси бўлмиш рассом ҳам, курсдошингиз ҳам бояқиш жониворнинг бошида парвона. Эҳтимол, икки шоиртабиат йиғлашгандир. Охиروқибат сигирни сўйиш керак, деган қўрқинчли қарор қабул қилишади! Жон беролмай неча кундирки азобда ётган жониворнинг бўйнига тиг тортиш кераклигини одамлар билишмайди, дейсизми? Тушунаман, сигир ўн йил ичида эр-хотиннинг якка-ю ёлғиз овунчоқларига айланган, одамдек бўлиб қолган. Наилож, бошқа чора йўқ эди. Шунда гап ўз-ўзидан қассобга бориб тақалади.

Театр рассоми «Сигиримни қандайдир гўштхўр қассоб сўйиб, терисини шилиб, ичак-чавоқларини агдаришини истамайман», дейди. Курсдошингиз эса сизнинг ёш қассоб эканингизни, пул топишга қизиқишингизни айтади. Рассом қўшимча маълумотлар сўрайди. Отангиз ҳам қассоб эканини, олис қишлоқдан келганингизни, бўш вақтларда кушхонада ишлаб, кейинчалик ишга берилиб, ўқишни ўлда-жўлда қолдирганингизни, натижада ҳозир университетдан ҳайдалаётганингизни билиб олади. Курсдошингиз буни махфий сир ёки гийбат деб ҳисобламасди, албатта, шунинг учун ўйлаб-нетиб ўтирмай ипингиздан игнангизгача — барча маълумотларни айтади. Менимча, рассом қасам ҳам ичтирган бўлса керак.

— Нима учун? — деб Назар ака машина тезлигини пасайтирди.

— Курсдошингни ғаройиб йўл билан уйга олиб келиб, сигирни сўйдираман. Бу ишга бир танишимни жалб этаман, сен миқ этмайсан, деган.

— Фақат шу иш учун қасам ичтирганми?

— Ҳа. Бошқа нима?

— Сизнингча, сигир ростдан ҳам одам кўзли бўлганми? — кўз қирини ташлаб қўйди Назар ака.

Ҳайрон бўлиб, дедим:

— Қизик гап гапирдингиз-ку! Одам кўзли эканини ўзингиз айтгансиз, мен кўрмаганман уни. Ё оддий сигир эдими?

— Келинг, бир-биримизга ёрдам берамиз.

— Шундоқ ҳам сизга ёрдам беряпман.

— Айтмоқчиманки, — деди Назар ака, — ҳаётимда рўй берган воқеаларнинг тагига етиб бориш учун ҳар томондан бирга ўйлашиб иш олиб борамиз. Оқибати ҳақида келишдик: ким қотил бўлиб чиқишидан қатъи назар, индамайсиз, аниқроғи, менга қўйиб берасиз.

Дунёда одам кўзли сигир йўқ. Ўша кеча мен гипноз қилинган бўлишим ҳам мумкин. Бунга нима дейсиз?

— Энсамни қотирган бўлардим.

— Сабаб?

— Ўтмишингизни ўзимча тасаввур қилганим ҳақида аввал бир нима денг.

— Шубҳамнинг давомини яхши тасаввур қилдингиз, гап йўқ сизга, детектив.

— Сигир одам кўзли бўлмаган, гипноз ҳам қилинмагансиз. Асадулла акадан ташқари кушхонадами, университетдами сиз ҳақингизда рассомга маълумот беришда гумон қилса бўладиган яна кимдир бормиди?

Назар ака елка қисиб:

— Қайси биридан шубҳаланаман, — деди. — Мени таниганлар қанча эди, эҳ-ҳе! Рассом ўзини песликка олиб бирортасидан писмиқланиб сўраган бўлса, айтса айтгандир.

— Курсдошингиз фотосуратни йўқотиб қўйиши бир оз шубҳали, холос, — дея эътироз билдирдим. — Фотосуратнинг умр бўйи дараги бўлмаган, ҳатто хотинингиз ўлиб, ёнидан сизнинг мудҳиш кечангиз тасвирланган чизма расм топилганда ҳам Асадулла ака жим, фотосурат эса йўқ эди. Ўлимидан кейин уйига бориб, бир титкилашда топиб олдингиз.

— Нима демоқчисиз? Шубҳам заиф эмасми?

— Шундай бўлиб чиққанда, янганинг ўлимига боғлиқлиги бўлади дейсизми?

— Йўқ-да.

Мен кулиб, бош чайқадим.

— Нега куласиз? — сўради Назар ака йўлдан кўз узмай.

— Қизиқ одамсиз-а, Назар ака.

— Нимам қизиқ?

— Колбаса цех, кушхона, гўшт расталари, озиқ-овқат дўкони очган сиздек салобатли, жиддий киши йигирма тўрт йил бурунги суратнинг изидан тушиб, саргузаштга талабгор. Гоҳ ундан, гоҳ бундан шубҳа қилади, дақиқа сайин ўзгаради, бир тўхтамга келолмайди, шошади; ҳовлиқади. Биласизки, янгани татиуровкали кимса ёинки сирли ҳовли арвоҳлари ўлдирмаган. Расмга чалғияпсиз. Жа бўлмаганда, сизни расм билан чалғитишяпти. Айтгандай, озиқ-овқат дўконларингиз нечта?

— Битта. Юнусободда.

— Иккинчи хотинингизга хатлаб бермаганмисиз?

— Ундан кейин яна очдим.

— Кўпайтирмоқчимисиз?

— Йўқ, чарчадим.

— Одамлар элликталаб дўкон очиб ҳам чарчамайди. Бизнесингиз худди университетга ўқишга кирган ҳолда қассобчилик билан шуғулланишга ўхшаб кетаркан. Кечирасиз-ку-я, шахсий ҳаётингиз ҳам! Хотин талабга жавоб бермаса, бошқасини олиш керак, деган ғояга берилгансиз. Бундан бошқача яшамасликка сабрим чидамайди, дейсиз. Талабга жавоб бермаслигининг сабаблари орзуларнинг ушалмаслигими? Нима, ота-она, фарзандлар, поччалар, қайнилар ҳамиша ҳам орзудагидекми? Ғоянгиз ғоя экан, бошқа яқинларни ҳам кимларгадир алмаштириш керакми?

— Яна мен нишонда!

— Гап нишондамас, ака. Нишонлар миллион-миллион!

— Шу-да! Улар орасидан айнан мен нишонда!

— Гап сабабда! Сизни нима қийнаётганини билиб турибман. Мурданинг ёнидан сигир сўйганингиз тасвирланган расм топилган экан, балки мастлигингизда сар-

гузаштни янгага гапириб бергандирсиз? Янга ёлғизликдан зерикиб расм чизгандир? Милиция «бахтсиз ҳодиса бўлган» деган тахминни ҳам олға сурибди, бекорга эмас. Янга уйга кирган бегона йигитдан ўзини ҳимоя қилиш учун пичоқ кўтарган, сўнгра зинадан йиқилиб, пичоқни ўзига санчиб олган бўлиши мумкин-ку.

— Уйга баъзан бўкиб ичиб келганман. Бошимга қоп кийдиришганини гапирганимни умуман эслолмайман. Гапирганимда, эртасигами, бирор кунми, сўрарди-да!

— Сурат нўноқ рассомнинг иши эдими, профессионаликими?

— Боғча боласига ўхшаб чизган.

— Чизган одам рассом эмаслиги аниқ экан-да?

— Юз фоиз! — ҳавони кесди Назар ака.

— Узр, бояги гапимиз чала қолди. Модомики, сигир одам кўзли эмас экан, нима учун ўша томоша уюштирилди? Аксинча, одам кўзли, гаройиб сигир бўлгандачи? Бошингизга қоп кийдириб, антиқа усулда ҳовлига олиб боришлари шартмиди? Курсдошингиз сигирни кўрибди, аммо у қайси уйда эканини айнан сиздан сир сақлашга жазм этишибди, нега сигирнинг кўзларини боглаб, бўйнига тиг торттиришмади? Шундай қилишса, сигирнинг кўзлари одам кўзли эканини туш кўрармингиз?

— Тўғри.

— Ҳовлиниё ўз шахсларини яширишдан мақсад нима эди? Курсдошингизга шу боис қасам ичтирганмикан, деяпман-да. Зарина янгага совга қилган уйингизда ҳам бир сир бор. Сир мистикага доир эмас, телбалик бўлиб чиқишига кўпроқ ишонаман. Телбаликдан ҳайрон қолмайман. Ҳайронлигим, бу — курсдошингизнинг алоқадор бўлиб чиқиши. Сиз ҳақингизда

рассомга берган маълумотларини, одам кўзли сигирни кўрганини, унинг манзилини ҳам билишини — буларни умрбод ичида сақлаб яшаши... Хуллас, атала! Ҳаммаси аталадек аралашиб кетган. Заиф шубҳангизни тегирмонимга ташлаб кўриб, дейманки, вариантда чўйўқ.

— Гипноз бўлмаганми?

— Бўлмаган.

— Кашпировский, Чумак деганлар чиққан дамлар эди. Мен гипнозчилардан кўрқардим. Асадулла шуни ҳам рассомга айтган бўлса, бошимга қоп кийдириб, гипноз қилишганмикан? Оқибатда оддий сигир ҳам кўзимга одам кўзли бўлиб кўрингандир-да, а?

— Менга бунинг фарқи йўқ. Қизиқтиргани — сигирни ғаройиб усулда сўйдиргани. Қассоб чақириб, сўйдириб қўя қолинади-да, ахир. Томоша кимга, нима учун керак эди?

Биз анча йўлгача жим кетдик.

— Университетда галати феълли бирорта ҳам домлани эслолмайсизми? — деб сўрадим.

— Жиннилар ҳар қандай университетда топилади, — жавоб берди Назар ака. — Раҳматли Асадулладан шубҳаланаётганимга виждоним қийналяпти, ука. Сиз игнадек гумонимни туядек катталаштириб юбордингиз. Рассом телба бўлгани учун ўзича томоша қўйиши ҳақиқатга яқин. Унинг томошаси-ю Асадулланинг сир сақлаши аслида Заринанинг ўлимида роль ўйнамайди, деб ўйлаганим учун ҳам фотосуратга жон-жаҳдим билан ёпишганим йўқ. Юрагимда битта савол жаранглайди, жаранглаб тўхтамайди. Ким у? Ким ўша? Ким? Ким?!

— Янганинг қўлидаги қоғозга расм чизган одамми?

— Албатта-да!

— Шунга қарамай биз ҳозир чизилган расмнинг эмас, татиуровкалининг фотосурати изидан кетяпмиз.

— Жиноятни фош этиш учун, керак бўлса, гугурт чўпининг ҳам изидан югуради одам. Бораверайлик. Айтдим-ку, амакингиз менга гиштли бино қаерда жойлашганини айтиб беролса, иш олдинга силжийди.

— Татиуровкалининг «фотка»си борлигини бошида нега яширдингиз? Мақсад, миямни қиздириб, кўпроқ ишлатишмиди? Мен найрангларсиз ҳам «иждо» қила оламан.

Назар ака «сени қара-ю» деган маънода нигоҳ ташлаб:

— Ўзингиз-чи? — деди. — Мухтордан эшитган кунингиз нега додламадингиз?

— Мухтор акани сотмоқчи эмасдиму, бир гапини айтишга мажбурман. У киши бу ишга аралашмаслигимни, хавфли эканини маслаҳат берди.

— Тавба! Шунинг учун ҳаммасини осонгина бўйнимга илиб, орани очиқ қилмоқчи бўлдингизми?

— Мутлоқа нотўғри! Аксинча, энди мендан қутулолмайсиз.

— Мухтор довдир ўзининг соясидан ҳам кўрқади. Ичганда жўшади, ичмаганда кўнишади. Кўрдингиз-ку, тарихимни қандай берилиб ҳикоя қилди! Кайфи тарқагач, бутунлай бошқа одамга айланади-қолади.

— Назар ака, Зарина янганинг қисматигаю сизнинг талабалик чоғингиздаги воқеага қаттиқ қизиқиб қолдим. Бир ўйиннинг қурбони сифатида ўзингиз ҳам жинча ўйин қиялсиз-а, шундай эмасми? Мен бу ўйинда кимман? Ростдан детективманми ёки қармоққа илинган хўракманми?

— Ҳе-ҳе-ҳе...

— Кулманг! Фотосуратдан ўзи гап очармикан, деб

сешанба куни индамадим. Кундалигингизни ўқиб чиқиб, сизга ташхис қўймоқчи эдим, мана, қўйдим.

— Ташхисингиз «қотилликда қўли бор» деган синдромми?

— Лекин Худо сақладими?

— Худо сақламаса юрармидик, ҳурматли хусусий изкувар! — Кейин тўнгиллади: — Хўрак эмиш! Журналистлар гапни ҳам бошлайди-да! У ҳолда мен қармоқнинг игнасиманми?

«Нексия» асфальт йўлдан соатига бир юз йигирма километр тезлик билан илгариламоқда эди. Олис уфққа чўзилган йўлнинг бўм-бўшлиги тезликни ҳис этишга халақит берарди. Йўл четидаги ихота дарахтларини, соялаб юрган қўй-қўзиларни томоша қилиб борардим. Унда-бунда учрайдиган деҳқонлар тарвуз-қовун сотиб ўтиришарди. Қучоққа сиғмайдиган таргил тарвузлардан харид қилиб, йўлда давом этдик.

— Миям тинимсиз фикр ишлаб чиқаряпти, — дедим вилоятимиз сарҳадларига етганимизда. — Ҳозир айтайми ё вазиятни кутайми?

— Э, ёмон гиначисизми, дейман, а? Айтинг-да, энди!

— Асадулла акани Худо раҳмат қилсин. Менимча, у киши татиуровкали кишининг ҳамтовоги бўлмаган. Биринчи айтган вариантнингиз тўппа-тўғри, ака. Ўргимчакка ҳам озор беришни хоҳламайдиган инсон сизнинг фожиангизга панжа орасидан қарайдими?

— Хўш?

— Курсдошингиз сиз таърифлагандек ҳалим ва ҳудожўй экан, Зарина янга ўлиб, ёнидан қоп кийган қассоб расми топилганида, ҳар қандай қасамга қараб ўтирмасди. Ҳеч қурмаса, сирни очувчи нимадир ёзиб қолдирарди. Янга ўлганидан кейин Асадулла ака олти ой яшабди. Бу муддат унинг бегуноҳлигига хизмат қи-

лади. Бехосият уйингиздаги фожиадан аввалроқ вафот этганида бошқа гап эди.

— Ҳалимлик, художўйлик қасамни бузишга йўл қўяди, дейсизми?

— Қасам ичган бўлса, одам кўзли сигирни ва ҳовлини сир сақлашга қасам ичган. Сизни ёки яқинларингизни ўлдириб кетишса ҳам сир тутаман, демагани аниқ. Чунки бундай онт ичиш ҳалимлигу художўйлик қоидаларига тўғри келмайди.

— Қисқаси, Асадулланинг айби йўқми?

— Айби йўқ, — дедим. — Сиз ва у киши, жами иккита гумондор рўйхатдан ўчирилдингиз.

Кўп ўтмай болалигим кечган қишлоқ қучоқ очди. Одамлар машинага синчиклаб қарашар, ҳовлилардан чопиб чиққан итлар ўттиз-қирқ қадамча вовиллаб чопар, болалар «Қочинглар, машина келяпти!» деб йўл четларига тизилишар эди. Кўча адогидаги эски ёғоч дарвоза ортида ёнғоқ, ўрик, тераклар қад ростлаб турарди. Амакимнинг келини машина овозидан сергак тортиб, рўмол учини ўйнаб эшикка чиққанди, мени таниб дарҳол ҳовлига бош буриб:

— Ота, бу ёққа қаранг, Тошкентдаги журналист қайним келди, — деди.

Худоёр амаким кўринди. Шўро даврида техникумда жисмоний тарбиядан дарс берган амаким ҳали-ҳануз тетик, бардам, қувноқ эди. Биз қучоқлашдик.

— Тошкентда нон ейсанми ўзи? Озиб кетибсан-ку! — елкамга қоқди у.

Назар ака оппоқ соқолли, барваста чолга эҳтиром ила иккала қўлини берди:

— Ассалому алайкум, отахон! Бардам-бақувватмисиз?

Биз олма остидаги пастак чорпояга чўқдик. Ҳов-

лининг бир тарафи дарахтлар билан қопланган, соя-салқин эди. Кунгай томондаги полизда палакларга офтоб уриб, ҳатто кесаклари ҳам кўзни қамаштиради. Амакимнинг келини дастурхон ёзиб, катта-катта тандир нон, пахта гулли чойнак-пиёла, қанд-қурс, узум-олма, кувида тайёрланган сариёғ келтирди. Биз бир пиёладан чой ичиб, юмшоқ нон қавшадик. Пойтахтдан қандай муаммо ҳайдаб келганини секин тушунтирдим. Назар ака «бемалол» деб бошини оҳиста силкиган эди, учинчи хотиннинг ўлими хусусида ҳам қисқача сўзладим.

— Ҳазилми бу? — сариқ металл тишларини намойиш этди амаким. — Одам ишониши қийин. Бошқа гап борга ўхшайди-ёв!

— Мухтор Солиев эсингиздами? «Спорт ва ҳаёт»нинг муҳбири эди, — дедим. — Ҳозир вилоятига кетиб, газ-нефть конлари бошқармасидаги маънавият бўлимида ишлайди. Тошкентда ижод қилган кезлари сизни бир эмас, уч марта газетага чиқарган. Шу десангиз, эски фотосурат топилгач, Назар ака Мухтор акага кўрсатган. Мухтор ака одамлар орасидан сизни таниган. Кейин Мухтор ака менга қўнғироқ қилди. Шу тариқа Назар ака билан танишдик. Ҳеч ҳазил жойи ёки мўъжизавий жиҳати йўқ.

— Мен ёрдам беролмайман-ов, бу ишқалда. Нима дедингиз, меҳмон? Орадан қанча йил ўтганини била-сизми?

— Аниқ биладан, — деди собиқ қассоб. — Йигирма тўрт йил. Энди, шунча йўл босиб келиб, сиздан ёрдам сўраб турган жойимиз.

— Қўлимдан келса, ёрдам нима бўпти! — қулочини ёзди амаким.

Назар ака татиуровканининг фотосуратини узатиб:

— Бундаги одамларни эслолмаслигингиз мумкин, — деди. — Сиздан умидим, қаерда расмга олинганини аниқлаб берсангиз. Мухторга ҳам расмни шу маънода кўрсатгандим. «Манави одамларни танийсанми?» деб сўраганимда аҳмоқлик бўларди.

Амаким суратни кўзига яқин-узоқ қилиб анча тикилди. Бароқ қошлари остидаги бир жуфт кўз йилтирарди.

— Расм Тошкентда олинган, аммо биринчи май куни эмас, — деб соқолини силади. — Майдон ҳам деёлмайман. Биз яна қаерларга борардик? Хў-ўш... Жисмоний тарбия институтига, педагогика техникумларига, спорт мактабларига, стадионларга... Их-ҳм, аниқ жойини айтишим керакми, меҳмон?

— Баракалла, отахон, — қувонди Назар ака. — Майдонми, институтми бўлганида бошқалар Тошкентдаёқ аниқлаб беришарди. Сиз талабалар сафидан орқароқдаги, ҳув анави бир чети кўринган гиштли бинога эътибор беринг. Ҳозир бу бино бузиб ташланган. Уни эсласангиз, мўъжиза юз берарди-да!

— Кўзим яхши ўтмаяпти, — деди амаким фотосуратни юқорига кўтараркан. — Ҳозир чорасини топамиз. — У ўчоқ бошига хитоб қилди: — Мағфират, ўв Мағфират! Ичкари уйга кириб, токчадан менинг кўзойнагим билан Аббоснинг лупасини олиб чиқ!

Амакимнинг келини ҳаял ўтмай-кўзойнак ва заррабин келтирди.

— Ёрдамни мендан сўраган экансиз, меҳмон, бош устига-да! — нафақадаги ўқитувчининг илҳоми жўшди. — Гумондаги одам шуми? Кўзларига қараб соғ эмаслигидан сизларни огоҳлантирай... Бу эса мен... Ўҳ, Москва олимпиадасидан сўнг формамни йўқотмагандим

ўшанда. Қаранглар келбатимни!.. Булар Ихтиёр, Бекзод... Эҳ, кўпчилигининг оти эсимдан чиқибди... Гумондаги одам олдгинамизда турибди. Орқароқда эса гиштли бино... гиштли бино... Йўқ, бу техникумлардан бири эмас. Гумондорнинг ёнидаги мрамор бурчаги, адашмасам, фаввораники. У ерда фаввора бор... фаввора бор... Эсладим.

— Қаер, домла? — дўриллади сабри тугаган Назар ака.

— Талабаларни театрға олиб боргандик. Бу ер драма театрининг олд томонидаги фаввора жойлашган истироҳат майдончаси. Қайсидир техникумдаги мусобақадан тўғри театрға жўнагандик.

— Осиё кўчасидаги кичик драма театри, эсладингизми?

— Ҳа, худди ўша, — деди амаким.

Ўчоқ бошида жаз-жуз овози эшитилди. Назар ака ёстиққа бахузур суянди.

— Шунақа бўлиб чиқишини кутгандим, Худоёр ака, катта раҳмат, — деб миннатдорчилик билдирди. — Тошкентга борсангиз, бир ҳафта меҳмон қиламан. Раҳматли хотинга сотиб олган уйимизнинг аввалги эгаси театр рассоми бўлиб чиққанидан сўнг манави фотосурат топилди. Рассом Осиё кўчасидаги кичик драма театрида ишлаган. Кечаси бошимга қоп кийдириб рассомникига олиб борган татиуровкали киши расмга тушган жой ҳам ўша театр олди эмасмикан, деб ўйлаб қолгандим. Гиштли бино ҳақида тахминлар айтилганди. Мана, исботланди. Татиуровкали кимса театр олдида нима қилиб юрганди? Сезишимча, у актёр бўлган. Ўлган хотиним Зарина эса театрға боришга жуда-жуда қизиқарди.

— Бу билан нима демоқчисиз? — дедим мен.

— Зарина уч-тўрт марта мени ҳам қўярда-қўймай театр-

га олиб борган. Вақтим йўқлигини баҳона қилганимда елғиз кетарди. Кўпинча Осиё кўчасидаги кичик драма театрига борганини айтарди. Санъатга қизиқмайдиган тўлқори қассоб бўлиб кўринганимга қарамай Тошкентдаги театрларнинг рўйхатини тахлаб ташлайман.

— Тушуняпман. Шунинг учун сўраяпман-да, Назар ака, бу билан нима демоқчисиз?

— Калаванинг учи топилди. Ўзингиз ҳам буни сездингиз.

— Янганинг ўлимида драма театри актёрларидан бирининг қўли бор, демоқчисиз. Шунча йилдан сўнг қандай қилиб саргузаштингиз билан янганинг қисмати театрда боғланади? Театр — ўлимга маҳкум этиш бюроси!? Ҳеч ўхшамаяпти, ака.

— Шошманг, шошманг, — Назар аканинг кўзлари қисилди, — мени рассомнинг уйига олиб борган татиуровкали аслида йўқ одам, яъни театр рассомининг ростдан ҳам ўшанақа телба таниши бўлмаган. У — театр актёрининг сахнадаги роли...

— Образи.

— Образи! Актёр билан рассом бирга ишлашган, мени аҳмоқ қилиб, ўйин ўйнашган. Нима дейишади буни? Репетициями? Реалитик-шоуми? Хуллас, бу нусха театрда келган спортчи талабаларнинг, домларнинг олдида гўдайиб, тасодифан расмга тушмаган, театрда ҳам боши айланиб бориб қолмаган. У ўзи яратган татиуровкали кимса образини кўчада ҳам бемалол синаб юрган муккасидан кетган актёр!

— Муккасидан кетган нарса нима? — тушунмади амаким.

— Шу... ўз касби-да. Ролими, образими, ижодми.

— Лекин фотосуратни нега театрдагиларга кўрсатмадингиз? — дедим мен. — Балки бирортаси актёрни топиб берармиди?

— Навбат худди шу ишга, — жавоб берди Назар ака. — Татиуровкалининг юзи ниқоб қилинган, у гримда. Ўзига ишонгани учун ҳам Асадуллага расмини бемалол ташлаб кетган. Талабалигимда мелисага берганимда ёки яқин-ўртада театрға тўсатдан борганимда, бир иш чиқмасди. Домланикига келиб ютқаздимми? Фақат ютдим! Ҳамма ишнинг вақт-соати, мавриди, пишиб-етиладиган фасли бор.

— Даҳо экансиз-ку! — деб мақтадим.

— Даҳо эмасману бир йилдан бери жим ўтирмадим, ўйландим, изландим, кечалари ухламай чиқдим. Охир-оқибат Худойим таоло сизларни юборди. Ёрдамларингиз чексиз.

— Орадан йиллар ўтиб, янға ўша актёр ишлаган театрға томошаға тушган экан, кейин-чи? Телба актёр тирикми? Сирли сигир сўйилган ҳовлини сотиб олганингизни билиб, уй бекасини ўлдирганми? Нега? Нима учун?

— Саволларни қалаштирмай туринг! Кимдир Зарина билан театрда танишиб, қаерда яшашини, менинг нима ишлар қилишимни, таржимаи ҳолларимизни билиб олган. У театрнинг телба актёри билан телба рассоми талабалигимда устимдан томоша қўйганидан хабардор. Рассом эса ўлгани аниқ! Татиуровкалининг ҳаётлигига ҳам умуман ишониб бўлмайди. Театрда бошқа одам бор. Ёш ва бўлажак, нима десам экан, худди мен билан сичқон-мушук ўйнаган ходимларға ўхшаш бўлажак... телба, савдойи! Улар Заринани ўлдирмаган бўлиб чиқса, ҳайрон қолмайман. Лекин ўтмишим тасвирланган расмни чизишган, эрингнинг тарихи шу, деб. Театр одами қотил бўлмаса ҳам, Заринанинг ўлимига қандайдир алоқадор. Театрдаги одамни топиб, обдон гаплашиб, кўнглимни хотиржам қилишим керак. Агар хотиннинг ўлимига сабабчи эканини пайқасам, мелисага бераман.

— Бирйўла иккита жумбоқни ечишга бел боғлабсиз-да? — деди амаким суратдан кўз узмай.

— Ҳа, бу ёғи ўта сирли детектив асар бўлиб кетди, — мен Назар аканинг тахминларига хайрихоҳ бўлмадим. — Наҳотки, сиз гумон қилаётган, ҳозирча мендан номини сир тутаетган одамингиз театрда ишлайдиган, ҳалигача кимлиги номаълум нусха бўлса? Ўйлагандим-ки, у сиз учун анча қадрли, ҳаттоки жигарингиз...

— Эй, эй!.. — Назар аканинг ранг-туси ўзгариб, кўзлари бир зумда қонга тўлди.

— Сўкиб юбордимми? Узр!

— Ўйлаб гапиринг-е, нега у менга жигар бўларкан? «Жигар» деган сўзни авайлаб ишлатинг, ука!

— Назарбой тўғри айтади, — меҳмонникини маъқулади амаким. — Жигар, жигар, жигар...

Амаким заррабинни фотосуратга тутиб, бир сўзни чайнаб, жиддий тортиб қолди. Кейин алланечук тўлқинланиб сўради:

— Назарбой, одам кўзли ҳайвон борлигига ишонасизми?

— Ишонмайман, — деди собиқ қассоб. — Ўз кўзим билан кўрган бўлсам ҳам ишонмайман. Сигирни сўйганимдан кейин бир йил касал бўлиб ётишимдан ҳам хулосаки, у ерда менга жоду-поду, нимадир қилинган. Менга ҳамма нарса алламбало бўлиб кўрингани бежизмас.

— Ҳайкал, кесилган тут, Юнусободдаги телеминорадан ташқари, — деб луқма ташладим. — Фақат улар ҳақиқий эди.

— Сизга ҳайкални бир кўрсатишим керак-да, — деди Назар ака алам билан.

— Албатта, — дедим қўлимни кўксимга қўйиб. — Мени ёллаган ким?

— Унинг татиуровкасини одамнинг кўзи дедингизми, меҳмон? — амаким заррабинда кузатишдан тўхтамади.

— Ҳа. Ўнг қўлининг бошмалдоги билан кўрсаткич бармоғи бириккан юмшоқ жойида.

— Татиуровкали телба аслида йўқ деб тўғри айтибсиз. Бу — бошқа одам! Фаройиб сигир ҳам йўқ нарса эканига алдоқчининг татиуровкаси мисол бўлади.

— Бошқа одам дейсизми? — Назар ака баҳайбат гавдасини оғир кўтариб, ўтирган жойида суратга энгашди. — Бошқамас, аниқ унинг ўзи! Афти умрбод эсимдан чиқмайди.

— Татиуровкасига бир қаранг-чи.

Заррабинни фотосуратга тутган Назар ака пешонасини тириштирди, сўнг тиззасига муштлади. Қўлидагиларни менга узатаркан:

— Вой, аблаҳ актёр-ей! — деди. — Татиуровкасини кўринг лаънатининг! Мелиса ҳам лупа билан яхшилаб текширмаган! Айтдим-ку, бу ҳаммаси ўйин, жирканч ўйин!

Заррабиндан синчиклаб тикилдим ва... «Нимани кўрдинг?» денг. Йиллар тўфони олисларга учириб кетган нусханинг ўнг қўлида қуёш «нур сочиб» турарди. Бир қарашда одамнинг кўзига ўхшатиш ҳеч гап эмасди, аммо у офтобнинг хиёл чўзинчоқ сурати эди.

— Йигирма тўрт йил бурун ўнг қўлида кўзнинг расмини аниқ кўрганмисиз? — деб сўрадим. — Қуёш эмасмиди?

— Ўлай агар, қуёш эмасди! — кўксига урди собиқ қассоб. — Қоронғиликда турганимиз йўқ эди, ахир! Маст ҳам эмасдим. Унинг қўлидаги татиуровка одамнинг кўзи эди. Кўрдингизми, улар мени ўйин қилишган. Ҳеч ким ишонмайди. Ахир, бошқа татиуровка чизиб олибди-ку!

— Алдаяпсиз, деганимиз йўқ, — уҳ тортди амаким. — У ҳақиқатан сирли одамга ўхшайди.

— Сирли бўлганда қандоқ! Мен билан чорак асрдан кейин ҳам ўйин қилаяпти! Тирик бўлса, еб ташлайман падари лаънатни! Воркутада қирқ йил бурун татиуровка қилдирганман, деганди. Воркутада нима қилади? Қамалганман демоқчи бўлган-да!

— Қамалганларни милиция осонроқ топади, — деди амаким. — Театрда иш чиқмаса, мелисага боринг, бугунги натижаларни дастурхон қилинг.

Мағфират янгамнинг ошини маза қилиб едик. Амаким «Бизнинг даврларда эркак киши бир товоқ ёғли ошни кўрдим демасди-я, Назарбой?» деб тўй-маъракаларда ош ейиш ҳақида сўз очди. Эркак товоққа қўл чўзса, бир капгир оларкан-да, огзининг ўнг томонидан чапига қарата кафт юргизиб, ошни оғизга жойларкан, лаблар ёгдан ялтираб, лунжлар шишаркан. Уч ё тўрт марта чайналгач, ютиб юбориларкан. Шу билан ошга яна қўл узатиларкан. Сал эҳтиётсизроқ одам бўлса, ёғ тирсаккача оқиб тушаркан. Шунда шоввоз ошхўр, агар ҳеч ким қарамаса, тирсагидан бошлаб бармоқ учларигача бир яларканки, ўн ангишвона ёғ ошқозони сари равон бўларкан.

— Бақувват одамнинг касалликка чалиниши ҳам, қариб, кучдан қолиши ҳам осонмас, — деди Назар ака. — Кампири ўлиб, тўқсон икки ёшида уйланган, тўқсон учиди ўғилли бўлган бобойларни биладан. Чумчуққа ўхшаб овқат ейдиган, бир бўлак қўй гўштга ҳасанлаб қоладиган ҳозирги қилтириқ йигитчалар олтмишида хотини ўлса, уйланиб ўтирмайди. Нимжон организм чоллик даврининг иссиқ-совуғини ҳам узоқ кўтармайди, ўлади-кетеди.

— Пешонага ёзилган ажал охиригача етмагунча бан-

да сув остида бўлса ҳам яшайверади. Лекин гапни ёмон олдингиз, Назарбой! — истеҳзоли кулимсиради Худоёр амаким.

— Бор гапни айтдим-да! — Назар ака фаросати ҳаминқадар эканини билдириб қўйди. — Кампирнинг ўринини на фарзанд, на келин босади. «Ариқ билан тол, кампир билан чол» дейишган.

— Момомиз икки йил аввал ўтиб кетган, — шивирладим мен.

— Э, узр, домла, — деди Назар ака қизариб. — Кексайганда уйланиш унчалик шартмас, тўғри, тўғри. Ёшликда уйланмасликнинг эса иложи йўқ. Ёш одамнинг неварачевараси, келини бўлмаса... Бу ёғи... ёшликда гуноҳ ишларга аралашиб қолиш ҳам мумкин.

— Хафа бўлманг, гап келди, — деди амаким, — кўп марта уйланишни ёмон кўраман. Кўпинча болали аёлнинг эри ўлса, қайтиб турмуш қурмай, умрини фарзандларига багишлайди. Бу борада сабрни аёл зотидан ўрганиш керакми, дейман-да? Хотин қўйиб, хотин олишдан, ажрашишлардан иложи бориचा сақланиш керак. «Фалончи иккинчи марта уйланибди» деган гаплар яхшимас. Ростини айтинг, хотин тирик, фарзандлар бор, уларни қийиб яна уйланганингиздан афсусланганмисиз?

— Афсусланганман, — деди Назар ака, — ёмон қаттиқ афсусланганман! Учинчи хотиним менинг касофатимга ўлиб кетган бўлиб чиқса... Бунинг виждонга азоб берар томонини айтишга тил ожиз, Худоёр ака.

Гап ўзанини овқатга бурдим. Кўп овқатланиш ҳар қандай одамни касал қилишидан далиллар келтирдим. Амаким ва Назар ака мақтаган хўра полвонлар сахардан қора кечгача кетмон чопишган. Табиийки, оғир жисмоний меҳнат кўп овқат ейишга эҳтиёж туғдирган. Уларнинг оғир меҳнат қилмайдиган хўра замондошла-

рининг аксарияти қорин қўйишганини, қон босимию юрак касалликларидан олтмишга етиб-етмай ўлиб кетишганини ҳам айтдим.

Тошкентга қайтишимиздан олдин амаким бировга қасд қилган нокасларга Оллоҳнинг ўзи жазо беришини дуосида сўради. Назар ака аввалгидан-да бадқовоқ, ғамгин, тушкун ҳолда ўтирди «Нексия»сига.

— Сиз ўзи кимдан гумондорсиз-а? — қўйнига қўл солдим йўлда. — Қотил кимлигини биласиз чоғи? У сизга бегона эмасга ўхшайди. «Жигар» деган сўздан ҳам бекорга чўчимаяпсиз, Назар ака.

— Шу гапга роса ёпишдингиз-да, — деди собиқ қассоб. — Ҳа, кўрқаяпман! Ишқилиб охири бахайр бўлсин, деб юз марталаб такрорлаяпман.

— Кўнглига тегмасин деб савол бермасам, ёнингизда юрганимдан нима фойда? Худоёр амаким билан учраштирдим, ўтмишдаги сирни сал кам очдик, энди «Туя кўрдингми, йўқ» деб хайрлашамизми?

— Йўқ, сиз журналистсиз...

— Хўп, журналистман, дейлик. Шунинг учун қутуллолмайманми? Ўйлагандимки, мендан изқувар чиқармоқчисиз.

— Театрга ўзим борсам, эпллолмайман. Сиз борасиз! Газетани баҳона қиласиз. Илтимос, шу ишни охиригача етказинг. Ўз ҳисобингиздан таътилга чиқсангиз, харажатларни тўлайман. Пулдан муаммо бўлмайди.

— Театрда ечим йўқ, — дедим машина тутқичидан ушлаб. — Оила аъзоларингизнинг биридан шубҳаланганингиз учун бундан бу ёгига милициясиз ишлаяпсиз. Ҳайкални ҳам органдан шу сабаб яширяпсиз. Назар ака, сиз билан дунёнинг нариги чеккасига бўлса ҳам бораман. Бормаган номард! Фақат ростини гапиринг!

— Қайси оиламни айтаяпсиз?

— Ҳозир сизда битта оила қолган.

— Хотинимдан... Арофатдан шубҳаланаёйсизми? — йўлдан кўз узмай сўради Назар ака.

— Йўқ.

— Арвоҳ ургур, бўлмаса, кимдан? — Назар аканинг бадқовоқ турқ-таровати менга қаратилди.

— Бошқа яқин одамингиздан.

— Қайниларимданми?

— Қайниларингизни ҳурмат қилмайсиз, Назар ака. Уларнинг ҳурматлари бўлганида, Арофат янганинг устига бир эмас, иккита хотин олармидингиз?

— Аччиқ гап! Аммо улар мендан нафраталанади, деган маъно ҳам бор гапингизда.

— Ҳарҳолда уч марта уйланган поччадан фахрланишмайди-ку.

— Қайниларим менинг уйланишларимдан нафратланса, Заринани ўлдирган бўлишлари мумкинми, йўқми?

— У ҳолда ҳайкал топилганидан сўнг менга эмас, милицияга чопган бўлардингиз. Қайниларингизнинг қамалиши сизни ташвишлантирмайди. Қолаверса, уларингиз саллохлик қилишганида эди, Зарина янгадан аввал Маҳлиё янга аллақачон ўлиб кетарди. Талабалик чоғларингизда сирли сигирни сўйганингизга келсак, қайниларингизнинг сирли ўтмишдан хабардорлигига ишонаман. Оила аъзоларингиз эса қайниларингиздан кўпроқ билади бу тарихни...

— Тентак-пентакмисиз! — машина тормозини босди Назар ака. «Нексия» йўл ёқасидаги зовур лабида тўхтади. — Индамасам, кимни қотилга чиқаряёйсиз? Қизларимними?

— Улардан бирини гумондорлар рўйхатига тиркаб қўйдим.

— Қайси қизимни? — кўзларини ола-кула қилди Назар ака.

— Қайси бири эканини билмайман. Учинчи хотиннинг ўлимида биринчи хотиннинг икки қизидан бири айбдор бўлиши ҳақиқатдан йироқ эмас.

— Қанақа ҳақиқатдан?

— Эҳтимолдан, демоқчиман.

— Нима учун менинг қизларим?! — рапидадай қўлларини силкиди Назар ака.

— Аччиқланманг. Душанба кунидан бери миям сизнинг ўтмишингизу Зарина янганинг сирли ўлими тафсилотларини чиғириқлардан минг марталаб ўтказди, ўнталаб саволлар, юзталаб жавоблар пайдо бўлди. Татиурозкалининг расмидаги одамлар орасидан Мухтор ака амакимни танигач, мени тавсия этган заҳоти сиз дарров сирингизни ишониб қўясизми? Мени аввалдан кузатгансиз, орқаваротдан танигансиз. Чунки жиноят иштирокчиларидан бирига таниш бўлиб чиқишим ҳам ҳеч гапмас. Бу ҳақда ҳам ўйлаяпман, ўйлаяпман...

— Ким у жиноят иштирокчиси? Қайси қизимни танийсиз? Зумрадними, Муслиманими?

— Икковини ҳам танайман, Назар ака.

— Бўлмаса, нега миямни ачитасиз, ука?! Қизларингиздан бири гумонда эмиш! Нима, менинг қизларимни одам ўлдирадиган даражада тубан, ваҳший деб ўйлайсизми? Яхшиям, сизни бу «иш»га ўзим илтимос қилиб чақирганман. Акс ҳолда...кўнгилга олманг-ку-я, оқибати ёмон бўларди.

— Хотинингизнинг ўлимига сабабчи одам топилса, милицияга беришингиз ҳақида фикрингиз шундан далолатки, агар у оилангиз аъзоси бўлиб чиқмасагина ички ишлар органи билан ҳамкорликни давом эттирасиз.

— Бас қилинг! Уришиб қоламиз!

— Майли, мамлакат пойтахтигача жим кетамиз. Сиз ҳам, мен ҳам ўйлаб олишимиз керак.

У машинасини юргизди. Биз Тошкентгача жим келдик. Ҳар томондан мушоҳада қилиб кўрдим. Назар аканинг қизларидан бири ҳам Заринанинг ўлимида гумондор бўлиб қолаётганди. Ҳайкал топилгач, Назар ака яқин кишиси фош бўлиб қолмаслик учун жиноятни ўзи очмоқчи экани сезилиб турибди. Бегона кимса айбдор бўлиб чиқиши сезилган заҳоти ҳайкални топганию сўнгги хабарларни милицияга етказди. Яқин кишиси суиқасдга аралашган бўлса, менга бойлам-бойлам пул ваъда қилиб, «иш»ни ёпади. Наҳотки, шунга ақлим етмаса?

— Ҳўш, нима қилдик, Назар ака? — дедим Тошкентга етганимизда чуқур тин олиб.

— Нимани нима қилдик?

— Маҳлиё янга ҳомиладор бўлмаган, Зарина янга эса ҳомиладор эди, бунинг устига ўгил. Сиз ўгил туғилса, ҳаммангни кўчага ҳайдаб, яшаётган уй-жойларингни ўғлимнинг номига ўтказаман, у менинг меросхўрим бўлади, деб кимга айтгансиз? Катта хотинингиз Арофат янгага! Ўша пайтда атрофингизда яна кимлар бор эди? Икки қизингиз. Тўнгичингиз Зумрад даҳшатли гапингиздан бутунлай эсанкираб, ўз томирини кесгани ҳақида кундалигингизда адиблардай таъсирли ёзиб қўйгансиз.

— Ҳой, барака топгур, Зарина ўлган пайтда Зумрад дугонасиникида, Муслима тугилган кундан қайтиб, онаси билан бирга ўтирганини милиция ҳам текшириб кўрган. Жиноят қидирув бўлимида овсарлар ишламайди-ку!

— Қотилликни буюртма қилган бўлса, алиби ҳеч қандай роль ўйнамайди.

— Қани асос? Гумон қилинг, тухматдан узоқ бўлинг, ука!

— Мени эшитинг! Милиция ва прокуратурадан ҳайкални яшираётганингизнинг сабабини топдим-ку, ахир! Кимдан гумон қилаётганингизни энди айтарсиз, Назар ака! Менга душман деб қарасангиз, нега ёрдамга чақирдингиз? Истасангиз, ҳозир метрога ташлаб, уйингизга кетаверинг. Мен сизни танимайман, сиз мени.

Назар ака метро яқинида машинасини тўхтатди. Шаҳарга кеч тушган эди. Ниҳоятда ҳолдан тойганимиздан кўзларимиз қизариб қолганди.

— Эртага якшанба, — деди Назар ака ўриндиқ суянчиғига бош қўйиб. — Бизникига бориб ўлгудек ичамизми?

— Йўқ, пиёниста эмасман. Душанба кунлари оз-моз отаман, холос.

Кутилмаганда Назар ака қаҳ-қаҳ уриб, елкамга кафт ташлади.

— Сиз ҳатто детектив ҳам эмассиз! Лекин енгилдим! Беш ташланг! Ҳозир уйга борамиз-да, манти еб, чой ичиб, кейин...кейин кимдан гумон қилаётганимни гапириб бераман. Агар у ўлимга сабабчи бўлса, мелисага сотмайсиз.

— Ҳа-а, аллақачон тилингиздан илингансиз, — дедим мен.

Ўша куни Тўйтепада, Назар аканинг уйида меҳмон бўлдим. Ҳақиқатан хотинига кечликка манти пиширишни тайинлаб қўйган экан. У битта ароқни ўзи бўшатди. Маст бўлиб олгани, меҳмонхонани сигарет тутунига тўлдиргани кайфиятимни бузди, бироқ олдинда мени қизиқарли ҳикоя кутаётган эди. Назар ака эшикни бекитгач, бир нуқтага тикилган кўйи сўзлаган ҳикояси қуйидаги воқеа эди. Уни бир оз сайқалладим.

* * *

— Сиз билан Чорсуда танишмасимдан илгари, бундан уч ҳафта муқаддам бошим қаттиқ оғриб қолди, — деб ҳикоясини бошлади Назар ака. — Заринанинг ўлимию хотинлар можаросидан чарчадим, деб ўйладим. Уйга эрта қайтиб, ётоғимга кириб, дори ичдим-да, ухладим. Кечки овқатни ҳам емадим. Ярим кечаси уйғониб, анча вақт тўлғониб ётдим. Уйқуга тўйганимдан мижжа қоқолмадим. Боз устига чанқай бошладим. Ётоқда ҳам, кўшни хонадаги музлатгичда ҳам ичишга ҳеч вақо топилмади. Соатга қарасам, бирдан ўн дақиқа ўтибди. Бундай пайтда Арофатни ёки қизларимни уйғотишга кўнглим чопмай ошхонага йўл олдим. Иккинчи қаватдан тушиб, ошхона чироғи ёниқлигини кўрдиму даставвал «чироқни ёниқ қолдиришибди-да», деган ўй ўтди кўнглимдан. Аммо эшикка яқинлашиб, таққа тўхтадим. Не тонгки, кенжа қизим Муслима ким биландир телефонда сўзлашаётган эди:

«Театрдан бўшанг, барибир у ерда узоқ ишламоқчи эмассиз-ку!» — деди қизим.

Ўшакнинг нариги томонидаги одам нимадир деб жавоб қайтарди.

«Йўқ, намоз ўқишингизни уларга айтинг. Навбат дадамники эмас, илтимос», — йиғламсиради қизим.

Муслима мен учун исми жисмига монанд хокисор, ювош, одобли қиз эди. Шундай қизим борлигидан фахрланардим. У Зумраднинг бутунлай тескараси. Ҳатто бир марта ножўя қилиқ қилганини, овозини кўтарганини эшитмаганман. Халқ ичида «учта хотини бор цех эгаси» деб номим чиқди. Тутган йўлимдан қизларим нақадар азият чекишини билмасмидим? Бироқ Зумраддан фарқли ўлароқ Муслима кўнгил тўғёнлари-

ни сездирмасди, ҳаммасига чидаб, сабр билан яшарди. Қизларимнинг бўйи етгач, истасам-истамасам қадам олишларига сергак бўла бошлагандим. Зумрад ўзининг заҳарчалиги билан йигитларни ўн чақирим наридан ўтишга мажбур этишини ҳам билардим. Феъли шунақалигидан алам оташига чидаёлмай томирини кесишга урингани ҳам бежиз эмас. Тўнғичимни ким келин қиларкан, деб ташвишланганимни кундалигимда ҳам ўқидингиз. Муслимани эса мактабни битирмасдан сўрагувчилар кўп бўлди, Арофат бу ҳақда оғиз очганида койиб берганман. «Қизинг уларнинг ўғли билан гаплашганми?» деб сўраганимда, «Муслима унақа қиз эмас, ота-оналарнинг ўзлари ҳавасманд», деган, ишонтирган, ўзимнинг ҳам имоним комил бўлган бунга. Рамазон ойида албатта рўза тутарди. Ҳатто ҳижобга кириб, намоз ўқиш истаги борлигини айтган. Мен буни «динга муккасидан кетиш» деб тушуниб, рухсат бермаганман. Қизларим тошкентлик бошқа тенгқурлари каби замонавий кийиниб, университетда ўқишини истардим. Муслиманинг дин йўлига огаётганини тушунолмасдим. Ким уни даъват этипти? Онаси мулланинг қизи бўлса-да, отасидан эшитган ўғитлари билан чегараланиб қолган, китоб варақламайди. Мен эса ичаман, чекаман, чўчқа гўштдан ҳам қайтмайман. «Ҳой Назар, чўчқа гўшт ҳаром», дерди зиёфатларда баъзи танишларим. Ароқ идишини кўтариб: «Чўчқа гўшти ҳаром бўлса, манави-чи? Чин муслмон экансан, нега ароқ ичаяпсан? Ахир, бу ҳам тўнғиз гўшти каби ҳаром-ку!» деб қаҳ-қаҳ уриб кулардим.

Кенжа қизимнинг ярим кечаси ошхонага тушиши, телефонда биров билан суҳбат қуриши, айниқса, «Намоз ўқишингизни уларга айтинг, навбат дадамники эмас, илтимос», деб йиғламсираши мени қарахт ҳолга

солди. Хаёлимда чақмоқдек чақнаган биринчи ўй шу бўлди: «Қизим диний ақидапарастлар гуруҳига аъзо! Заринани енгилтакликда айблаб ўлдириб юборишган, мен ароқхўрлигим учун уларнинг қора рўйхатига тушганман. Динга бепарво қараса, ота-онасини ҳам аяб ўтиришмайди, деб эшитгандим. Рост экан-да!»

Ишонасизми, бошдан-оёқ совуқ тер босиб, кўзим тинди. Ошхонага отилиб кириб: «Қандай ишларга аралашиб юрибсан, қизим?» демоқликка хезландим. Шундай десам, Муслиманинг йиллар мобайнида сақлаб юрган дарди портлаб кетишини ҳам тусмолладим: «Худони танимаган ота ҳам отами?! Бизга нимангиз билан намуна бўласиз? Ҳаром қотган сигирлардан колбаса тайёрлашингиз, хотин устига хотин олишингиз, ароқхўрлигингиз, бенамозлигингиз! Қайси бирини айтай? Мен шу йўлга кирдим. Энди кеч, дада! Биз Заринани ўлдирдик...»

Кулоқларимни овчи итларники сингари динг қилдим. Муслима телефонни тинглаб турардим, қадам товушларимни эшитиб, сергак тортдим, билмайман. Ошхонадаги ўлик сукунат бениҳоя узоқ чўзилгандек туюлди. Ахийри, қизимнинг овози эшитилди:

«Шунинг учун аввал дадангизга айтинг, кейин менинг дадамга навбат, деяпман. Биз ўзимиз учун намоз ўқиймиз, Худо учун рўза тутамиз, ёмон ишлар қилиб юрганимиз йўқ. Дадангиз ичса, чекса, бу ҳеч қачон яхши одам бўлолмайди, дегани эмас, балки вақт-соати етиб, гуноҳларига тавба қилар? Менинг дадам ҳам ичади, чекади. Агар сизнинг оилангизни ёмон деса, демак, бизнинг оила ҳам ботқоққа ботган ҳисобланади. Зарина опа тирик қолганида, ҳозиргача дадамнинг бошини айлантириб юрганида, нима ўзгарарди, дейсиз? Лекин у ўлди... Театрдан бўшанг. Ҳаммаси ўтиб кетади, чунки бу ўттинчи азоблар...»

Яна бир қадам ташладим. Қизим номаълум кимса билан теппа-тенг суҳбат олиб борардики, аввал ундан бу каби гапларни эшитмаганимдан ҳамон ҳайрону лол эдим. «Зарина опа тирик қолганида» деган гапини қайси маънода тушунай? Улар ўлдирмоқчи бўлишмагану, аммо бехосдан ўлдириб қўйишганми?

Муслима овозини шундай пасайтирдики, гўнгир-гўнгирдан маъни ажратиш мушкул эди. «Кирсаммикан, кирмасаммикан?» деб иккиландим. Қизим барчасини бўйнига олиб, Заринанинг қотили бўлиб чиқса, мени ҳам, онасини ҳам адойи тамом қилиши муқаррар эди. Бошим оғриб, уйга зўрға етиб келган куним эмасми, кўчадагидан юз чандон ортиқ машмаша баайни ҳозир бошланишини истамадим. «Қанийди Муслима севган йигити билан бошқа масалада гаплашганини нотўғри эшитган бўлсам?» дедим. Қадамидан ер ёрилган, овозидан момақалди роқ кўрққан, турқ-тароватидан филлар хурккан, қўлини чўзса Ойга етган мендек одам ожиз эди.

Шу пайт қизим кулди.

«Йиғлаганим йўқ, ўзингиз одамни кўрқитаяпсиз-да», деди.

Оҳангида ошиғига эркаланиш зоҳир эди. Уҳ тортдиму секин изимга қайтдим. Ўла қолсам ҳам бировларнинг, яна денг, ўз қизимнинг суҳбатига яширинча кулоқ солмасдим, аммо бу воқеа кутилмаганда содир бўлиб, руҳимни бурда-бурда қилди. Ётоқхонага кириб, Арофатни турткилаб уйготдим-да, бор гапни айтдим.

«Нималар деяпсиз?! — деб Арофат кўзларини чақчайтирди, пешонасини тириштирди (Умримда уни бунчалар тажанг, асабий, хунук аҳволда кўрмагандим). — Ўлиб кетган ўйнашингиз учун ўз пушти камарингиздан бўлган гулдай қизингизни тириклай кўймоқчимисиз? Йўқ, гапимни бўлманг! Қўша-қўша хотини

борлигини била туриб, ёш боши билан отаси қатори эркакка учинчи хотин бўлган бир бетайин учун Муслимани қаматмоқчимисиз? Чумолига ҳам озор бермайдиган қизимни қотилга чиқариб-а?! Ота-онангиз гўрида тик туради-ку! Қариндош-уруғ юзингизга туфлайди! Эл юз ўгириб, якка-мохов бўласиз-қоласиз!»

Арофат ҳўнграб йиглаб юборди.

«Қизимни айблаётганим йўқ, — дедим дамим ичимга тушиб. — У ярим кечаси ошхонага тушиб, телефонда ким биландир сирлашяпти. Гаплари ниҳоятда шубҳали. Ишонмасанг, ўзидан секингина алдаб сўра. Менинг хабардорлигимни ҳозирча айтма!»

«Гаплашса гаплашсин! Унинг ёшида мен турмуш қурганман. Нега ота бўла туриб, писмиқланиб қулоқ солдингиз? Майли, тасодифан эшитибсиз. Лекин ўша жувонмарг хотинчангизни нима учун ҳалигача унутолмай, кўзингизга кўринган одамдан, ҳатто жигарбандингиздан ҳам шубҳаланяпсиз? Ўз қизингиз ҳақида «Қотил шу эмасмикан?» деб ўйлаган бошингизни қайси виждон билан елкангизда кўтариб юрибсиз?! Сиз одам эмассиз! Кўчадан топилган безтакларни деб шунчалик паст одамга айланиб қолдингизки, афсус, афсус...»

Арофат иккимиз ётоқхонада овозларимизни пастлашиб, сал кам шивирлашиб, аммо кўзларимиз қонга, огизларимиз заҳарга тўлиб жанжаллашдик. Мен ундан, у мендан бунчалик ғазабланмагандик.

«Тупурдим сенинг бойлигингга! Тупурдим сенинг башарангга! — деди Арофат ахийри сенсираклаб. — Фаришта қизимнинг номига қай гўрдаги бетайинни деб доғ тушир-чи, кўрсатиб қўяман кўзингга! Устимга битта хотин олдинг, ўлдирмадим, иккита хотин олдинг, ўлдирмадим, Муслимадан гумондаман, деб милицияга айт-чи, ўша куни ўласан! Қасам ичиб айтаман, ё бошингга болта тушади, ё ошқозонингга заҳар! Қайси

калла билан шундай хаёлга бординг? Ўлган ўйнашингни ўйлайвериб, жинни бўп қопсан! Муслима бировга қаттиқроқ гапиролмайди-ку! «Дадам, дадажоним» деб жонини беради. Бир оғиз меҳрли сўзингга муштоқ бўлиб яшайди бечора. Сен эса...»

Тўполон кўтарилмаслиги учун қўшни хонага чиқиб ётдим. Бу вақтда ошхона чироғи ўчган, биринчи қаватдан тиқ этган садо эшитилмасди. Дилим вайрон бўлганди. Умримни чиройли, ёш, кўнгилдаги аёл билан давом эттиришга интилишим бир одамнинг ҳалок бўлиши, обрўйимдан урвоқ ҳам қолмаслиги, жамиятда ўрнимни йўқотишим билан яқунланаётган эди. Тонггача кўзимга уйқу илинмади.

Эрталаб биринчи қилган ишим — Муслиманинг телефонини билдирмасдан олдим-да, кечаси кўнгироқ қилган рақамни дафтарчамга кўчирдим. Бу рақам телефонда «Гулим» деган ном билан сақлаб қўйилган эди. Кўриб қолишса, қиз бола исми билан чалғитмоқчи бўлган шекилли.

Цехда бир йигит бор эди, қачон қарасам, телефонда бировни авраётган бўларди. Унга рақамни бердим-да, кимлигини аниқлаб беришини, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини таништирмасликни тайинладим. Орадан ярим соат ўтгач, йигит хонамга кирди.

«Назар ака, у Осиё кўчасидаги кичик драма театрида ишларкан», — деди.

«Эркакми?»

«Мен қатори йигит».

Шундай қилиб, қизим билан гаплашган йигитни аниқладим: фамилияси Турдиев, исми Муродбек. У театр машинасини ҳайдайди, мактабни битиргандан бери шофёр экан. Қизим билан қаерда, қандай танишгани менга қоронғи. Балки иккисининг ҳам художўйлиги ўртадаги асосий риштадир? Заринага олиб берган

уйимнинг эгаси ҳам бир вақтлар ўша драма театрида ишлагани учун гумонларим болалаб, миямга бир-бирдан ваҳимали хаёллар кела бошлади... Мана, сизга бор ҳақиқат, ўртоқ журналистбой!

Назар ака ҳикоясини тамомлаб, менга тикилди. Ароқ ичгач, баттар қизарган кўзларида ўз бошига битмас-туганмас савдолар солганидан ниҳоятда чарчаган, муаммолардан безган шўрпешонанинг ўкинчи жо-бажо эди. «Шу ташвишлардан қутулса, у гуноҳларига тавба қилади», деб ўйладим негадир.

— Сиздан илтимос, ука, ўша йигитнинг изидан тушиб, сирини билиб берсангиз, — деди Назар ака. — Қизимнинг йигитга «барибир театрда узоқ ишламоқчи эмассиз-ку», деганига...ҳамма-ҳаммасига аниқлик киритинг. Мен Муслимани ҳам, Муродни ҳам юзма-юз қилиб, дўқ-пўписа уриб ёки яхши гап билан авраб, тилга киритишим мумкин. Ахир, ҳазилакам воқеа устида гап кетяптими? Одам ўлган, кимлардир қамалиши мумкин. Қизим ҳақида гап чиқиб кетади, хотиндан ҳам, қариндошлардан ҳам балога қоламан, деб пусиниб турибман. Муроднинг қанақалигини ҳам билмайман.

— Ҳақиқатан, охирги кунларда бошингизга бир-бирдан сирли кечмишлар тушган экан, — дедим чой ҳўплаб. — Узр, яна саволлар бераман. Мени ростдан ҳам Муродбекнинг изидан қўймоқчимисиз?

— Жа изидан жосуслик қилиб юрмaysиз, — қўл силкиб қўйди Назар ака.

— Уйингизга мени меҳмонга чақирганингиздан сўнг бунақа таклиф мантиқсизлик.

— Нега энди?

— Ҳовлида Муслима мени кўрди. Энди Муроднинг изидан қандай тушаман? Қизингиз билан бирга юрганда «ўйиндан ташқариман», ё бўлмаса, Муродни гапга тутиб турганимда келиб қолса, иш пачава.

Назар аканинг лаблари қимтилиб, бир четга қаради.

— Тўғри бориб, ҳамма гапни Муроднинг юзига дангал айтсангиз ҳам майли. Заринани бизнинг оиладан кимнингдир топшириғи билан ўлдирган бўлса, ўзим гаплашаман. У қўрқмасин, босди-босди қилишга тайёрман. Қизимга гап тегмаса, бас.

— Ҳайкални ҳам уч ҳафта аввал топгансиз-а?

— Ҳа.

— Муслиманинг гапини эшитганингиздан аввалми, кейинми?

— Аввал топганимда, афсонага ишонмадинглар, исботини кўриб қўйинглар, деб ҳайкални милицияга кўрсатардим. Қизимнинг жиноятчи бўлиб чиқишидан Арофатнинг дўқ-пўписасиз ҳам жуда қўрқаман, ука. Мабодо жиноятга аралашган бўлса, Муслиманинг айбини бўйнимга олиб, қамалишга тайёрман! Ишқилиб, алоқаси йўқ бўлсин-да.

— Татиуровкали киши масаласини ҳам бирйўла ҳал қилайми?

— Албатта! — Назар ака суратни узатди. — Кўрсатинг! Нафақага чиққанларининг манзилларини олинг.

— Муслима билан Муроднинг дўстлиги, Осиё кўчасидаги театр, сигир ҳайкали топилган ҳовлидаги ўтмиш сурати. Қизик! Биз ҳозиргина театрга бошқа сўқмоқдан бораётгандик: татиуровкадининг қайси актёр эканини ва Зарина янга билан боглиқлигини аниқлаш вазифам эди. Билсакки, ҳайдовчи йигит аллақачон окопдан бош кўтарган экан, бизнинг мерган ўқ узишга шошилмабдилар.

— Йўқ, йўқ, — бармогини маятникдек тебрантирди мезбон. — Чалғиманг. Мен айтган йўлдан юринг. Самарали ва осон.

— Шунақами? Унда нега юзлаб чақирим йўл босиб, амакимникига бордик?

— Тирсаккача ёгга ботиб, ош ейиш учун! — деди у ва шу заҳотиёқ ҳазил эканини таъкидлаб, қўшиб қўйди: — Эсингиз жойидами, жуда катта галабани қўлга киритдик-ку! Заринани айнан шу Мурод таниган. Ўз-ўзидан маълумки, қизим билан Мурод Зарина ҳақида гаплашган. Эҳтимол, оилали эркакка тегиб олган бузуқи деб ёмонлашган, одам кўзли сигир сўйганимни, учта хотиннинг калласини чизиб, қўрқитмоқчи бўлишган. Татиуровкали ҳам Муродга қариндош чиқар? Нима дедингиз?

— Ҳм-м... — ўйга толдим. — Муроднинг отаси эмасмикан?

— Отасини кузатдим. У эмас.

— Муслима қизингиз шоиртабиатга ўхшайди.

— Қанақасига?

— У қўғирчоқларни яхши кўрадимиз?

— Ҳе, йўқ, — стулга ястанди Назар ака. — Гилос тагидаги қизим эмасди. Ўша пайтда уйда, яъни шу ҳовлида эди.

— Қўғирчоқ совға эмас, театрдаги бирор спектаклда фойдаланиладиган деталь бўлганмикан, деб ўйлаб қолдим. Шундай бўлиб чиқса, Зарина янганинг кўчасидаги гилос тагида турган йигит Муродбек.

— Вўҳ, эсимга тушганини қаранг! — Назар ака столга иккала тирсакларини гурсиллатиб қўйди. — Зарина бечора ўлган кеча гилос тагида турган нусхани кўрган гувоҳлар унинг йигит эканини айтишган, холос. Алоҳида белгиларини пайқашмаган. Фақат бир гувоҳ (кайфи тароқ бўлган) «деворга суяб қўйилган алламбалони олди, менимча, кийим эмас, сумка ҳам эмас, бесўнақай қўғирчоқ эди», деган. Терговчиларнинг роса боши қотди. Сумками, костюмми бўлган, дейишди. Масалан, шахсан мен ҳам ишонганим йўқ йигитнинг қўғирчоқ кўтариб юрганига. Аммо... — Собик қассоб

бошини сарак-сарак қилди.— Эсимга тушганда айтай, қизимдан шубҳаланиб қолганимдан сўнг, ўн кунлар ўтиб, қечки соат саккиз яримларда деразадан қарасам, уйнинг орқасидаги кўчада битта йигит турибди, шу ерда, Тўйтепада! Қўлида қутича, гул ва...қўғирчоқ. «Барби»га ўхшаш кичкина қўғирчоқ эди. Чолни кўриб бобом демайман-ку! Йигит совға кўтариб олгани кўриниб турарди.

— Кимникига келган экан?

— Билолмадим-да. Остона ҳатлаб қарасам, телефонда гаплашиб, шошиб кетиб боряпти. Кимдир кўнгироқ қилиб, уйдан чиқаётганимни унга айтгандек туюлди. «Ўв, бу ёққа кел!» деб чақирдим. Чапга қайрилган кўча бор. Ўша ёққа бурилди-ю йўқолди. На ердан, на кўкдан топдим.

— Цехдаги олгир ишчингизга кўнгироқ қилдингизми?

— Ҳа, дарров унга Муроднинг «қўл»ига бошқа рақамдан чиқ, ҳозир қаерда эканини қандай бўлмасин, аниқла, дедим. Айтишича, Мурод худди ўша пайтда аммасиникида меҳмонда эмиш, чақалоқ кўргани машинасида онасини олиб борган экан. Ишчим ундан гап сўраётганида, аёлларнинг вагир-вугури, чақалоқ йиғиси эшитилибди. Уйим орқасидаги йигит Мурод эмаслиги рост чиқди.

— Оилангизда кимнинг туғилган куни эди?

— Қизларимдан бирининг туғилган куни бўлганида «ўн кунлар аввал» дермидим? Йигит қимга совға олиб келгани маълум бўларди-да!

— Муроднинг ўзиними, суратиними кўрганмисиз?

— Театр олдида кўрганман. Гаплашмаганман.

— Демак, Мурод эмаслигига юз фоиз аминсиз?

— Ҳа. Яхшироқ кўролмаганим учун цехдаги ишчимдан ёрдам сўрадим.

— Уйдан чиқаётганимни кимдир телефонда огоҳлан-тиргандек туюлди, дедингиз...

— Қадамини тезлатиб кетиб бораётган экан. Чақир-масимдан аввал орқасига ялт этиб қаради, чап кўчага бурилдию ғойиб бўлди. Тўғри, кимнингдир уйини тополмай юрган бўлса, қўнгироқ қилиб, тушунтиришгандир. Шундай экан, нега мен чақирганда тўхташ ўрнига баттар тезлашди?

Назар ака яна сигарет тутатди. Ароқ идишига қўл чўзди-ю тутаганини кўриб, эшикка қаради, лекин ҳеч кимни чақирмади. Мен энди Муслимадан эмас, Зумраддан шубҳалана бошладим. Бир дунё совғалар кўтарган йигитнинг жуфтакни ростлаб қолиши жумбоқ эди, илло осон ечиладиган жумбоқ.

— Бир нарса сўрасам, хафа бўлмайсизми? — дедим.

— Йўқ, — ўқрайди мезбон.

— Муслима диний экстермистик гуруҳ аъзоси эканидан қўрқиб кетгансиз. Сал ўтмай билсангиз, телефондаги суҳбат замирида ёшларнинг муҳаббати ётибди. «Навбат дадамники эмас», деб улар турмуш қуриш аҳдини йигитнинг отасидан кейин сизга айтишни назарда тутишган. Шундайми?

— Менимча, шундай. Йигит одам ўлдирадиганлардан эмас. Шу саволдан хафа бўламанми?

— Зумраднинг йигити бўлиши мумкинми?

Назар ака елка қисиб, лабини чўччайтирди, сўнг:

— Сиз... тўнғич қизимдан шубҳаланяпсизми? — деб сўради.

— Зарина янга ўлган ҳовлида шахси номаълум йигитнинг изи топилган. Менда бир вариант бор, Назар ака. Хафа бўлмасликка ваъда бердингиз, энди қулоқ солинг. Янга ўлган кеча сизнинг орқангиздан ҳовлига Зумрад ҳам кирган. Бақир-чақирингизни эши-

тиб, қўшнилардан ҳам битта-иккитаси келган. Ораларингизда фақат битта из эгаси топилмаган, яъни номаълум йигит. Зумрад ўша йигит билан сал аввал ҳовлига келган бўлиши мумкин-ку! Изларини яшириш учун сизни Зарина янганинг ҳовлисига боришга мажбур қилган бўлиб чиқса-чи?

— Ишонмайман, — деди Назар ака. Овозида қатъият йўқ эди.

— Муслима иккиси ўша кеча ресторанда экан, Зумраднинг ётиб қолишга қарор қилиши, телефонини ўчириб қўйиши, сўнгра тўсатдан телефонини ёқиб, бекатга чиқиши — ҳаммаси шубҳали.

— Терговчилар дугонасини ҳам тергов қилишган. У ҳам, ота-онаси ҳам Зумрад ичкарида ўтирганига гувоҳлик беришган.

— Ҳовлими?

— Дугонасининг уйими? Ҳа, ҳовли.

— Ўша кеча қизлар ўтирган хонанинг деразаси панжаралими?

— Буни сўраб кўриш керак. Зумраддан ёмон гумон қиялпсиз лекин, ука.

— Жиноятчини аниқлашга турли йўллардан боришимни айтдим, Назар ака. Буниси Зумрад йўли. У Зарина янга ўлгач (ёки ўлдирилгач), ҳовлига бир илож қилиб сиз билан боришни уйдалаган. Милиция изни топса, «дадам билан келгандим», деб баҳона қилади.

— Ким билан бирга? Нима учун бу ишга қўл урган?

— Йўлдаги гапим: Зарина янга сизга ўғил туғиб бермоқчи эди. Сиз эса Арофат янгага: «Ўғил туғолмадинг, Зарина сендан минг марта яхши, агар ундан ўғилли бўлсам, мол-мулкимни, ҳатто Тўйтепадаги ҳовлини ҳам ўғлимга мерос қилиб бераман», дегансиз, тўғрими? Бу билан Зарина янгани ҳам, қорнидаги ҳомиласини ҳам ўғлимга маҳкум этган бўлиб чиқишингиз мумкин.

— Яна қандай вариантларингиз бор? — ёқасини очди Назар ака. — Одамнинг хаёлига келмаган фантазияларни қаердан топасиз? Қора рўйхатингизга кирмаган битта Арофат қолди. Тавба қилдим, астагфирулло, у ҳам қайсидир вариантингизга илинадими?

— Ҳозирча шу, — дедим. — Ҳовуздан сув тортиб, гал-вирга қуяяпсиз. Ҳар гал галвирга қараб хулоса чиқараяпман. Янга ҳақида ҳам маълумот айтинг, балки эртагача вариантимга вариант қўшилар? Нима дедингиз?

— Э, бас-е! — Назар ака елкамга қоқди. — Эртага якшанба. Демак, душанба кунидан қолдирмай театрни бир кавлаштирасиз?

— Рассомнинг исм-фамилияси?

— Рўзимов Мусо. У билан бир вақтлар ишлаган одамларни ахтариб топсангиз, ишингиз енгиллашади.

— Сизга уйни сотган одамлар ёрдам берадилари?

— Мутлақо ёрдам беролмайди. Нега деганда рассомнинг яқин қариндошлари йўқ, у борди-келди нима, билмаган. Эр-хотин автоҳалокатдан ўлгач, менга уйни сотганларга бор-будлари мерос қолган. Меросхўр — тириклигида ҳамма икир-чикирларни биладиган киши, деганимас.

— Дастурхонга омин! — дедим фотиҳага қўл очиб. Мен борай, ака. Меҳмондорчилик учун катта раҳмат. Бугун саёҳат ва зиёфат куни экан, ҳам чарчадим, ҳам дам олдим.

— Омадингизни берсин, ука, — ўрнидан ҳарсиллаб турди Назар ака.

Ҳовлида Тўйтепанинг тоза ҳавосидан симирдим. Бир инсон фожиасининг изидан юрган бўлсам-да, гўзал кеча эди, нақадар соз ҳаво! Пойтахт шовқин-суронидан чеккароққа, тинчроқ жойга интилганлар макони эди бу.

Арофат янга ошхонадан чиқиб, ҳовлини кесиб ўтди. Бизга ош-овқатни шу аёл ташиб турди. Назар ака уйга

эркак меҳмон келганда, қизларини хизмат қилдирмас экан. Дастлаб, Назар аканинг Тўйтепадек тинч гўшага интилишию қизларини бегона одам ўтирган хонага киритмаслигини ота-боболаридан қолган маданият деб ўйладим, аммо кўнглимдаги шубҳа машинаси яна ишга тушди: у — гирт мутаассиб. Тошкентдан Тўйтепага ўзи каби пулдорларга тақлид қилиб кўчган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Тинчлик керак бўлса, хотин устига хотин олармиди? Қизларини хизмат қилдирмаганига важ шуки, улардан бири Заринанинг фожиасига алоқадор эканига Назар ака қаттиқ ишонади. Муслимадан гумон қилаётган экан, нечун Зумрад ул-бул кўтариб, ойисига ёрдамлашмади? Назар ака нўноқ изқувар деб ўйлаш билан бирга кўрқади ҳам: зеро, кўплаб тахминларимдан бирини — хонадон аҳлидан кимдир мени танийди, деган гапимни айтганимда Назар аканинг кўзларида безовталиқ ўйнаб кетганини сездим. Акс ҳолда касби журналист бўлмиш бегона йигитга шунча сирни айтармиди? Ҳеч қурмаса орқаваротдан Назар аканинг ўзи мени таниган. Кутилмаганда Мухтор Солиевнинг каминага таниш бўлиб чиқиши-ю, амакимнинг кашф этилиши, Назар аканинг мени сирдош қилиб олишига охириги туртки бўлган.

Хаёлимни йиғиштириб, Арофат янгага меҳмоннавозлик учун ташаккур билдирдим. Унинг ёшини элликларда чамаларди киши. Ваҳоланки, камида ўн йилга янглишаётганим Назар аканинг таржимаи ҳолидан маълум эди. Кўп йиллардан бери шаҳарда яшаган бўлса-да, қишлоқ шевасида сўзлайди. Кенг, узун, гулли кўйлак кийиб, рўмол ўраган, сочларига оқ оралаган, семизликдан лапанглаб юрадиган, меҳрибон уй бекасига раҳмим келди. Назар ака цехлар, гўшт расталари очиб, пули кўпайгандан кўпайгач, хипчабел, соҳибжамол, яқинда эридан ажрашган жувонларга ёки ҳадеганда тенги чиқмаётган тур-

муш қурмаган қизларга ошиқ бўлиб, бу аёлни дўзахий азобларга мубтало этган эди.

Хонадон бекаси мен билан илиқ хайрлашди. Не вазифа билан бандлигимдан хабар топганида таъби тирриқ бўлишини тасаввур этиб, ҳовлини тарк этиш ташвишига тушдим. Кўчада Назар акага дедим:

— Йўлда қайниларингиз ҳақида гап бўлганда, бир нарса хаёлимга келмаганини қаранг. Зарина янга яшаган ҳовлидан икки уй наридаги йигит ҳам гумонда бўлган экан (поччаси қўшхотинлиги учун аламзада йигитни айтяпман). Милиция нега уни қўйиб юборди?

— Қотил эканига исбот-далил топилмаганидан кейин сақлаб нима қилади?

— У ҳолда нима учун гумон қилинганди?

— Яна ўша гап: исбот-далил бўлмагани учун гумон қилинади, исбот-далил бўлмагани учун қўйиб юборилади.

— Сизга далил топиб берсам, аммо у яқин одамингиз бўлиб чиқса, жиноятни сир сақлашим учун нима бермоқчисиз?

— Ниҳоят, дангал гапга ўтдингиз. Лекин олдин далилни топинг, ука. Сизга бир мукофотни мўлжаллаб турибман. Мукофот — жуда катта. Нима эканини ҳозир билсангиз, мени шантаж қилишингиз, бир илож қилиб бизнинг бўйнимизга қотилликни илиб қўйишингиз мумкин.

— Бир оз қўполлашдингиз. Сизга қаттиқ гапиролмай тургандим, яхши бўлди. Хуллас, хафа бўлмайсиз, агар қасддан жиноят содир этилган бўлса, милициядан яшириш яхшимас.

— Қизим қамаладиган бўлса-чи?

— Одам ўлган, Назар ака.

— Айнан ўша бола айбдор бўлиб чиққанида эди!

Қўй сўйиб, зиёфат берардим. Айтган мукофотимни ҳам қўшқўллаб топширардим.

— Қайси бола?

— Исбот-далил бўлмагани учун қўйиб юборилган йигит, Заринадан сал нарида яшовчи.

— Чунки у қўш хотинлиларни ёмон кўради. Шунинг учунми?

— Шунинг учун, — ошкора иқроф бўлди Назар ака.

— Эҳ... — дедим мен.

— Ёқмайди, — лабини бурди собиқ қассоб.

Йўлда ўйладим: олис вилоятдан пойтахтга келиб, тadbиркорга айланган туппа-тузук одамнинг чучмал фикрларию бир қарич нарини кўрмайдиган зоҳирий ва ботиний кўзлари яна қандай фожиаларга доялик қилади? «Боғи Аҳмад» ресторани олдидаги мастнинг ва Маҳлиёга хуштор Ҳожимуроднинг қамалишидан кўра нега айнан поччасини ёқтирмайдиган йигитнинг жазоланишини хоҳлаяпти? Ҳа, хотин устига хотин олганлардан нафратланадиган қўшни йигит қамалса, қийналса, йигласа, дейди. Чунки Назар аканинг мияси ҳамон қўшхотинлик билан банд. У атроф-оламдаги воқеликларни миясининг ўзагида жойлашган кўпхотинлик ўлчови билан ўлчайди. «Хотин нобоп чиқса, бошқасига уйлан», «Эркак аслида иккита хотин олиши керак», «Динда тўрттагача рухсат» каби гапларни айтадиганлар ёқади.

Якшанба куни тушгача ухладим. Юз-қўлимни ювдим, хиргойи қилдим, кўнглим чоғ эди. Овқатланаётганимдагина кечаги гапларни эсладим. «Ғирт бошогриқ, — дедим ўзимча. — Пул топиб, ақл топмаган ҳўкиз! Хотининг семизми, ориқми, оқ сочми, қорами, фарзандларининг онаси-ку! Ҳолбуки, бечора бошқаларнинг аёлларидек аёл экан, қаноат қилиб яша-да! Касофатингга Зарина ўлган. Энди марҳума ҳақида «ўзида ҳам

кўп гап бор, отаси қатори эркакка турмушга чиқмасин эди», деб ўйлайми? Ҳозир кайфиятим яхши. Кайфият яхши бўлганда, айб аёллардан қидирилмайди...»

Шу пайт миямга бир фикр келди. Назар аканинг мўмина-ю ҳалима қизи нега ярим кечаси ошхонага қамалиб олиб телефонда гаплашган? Отаси айтгандек, уларни диний ришталар боғламаган, ўртада аччиқ муаммо туғилган. Ярим кечаси ошхонага чиқиб қўнғироқлашишга севги эмас, қўнғилсиз иш муҳокамаси кўпроқ мажбур этади кишини. Ишқ-муҳаббатга кундуз ҳам вақт этади. Баджаҳл ота уйида, ярим тунда йиғламсираб гаплашиш севгидан эмас, муаммодан дарак. Нима безовта қилган экан уларни? Ҳойнаҳой, қиз қўнғироқ қилмаган.

Душанба куни таҳририятимиз биқинидаги «Анҳор чирोगи» ошхонаси олдида Отабекни кўрдим. Театрга шошилаётганим учун у билан гаплашишга вақтим йўқ эди. Менга илжайиб, худди ошнасини кўргандек қўли кўксида, бош силкигач, «хобби»сига тегишли «Капитан» тимсоли ёдимга тушди. Айни дамда доим оғзини кўпиртириб мақтайдиган «Хеллоуин» байрамининг тақиқланганини ҳам эсладим ва ичимда шодлик ҳисси ажабтовур тўлғониб қўйди. Айрим ёшларнинг «Хеллоуин»ни — арвоҳлар байрамини нишонлаши энсамни қотирарди.

Отабек бошига олифталарча қўндирилган шляпасини кўтариб:

— Э, саломлар бўлсин, ўртоқ, — деди.

— Нима гап? — шунчаки гап қотиб, ўтмоқчи эдим, тўхтатди:

— Чоршанба кунги «Нексия» кимники эди?

— Қанақа «Нексия»?

— Кўчанинг нариги томонида тўхтади, шошиб бориб

Ўтирдингиз, анча гаплашдингиз. Ошхона ичкарасида эдим, тасодифан кўзим тушди, узр лекин, — деди у.

— Бир қассоб ака келганди.

— Кимингиз бўлади? — Отабекнинг қизиқиши ортди.

— Бир акамизнинг улфати. Нима, танийсизми дейман?

— Назар ака эдими?

— Ҳа.

— Адашмабман. Тошкентда мен танимаган ким бор?! — одати бўйича мақтанди Отабек. — У киши ҳозир қассобчилик қилмайди, ўзининг бизнесини йўлга қўйиб, «шишка» бўп кетган. Колбаса цех дейсизми, бозорларда гўшт растларми, дўконларининг ҳам саноғи йўқ.

— Дўкони биттагина, — дедим.

— Қаёқдан биласиз? — баҳсга киришди Отабек. — Ўнтасини очиб ташлагандир, ўн бештасини очгандир, биз оддий инсонлармиз, ўртоқ. Унақа бизнесменлар бизнесини айтса, умуман ишонманг. Улар сирини ёймайдиганлар хилидан. Нима бало, газетангизга реклама чиқармоқчи эканми?

— Йўқ, шунчаки ўзи, — деб йўлимда давом этаётгандим, Отабек:

— Ундан этиёт бўлинг, — деди. — Хавфли одам.

Иккинчи одамнинг оғзидан эшитаётганим мазкур огоҳлантириш каминага жуда галати туюлиб, таққа тўхтадим.

— Нега унақа деяпсиз?

— Ўтган йили ошхонамга растасидан гўшт олардим. Озроқ қарз бўлгандим, пулини ундириш учун судга бериб юборишига сал қолди.

— Шуми хавфли жиҳати?

— Хавфни сезмаяпсизми?

— Тўғриси, йўқ. — Елка қисдим.

— У «закунчи» одам. Бизнеси кўнглидагидай бўлмадим, бунга ким айбдор бўлса, қарши иш бошлайди.

— Қонунлар ҳамиша мен томонда, дўстим, огоҳлан-тирганингиз учун раҳмат! Нима экан, деб қўрқиб кетибман.

— Сизга қарши фақат қонун билан эмас, бошқача иш ҳам қилиши мумкин. Ўзи зўр одам, мард тентак. Ана шундай отам бўлса йўқ демасдим.

— Отам дейсизми?

— Ҳа, дадам, адам, «папашам»!

— Масхарабозлигингиз қолмади-қолмади-да!

— Мени сўрамадими? — деди Отабек орқамдан.

— Қарзингизни тўлаб қўйганмисиз дейман, гапирмади, — йўлни кесиб ўтдим-да, метрога тушдим.

Вагонда ўйлаб қолдим: «Ҳақиқатан Назар ака зимдан иш кўрса-чи? Қотилликда қизларидан бирининг қўли борлигини аниқласам, сотиб қўяди, деб менга ёмонлик қилиши мумкин-ку!» Кўзимни юмдим. «Йўқ, бу одамга битта фожиа ҳам етади. Мухтор Солиев, Худоёр амаким, Отабек кабилар охирги кунларда кимга ўралашиб юрганимдан хабардор. Юрагимга қўрқув ўрнига виждонни чақирсам бўларди. Қотилликни бекитишга тўғри келса, журналистлигим қаёқда қолади? Ўзимча изқуварман-да, а? Дунёда мендек бетайин ва манфур детектив топилармикан? Журналистлик, изқуварлик касблари ИНСОН деган ном олдида ҳеч нима бўлмай қолади. Аввало, шу номга хиёнат қилмаслигим керак. Аммо милицияга югуриб борадиганлар тоифасига кирмайман. Яхшиси, шундай йўлини қилайки, Назар аканинг ўзи милицияга бор ҳақиқатни айтсин...»

Осиё кўчасидаги кичик драма театрига умримда илк марта боришим эди. Эшиклари тақа-тақ берк экан, би-нони айланиб, орқага ўтдим. Театрнинг орқа ҳовлиси дарвозаси қия очиқ эди. Чорпояда ўтирган семиз қоровул бўйнидаги сочиқ билан юзини артиб менга қаради.

— Директорнинг хонаси иккинчи қаватдами?

— Ҳа, зинадан чиқсангиз ўнгдаги йўлак. «Хор»дан кейин. Узр, ука, қаердансиз?

— Матбуотдан.

— Журналистлар бу ерга анча вақтдан бери келмай қўйишган. «Муқимий»да оғайним ишлайди. Худонинг берган куни мухбирлар келади, дейишади. Энди, ука, «Муқимий»га ўзим ҳам «балет» қиламан.

Зинадан кўтарилар эканман, овлоқ театрга Заринани нима жалб этганини англашга уриниб кўрдим, аммо миямга жўяли фикр келмади. Қоровулнинг гапида жон бор эди: пойтахтда забардаст театрлар кўп, Осиё кўчасидаги бу маконни эса мухбирлар ҳам бежиз унутишмаган. Зарина-чи? Менимча, у ҳам ҳар замонда келиб турган. Агар умрининг охири кунларида оёғи шу ердан узилмаганида театр терговчиларнинг нишонига айланарди. Онда-сонда келишининг санъатга ихлосмандликдан бутунлай бошқа бир сабаби бўлса керак.

Йўлакнинг ўнг томонидаги эшик ортида хор овози эшитилди. Ундан кейинги эшикка эса «Директор» деган лавҳ осилганди. Тақиллатдим. Тепакал, юмшоқ феъл, бир оз довдир киши театрни сўраб тургувчи экан.

— Нега энди айнан йигирма-ўттиз йил аввал ишлаб кетганлар ҳақида мақола тайёрламоқчисиз, тушунмадим? — деди у айбдорона кулимсираб. — Узр, фақат узр. Мен жуда ҳайронман. Бугун театримизда кўп ишлар қилинаяпти.

— Мақоламнинг мавзуси театрнинг бугунги ҳаётини ўз ичига олмайди, — деб шифтдаги ёриққа ва бўялган бўлса-да, чириб тушаёзган «голланд» печига қарадим. — Мана бу кишини танийсизми?

Директор қошларини кўтариб, Мусо Рўзимовнинг суратига ҳадиксираб тикилди.

— Йўқ.

— Бунисини-чи? — татиуровкалининг фотосуратини узатдим.

— Йўқ. Сиз мухбирмисиз ё... узр, фақат узр, милицияданмисиз?

— Милиция? — ўзимни ниҳоятда ажабланган ҳолга солдим. — Бунга милициянинг нима дахли бор?

— Ўтган йили биттаси келиб кетганди, жиноят қидирув бўлимидан. Отамнинг замонидагилар нима безорилик қилибди, деб роса бошимни қотирганман.

— Таҳририятга қўнғироқ қилиб, мен ҳақимда сўранг, — дедим. — Милициядан эмасман, мақола тайёрлаяпман.

— Йўқ, йўқ, сизга ишонаман. Саволларингиздан «орган»нинг ҳиди келаяпти, холос, — узрхоҳ кулди директор.

— Мақолам рассомнинг сирли ҳаёти, фожиали қисмати ҳақида. Уни яқиндан таниган замондошларининг хотираси жуда-жуда зарур, ака, — деб давом этдим. — Мени қийнагани, бу актёрни, — шундай дея татиуровкалига бармоғимни нуқидим, — ҳеч ким танимаяпти. Билганим шуки, йигирма йилча аввал театрда Мусо Рўзимов билан, — бармоғимни рассомнинг суратига ўқталдим, — бирга ишлаган. Актёр ва рассом қалин сирдош бўлганга ўхшайди. Саҳнадаги грими билан кўчада юрганига қараганда актёр ҳам худди Мусо Рўзимовдек сал ҳардамхаёл ёки ҳазилкашмикан? Шунанқаси бўлиши мумкинми?

— Йўқ, грим билан ҳовлига чиқишади, аммо кўчада юриб бўладими! — деди директор.

— Тарихий шахс ёки эртак қаҳрамонлари киефасида эмас-ку, — эътироз билдирдим дарҳол. — Ўз замонининг кийимидаги одамга кўчада ҳеч ким эътибор бермайди. Суратга қаранг. Шўролар даврида, театр май-

дончасидаги фаввора ёнида, спортчи талабалар олдида бемалол турибди.

— Тўғриси айтсам, бу даргоҳга келганимга икки йил ҳам бўлмади, — директор жиддий тортган эди, ранг-туси қизилликдан қора-қизилга ўтди. — Жамоа билан танишганман, аммо...аммо сиз сўраётганларни умуман билмайман. Мўъжаз театримизда қирқ йиллик фотоальбом бор, ундан бемалол фойдаланаверинг.

— Милиция ходими альбомдан бирор иш чиқаролмадими?

— Альбомда бу одамлар йўқ экан, дегандай бўлганди, — бошини қашиди директор.

— Нима қилишни маслаҳат берасиз? Ўша пайтда ишлаган, ҳозир нафақада юрган бирор одамни тавсия қилолмайсизми? Қаердан бўлса ҳам бориб учрашардим.

— Эҳ, эсим қурсин! — директор чапак чалиб юборди. — Бун қаранг-а! Сизга тирик одам топиб беришим керакми?

— Ўлмаган бўлиши шарт, чунки суратдагилар ҳақида гаплашмоқчиман.

— Ўлишга улгурмаганларидан топиб бераман. Булар вафот этишганми? — директор суратлардан кўз узмай ўрнидан турди.

— Рассом йигирма тўрт йил аввал автоҳалокатда хотини билан бирга ўлган. Талабалар олдида турган актёрнинг қисматини билиш у ёқда турсин, асли актёрми, бошқами, беҳабарман.

— Ўтган ҳафта бир онахон келганди, — директор жавонга шошилди. — «Онахон» деганда нуроний аёлни кўз олдингизга келтирманг. Етмиш бешларни уриб қўйган ичадиган кампир. Айтишича, театримизда етмиш тўртинчи йилдан саксон олтинчи йилгача ишлаган экан. Қирқ ёшга яқинлашиб қолган қирчиллама

хотин тулалик миллатдоши билан севишиб, ўша ёққа кўчиб кетибди. Яқинда Тошкентга қайтибди. Ёшлиги ўтган шаҳарда тинчгина жон бермоқчи эмиш. У ўтган йили сўраб келган милиционерга керак эканини ўйлаб ҳам кўрмабман. Хаёл фақат ва фақат театрни ривожлантириш билан банд! Ижод аҳли фаромуш бўлади, боя тўғри айтдингиз.

Директор жавонни титкилаб, қайдномалар дафтари топи-да, синчиклаб варақлади.

— Исми-шарифи Дарья Фёдорова. Телефон рақамини ёзиб олинг.

Театр ҳовлисининг тўрида эски, қорамтир «УАЗик» турарди. «Муроднинг машинасимикан?» деган хаёл ўтди кўнглимдан. Бироқ уни суриштириб ўтирмай Дарья Фёдорованинг рақамини тердим. Бир вақтлар ўзи ишлаган театрдан кўнғироқ қилаётганимни эшитиб, боши кўкка етди. Орадан ярим соат ўтгач, унинг уйида, юмшоқ ўриндиқда ўтирардим. Ўриндиқ ва диванларга юпқа чойшаб ёпилганди.

— Кўчадан келган ҳар қандай одам устки кийим билан на ўриндиққа, на диванга ўтиришга ҳақли, — деди у. — Гигиена ва маданият асосий қоидам. Сиз ўтиришингиз кутилган жойларга чойшаб тўшаб чиққаним учун хафа бўлмайсиз.

Директор айтганидек ундан ичкилик ҳиди анқимоқда эди. Бундай номеҳмондўстлик гигиенасига ва ичкиликка рухсат этгувчи маданиятига қойил қолмадим. Суратларни кўрсатдим, тушунтирдим ва ажинли юзга, шиша кўзларга умидвор тикилдим. Кампиршо қонсиз лабларини пирпиратиб, чуриллатиб заиф хуштак чалганча менга кўзларини чақчайтирди. Кўнглимдан ўтди: «У икки дунёда ҳам собиқ ҳамкасбини эслолмайди! Фирт жинни кампирча!»

Таажжубки, янглишган эканман.

— Бу Мусо, — деди у татиуровкалининг фотосуратини силкиб. — Сиз айтаётган Мусо Рўзимовнинг айнан ўзи.

— У ҳолда буниси-чи? — деб рассомнинг суратига имо қилдим.

— Униси Мусонинг гримсиз ҳолатдаги асл қиёфаси. Рассом охирги пайтларда бошқача бўлиб қолганди. Унинг даҳшатли, қўрқинчли ва иблисона сири фақат менгагина аён эди. Омадингиз бор экан, зап одамига учрадингиз-да.

— Наҳотки, гапингиз рост бўлса?! — Иккала суратни қўлимга олиб, дам унисига, дам бунисига тикилдим. — Битта одам эканини ўйлаб кўрмабман.

— Яхши йигит, омадингиз бор экан, — тақрорлади у.

— Қанақа иблисона сирий биласиз? Айта қолсангиз-чи!

— Рўёбга чиқмаган орзулар! — кампир ўрнидан туриб, бурчакдаги стол ёнида тўхтади. — Хаёлотни ҳаётга кўчириш! Охир-оқибат офтальмофилия касалига ҳам учраганди бечора. Унинг тарихи сизни сеҳрлаб қўяди, мақолангиз ҳам «супер» бўлади. Менга ҳозир «дори» олиб келсангиз, билганимни ҳикоя қиламан. Вақтингизга ҳам, пулингизга ҳам ачинмайсиз. Театрда нима дейишди? Ўлиш учун келди, деб кулишдими? У ерда бизнинг даврдаги одамлардан ҳеч ким қолмабди. Шундай экан, мен ўлгани келаман-да! Шу ёшимда туққани жой ахтармайман-ку!

— Қанақа дори керак?

Фёдорова стол устидаги шиша идишлар ва қутилар орасидан кичкина бутилкани танлаб, юз-кўзи барабар кўтарди. Шоколод тусдаги ёрлиғи таниш кўринди.

— Коньяк, — деди у.

— Беҳазилми?

— Беҳазил, беҳазил. Менга пул юборишгунча ҳурматли жентльменлардан меҳмон қилишни сўрайман. Бу сизни камситмайдими?

— Асло, — деб дўконга жўнадим. Қайтаётганимда, Назар ака қўнгироқ қилди:

— Қўйнингизда нима бор?

Беихтиёр атрофга алангладим. Ўйладим: «Собиқ қас-соб Чорсудаги учрашувимиздан аввал мени кузатганига далил, бу — Отабек ва «Анҳор чироғи» ошхонаси! Унинг гўшт растасидан Отабек қарз бўлиб қолгач, бир қанча вақт мобайнида таҳририятимиз биқинидаги ошхонага пул талаб қилиб келган! Чорсуда ўтирганимизнинг эртасига, сешанба куни менга телефонда нималар деганди? «Таҳририятнинг орқасидаги ошхонадами ёки «Анҳор чироғи»да овқатландингизми?», «Ишхонангиз атрофидаги идораларга ишим тушганида иккала ошхонага ҳам кирганман, иккаласи ҳам ярамайди...» У Мухтор Солиевга татиуровкалининг суратини кўрсатганида, Худоёр амаким юзага қалқиб чиққан. «Домланинг жиянини танийман, газетада ишлайди», — деган Мухтор ака. Шунда Назар ака мийиғида кулиб қўйган. Зеро, у яхши биладиган жойнинг шундоққина ёнидаги таҳририят ходими эдим-да!»

— Мен сизни кўрмайпман, — дедим.

— Нега кўрасиз? Цехда ўтирибман, — жавоб берди Назар ака.

— Қўйнимга нимадир яширганимни қандай билдингиз?

— Театрдан керакли маълумотларни қўйинга солиб чиқдингизми, деган маънода сўрагандим, оғайни, — пичинг қилди Назар ака.

— Қўлтиғимга коняк қистириб кетаётгандим.

— Коняк?

— Бунинг умуман ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Қийинини эшитишни хоҳлайсизми? Татиуровкали кимса қақиқатан йўқ одам экан.

— Нима дегандим! Қайси актёрлигини аниқладингизми?

— Бу ёғига қулоқ солинг, Назар ака! Сизга уйни сотганлардан Мусо Рўзимовнинг суратини ўз қўлингиз билан олганмисиз? Суратдаги бошқа одам эмасми?

— Ўз қўлим билан олганман! Суратдаги ўша! Театрдагилар у эмас, дейишаяптими? Театрдами, архивдами хужжати, расм-пасмлари бўлади! Ҳеч ким рад этолмайди!

— Йўқ, расмдаги Мусо Рўзимов экан.

— Унда қандай тушунмовчилик бўлди?

— Тушунмовчилик эмас, аниқлик киритилди. Татиуровкали ҳам айнан Мусо Рўзимовнинг ўзи экан.

— Қанақасига?

— Уйни сотганлар берган расмда театр рассоми гримсиз, асл қиёфасида. Курсдошингизнинг жомадонидан топиб келганингиз расмда эса грим қилинган ҳолатда, татиуровкали киши образида. Энди тушундингизми? Талабалигингизда сизни сигир сўйишга шахсан уй эгаси татиуровкали кимса қиёфасида олиб кетган.

— Рассом билан татиуровкали кимса битта одамми?

— Битта одам.

— Ким айтди? — уҳ торди Назар ака. — Ишончли фактми?

— Театрда рассомнинг замондошларидан ҳеч ким қолмаган экан, лекин яқинда Россиядан бир кампир кўчиб келибди. Ўтган ҳафта у театрға борган экан, манзилини, телефон рақамини директордан олдим. Исм-фамилияси Дарья Фёдорова. Етмишинчи-саксонинчи йилларда Мусо Рўзимов билан битта жамоада

ишлаган. Омад юз ўғирмади, Фёдорова жуда кўп сирларни биладиганга ўхшайди.

— Ҳозир кўчада коняк кўтариб юрибсиз, кампир билан қачон гаплашдингиз?

— Уйига боргандим, мени конякка жўнагди.

— Ҳамма сирни билиш учун нима сўраса олиб беринг, харажатларингизни тўлайман, — деди Назар ака. — Зарина яшаган уйга қандайдир боғлиқ томонлари бўлса, қўрқмасдан суриштаверинг, гап олинг, айтмаганига қўйманг.

— Хўп, — дея телефонни ўчирмоқчи эдим, Назар ака:

— Тўхтанг, тўхтанг! — деди шошиб. — Демак, татиуровкали кимса уй эгасининг шахсан ўзи! Улар ҳозир йўқ! Вафот этишган! Рассом ҳам, хотини ҳам, татиуровкали ҳам.

— Худо раҳмат қилсин. Улар сал кам чорак асрдан бери йўқ. Янганинг сирли ўлими эса ўтган йили ўн еттинчи июнда содир бўлган.

— Ҳа, мен ҳам Заринаникига кечаси келганларни ўйлаб қолдим! Унинг ўлимида бехосият ҳовли, сирли сигир, татиуровкали кимса, қисқаси, ҳеч бирининг алоқаси йўқ! Ҳаммаси афсона!

— Аксинча, афсона эмас, — дедим мен.

— Мен ишонган афсона афсона бўлиб чиқяпти! — ҳаяжонланди Назар ака. — Заринанинг ўлимида уйнинг аввалги эгалари қилча айбдор эмас экан, жиноятчиларни ҳозирги одамлар орасидан излаймиз. Мурод билан гаплашдингизми?

— Навбат уники.

— Кампир яна қандай гапларни айтаркан?

— Сабр қила оласизми, Назар ака? Гапидан сезишимча, рассом руҳий касалликка учраган.

Фёдорованинг подъездига яқинлашганимда фик-

римни тўпладим: «Учинчи хотин мистик сабаблардан ўлмагани аниқ эди. Бошидаёқ Назар акага «одамга ўхшаш сигир афсона, фикримни ўзгартирмайман», дегандим. Бошқача бўлиши мумкин эмасди-да. Бироқ бир жиҳатни унутмаслигим керак: Зарина янганинг жонига қасд қилганлар одам кўзли сигир афсонасидан фойдаланишган. Афсонанинг фожиага алоқадор биргина ташқи риштаси шу. Назар ака нафақат буни билади, қотил афсонадан жуда яхши хабардор бўлган инсон — ўз оиласи аъзоларидан бири эканига ҳам ишончи комил. Ички ришталар қаерларга, кимларнинг юракларига боғланганини аниқлашим қолди. Бегона одам бошига қоп кийган Назар аканинг, одам кўзли сигирнинг ва Арофат, Маҳлиё, Зарина янгаларнинг суратини чизармиди?»

Зинадан чиқаётиб, миямга зўр бергандим, Назар аканинг кечаги гапларидан бири шубҳа тўрима галдаги ўлжа бўлди. «Сизга далил топиб берсам, аммо у яқин одамингиз бўлиб чиқса, жиноятни сир сақлашим учун нима бермоқчисиз?» — деб сўрадим Тўйтепада. Назар ака бегона одам қотил эканига ишонганида аввало қамоқ, суд, одилона жазо кабилардан сўз очарди. «Ниҳоят, дангал гапга ўтдингиз», дея енгил тортди ва тилига қармоқ игнаси санчилди. У қизларидан бири қотилликка алоқадор эканига ишонмаганида, «Ниҳоят, дангал гапга ўтдингиз» дея шу заҳотиёқ хурсанд бўлиб жавоб қайтарармиди?

Фёдорованинг эшигини тақиллатаётганимда, Назар ака қайта қўнгироқ қилди:

- Балки мен ҳам боришим керакдир? Нима дейсиз?
- Нозиктаъб кампир сизни кўрган заҳоти сирни айтиш фикридан қайтади.
- Нима учун?

— У жуда инжиқ! Мен унинг учун таҳририятдан жўнатилган мухбирман.

— Менсиз ҳал қила оласизми ишқилиб?

— Ҳаммаси сизсиз ҳал бўлади, Назар ака, — деб телефонни ўчирдим.

Қассобдан етишиб чиққан бизнесменни осонгина тушовлаш кўнглимда йўқ эмасди. Отабек ҳам ундан эҳтиёт бўлишимни маслаҳат берди. Қандай хавф таҳдид солади? Назар аканинг тақдир иплари менинг кўлимда кўпроқ чувалашмадими? Сезишимча, Назар ака кўп нарсани ютқазади. Мен уни эзиб-янчиб ташлайман. ИНСОН эканман, нега жинойтчини давлатдан яширишим керак? Қанақадир таниш-билишчилик, пул, зиёфат учунми? Ҳе йўқ...

Ўзимча мағрурланиб қўйгандим, эсимга бошқа бир далил тушди. Назар ака сешанба куни қайси ошхонада овқатланганимни сўради. Мен «Анҳор чироги»да тушлик қилганимни айтдим. Аммо бир кун аввалги ичкиликбозликдан сўнг тушликда овқатланмаган эдим, Отабекка аччиқ қора чой букургандим, холос. Кичик далилга кўра Назар ака мени пойламаган. Агар кузатганида, сешанба куни томоғимдан аччиқ чойдан бошқаси ўтмаганини кўрарди ва бу ҳолатим саволида акс этарди. «Назар ака шум эмас, — дедим. — Менга қишлоғининг йигитига ишонгандек ишоняпти. Тақдирга тан бераётган кишиларни жарликка итариб юборишим адолатданмикан? Қайси вазиятда ҳақиқий инсон бўлиб қоламан-а?»

Кампирникига кириб, коньякни узатдим. Дарья Фёдорова иккимизга ҳам қуйгач, ёзилажак мақоламнинг сарлавҳасини билишни истади.

— Ичмайман, раҳмат, — деб қадаҳни нари сурдим. — Рости, сарлавҳа ҳақида ўйлаб кўрмадим, Дарья Фёдоровна.

— «Сахна ортида яшаган актёр». Қалай? — таклиф айтди кампир.

— У актёрми, рассомми? Нега «Сахна ортида яшаган актёр» деяпсиз?

— Мусо рассомликда ҳам, актёрликда ҳам ном чиқаролмаган бахтсиз одам эди. Театрдагилар рассом деб билишса-да, актёрлик қобилияти кучли эди, аммо бир умр халқ олдида сахнага чиқолмаган. Уйлайманки, у эҳтиётсизлик туфайли автоҳалокатга учрамаган. Ўзини ўлдирган.

— Хотини ҳам ўлган-ку?

— Ўзини ҳам, хотинини ҳам ўлдирган, демоқчиман. Хотинини нариги дунёга бирга олиб кетиш учун машинасини атайлаб «КамАЗ»га урган. Бунинг ҳаммаси касаллик оқибати!

— Офтальмофилиями? У қанақа касаллик?

— Кўзни яхши кўриш. Руҳий касалликнинг бир тури. Дурбин, кўзойнак, ҳар хил линзалар каби ашқол-дашқолларни ёқтирадиганларни назарда тутмаяпман. Мен айтаётган офтальмофилия анча хавфли касаллик.

— Тушунишимча, кўзга сиғиниш даражасида телбалик, тўғрими? Рассом қўлига одамнинг кўзини таиуровка қилиб юрган. Одам кўзли сигир ҳайкалига қизиққан. Ҳаттоки, уйида ўшанақа тирик сигир бўлганмиш. Илтимос, шулар ҳақида...

Дарья Фёдорова оёқларини чалиштириб, коньяк рюмкасини қўлида оҳиста ўйнаб, рассом тарихини сўзлай бошлади:

— Бундан олтмиш-етмиш йиллар бурун Мусо олис Сибирдан отаси билан кўчиб келган. Отаси давлатнинг ишларига зид хатти-ҳаракатлар содир этишда айбланиб, суд қилинган ва Воркутага жўнатилган. У ёқда ўзи каби сургундаги аёлга уйланган. Никоҳдан Мусо туғилган. Маҳкумлар оиласини доим икки кўланка таъқиб қилган: ўлим ва касаллик. Охир-

оқибат ёш оилага аввал касаллик, кейин ўлим чанг солади. Аёл ўлади! Она ўлади! Воркутадаги қамоқхона биқинидаги кулбадан маййит чиқарилади, дафн этилади. Икки-уч ёшлардаги Мусо ғамга ботган отасининг бағрига бош қўйганча онадан сағир қолади.

Отаси кулба деворига бир жуфт кўз чизади-да, соатлаб, кунлаб, ҳафталаб термулади. Мусо қорни очиб йиглайди, иштонини ҳўллаб қўяди, қўшнилари берган овқатни ейди, бармогини сўриб ухлайди. Эрталаб яна эски ҳаёт янгидан давом этади. Мусонинг отасига Ўзбекистонга кетишга рухсат берилади. Бироқ отаси бундан хурсанд бўлмайди. У Мусонинг онасини жондан ортиқ севарди. Оғир сургун ҳаётида ишқдан бўлак ҳеч қандай юпанч тополмаганди. Аччиқ қисмат муҳаббатдан айирди. Бечора ота янги оила куриш, уй-жой, машина, маош, ижодий карьера — барчасига қўл силтайди. У сургунда топган аёлини ҳаётдаги ҳамма нарсадан устун қўяди.

Мусонинг отаси Тошкентдан эди. Бир неча ҳафталиқ йўл азобидан кейин ота-бола Тошкентга етиб келади. Ўзбекларнинг қариндош-уруғлари, ҳол сўрайдиган қўни-қўшнилари кўп бўлса-да, Мусонинг отаси ёлғиз эди. У Ўрда яқинидаги маҳаллада жойлашган уйида то зилзила вайронага айлантиргунча ўғли билан оддий ҳаёт кечиради.

Отасининг вафотидан сўнг Мусога аввалгидан-да қийин бўлади. Узоқроқ қариндошларидан бири маълум вақт меҳрибонлик кўрсатади. Мусо кап-катта йигитга айланиб, кунини кўриб кетгач, қариндошлари ҳам ўз ташвишларига кўмилишади. Мусога доим нимадир етишмасди. Отаси чизган бир жуфт кўзни ҳар куни эслайди, тушларида кўради. Мусаввирлик қобилияти уйғонгач, кўзларни тасвирлашга уринади. Афсуски, отаси чизган кўзларга ўхшатолмайди. Одамовилик Му-

соға отадан мерос бұлиб ўтади. У юзлаб, минглаб кўзларни чизади: қисик, қуралай, жигарранг, қора, кўк, сузук, пурмаъно, ғамгин. Илло ҳеч бирида ота чизган кўзларда балқиган нигоҳни тополмайди. Унинг эси оға бошлаганини пайқаган қўшнилари қариндошларига мурожаат қилишади. Қариндошлар шифокорга қаратган бўлишади. Мусо бўлажак рафиқасини шифохонада учратади. Отаси чизган кўзларни чизишга шу қизнинг нигоҳлари ёрдам беришига умид қилади.

Эр-хотин анча йил тинч-тотув ҳаёт кечиришган. Фарзанд кўрмайдилар. Йиллар мобайнида Мусо телбавор кўзларни унутади. Бироқ...

Энди унинг ҳаёти билан меники боғланган нуқтага кулоқ солинг, яхши йигит! Бир куни театрда кеч соат 23:00 гача қолиб кетдим. Ишимни тугатиб, хонамни қулфлаб, бинонинг бўм-бўш йўлагига чиқдим. Шифтда чироқ ёниб турса-да, йўлак нимқоронғи эди ва сескантирувчи аллақандай кўрқинч ҳукм суларди. Қоровулни огоҳлантирганимда, у: «Ўн-ўн биргача ишлаб зарилми?» деб тўнғиллаганди. «Ишдан ҳайдаладиган бўлсам ҳам бунақа алламаҳал юрмайман, қоровул тўғри айтибди», деб зина томон шошилдим. Чапдаги зинадан биринчи қаватга тушсам, яна бир эшик, сўнгра театр орқа ҳовлиси. Биринчи қаватга тушмай йўлакдан тўғрига юрсам қўштабақали, шифт бўйи эшикдан томоша залига кирилади.

Зинанинг уч-тўрт поғонасини босган ҳам эдимки, кимсасиз залда нимадир даранглаб кетди. Қулоғим панд бермаса, бўш челақ полга думалади. Бежирим соат тақиб юрардим. Қарадим: 23:05. Шу пайт биров хитоб қилгани эшитилди. Одатда залдаги шовқин йўлаккача келмасди. «Бинода ёлғизман десам, индинги спектаклга репетиция бўлаётган экан-да? Лекин

бунча кеч? Саҳнадан челақни ағдариб юборганига қараганда, Наим ичиб олиб, ролини қайтаряпти», деган хаёл ўтди кўнглимдан. Шошилаётганимга қарамай изимга қайтдим. Залнинг оғир эшиги мушук сиғар ҳолда очиқ экан. Ўриндиқлар қоронгида зўрга кўзга чалинарди. Саҳна иккита кучсиз чироқ билан ёритилганди. Дастлаб, ҳеч ким йўқдек туюлди. «Овозни эшитдимми, менга шундай туюлди?» — дедим ўзимга ўзим. «Агар ҳеч зог бўлмаса, нега эшик очиқ?» — мантиқли савол ҳам туғилди.

Шу он олдинги ўриндиқлар панасида чўккалабми, энгашибми турган узун плашли киши қаддини ростлади ва бўш челақни қўлидан қўймай инқиллаб саҳнага чиқди. Уни танимадим. Саҳна ўртасига челақни қўйгач, бир нафас сукут сақлади-да, тўсатдан:

«Бунинг ичида ҳам кўзлар йўқ! — деди палағда товушда ва қўлини даҳолардек иягига тираб ўйга чўмди. Сўнг: — Ота, — деб рўпарасидаги хаёлий одамга мурожат қилди, — сизни муҳаббат халос этган! Ишқ олдида азоб йўқдир! Нима у Сибир? Нима у архипелаглар, Воркута? Сиз онамнинг кўзларини чизгансиз. Кўзлар сизга меҳр-муҳаббат билан боқарди. Мен эса тополмаяпман. Суратларимдаги кўзлар мени севмайди. Ҳар гал чизганимда, кўзларда юрак-бағримни ўртаб юборадиган аламли нимадир бор! Эркалагим, бўса олгим, аммо туйқус ўлдиргим келади! Ҳа, менинг борлиғим шунақа! Қанчалик қорайиб кетганимни кўринг, отажон! Мен бегона дунёда, бегона кўзлар орасида яшайпман...»

«Нималар бўляпти? Репетициями?» — сўрадим баланд овозда.

Саҳнадаги одам ток урган каби сапчиб тушгани, қалтироғини босолмай мени аланг-жаланг ахтаргани,

орқа эшикларнинг биридан қараб турганимни кўриб, бўшашгани ҳамон ёдимда.

«Сизми, Дарья?» — деди у титроқ овозда.

«Кимсиз? — сўрадим ўриндиқлар оралаб саҳнага яқинлашарканман. — Бошқалар ҳам борми? Нега ҳеч ким кўринмаяпти?»

«Мени танимадингизми?»

«Йўқ, лекин кимлигингизни ҳозироқ билиб оламан, овозингиз таниш, жуда-жуда...» — дедим-да, ҳисобот топшириш учун ушланиб қолганимни, бехосдан шовқинни эшитиб, залга бош суққанимни айтдим.

«Мусоман», — деди шалвираб.

«Мусо? Рассомми?» — дея ёқа ушладим.

Саҳнадан сакраб тушиб, рўпарамга келди. Кўрқинчли нусха Мусога ўла қолса ҳам ўхшамасди. Юрагим та-ка-пука бўлиб, қулт этиб ютиндим. Камсуқум, камгап рассом тажрибали актёрлардан ҳам ўтказиб роль ижро этиши лол қолдирганди. Ўз кўзим билан кўриб ишолмаётгандим, қўрқаётгандим, ҳатто қичқирмоқчи ҳам эдим.

«Қиёфамни ўзгартирмоқчиман, — синиқ овозда сўзлади у. — Ҳар доим эмас, Дарья, онда-сонда бошқа одам бўлиб юрмоқчиман... Дарров асл Мусога қайтаман... Шунга... ўтиниб сўрайман... Аҳмоқона одатимни сир тутсангиз!»

«С...сир? Фақат шуми? Марҳамат!»

«Саҳнага биринчи ва охирги марта чиқишим. Қайтиб саҳнада кўрмайсиз».

Истеъдодини театрдагилардан бекитмаслик даркорлигини айтдим. Мусо қўрқиб кетди ва сир сақлашимни сўраб, яна ялиниб-ёлворди. Кўрган-билганларимни ёйиб юрадиган одатим йўқ эди. Эртасига у бош қи-мирлатиб, мингирлабгина саломлашди. Саҳнада кеча Мусо эдими, алаҳсирадими, деб ўзимдан шубҳаланиб қолдим.

Кунларнинг бирида театримиз ёнидаги катта кўчани кесиб ўтаётган таниш нусхага кўзим тушди. Оралиқ масофа юз қадамлар эди. Кўчанинг нариги четидан мен томон келаверди. Тўғримга етганида бошини бурди. У Мусо эди, саҳнадаги қиёфасида куппа-кундузи, шаҳар кўчасида, одамлар орасида бемалол юарди. Ва ҳеч ким театрнинг бировга тик қарамайдиган савдойи рассоми эканини хаёлига ҳам келтирмасди. «Айтманг!» дегандек сезилар-сезилмас бош чайқади.

Мусо воқеаси бу билан якун топмади. Театр биносининг зинаси тагида бир ҳужрача бор эди. Унда кўпинча фаррошларнинг челақлари, полтаёқлари, лагтау супургилари сақланарди. Иш вақтим тугаб, зинадан тушаётганимда қаердандир йиғи овози эшитилди. Таққа тўхтаб, қулоқ солдим. Эркак йиғиси ҳужрачадан келарди...

Дарья Фёдорова ҳикоясининг давомини сўзлашга ҳаяжонланиб, рюмкасидаги сўнгги томчиларни жигилдонига қуйди. Менга ғалати ўқрайиб, деди:

— Мусо ҳақида мақола эмас, қисса ёзсангиз бўлади, яхши йигит! У нима учун ўша кеча саҳнага челақ олиб чиққанини айтайми? Диққат билан қулоқ солинг! «Ким йиғлаётган экан?» деб ҳужрача эшигини очдим. Очдиму ҳайратдан бақа бўлиб қолдим. Ҳужрачада Мусо тиз чўкиб, ёқасини ғижимлаб ҳўнг-ҳўнг йиғлаб ўтирарди. У маъбудага илтижо қилаётган буддавийга ўхшарди. Ҳужра деворига соҳибжамол аёлнинг шаҳло кўзи чизилган эди, гўё тирик дейсиз! Рассомимизнинг истеъдодига қойил қолдим. Нега ашқол-дашқоллар қалашган ҳужрача деворига сурат чизганини тушунолмадим, «Жинни бўлиб қолган», деб гумонсирадим.

«Дарья, — деди Мусо ҳиқиллаб, — уни чиздим, чиза олдим, лекин... муносиб жойга эмас. Анча вақт мендан

қочиб юрди. Ва айнан шу ерда... фаррошлар ҳужрасининг деворида тутдим. Мана буни қаранг! Иккинчиси челака тушди. Тирикка ўхшайдими, йўқми?»

У челаки бурнимга тутди. Бўш челакининг тубига ҳам аёлнинг кўзи чизилган эди. Ўшанда айтишича, кўзни қаерга, қандай чизмасин, ўхшамабди. Кўзлар капалаклар каби дуч келган жойга қўнишини, қўнган ўрнигагина чизса, ҳақиқийсига ўхшадини пайқаб қолибди. Гапига ишонмасам, исботи девордаги ва челака тубидаги кўзлар сурати эди. Қогозу полотно қолиб нимқоронғи ҳужра деворига, металл челака тубига чизиш ҳақиқатан ҳам ноқулай. Қойиллатиб чизган экан, бунда бир гайритабиий сабаб борлигига ишонарди киши.

«Шунинг учун бўш челаки саҳнага чиқариб, гапирётган экансиз-да? — дедим. — Охир-оқибат буларни қандай тушунтириб берасиз, Мусо Латипович?»

«Отамнинг исми билан мурожаат қилганингиздан хурсандман, — рассом кўз ёшларини артиб ҳужрадан чиқди. — Эшитган бўлсангиз, қатоғон даврида отамни кўп қийнашган. Қуруқ тухматга қолиб кетганидан сўнг у киши на давлатни, на халқни ўйлайдиган бўлди. Ишонган давлати Сибирга сургун қилди, ишонган халқни эса «душман» деб четлади. Ҳаммасига этак силкиган отам фақат шу кўзлар дардида яшади. Кўзлар раҳматли падаримга хиёнат қилмаган, ташлаб кетмаган, кўриб кўрмасликка олмаган».

«Лекин у сизга нега керак?»

«Гениал савол! — деди Мусо. Сўнгра дами чиққан пуфак мисоли сўлиб, мингиллади: — Гениал савол... Гениал с...савол...»

Мусо уйига шошилди. Мен ҳам унинг телба-тезик феълига бир тушуниб, бир тушунмай қошонамга қайтдим. Орадан неча кун ўтди, эсимда йўқ. Кутилмаганда

даҳшатли хабар эшитдик: Мусо ҳам, хотини ҳам автохалокатда ўлибди.

Биласизми, яхши йигит, Мусо ўлганидан кейин ҳам хужрачадан йиги овозини эшитдим. Ҳарҳолда, қаттиқ таъсирланганим учунми, менга шундай туюлди. Қоровулнинг гапига қараганда, гоҳида ярим кечаси томоша залидаги чироқлардан бири ёнармиш, челақ даранглаб думалармиш, кимнингдир хитоби йўлакларда акс-садо берармиш. Буларнинг барчаси нимадан далолат? Мусонинг руҳини иблис кишанлаб олган. Қачон иблиснинг тузогига илингани ҳақида ҳеч нарса деёлмайман. Агар Мусо бизга ўхшаш одам бўлганида, ҳаётини бир хил қиёфада яшаб ўтарди, истеъдодини эл қатори саҳнада синаб кўрарди, Сибирдаги сургунда бир вақтлар отаси чизган сураатларни пана-пастқам, кунжақлардан ахтариб юрмасди. Одамовилиги ҳам, офтальмофил экани ҳам хавфли эди.

Айтгандай, у сир сақлашимни сўраб қасам ичирган. Ичган онтимни бузганимдан афсусда эмасман. Унутилган шўрлик бандани йиллар ўтиб газетадан сўраб келишган экан, юзта қасамни бузсам ҳам арзийди. Ҳақиқий театр ходими фақат матбуотга сир айтади. Бошқа ташкилотнинг одами бўлганингизда, ҳаттоки, чойшаб ёпилган диванимга ўтириш насиб этмасди.

Дарья Фёдорова рюмкасига ичимлик қуйиб, менга қия назар ташлади.

— Мусулмон бўлганингиз учун ичмаяпсизми?

— Қоидага риоя қилганимда сизга умуман коньяк келтирмасдим, — деб жавоб бердим.

— Кўчада ким билан қўнгироқлашдингиз?

— Танишим телефон қилди, — дедим пойлаганига ҳайрон бўлмай.

— Неча кишисиз?

— Саволингизни тушунмадим?

- Мақолани тайёрлашга қанча одам жалб этилган?
- Хаёлингизга бошқача ўй келмасин, Дарья Фёдорова, мақолани фақат мен ёзаман, орқасида эса бир танишим турибди. Бўлмаса, Мусо Рўзимов тушимга кирибдими! Энди айрим саволларга ўтсак. Тайёرمىсиз?
- Қачонлардир Мусо Рўзимовнинг сирини матбуотдан кимдир сўрашини билардим. Йигирма йилдирки руҳан тайёрман. Қани, яна нималар керак?
- Мусо Рўзимовнинг уйида кўзлари одамникига ўхшаш чўяндан ясалган сигир ҳайкали бўлган, бурнида темир ҳалқаси бор. Сизга шу ҳақда айтганми?
- Қулоқ солинг, у қиёфасини ўзгартирганда бошмалдоғининг юқорисига кўз суратини чизиб оларди. Кўрсангиз, татиуровка дердингиз. Бир куни Мусо гуллаб қўймаслигимни сўраб ялина бошлади. «Одам ўлдирганга ўхшаб бунча ваҳима қиласиз? Бир сўзли аёлман, айтмайман дедимми, айтмайман! Яхшиси, кучлироқ руҳшунос топиб, даволанинг», дедим. Мусо: «Даволанаяпман, лекин руҳшуносим одам эмас, мол», деб жавоб берди. Шифокорни сўкди, деган хаёлга бордим. У изоҳлади: кўз суратини эндиликда тирик жонзотларга чизаётган эмиш. Ва бундан таскин топаётганмиш.
- Тирик жонзотларга дейсизми?
- Ҳа, тирик жонзотларнинг кўзига. Қаердадир сиз айтган одам кўзли сигир ҳайкалини кўргач, бошига янги ғоя урилган. У тирик сигирнинг кўзини бўяб, киприкларига ишлов бериб, одамникига ўхшатган. Менимча, шу билан таскин топган, ўзини даволашга уринган. Мусо нега отаси каби офтальмофил бўлиб қолди, ҳайронман. Отаси ўз ёрининг, яъни Мусонинг онасининг кўзларини чизган дейлик, Мусо-чи? У онасининг кўзларини ташландиқ жойлардан, челак тубидан, сигирнинг нигоҳидан ахтариши, сўнгра кўзларни қатл этишни хоҳлаши... Йўқ, рассомимиз онасининг

кўзларини ахтармаган. Сир маййит билан бирга гўрга кирди. Отаси келажаги барбод бўлганига, севған ёри ўлиб қолганига асабийлашган, Мусони қийнаган муаммо нима эди? Ҳеч нарса деёлмайман.

— Ҳовлисида сигир боққанини айтган экан-да?

— Айнан шундай демаган. Маҳалласида ҳеч ким чорва билан шуғулланмай қўйган. Мусо бозордан бузоқча сотиб олиб, яширинча катта қилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Негаки, бир куни иккинчи қиёфасида, эски плашда деҳқон бозорида пўчоқ йиғиб юрганини кўрганман. Пўчоқни нима қилади? Ҳовлисида сигири бўлганига бундан ортиқ далил керак эмас.

— У пул тилана олармиди?

— Аҳмоқона савол!

— Аксинча, пул совурармиди?

— Қайси маънода? — оғзига шokolод солди Дарья Фёдорова.

— Дуч келган одамга бир сиқим қизил ўнталикни бериши мумкинмиди?

— Йўқ. У сиз ўйлаган хилдаги телба эмасди.

— Мақолам учун далил тўплаётганимда, қизиқ воқеани эшитдим. Бир талабага қизил ўн сўмликлардан бир сиқим бериб, одам кўзли сигирни сўйишни илтимос қилган экан. Талаба қассобчиликдан хабари бўлган йигит эди, сигирни сўйиб берган.

— Кейин у ўлган, — тўлқинланиб кетди Дарья Фёдорова.

— Сигирни айтаяпсизми?

— Сигирни эмас, Мусони. У театрдан олган маошини бир сафар талабаларга тарқатиб юборган. «Нега ундай қилдингиз?» деб сўраганимда, «Ўлимим яқин, энди менга пулнинг кераги йўқ», деб жавоб берган. Бироқ хотинининг саъй-ҳаракатлари билан у мияси-

даги ўлим хаёлидан вақтинча қутулди. «Битта маошни кўчага сочдим-а!» деб минғиллагани эсимда. Иккинчи марта ўлим хаёлига асир бўлгач, бор-шудини талабага тарқатган бўлса тарқатгандир. У ҳақда кимлар гувоҳлик берапти ўзи? Мен танийманми?

— Йўқ. Тасодифни қарангки, бир вақтлар Мусо Рўзимов сигирини сўйдирган талаба-қассобни топдим.

Дарья Фёдоровага коньяк таъсир қилган эди. Кўпинча қариялар ичса, тунд қиёфага кириб, уйқу босади. Мезбон ҳам қовоқ-тумшугини осилтирди, кўзлари қизарди.

— Мутлақо сафсата, — деди у. — Ким бўлсангиз ҳам бекорни айтибсиз. Сиз мени топдингиз! Мана бу — ҳаётингиздаги энг катта тасодиф! Талаба-қассоб тасолифан дуч келмаган. У сизга учрашиб, ҳаётини сўзлаб берган. Шундай экан, энди кетинг. Сиз билан гаплашадиган бошқа гапим йўқ.

— Раҳмат. Мақолам чиқса, сизга газетанинг бир нусхасини юбораман.

— Мақола ҳеч қачон чиқмайди. Сиз бошқа нарсанинг дардида юрибсиз. Кетинг! Коньяк учун раҳмат!.. Эшигим қаердалиги ёдингизда, деб умид қиламан.

Дарья Фёдорова билан хайрлашдим (аслида видолашган эканман, чунки ўша ҳафта у юрак хуружидан вафот этди). Ишга борадиган вақтим бўлган эди. Таҳририятда истаган вақтда сўраб қолишади. Назар ака қош қорайгунча қўнғироқ қилмади. Сабаби сабр эмас экан.

— Ўз ҳисобингиздан таътил олинг, пулдан ўйланманг, — деди у. — Сирнинг тагига тезроқ етмасангиз, орқамдан «қизил арава» қувиб келяпти. Сирни билмасимдан олдин етиб келса, хато иш қилиб қўяман.

— «Қизил арава» нима экан?

— ЖҚБ.

— Жиноят қидирув бўлими ҳозиргача янганинг «иши» бўйича шуғулланыпти, денг?

— «Иш» ёпилди демадим-ку. Иложи борича, бугун кечқурун Мурод билан учрашинг. Унинг телефон рақами билан уй манзилини бердимми?

— Йўқ, «смс» қилиб ташланг.

— Агар қизларимдан бири айбдор бўлиб чиқса, милиция қамоққа олмасидан аввал бирор чорасини ўйлаб топишим керак, тушуняпсизми? Вақт тигиз!

— Милиция сизни кузатаётган бўлса, мен ҳам «радар»га тушибман-да?

— Сизни илғамаган бўлса керак. Мабодо бирор нима сўрашса, Назар аканинг тадбиркорлиги ҳақида мақола ёзаяпман, денг.

— Шундан бошқа баҳона йўқ.

— Худоёр амакингизга ҳам телефон қилиб қўйинг. Мухторга ўзим тушунтираман.

— Милиция бугун келдими?

— Ҳа. Зумрад яна «нишонга олинди», тез орада унга «ўқ узилмаса» деб қўрқаяпман. Терговчи Олчали маҳалласидаги дугонасиникига бориб, уйининг дераза панжараларини текширибди.

— Панжара ўрнатилганмикин?

— Йўқ экан. Қизлар ўтирган уй деразаси кўчага қарамаган, ёнбошда. Одам деразадан ҳовлига тушиб, кўча эшикка чиқса бўлади.

— Тахминим тўғри йўналтирилибди. Дугонасини қистовга олишмабдими?

— Зумрад билан дугонасининг тупроғи битта тоғорада қорилган. Ўгил бола ҳам бунақа қаттиқ ёнгоқ бўлишни эплалмасди. Агар тарсаки туширсам ҳам иккови миқ этмаган кўзидан бир томчи ёш оқизмаган бўларди.

— Оилангизга вазиятни ётиғи билан тушунтирдингизми?

— Тушунтирдим. Фақат сизни ёллаганимни яширдим. Агар Заринанинг ўлимида қўлларинг бўлса, вақт борида менга айтинглар, қамоқнинг олдини олай, тўсатдан келиб, кишан уриб кетишса, иш пачава, дедим. Зумрад айби йўқлигини айтиб тураверди, Муслима йиғлади. Арофат яна жанжал кўтарди. Ҳозир ҳам қарғаяпти. «Ўйнашининг ўлимига қизларимни аралаштирма», деб қон босими ошиб, кўрпа-тўшак қилиб ётибди.

— Нима қилмоқчисиз?

— Муродга тезроқ учрашинг! Натижасини менга айтинг! Шунга қараб бир тадбир қилмоқчиман!

— Эртагами?

— Эртага эрталаб! Ўзингизни ҳаммасини биладиган, анча вақтдан бери кузатиб юрган устаси фаранг қилиб кўрсатинг. Нима билса, гапирсин! Қизларимдан бири охирги дақиқаларгача сир сақламоқчига ўхшайди. Жонига барибир оро киришимга ишонади. Гишт қолипдан кўчса, қўлимдан ҳеч иш келмаслигини тушунмаяпти. Муродга айтинг, бекордан-бекор бу ҳаётдан йўқ бўп кетиши ҳеч гапмас! Мурод ҳозир гапирмаса, кеч бўлади. Қизларимдан бирига эмас, ўзига кеч бўлади!

— Нега «қизларимдан бири» деяпсиз? Мурод Муслима билан гаплашиб юради-ку. Демак, фақат Муслима...

— Йўқ! Зумрад ҳам у билан гаплашганидан гумоним бор. «Синглимни тинч қўй», деб иккиси бошида уришишган. Бир йигит билан тез-тез ади-бади айтишишини билардим. Кейин эса Заринани ўлдириш хаёлига келган бўлса, Муроддан фойдалангандир, эҳтимол. Қанақа ота, деб ҳар хил хаёлга борманг. Шошяпман! Чўкаётган одам чўпга ёпишаётганда андиша қилмайди. Муродни кузатганман, орқасидан суриштирганман. У ҳар гапга ишонувчан йигит.

Театрнинг ошиқ ҳайдовчиси билан гаплашмасдан

туриб ҳам жинойтчи кимлиги аниқ бўлди ҳисоб. Эрта-га Осиё кўчасидаги театр остонасини иккинчи марта босиб ўтаман. Мухтор ака «Мол сўйиш воқеаси аслида катта бир жинойи ишнинг чорак аср илгари бошланган кичик дебочаси», деганди. Мазкур фикр ҳам ўз умрини яшаб битирди. Негаки, татиуровкали кимса афсонаси фақат бир жиҳатдан — Назар ака хонадонидagi кимгадир Заринани ўтмишдан огоҳлантириш учун керак бўлган. У дебоcha эмас...

Чуқурроқ ўйладим: Заринани огоҳлантиришнинг нима кераги бор эди? Йўқ, афсонадан Заринани қўрқитиш учун фойдаланишган. Уй бекаси ва қўрқитувчилар ўртасидаги олишувда Зарина пичоқ кўтарган. Кечаси келганларнинг мақсади Заринани ўлдириш бўлганида, афсона сюжети тасвирланган суратни чизиб нима зарил эди?

Тилимда бир сўз айланди:

— Қўрқитиш... Қўрқитиш... Қўрқитиш...

Назар аканинг умридаги энг оғир дамлар бошланган эди. Ҳаял ўтмай яна қўнгироқ қилди:

— Мурод билан бугуноқ гаплашинг, барака топгур! Бўлмаса, ухлолмайман.

— Шошмайлик, Назар ака...

— Ҳозир милициядан келиб, иккинчи марта савол-сўроққа тутиб кетишди.

— Милиция Муродни ҳам шубҳа остига олган бўлсачи?

— Нима қилибди шубҳага олган бўлса?

— Уйига борсам, шартта мени ҳам ушлашади. Шубҳагумондаги одамларни кузатишади, ахир.

— Таваккал қила оласизми? Шу кунлар ичида ака-ука бўлиб қолдик-ку! Яхшилигингизни қуруқ қўймайман.

— Нима ҳам дердим. Ҳозирча ким жинойтчи экани

менга қоройғи. Демак, жиноятчи кимлигини давлатдан яширган ҳисобланмайман, жиний жавобгарликка ҳам тортилмайман.

— Сиз асло ўйланманг, ука, — жиғибийрони чиқди Назар аканинг. — Нима бўлса, мен жавоб бераман, мен, мен! Сиздан шунчаки илтимос қиляпман, сўраб кўринг-чи, деб. Қизимнинг тақдири устида гап кетаётган бўлса ҳам, Муродникига мен боролмайман! Бормайман ҳам!

Муроднинг уйини ахтариб топганимда, учинчи қават деразасида чироқ ёнди. Хаёлимда «Қаёқдан ҳам ишқалга аралашдим? Мухтор Солиев тўғри айтган экан!» деган хаёл айланиб юарди. Ҳозир ҳаммасини сўрайману Назар акадан ҳам, умуман, изқуварлик балосидан қутуламан, дея ўзимни овутдим. Қаердадир ўқиган эдим: «Лойга йиқилиб тушсанг, шифобахш балчиқ экан, деб ўзингни хурсанд қил». Сал кам қамоқ таҳдид солаётган саргузаштим бирор ҳикоямга сюжет бўлишини ўйлайман-да. Ўзимга ўзим бошқа нима баҳона топаман.

Гудок кетди.

— Алё? — йигит кишининг майин овози эшитилди.

— Муродбек керак эдилар.

— Мен...

— Бир дақиқага пастга тушасизми?

— Ким бу? — ҳадиксиради Мурод.

— Назар ака юборди. Биз гаплашиб олишимиз керак.

— Муслиманинг дадасими? Тинчликми?

— Тушсангиз яхши бўларди. Иккимиз ҳам муаммолардан қутулардик. Кундуз театр машинасининг рулида юришингизни ҳисобга олсак, кечаси тўйиб ухлмаслик яхшимас, дўстим.

— Тўйиб ухлаш дейсизми?

— Кечалари ўз муаммонгиз билан Муслимани телефонда безовта қилмасдингиз, демоқчийдим.

— Ҳозир тушаман.

— Подъезддан чиқиб, ҳеч қаёққа алангламасдан болалар майдончасига келинг, — дедим.

Кўп қаватли уйлар олдидаги баланд устунлардаги кўча чироқларидан таралаётган ёғдуни дарахтлар тўсиб тургани учун болалар майдончаси нимқоронғи эди. Пастак ўриндиқларда одамларнинг қоралари, сигарет чўғлари кўринди. Муродни дарахт тагида йўлдан қайтардим: уй ёнига юришни телефонда айтдим.

— Сизмисиз? — қўл чўзди у рўпарамга келиб.

Биз кўпқаватли уйлар ортидаги маҳалланинг икки машина зўрга сигадиған тор кўчасига кирдик. Ўзимни таништирмадим, ҳатто журналист эканимни ҳам айтмадим. Мурод мени ё Назар аканинг қариндоши, ё милициядан деб тусмоллади.

— Саволларимга рост жавоб берсангиз, фақат ва фақат ўзингизга фойда, — дедим. — Милициядан эмасман, Назар акага қариндошчилик томоним ҳам йўқ. Хаёлингизга Муслима келган бўлса, унутманг, дўстим, севган қизингиз мени қизиқтирмайди. Ҳамма гап шундаки, сиз тез орада одам ўлдиришда айбланиб, қамоққа тушасиз.

— Назар аканинг... аканинг хотинини мен ўлдирганим йўқ, — Мурод бош чайқади.

— У ҳолда нима учун театрдан бўшаб, бошқа ишга ўтмоқчисиз? Ўлган хотин умрининг охириг ойда сиз ишлаётган театрга бир неча марта борган. Ё рад эта-сизми?

— Нималар деяпсиз, ака? Театрдан мени дадам бўшатмоқчи-ку! Аввал қаерга ишга ўтмоқчи эканимни суриштирмайсизми?!

— Дадангиз бўшатмоқчи экан, нега буни Муслимага айтиб, марҳум аёлга боғладингиз? Мен ҳамма нарсани биламан! Қочишга жойингиз йўқ.

— Дадам менга ароқ заводидан катта маошли иш топди. Ичмайдиган, чекмайдиган, тартибли ходим ахтаришган экан, дадам мени тавсия қилибди. Уларга роса маъқул тушдим. Аммо мен... мен намоз ўқийман, рўза тутаман! Муслима ҳам художўй! Қандай қилиб театр билан масжидни ташлаб, мана шу қўлларим билан ароқ ишлаб чиқараман?

— Ўтиқодингиз мустаҳамлигини эмас, Зарина деган аёлнинг ўлдириши сабабларини сўраб келдим. Яна бир марта гапни айлантурсангиз, суҳбатимиз шу нуқтада тугайди. Мен кетаман, сиз эса қамаласиз.

— Тўхтанг! — деди Мурод ҳаяжонланиб. — Майли, сизга айтаман, Зарина опани ким ўлдирганини айтаман! Лекин бизни... мен билан Муслимани тинч қўясиз, келишдикми?

— Келишдик. Қотил Муслиманинг опаси Зумрадми?

— Йўқ.

— Ким? — нигоҳим тешиб юборди уни.

— Исмини билмайман, — Мурод жон-жаҳди билан ишонтиришга уринди: — Зумрад опанинг йигити! Ёши анча катта! Ўттиздан ҳам ошган! Айнан кимлигини билсам, айтардим.

— Майли, исми, манзили, ёши керакмас! Қотил кимлигини биламан, деганингиз учун «Ким?» деб сўраяпман.

— Зумрад опанинг йигити, деяпман-ку, ахир!

— Ўлдирганини қаёқдан биласиз? Гувоҳмисиз, бировдан эшитганмисиз?

— Гувоҳ эмасман. Муслимадан эшитганимни гапираяпман. Лекин қотил дейиш нотўғри. Улар аёлнинг ўлимига сабабчи бўлиб қолишган. Муслима шундай тахмин қиляпти, чунки улар одам ўлдиришига Муслима ишонмайди, мен ҳам.

— Яъни Зумрад ва йигити сабабчи?

Мурод бош ирғади.

— Шунча вақт нега яширдингиз? Уларни деб қамалиб кетишингиз мумкин.

— Яширганим йўқ! Йигитини уч ҳафталар аввал учратдим. Қоронгида юзини кўришнинг иложи бўлмади. Муслима ҳам опасининг йигити борлигидан яқинда хабар топиб, менга айтди. Опаси ўша йигит билан телефонда гаплашаётганида тасодифан эшитиб қолган. Зумрад опа: «Биз ўлдирмадик-ку, ўзи қуёнчиқ экан», дебди йигитига. Кейин Муслима: «Одам ўлдириб қўйдингларми?» деб йиглаганида, тошбагир опаси кипригини қилт эттирмай: «Шунга ҳам йиғлайсанми, аҳмоқ? Биз ҳеч кимни ўлдирмадик. Агар бировга огиз очсанг, шубҳаланишади. Ана ўшанда ўз опангни қамоққа тикиб, қотилимга айланасан! Эл-юртга шарманда бўлишимизни айтмайсанми!» деган, қотил эмасликларига қасамлар ичган. Зумрад доим шунақа пичингли, заҳарли гапларни гапирди. — Мурод қўлини кўксига қўйди. — Ҳамманглар мендан шубҳаланаётган экансизлар, ўз бошимга ғавго орттириб, жиноятчиларни яшириб нима зарил?! Мен ҳам, Муслима ҳам заррача айбдор эмасмиз. Зумрад опага келсак, унинг тили бир оз заҳар, лекин одам ўлдириш бошқа масала.

— Йигитини қаерда кўрдингиз?

— Тўйтепада. Кечаси учрашувга боргандим, у ҳам Назар аканинг уйи орқасида юрган экан. Зумрад опа чиқиб гаплашди.

— Зумрадлиги аниқми?

— Ўз кўзим билан кўрдим.

— Ёши катта эркак эканига ишончингиз комилми?

— Муслимадан сўраганимда, «Опам мендан сир тутиб биров билан гаплашиб юрибди, ўттиздан ошган эркак, хотини билан ажрашган бўлса керак», деди. Бу ҳақда Муслимага огиз очмайсиз, ака! Бизни тинч

құйишға ваъда бердингиз. Йигитнинг гавдасига келсак, йигирма беш ёшлардаги йигитга ўхшамади. Катта эрақак эди у.

— Қотил ўша деб фақат Муслиманинг гапларига асосланаяпсизми?

— Муслимани тинч қўясизми?

— Мутлоқа тинч қўяман! Мен тергов қилувчи, қамоққа олувчи шахс эмасман. Ростини айтсангиз, сизларга ёрдамим тегади, ишонинг. Нега кечаси бу ерда юрганимни ҳам тушундингизми? Мен Назар аканинг қизларини ҳам, сизни ҳам қутқариб қолмоқчиман. Милиция охирги бир-икки ҳафтада ҳалқани анча торайтирди.

— Унинг изидан тақиб қилиб юрмайсизми, демоқчиман.

— Шундан бошқа ишим йўқми? Мен нимани гапиряпман, сиз нима ташвишдасиз-а, Мурод?!

— Хўп, хўп. Назар ака юборганини яширмадингиз, раҳмат! У киши қизларининг орқасидан, демак, менинг орқамдан ҳам сизни қўйган. Тўғри топдимми, ака? Анча нарсадан хабарим бўлмаса ҳам биламан, биламан, мен!

— Қизларининг орқасидан одам қўйса, сизнинг ҳам орқангиздан одам қўйган ҳисобланиши кулгили. Кулоғим сизда, Мурод! Зарина янганинг ўлимига алоқадор яна нималарни биласиз?

— Зумрад опа Назар аканинг кичик хотини билан уришиб қолган. Кичик хотини ёмон экан. «Керак бўлса, дадангни ўзимга шундай қаратиб оламанки, сенлардан бутунлай воз кечади», дебди. Яна бошқа гаплар ҳам бўлган, улардан беҳабарман. Муслиманинг ҳам хабари йўқ.

— Бу гапларнинг ҳаммасини Муслимадан эшитганмисиз?

— Ҳа, — деди Мурод аччиқ ютиниб. — Яна бир марта илтимос, ака, уни ҳеч қанақа ишга аралаштирманг. Назар акага секин тушунтиринг: Зумрад опа билан йигити айбдор! Лекин улар қотил эмас, Зумрад ўз йигитини бошлаб борган, холос. Йигити ҳам ўлдирмоқчи бўлмаган. Шунчаки, жанжал ўт олган. Экспертлар аёл бахтсиз ҳодисадан ўлган деган тахминни ҳам айтган экан. Мен худди шу тахмин тўғри, деган фикрдаман.

— Йигитини бошлаб боргани тахминингизми ёки далилга суянйпсизми?

— Муслима... — гудранди Мурод.

— Икковингиз қулоққа чалинган гаплардан хулоса қилгансизлар, аниқ ҳеч нима йўқ. Шундай тушунайми?

Мурод яна бош қимирлатди.

— Демак, ўлдирилган аёлни — Зарина янгани сиз танимайсиз?

— Танимайман, — деди Мурод. — Театрда ишлаганим учун ким менинг бўйнимга қўймоқчи бўлса, Худодан кўрқсин. Бир йилдан бери қанча-қанча миш-мишларни эшитиб юрибман. Бир йигитнинг пойабзал излари топилган, дейишади. Мен қотил эмасман, ҳаётлигида кўча-кўйда, театрда ҳам юзма-юз кўришмаганман.

— Лекин бошингизда қора булут тўпланиб турибди. Ва сиз қамоқдан кўрқиб, рўпарамда жавдираяпсиз.

— Агар мени гумондор қилиб бир неча кун қамаб қўйишса ҳаётим тугайди. Мана шундан кўрқяпман! Мен бир аёлни ўлдиришда айбланиб қамалиб кетмаслигим аниқ, қотил эмаслигим терговда барибир аниқланади. Аниқланадию кеч бўлади.

— Нега бир неча кун қамалсангиз ҳаётингиз тугайди? Кимгадир аччиқ қилиб, ўзингизни ўлдирмоқчимисиз?

— Йўқ. Дадам Назар акани ёқтирмайди, Назар ака дадамни! Унинг қизи туфайли қамалиб кетишингга

сал қолди, йиғиштир севги-певгингни, бошқа қизга уйланасан, дейди дадам! Мен Муслимани яхши кўраман, чин юракдан севаман! У ҳалитдан уйдагиларимга ёмон кўриниб қолишини истамайман! Шунинг учун бир неча суткага қамалишим у ёқда турсин, терговга тортилишим ҳам бизнинг ҳалокатимиз бўлиши мумкин, ака. Муслимани бошқа бировга бериб юборишса, никоҳ кечаси куни мен учун ҳаёт тугайди.

— Муслима билан ўрталарингизда сир йўқ экан, сизга опасининг қилиб юрган ишлари ҳақида, наҳотки, мавҳумроқ гаплар айтиб қўя қолган? Опасининг севган йигити айнан кимлигини билмайди, дейсизми?

— Билмайди, ёши катта эркак эканидан бошқа ҳеч нимани билмайди! Зумрад опа ўз қобигига ўралган, ўлса ҳам сир бермайдиган қиз! Ойисига ҳам ичидагиларни айтмайди. Дадаси билан-ку деярли гаплашмайди.

— Зарина янга билан уришгани чинми? Ўйлагандимки, Назар аканинг қизлари Зарина янгани кўрмаган.

— Рост, ака. У билан Муслима ҳам гаплашиб олмоқчи эди. «Оиламизни тинч қўйинг», демоқчи бўлганида, журъати етмай театр олдида йиғлаб ўтирганида, мен кўриб қолганман. Биз танишдик, ўртамизда муҳаббат уйгонди. Қизларини шарманда қилган, қон йиғлатган Назар акани мен умуман... умуман тушунмайман! Хотин устига хотин олиши икки қизининг ҳам юрагини қандай тилка-пора қилишини ўйлаш керак эди, ўз нафсини ўйлагунча. Ҳа, мен қаршиман. Нима керак хотин... хотинлар!..

— Оғир дамларда Муслиманинг юрагига малҳам бўлган экансиз-да?

— Хотинбозлик ҳақидаги гапларимни Назар акага айтманг. Гап тугадими? Уйимдагилар сўраб қолмасидан, боришим керак.

— Саволларим такрорий туюлса ҳам, сўрайман: кечаларнинг бирида Муслимага кўнгиروق қилганингиз ҳақида нима дейсиз?

— Негадир телефонда ҳам писанда қилдингиз буни.

— Чунки кечаларнинг бирида у билан телефонда гаплашганингизда, Муслима сизга: «Зарина опа ўлмай қолганида нима ўзгарарди? Лекин ўлди», «Театрдан бўшанг, ҳаммаси ўтиб кетади, чунки бу ўткинчи азоблар» деган. Бундан ташқари «Намоз ўқишингизни уларга айтинг, навбат дадамники эмас, илтимос» деб йиғлаган, аниқроғи, йиғламсираган. Муслима ва сиз айбдор эмас экансиз, тунги суҳбатингизга қандай изоҳ берасиз? Кўряпманки, сиз қотилга ўхшамаяпсиз. Шунда ҳам саволларимга жавоб олиб кетишим керак.

Мурод анграйиб қолди. Ўн ёшлар катта бўлсам-да, жуссамиз теппа-тенг эди. Илло баҳайбат, кўрқинчли, важоҳатли одам қаршисида турган ожиз эди у.

— Изоҳ бераман, — деди атрофга қараб олиб. — Ҳар бир қадамимиз ўлчовда экан, изоҳ бераман. Кечаси мен эмас, Муслима телефон қилди. Ўша куни кечқурун уйимда катта жанжал бўлганди. Дадам ароқ заводда ишлайсан, деди. Мен у ерда ишлаёлмаслигимни айтдим. Хуллас, уйдан бош олиб кетадиган даражага бордим. Бундан Муслиманинг хабари бор эди. Кечаси алоқ-чалоқ тушлар кўриб уйғониб кетибди. Мен ўлаётганмишманми-ей, отам билан ёқалашаётганмишманми-ей, тушунарсиз туш. У ошхонасига тушиб, менга кўнгиروق қилди, жанжалнинг охири нима бўлганини сўради. Кўлимдан келганча юпатдим. Тўғри, Зарина опани ҳам гапириб ўтдик. Муслима «Дадамнинг яшинча уйланганлари оиламизга бахтсизлик келтирди, Зарина опа ўлганида ҳам, ўлмаганида ҳам ҳеч нарса ўзгармасди, одамлар «дадасининг учта хотини бор», деб барибир гапираверишади», деди. Унинг дадаси ҳам

ичади, менинг дадам ҳам. Менинг дадамни пиёниста дейишади, унинг дадасини эса шунчаки «олиб туради», деб қўя қолишади. Ичкилибозлик, майшатпарастлик, хотинбозлик, оилаларимизни тенг кўрмаслик ҳақида гаплашдик. Муслима театрдан бўшаб, отамнинг айтганини қилишим кераклигини гапирганида, кўзларимга аламли ёш қуйилди. Мени шунчалик севадики, ароқ бутилкалари орасида намоз ўқишимга ҳам рози. Муҳими, тинчлик бўлиб турса, дадам билан жанжаллашмасам! Художўй эканимизни, бизни икки ота бахтсиз қилаётганини дадамга ҳам, Назар акага ҳам дангал айтиб ташламоқчи бўлдим, Муслима бунисига ҳам қўнмади.

— Фақат Зумрад дадасининг учинчи хотини билан жанжаллашган экан-да?

— Ҳа, Муслима унга бир оғиз гапиролмаган. Театр олдида йиғлаб-йиғлаб қайтиб кетаверган.

— Назар ака Зумрадининг жанжал қилиб юрганини билмаслигига ҳайронман. Сизнингча, учинчи хотини тириклигида нега бир оғиз айтмаган, «Қизинг мен билан жанжал қилди», деб?

— Икковининг жанжали Назар аканинг қулогига етмаганининг сабаби, жанжал бир марта бўлган, қандайдир тақинчоқ дўкони олдида. Доим жанжаллашиб юрса, дадаси хабар топарди-да. Тўғрими, ака? Балки жанжал бўлгани куни кечаси улар алам устида қўрқитишга борган, беҳосдан ўлим юз бергандир?

— Аёл ўлган куни кўчадаги гилос тагида қўғирчоқ кўтариб турган йигит ҳақида эшитгандирсиз?

— Қўғирчоқ кўтарган йигит? Й...йўқ, — бош чайқайди Мурод.

— Тўйтепага қўғирчоқ кўтариб борганингизни тан оласизми?

— Мен нега қўғирчоқ кўтариб бораман? — Мурод кўзларини ола-кула қилди. — Агар қўлимда қўғирчоқ

бўлганида... Э-ҳа, тушундим, гилос тагида турган йигит қўғирчоқ кўтариб турган экан, деяпсиз. Тўйтепага Зумрад опанинг йигити ҳам қўғирчоқ, гул, зар қути кўтариб борганди. Ҳаммаси Зумрад опага совға эди. Лекин шаҳардаги фожиа куни қўғирчоқ кўтарган йигитни кўришган бўлса, Тўйтепага олиб борилган совгаларнинг унга нима боғлиқлиги бор?

— Гилос тагида турган йигитнинг бесўнақай, катта қўғирчоғи бўлган, — такрорладим эски далилни. Мурод уф тортган эди, қўшиб қўйдим: — «Мен эмасдим», «Ўша кеча уйда эдим», «Қўғирчоқ кўтариб юрадиганлардан эмасман» деган гапларингизга тупуриб, шартга бўйнингизга қўйиб юборишса, додингизни кимга айтасиз? Уч кун қамалсам, суробим тўғирланади, дейсиз, Худо кўрсатмасин, икки-уч йилга кетиб қолишингиз ҳам мумкин. Ахир, ўлган аёл умрининг охириги кунларида сиз ишлайдиган театрда қатнаган. Сиз эса Муслиманинг севган йигитисиз. Зумрад унинг опаси! Балки Зумрад сизга: «Синглимга уйланишни хоҳласанг, Заринаникига қўғирчоқ олиб бор» дегандир. Эҳтимол, қўғирчоқнинг ичида тирик илон бўлгандир? Мана сизга қўрқитишнинг усули!

— Дадасининг хотинбозлигидан нафратланаман, билдингизми?! — ахийри, аччиқланди Мурод. — Мен Муслиманинг куйишларига чидаёлмай у билан бирга йигласам йиглагандирман, аммо бировга озор берадиган аҳмоқ эмасман. Қанақа илон ҳақида гапираётганингизни билмайману сабр косамни тўлдирыпсиз! Зумрад опа билан умримда гаплашмаганман!

— Сиз ишлайдиган театрда одамни қўрқитадиган қўғирчоқ борми?

— Йўқ, нега энди театрда одамни қўрқитадиган қўғирчоқ, захарли илон, балои баттарлар бўлади деб ўйлайсиз? Тилимдан илинтирмоқчимисиз? Тирноқ-

ча айбим йўқлигига нега ишонмайсиз? Мен ҳамма гапимни сизга айтиб тугатдим. Муслима ё дадасининг ўзи, ё йигитларидан бирининг келишидан мени огоҳлантирганди. Дадаси билан ойиси кечалари ҳам жанжаллашиб қолишини, уйида охириги пайтларда шубҳагумонлар, бақир-чақирлар қўпайганини айтди, «Биз энди Зарина опанинг ўлимида айбдор бўламиз, шармандалик», деб йиглади. «Дадам телефонимни текшириб, сизнинг рақамларингизни олганга ўхшайди», деганидаёқ ҳаммасини тушунганман. Милиция ушласин, мен қамалмайман! Яна айтаман: қотил эмасман! Ўртада Муслимадан айрилганим қолади. Қўрқсам, ундан айрилишдан қўрқаман, қамалишдан эмас. Сиз Назар акага яхшилаб тушунтиринг. Зарина опанинг ўлими Зумрад опанинг иши. Севгилимнинг опасига даъво қиллолмайман, Муслима ҳам туғишган опасини айблаёлмайди. Бир томондан, иккимизнинг ҳам исботимиз йўқ. Аниқлик киритишни Назар ака сизга тайинлаган экан, ҳаммамизни сиз қутқарасиз, ака! Биз билган-эшитганларимизни ҳеч қачон гапиролмаймиз!

— Хўп, сиз билан гаплашадиган бошқа гапим қолмади, мен кетдим, — деб у билан хайрлашдим.

— Тўхтанг, — орқамдан чақирди Мурод. — Ўлган аёлни қўрқитишган, деган фикр мени ҳам қизиқтириб қўйди. Зумрад опанинг йигити европалашиб кетган одам. У «Хеллоуин» байрамига қизиқишини Муслима гапи орасида айтганди. «Хеллоуин»да арвоҳларга тақлид қилишиб, уларнинг тахминий қиёфаларида юришади. Бу мусулмончиликка тўғри келмайди, деб иккимиз дардлашгандик. Балки гилос тагида турган йигитнинг қўлидаги қўғирчоқ эмас, «Хеллоуин» байрамида бошга кийиладиган қўрқинчли ниқоб бўлгандир.

— Адашмасам, «Хеллоуин» биринчи ноябрда ўтказилади, фожиа куни эса ёз, ўн еттинчи июнь.

Кўпқаватли уйлардан олислаб, Назар акага қўнғироқ қилдим ва театрнинг ёш ҳайдовчисидан эшитганларимни сўзлаб бердим.

— Келинг, гаплашамиз, — деди Назар ака маҳзун оҳангда.

— Зумрад қизингиз охирги гумондор бўлиб қолди.

— Келинг, ўн дақиқалик йўл деяпман-ку.

У адои тамом бўлган, қамоққа олинган, бор-будидан айрилган одамдек таассурот қолдирди менда. «Бўкунча ичиб олганмикан?» деб ҳам ўйладим.

— Ҳозирми? Тўйтепага-я?

— Йўқ, Чилонзорда ҳам уйим бор.

Айтган манзилига таксида етиб бордим.

— Нима гап ўзи? — жаҳл билан сўрадим маст қас-собдан.

— Мени кечиринг, ука, буларнинг ҳаммасини билардим, — мени янада ҳайрон қолдирди Назар ака. — Исбот, ишонч, гувоҳ йўқ эди. Катта ёрдам бердингиз, кимлар айбдор эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим.

— Тушунмадим, Назар ака...

— Одам кўзли сигир ҳайкали топилмаган, сизни алдагандим.

— Нима?!

— Қулоқ солинг! Муслима қизимнинг севган йигити театрда ишлашини аниқлаганимдан кейин шу чўпчакни ўйлаб топдим. «Балки Муслима ва йигити айбдордир?» деб улардан ҳам шубҳаланганим учун сизни ёлладим. Аслида анча вақтдан бери Зумрад қизимнинг қадамини санаб юрибман. Менга нима дегандингиз, эсингиздами?

— Нима деганман?

— «Оилангиздан кимдир мени танийди, бегона одамга сир ишонилмайди...» Шунақароқ гап гапир-

гандингиз. Сизни танийдиган, анча кундан бери кузатиб юрган ўша одам менман. Бир куни қизимни Отабек билан кўриб қолмагунимча «Заринанинг ўлимига ким айбдор?» деган саволга жавоб тополмадим. Отабекни танийсиз! Жуда яхши танийсиз ошхоначи «мошенник»ни!

— Отабек деб анави...

— Ҳа, ишхонангиз биқинидаги «Анҳор чироқлари» ошхонасини юритаётган такасалтанг, ўттиз учга ҳам кириб уйланмаган ўйинқароқ!

— Бўлиши мумкин эмао, — дедим, аммо гапимни тугатар-тугатмас ишондим. Отабек Тўйтепага тез-тез боришини, йўл бўйи ошхоналарда ичишини айтмаганмиди? Назар аканинг гўшт растларидан гўшт олиб юрган кезлари қизига қизиқиб қолган экан-да?

— У билан Зумрад қизим Заринанинг уйига нега боришганини, қандай ўлдириб қўйишганини билиб берадиган одам керак эди, — давом этди Назар ака. — Икки ҳафта ахтардим. Мухтор Солиевнинг ёрдами билан сизни топдим. Отабекнинг ошхонаси ёнидаги таҳририятда ишлашингизни билиб қанчалар қувондим, қанчалар қувондим! Энди бошқа вариантларингизни қўйинг-да, эртага Отабек билан гаплашинг. Улар Заринани ўлдирмаган бўлиб чиқишини Худодан сўрайман.

Назар акани ҳикичоқ тутди. Хона сигарет тутунига тўлган, атрофда ароқ идишлари думалаб ётарди. Пойгакда хотин кишининг туфлисига кўзим тушиб, ўрнимдан турдим.

— Хайр, Назар ака, сиз билан танишганимдан хурсандман, — дедим бошқа гап тополмай.

— Ака-укачилик — минг йилчилик, — гудранди у.

Мен Назар аканинг Чилонзордаги наҳс босган махфий квартирасини ортда қолдириб, уйимга шошилдим. Ўтган кунлар мобайнида қасоскор жинойтчининг

эмас, осий банданинг гуноҳлари изидан юрганга, пойабзалим тагигача гуноҳ балчиқлари ёпишиб қолганга ўхшади.

* * *

Эрталаб таҳририятга кириб, компьютеримни ёқдим. Қўлим ишга бормади. Отабек соат ўнларда ошхонасига келиб, кабобпазнинг олдида ғўдайиб туришини билардим. Тўққизу ўттизда иккинчи қават деразасидан бош чиқариб, кабобпазга ҳуштак чалдим. У энсаси қотиб тикилди менга.

— Отабек келдими? — сўрадим ундан.

— Ичкарида, — деди у.

«Анҳор чироги»га кириб борганимда, йўлимни милиция ходими тўсди-да, гувоҳномасини кўрсатди:

— Жиноят қидирув бўлимиданман. Сиз ҳам биз билан кетасиз.

— Нима учун? Тинчликми? — дея ошхона ичкарасига кўз ташладим. Ошхона хизматчилари тек қотишди, милиция ходимлардан бири Отабекнинг қўлига кишан солди.

Бир неча кун терговга қатнаб юрдим. Назар ака мени детектив ўрнида ёллаганини, қандай ишлар олиб борганимни айтдим. Милиция ходимлари Назар аканинг ҳам, Отабек билан Зумраднинг ҳам изидан тушишган экан. Милициянинг тўрига мен ҳам илиниб қолдим. Шукрки, Зарина янга ўлдирилмаган бўлиб чиқди. Зумрад Отабекка дардларини айтгач, шоввоз ошхоначи Зарина янгани қўрқитмоқчи, қаерга кўчиб кетмасин, то Назар акани тинч қўймагунча ёвуз руҳдек таъқиб қилмоқчи бўлган. Суратни чизиш ғоясини ҳам Отабек ўйлаб топган. Афсуски, уйда «иккита махлуқ»ни уч-

ратган Зарина янга пичоқ билан ҳамла қилган, аммо
инадан йиқилаётиб, ўзини ўзи жароҳатлаб қўйган.
Оқибатда эса...

Орадан бир йил ўтгач, айбдорлар жазо муддатини
таб, оила қуришди. Мен ҳамон ўз таҳририятимда иш-
лаб юрардим, онда-сонда жиноят ишлари бўйича мақо-
ла ёки ҳикоя чоп эттирардим. Назар аканинг «ака-ука-
чилиқ» деб бонг уришлари ҳавойи гаплар экан, мени
Отабек ва Зумраднинг никоҳ тўйига айтмади. Мухтор
Солиев тўйхонадан чиқиб, таҳририятга кириб ўтганида
тўй ҳақида хабар топдим.

— Оббо, Мухтор ака-ей, ресторандан, тўйдан қайт-
ман, денг. Соат ҳам ўн бўлиб қолди. Уйга юринг, алла-
маҳалда барибир вилоятга кетолмайсиз.

— Душанба куни кечки олтигача ишлаб, қаҳвахо-
нага кириб турардингиз чоги. Бу нима аҳвол?

— Энди ичмаяпман. Бугун бир детектив қиссани
ёзиб тугатсам, эртага газетамизни босмахонага топ-
ширишимиз керак.

— Ҳа-а. Унда майли... Уйингизда дам оляпсизми, деб
қўнгироқ қилгандим. Квартирадан муаммо йўқ. Назар
ака Чилонзордаги бир уйнинг манзилини айтганди,
ўша ерга жойлашдим. Таҳририятда эканингизни эши-
тиб, кўришиб кетай, эҳтимол, Чорсуда товуқ еб, эл-
лик-эллик оламизми, деб келдим-да. Худоёр амакингиз
яхши юрибдими?

— Яхши. Бу йил Ҳажга бормоқчи.

— Қойил. Биз ҳам ичишни ташласак бўларкан. Тўйда
ёмон кўп отиб қўйибмиз. Ишқилиб, Худо кечирсин.

Назар акани охириги марта Чилонзордаги супермар-
кетда учратдим. У аввалгидан-да семириб кетган эди.
Ёнидаги европаликларга ўхшаш хушрўйгина жувонга

чўчқа гўшт харид қилаётган экан, ўзимни кўрмаганга олдим. Кейин иккови ароқ, кўкат, шарбатлар, гўштлар тўлдирилган сумкаларни кўтариб, ташқарига чиқиб, кўпқаватли уйлар томон кетишди. Мен ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормайдиган адашган бизнесменга изқуварлик қилганимга ачиндим. Мухтор Солиев бир гап айтганди. Агар Зарина янганинг ўлимида Зумрад ва Отабекнинг қўли борлигини милициядан сир тута олганимизда, Назар ака менга беҳосият уйини совға қилиб бермоқчи экан. Уй шундоқ ҳам бошқаларга кетибди. Мархума янганинг опа-сингиллари идорама-идора чопиб, ўзларининг номига ўтказишибди. Яхшигина нархда сотишгач, пулини ўртада бўлиб олишибди. Зарина янгага, нари борса, битта қабртош текканига ачиндим. Сибирда топган ёри ҳажрида ўлиб кетган одамлардан қолган уйда яшаган ишқсиз кишилар фожиаси ана шундай якунланди.

Ўша йили Назар ака қон босими ошиб, шифохонада вафот этди. Арофат янга бошқа оила қуришни хаёлига ҳам келтирмади, албатта. Бироқ унинг ўрнида Назар ака бўлганида, хотинининг маъракалари ҳам ўтмасдан ўзига қонуний хотин изларди. Ноқонуний хотинлари эса унинг ҳаётининг ноқонуний сўқмоқларида мен билгандан ҳам кўп эди.

Одам кўзли сигир ҳайкалига келсак, Назар ака мени алдаган экан. Бир куни газетада қуйидаги хабарга кўзим тушди: «Зангиота туманидаги чегара постларидан бирида ташлаб кетилган сумка ичидан ўн тўққизинчи асрга оид сигир ҳайкали топилди. Одам кўзли сигир ҳайкалини жиноятчи Қозоғистондаги антиквар буюмлар билан шуғулланувчиларга сотмоқчи бўлган. Ҳайкал кимдан, қаерда олингани тез орада маълум бўлади...»

ЎФИРЛАНГАН КЕЛИНЧАК

Қандай ўғирлашди, келинчакнинг ўзи ҳам билмай қолди. Кўзини очса, бутунлай бошқа чимилдиқда ётибди. Аслида чимилдиқ ҳам эмас, улкан бир залнинг бурчагига солинган кўрпа-тўшак устига тортилган тўр парда. Қўл-оёғини қимирлатмоқчи эди, қисиб боғланган чилвир имкон бермади. Қичқирриш учун эса оғзидаги латтани чиқариб ташлаш лозим эди...

Зал бурчагидан эшитилган инграш каламушларни чўчитиб юборди. Улар одамни сескантирувчи питирлаш ва чий-чий овозлар ила нари қочишди. Девордан қум-сувоқ бўлаклари кўчиб тушиб, зал янада ваҳимали маконга айланди.

Муниса яна ингради, кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. «Мени ким ўғирлаб келди? — деб ўйлади у. — Қандай душманимиз бор эди? Дадам оддий таксичи, аям бировнинг дўконига сотувчи. Ўзим оддий қиз бўлсам. На дадам, на аям биров билан жанжаллашганини эслолмайман. Ё ортиқча пулимиз борми? Эл қатори яшаётган ўртаҳол оила бўлсак. Оддий ҳовлимиз, эски «Жигули»миз — бор бисотимиз... Балки одам ўғриси мендан ўч олмоқчидир? Кимга ёмонлик қилибман? Мактабни тамомлаб, олти йил уйда ўтирдим, тикувчилик қилдим. Дугоналарим тўй бўлиб кетишди: фарзандлари тўрт-бешга киришган. Мени эрка дейишдими ёки чап оёғи сал оқсоқланармиш, деб ёқтиришмадими, билмайман, ишқимда куйиб-ёнган йигитни учратмадим. Ниҳоят, куёв топилди. Холамларнинг ўзлари топишди. Оқ фата кийиб, сармаст бўлдим, бахтимга ишонмадим. Шундай кунга етказганига шукр, деб ат-

рофга боқдим: ёшу қари қарсак чалган, юзларида қувонч балқиган... Мана, аям, дадам! Улар ҳам, албатта, чексиз бахтиёр!.. Шундай кунда мени чимилдиқдан ўғирлаб кетишди. Ким?.. Кимлар?.. Менга қоронги... Худойим, қайси гуноҳим учун бу ерда ётибман? Энди қандай яшайман?!»

Огзига тиқилган латта оддий латта эмас эди: атрофига тангачалар қадалган куёвлик дастрўмоли. Муниса бошини силкиган эди, тангачалар шиқирлади.

Шу пайт залнинг нариги томонидаги эски эшик ғийқиллаб очилди. Ғира-ширада бир шарпа яқинлаша бошлади. У жуда баҳайбат кимса, шекилли, пол гурсиллаб, деворларда акс-садо берарди. Муниса кўзлари қинидан чиққудек ҳолда қилт этмай ётар, назарида, юраги уришдан тўхтаб, ўлиб қоладигандай эди.

Хирагина қизил чироқ ёнди. Либослару кўрпа-ёстиқлар, тўр пардаю нотаниш кимса — барчаси қизил тусга кирди. Тутқунликка тушиб қолган қуш ўзини чор атрофга қанчалик урмасин, панжара мустаҳкам бўлса, қанотлари қайрилиб, нафаси бўғзига тиқилади, аммо барибир қочиб қутулолмайди. Баайни нотаниш кимса ҳам Мунисага қушчани кузатган каби беписанд қараб турди. Кейин пардани суриб, келинчакка яқинлашди ва қўйнидан ялтироқ ханжар олиб:

— Сен унга турмушга чиқмаслигинг керак эди, — деди. — У биздан шунчалик кўп нарса қарздорки, ўн марта уйланса, ўнта хотининиям ўғирлаб, шу ерга опкелиб сўямиз. Бошқа иложимиз йўқ, бизни кечир...

Шундай деб ҳалиги кимса ханжарни бегуноҳ ва ҳимоясиз, нозикниҳол келинчакнинг биқинига санчди. Муниса огриқ бунчалар даҳшатли бўлишини кутмаган эди, ҳатто, овози чиқмай оғзини катта очган кўйи қалтирай бошлади. Иккинчи зарба нақ елкасидан тешиб чиқаёзди. Бироқ оғриқ фақат биқинидагина сезиларди.

Қонхұр кимса учинчи гал ханжар кұтарганда, сұради:

— Энди сен ұласан, бу дунёда сўнгги тилагинг бор-ми?

— Ҳм-м... — деди Муниса инграниб. — Мен беайбман... Айтинг, кимга турмушга чиқаётгандим?.. Куёвни танимасам...

— Нима? — баҳайбат кимсанинг серсоқол юзида кўзлари йилт-йилт этди. — Сен ҳали эрингни танимайсанми? Уни танитай ўлиб кетишинг ачинарли, синглим...

Шундан сўнг Мунисанинг кўзлари юмилди. Ҳартугул учинчи ханжар урилмади. Бечора келинчак биқинидаги огрикқа асти чидаёлмас, огрикдан бошқа ҳеч нарсa хаёлига келмасди...

У йиглай бошлади. Оғзидаги дастрўмол ғойиб бўлди, кўл-оёғи ҳам чилвирдан халос этилди. Кўзини очиб, хира ёритилган ўз ётоғининг шифтини кўрди.

— Менинг ҳеч қанақа тўйим бўлгани йўқ, — деди ўзига-ўзи. — Уйимда, ётоғимда ётибман. Пичоқ ҳам санчилмаган. Соппа-соғман!

У азоб бераётган биқинини пайпаслаб, ҳеч қанақа қон изини сезмади.

— Худога шукр, тушим экан, — деб пичирлади у. — Тушим экан... тушим... Ая! Ая...

Янглиш хола қизининг нидосини эшитиб, эгнига халатини ташлаб, шошиб кирди. Ранги оппоқ оқариб, азобдан юзи буришиб йиғлаётган қизи дардини сўйлашга-да қодир эмасди.

— Ҳой, дадаси! Бу ёққа қаранг, Муни кўричак бўлганга ўхшайди, — деди у эшик томонга. — Машинада бензин борми?.. Ҳой, бензин борми деяпман?! Гаранг-паранг эмасмисиз?

Шим ва майкадаги қориндор киши кириб, хотинини жеркиб берди:

— Э, ваҳима қилма! Қорни оғриси кўричак бўлаверадими?! Балки ошқозонидир.

— Кеча бензин йўқ, деб юрувдингиз...

— Бидирламасанг-чи, ахир, машина газга юради-ку. Қани, қизим, қаеринг оғрияпти? Санчяптимми?

Эр-хотин яккаю ягона дилбандларини ҳовлига суяб олиб чиқишди. Дарров машина юргизилди.

— Соат неча бўлдийкин? — мингиллади Мунисанинг дадаси ҳувиллаб ётган кўчага чиқишганда.

— Икки, — деди Янглиш хола. Орқа ўриндикда онасининг бағрига бош қўйиб кетаётган Мунисанинг дардига бехосият туши ҳам дард бўлиб қўшилди. Умрида бундайин совуқ туш кўрмаган қиз не-не хаёлларга бормади, дейсиз...

Касалхона кўчасига бурилганда, кўнгли хийла таскин топди. Дорихоналар, лабораториялар, шифо бўлимлари биноларига қараркан, «биқиним оғриши алаҳсиратди», деган хаёлга борди.

«Мени ким ўғирлайди? — гапирди ўзига хаёлан. — Ҳеч бир душманним бўлмаса!.. Балки эримнинг душманлари... Йўқ-йўқ, қачонлардир эрга тегмоқчи бўлсам, фақат оддий йигитнинг совчиларига розилик билдираман. Майли, унгача йигирма бешга, ўттизга кирай...»

«Жигули» дарвозага етиб, сигнал берди. Қоровул:

— Машинага мумкин эмас, беморни тушириб чаптаги эшикка олиб бораверингизлар, «тез ёрдам» ўша ерга кўчган, — деди.

Муниса қоровулнинг гапларини илгами, аммо дадасининг секингина гапиргани юрагини ўқ мисоли тешиб ўтди.

— Янглиш, — деди у, — қизимиз кутилмаганда оғриб қолди. Эртага совчилар келмоқчи эди, розилик билдирамиз дегандинг.

— Гиламфуруш эркакданам мард, — пичирлади Янглиш хола. — Бирон ҳафта кутади... Улар лафзидан қайтиб бошқа келин ахтармайди, дадаси.

Бу гапни эшитиб Муниса ҳушидан айрилаёзди.

* * *

Уларни биринчи кирган хонага қайтаришди. Навбатчи шифокорнинг бош қашишга вақти йўқ эди. Афтидан, сал аввал ҳалокатга учраган «Дамас» йўловчиларини келтиришган, жароҳатланганларга ёрдам кўрсатилмоқда эди.

— Ака, қизингизни шу ерга ётқизинг, мен ҳозир... — деди шифокор Мунисанинг дадасига.

Бир ҳамшира қизни текширган бўлди-да, сўнгра:

— Ҳечқиси йўқ, кўричакни операция қиладиган врачимизнинг қўли жуда енгил, амаки, — деб юпатди.

Атиги икки дақиқа кутишди. Қизининг бошини силаб ўтирган Янглиш хола хонадан шошиб чиқаркан:

— Бу ер «скорий»ми ё каптархонами?! — дея бобиллаб берди. — Қани шифокор? Ҳув, ука!.. Бу ёққа қаранг!..

Йўлакда вагир-вуғур авжига чиққач, аввал дадаси, кейин стулига ўтириб эндигина ёзишни бошлаган ҳамшира қиз эшикка шошилишди.

Йўлакдан ўтаётган кимдир эшикни ёпиб қўйди. Муниса атрофга аланглаб, ёлғиз ётганини кўрди. Бироқ қаршисидаги кўзгу орқали қўшни хонадаги беморни кузатиш мумкин эди. Икки хона ўртасида не важдандир ойна-девор ўрнатилган бўлиб, парда бир оз очиб қўйилганди.

Муниса ўзи билан овора эмасми, даставвал қўшни хонадаги беморга шунчаки кўз ташлади. Лекин

жувоннинг ўликдек ётиши ва бир эркакнинг ғам-андухга ботиб ўтириши эътиборини жалб этди. Эркак чопиб чиқиб кетди, йўлакдаги шовқин-сўрон янада кучайди. Шу он Муниса бемор томонга, яна бир нигоҳ ташладию, кўзларига ишонмади. Аллақаердан пайдо бўлган бошқа бир эркак беморнинг кўксига пичоқ санчиб, бир муддат тикилиб турди, лаҳзалар ичра икки нигоҳ тўқнашди: қотил ва гувоҳ.

Балки қотил ойнани синдириб Муниса ётган хонага ҳам кирармиди? Қизнинг бахтига, Янглиш хола қайтдию қотил ойна ортидан кўздан йўқолди, ичкаридаги иккинчи эшик унсиз ёпилди.

Йўлакдаги шовқин бирдан тинди. Қўшни хонада эркак кишининг бўзлаб йиглаши Мунисани ҳам, бошқаларни ҳам васвасага солиб қўйди.

Бўлимдаги ваҳшиёна қотиллик натижасида ўзларини йўқотган шифокорлар Мунисани олиб кетишни яна бир оз кечиктиришди. Ниҳоят, аравача келтиришганида, қиз хушсиз ётарди...

Эр-хотин қизни жарроҳлик бўлимига кузатиб боришаётганида, орқадан чопиб келган бир киши:

— Қизингиз қотилни кўрибдими? — деди ҳовлиқиб.

— Қанақа қотил?! — бақирди Янглиш хола. — Қизим бир соатдан буён хушсиз ётибди! Боринг, бошимни қотирманг!

— Нега бақирасиз?! — деди у киши ва чўнтагидан гувоҳномасини чиқарди:

— Милицияданман, опа!

Мунисанинг дадаси:

— Узр, ука, биз операцияга... — деб гап бошлаган эди, Янглиш хола гувоҳномани олиб, улоқтириб юборди.

— Кейин келасан! — деди янглиш хола тупук сачратиб.

* * *

Мунисанинг кўричаги ёрилиш арафасида экан. Ўз вақтида қилинган жарроҳлик амаллари унинг жонига оро кирди.

Эрталабки тўққизларда палатага милиция формасидаги ва фуқаролик кийимидаги кишилар кириб келишди. Янглиш хола кечаги ғазабидан тушиб, мулозим бўлиб қолганди. Орган ходимларини очик чехра ила кутиб оларкан:

— Мен сўрадим қайта-қайта, қизим ҳеч кимни кўрмабди, — деди.

Бироқ онанинг гапи ҳавога учди. Терговчи қиздан кўз узмаган ҳолда стулга ўтириб, папкасини очди.

— Яхши бўп қолдингизми? — деб ҳол-аҳвол сўради. — Биздан тортинманг, жиноятчини ушлаш учун кўп одамдан сўраб-суриштирамиз. Дарвоза қоровулидан тортиб, ҳамшираларгача, ўша вақтда воқеа жойида бўлгану бўлмаган ўнлаб, юзлаб одамлар... Эҳ-ҳе, сиз ишимизнинг қийинлигини билмайсиз-да. Мана, навбат сизники экан, баъзи нарсаларни сўрайман, холос. Хўш, одам кўзгуга қараганда, ўнг қўл чап бўлиб кўрилади, эътибор берганмисиз? Шахсан мен бу нарсага ёшлигимда сартарошхонада илк марта диққат қилиб, ҳайрон қолганман: тавба, нега одамлар чап қўллаб кўришмаяпти-я? Сиз ётган жойга мен ҳам ётиб кўрдим, қўшни хонани кўзгуда яхшигина кузатиш мумкин экан. Айтолмайсизми, ўша кимса пичоқни чап қўлида ушлаб турганмиди ё ўнг қўлида?

Муниса бир неча сония ўйга толди, кейин қовжирган лабини зўрға қимирлатиб:

— Билмасам, — деди.

— Демак, сиз пичоқ ушлаган ҳолатни кўрмагансиз.

Тўғри, унақалар пичоқни кўпам намойиш қилавермайди. Энди айтинг-чи, кўйлагининг енги узунмиди, калтами?

Муниса бош чайқади.

— Қорамиди, оқми? — сўради терговчи.

— Қора...— деди қиз.

— Соқол-мўйлови бормиди?

— Мўйлови бор эди.

— Қалинми, ингичками? Ё осилиб турадиган мўйловми?

— Билмасам...мўйлови бор эди, шекилли...

— Сиздан нимадир сўрадимиз?

— Йўқ... — Беморнинг нафаси бўғила бошлади.

— Дарров қочдимиз?

Муниса боши ила тасдиқлаб, кўз ёшларини артди ва бурнини тортиб қўйиб, билагига билан кўзларини тўсди.

— Кўрсангиз танийсизми?

— Танимайман...— йиғламсиради у.

Янглиш хола ортиқ чидаёлмади.

— Вой, айланайлар, бугунча тинч қўйинглар қизимни, — деб Мунисага яқинроқ ўтирди. — Операциядан сўнг тузукроқ ўзига келгани ҳам йўқ. Бу бало-қазолар қаердан қараб турган экан-а?! Бугун совчи келиши керак эди, яқинда узатмоқчийдик. Қудалар эшитса нима дейди энди? Қизи судга қатнаб юрганмиш, деб иғво қилмайдими одамлар?!

Терговчи қогоз-қаламини бамайлихотир йиғиштириб, ўрнидан турди ва:

— Хола, қизингиз бизга сал ёрдамлашворяпти, — деди. — Уни терговма-тергов, судма-суд судрамаймиз ҳам, уйингизга ҳар куни бориб безовта қилмаймиз ҳам.

Тўғри гувоҳлик бериб, ўзларингга тинч бўлсанглар, бас. Бизга бошқа ҳеч нарса керак эмас.

— Беморниям тушунинг-да, — Янглиш хола қизига термулди. — Қиз бола нарса бўлса.

Ходимлар бирин-кетин чиқиб кета бошладилар. Эшик олдида етган терговчи Янглиш холага қайрилиб қаради.

— Бу ҳали биринчи қисм, — деди у. — Кейинги сафар гумондорлар суратини олиб келаман.

— Айтдим-ку, — ёзгирди онаизор, — тинч қўймайди булар.

— Сарсон бўлсак, биз сарсон бўламиз. Одам ўлиб ётибди, бир болакайнинг суюкли онаси! Сиз эса ортиқча гап қиласиз, ходимимизнинг гувоҳномасини улоқтирасиз.

Муниса шундагина терговчи йигитга тикилиб қаради. Уни ёмон кўргани учун афсусланди. Ваҳшийларча ўлдирилган жувонга, онасини сўраб йиглаётган болага ич-ичидан раҳми келди.

«Қотилни яхшилаб кўриб олмабман, — ўйлади у. — Кўрқдим... Юз-кўзига тикилишга ботинолмадим... Э, у менга жуда таниш туюлаяпти-ку! Қаерда кўрган эканман? Таниш башара... Таниш... Оҳ, эсладим! Агар соқол ёпиштирилса, у тушимдаги қонхўрнинг ўзгинаси бўлади-қолади. Мени тўй кечамда ўғирлаб, ташландиқ залнинг бурчагидаги қизил чимилдиққа ташлаган, сўнгра...»

Муниса дераза томонга қаради. Бехосият тушини эсламасликка уринди. Аксига олиб, шундай мудҳиш кунда совчиларнинг дарагини эшитди, аяси рози эканлигини, тўйи яқинлигини билди.

...Орган ходимлари чиқиб кетганидан сўнг ҳам, Муниса узоқ вақт деразадан кўз узмай, аразлагандай ётди.

* * *

Ҳафта ўтмай, Муниса касалхонадан чиқди. Энди у аввалги қиз эмасди. Ўйчан, хомуш ва қўрқоқ бўлиб қолганди. Бир вақтлар ҳужжатли фильмда вайронага айланган бино тагидан тўрт яшар боланинг жасадини олиб чиқишганини намоиш этишганди. Икки-уч йил давомида Муниса фақат ўша болакайни ўйлади, кўз олдидан қонга беланган жасад, осилиб қолган жажжи кўллар, мангу юмилган кўзлар кетмади. Бино жангарилар томонидан портлатиб юборилмасдан аввал болакай нима қилаётган эди? Ўйинчоқ ўйнаётганмиди, онаси эртақ айтаётганмиди?.. У нега ўлди?.. Нима учун ўлдиришди болани?.. Шу билан жамиятни ларзага солиб, одамларни қўрқитмоқчи эдиларми?

Баъзиларда доим ўйлаб юрадиган аянчли хотира бўлади. Муниса учун ўша фильм лавҳаси эди. Касалхонадан чиққач, олис мамлакатда содир этилган хунрезлик тасвири хотира уммонига бир оз чўкинқираб, «тез ёрдам» бўлимидаги қотиллик бирламчи ўринга чиқди. Унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун зудлик билан касалхонага олиб келишсаю, у ерда жаллод кутиб турса... Ҳушига келмасдан, ҳаттоки, қотил тигидан ўлганини ҳам билмасдан ҳаёт билан видолашса... Аёл ёш эди, ўттизга ҳам кирмаган. Ёлғиз боласи эсини таниб қолгандир... «Она! Она!..» деб кутади, дийдорига интизор бўлади, аммо кейинчалик тушунадики, онаси ўлган... Онаси ўлдирилган...

Муниса энди душманлар ҳақида ўйлай бошлади: дарҳақиқат, ўша жувонни ҳам душман ўлдирди, тасодиф ёки жиннилик эмас. Мени тушимда душман ўғирлаган эди, эримнинг душмани! Жувонни ҳам эрининг душмани ўлдиргандир. Ҳозир қотил мени ахтариб юрган бўлса-чи? Энди у менга, мен унга душманмиз!..»

Терговчи олиб келган суратларда, юзлаштирган бир неча гумондорлар ичида жиноятчи учрамади. Орган ходимларининг Мунисадан ҳафсалалари пир бўлишгани яққол сезилиб турарди.

— Терговчилардан қутулдинг чоғи, — деди Янглиш хола ишга кетаётиб. — Бугун даданг ҳам таксига чиқади, уйда ёлғиз қоласан. Бегона одамга дарвоза очма, хўпми, қизим?

— Ёлғиз ўтираманми?

— Нимадан қўрқасан? Ана, икки ёнимиздаги қўшнилари уйда. Эллиқ қадам нарида «участкавой»нинг идораси. Қўрқсанг, қўшнимизнинг қизларини чақир.

Телефон жиринглаб, Янглиш хола изига қайтди.

— Тўхта, ўзим оламан, — деди ва гўшакни кўтарди.

Сим қоққан Мунисанинг дугонаси Эланора экан. Янглиш хола у билан қуюқ сўрашгач:

— Мундоқ дугонангни кўришга ҳам келмайсан-а, Эланора, — деди ўпкалаб. — Мунис бояқиш касалхонага тушиб чиқди, операция бўлди, бунинг устига, бир фалокатга гувоҳ бўп қолиб, мелисадан боши чиқмай қўйди... Э, оти ўчсин... А, келасанми? Шундай қил, қизим, дугонанг ҳам роса зерикиб ўтирибди, тикиш-бичишга ҳали мумкин эмас-да, айланай... Ие, совчилар келмасдан бурун қаёқдан эшита қолдинг? Кеча эшитдингми?.. Тошкентда шунча кун меҳмонхонада ётдингми?.. Э, рассомлик курсин... Ҳаммаси эркак бўлса, нима қилардинг бориб?.. Ҳа, хўп, мен ишга кетяпман, тезроқ келсанг яхши бўларди, роса зерикяпти дугонанг...

Аяси дўконга кетгач, Муниса уйига кирди-да, дераза пардасини очиб, дарвозага тикилиб ўтирди. Эланора унинг синфдош дугонаси эди. Театр ва рассомчилик институтини тамомлаб, тумандаги ўрта мактабда ўқи-

тувчилик қилади. Бир руҳий хаста дугоналарини айтмаганда, синфдош қизлар орасида турмушга чиқмаган шу иккови қолишганди. Мунисанинг хиёл оқсоқланиши йигитларга ёқмагандир, Эланоранинг-чи? У ҳар жиҳатдан тўқис, гўзал ва ўқимишли қиз. Ўзининг айтишича, шу вақтгача ўндан ортиқ йигитдан совчи келган. Аммо биронтасига розилик билдирмаган. «Нега?» — деб таажжубга тушиб сўрарди Муниса. «Қачон кўнглимдаги инсон учраса, тегаман. Акс ҳолда оилам ҳам, санъатим ҳам хароб бўлади», — дерди у.

Бир куни Муниса Эланора ҳақида ёмон гап эшитди. Эмишки, у Тошкентда ўқиб юрганида, бир йигит билан севишиб қолибди. Ёшлар европача ҳаётга мойиллик билдиришади ва очиқчасига учраша бошлайдилар. Ҳаттоки, куппа-кундузи истироҳат богида ўпишиб турганларини кўрганлар ҳам бормиш. Йигит уни квартирасига таклиф этганда, Эланора йўқ деёлмабди. Шундан сўнг йигит севгилиси билан квартирада тез-тез учрашишни давом эттирибди. Албатта, тун бўйи улар бир-бирининг ҳуснига термулиб ўтиришмабди. Оқибатда қиз ҳомиладор бўлиб қолибди. Кунларнинг бирида эса йигит дом-дараксиз йўқолибди. Бошини қайси деворга уришни билмаган талаба қиз жарроҳлик столига ётишдан ўзга чора тополмай, туғилмаган гўдакнинг ҳаётига зомин бўлибди...

Бу ҳақда Муниса дугонасидан бирон марта сўрамаган, сўраш истаги ҳам йўқ эди.

Орадан ярим соат ўтди. Дарвоза тақиллаб, Эланоранинг ўзгача шевадаги:

— Муниса-а!.. — деган чақириғи эшитилди.

Икки дугона ўпишиб кўришдилар. Ичкари уйга кириб, хонтахта атрофида ўтиришди.

— Дастурхон ёзиб ўтирма, — деди Эланора. — Вақтимиз йўқ.

— Нега? — ҳайрон бўлди Муниса.

— Манави жомадонимда қоғоз, қалам, бўёқлар бор. Портретингни чизмоқчиман, Муниса. Ўйлаб кўрсам, ҳозирги аҳволингга сендан санъат асарига намуна олса бўларкан. Бир томондан, операция туфайли совчиларни кечиктирдинг, иккинчи томондан, одам ўлдиришга яккаю ягона гувоҳ сифатида милицияю прокуратуранинг арзандасига айландинг. Характерингни жуда яхши биламан-ку, бундай кунларда мотамсаро қиёфанг бетакрор чизгиларга бойийди.

— Қўйсанг-чи бунақа гапларни, кўнглимга қил сигмайдиган кунлари хурсанд қиладиган хабарлар айтиш ўрнига...

— Уни кўрдим, — жилмайди Эланора.

— Кимни? — Мунисанинг юраги гуп-гуп ура кетди. «Наҳотки, аям айтган йигитни у таниса?!» — деди ичида.

— Биринчи севгилимни.

— Севишда ҳисобдан адашмай, биринчиси ким, иккинчиси ким, ёдидан чиқармай юрадиган қизларни кўрсам, роса жаҳлим чиқади.

— Жаҳлинг чиқмаган кунинг борми?! Шундай қилиб, уйларингга шошиб келаётсам, у кўчаларинг бошида турган экан. Мендан кўз узолмай қолди.

— Ўниничи синфда орқангдан юрадиган йигитми?

— Ҳозир кўрсанг танимайсан. Сочига оқ оралаган, ўн кундан бери соқол олмаган, сендан ҳам қайғули одамга айланган.

— Аввал ҳам танимасдим, бир сафар узоқдан кўрганман, — деди Муниса. — Эҳ-ҳе, тўрт-бешта боланинг отаси бўлгандир?

— Билмадим, уни ҳозиргина учратдим. Кўрмаганимга беш йиллар бўлибди.

Муниса барибир дастурхон ёзди. Дугоналар бир пиёла чой устида суҳбат қуришди. Касалхонадағи қотиллик тафсилотлари Эланорани ҳам беҳад ғазаблантирди.

— Ҳаётда нега шунақа одамлар бор-а? — қайғурди рассом қиз.

Кейин совчилар ҳақида гап кетди. Муниса ҳали куёвни танимаслиги Эланорани лол қолдирди.

— Дугон, эсинг жойидами, танимаган-билмаган йигитга қандай турмушга чиқмоқчисан? Мен қуруқ танишиш у ёқда турсин, аввал ҳўп синайман, уйдагиларини суриштираман, ота-онасини кўриб...

— Алдама, — Муниса кулиб юборди.

— Ростини айт, куёвни танимайсанми?

— Эланора, — деди Муниса, — мендан кўп ташвишланаверма. Аямни биласан, менинг ҳам, дадамнинг ҳам сўзимиз ўтмайди. Лекин, шунга қарамай, кўрмасдан эрга тегмайман. Аям ўша йигитни мақтади, лекин характери, дунёқарашини, ўзини тутишини билишим керак. Шундайми?

— Бусиз умр савдоси ҳеч қачон битмайди.

— Аям айтдики, йигитнинг исми Жўрабек экан. Болалигида ота-онаси автоҳалокатга учраб, у аммасининг қўлида қолибди. Бироқ нимадир бўлибдию аммаси уни Тошкентга юборибди. Бир оз «детдом»да яшабди, сўнг интернатга кўчиришибди. Мактабни битириб, институтга кирибди. Тўхмат билан ҳайдалиб кетибди. Ота-онасидан қолган ҳовлида аммаси оилавий яшаб келаркан. Инсоф кирганми, қариндошлар гапирганми, аммаси ўзининг уйига кўчиб ўтиб, энди Жўрабекни уйлантириш ташвишида юрганмиш. Аям ҳадеб ҳовли-жойини мақтайди. «Куёв ҳам ойдаи йигит», дейди. Менга қолса, унинг ҳеч нарсаси керак эмас.

— Бахтли бўлсанг ҳисоб, тўғрими?

Муниса жилмайиб қўйди. Бундан рассом қизнинг авзойи ўзгарди.

— Мунис, кўчада қолганинг йўқ-ку. Нега совчи келмасдан кўнгил боглаб ўтирибсан? «Ҳеч нарсаси керак эмас, бахтли бўлсам, бас», эмиш! Аввал кўрайлик уни. Мен йигитларни бир қарашда хилларга ажратиб бераман. Балки узоқ вақт қариндош-уруғсиз, фақат тарбиячилар назоратида бебош бўлиб ўсгандир. Ичмайдими, чекмайдими, Тошкентда ҳеч кимга илакишмаганми?..

— Аммасини танисанг керак, — гапни бурди Муниса, — бозорда гилам сотади — Ҳаловат гиламфуруш. Аямнинг дўкони унинг растасига яқин.

— Мен гиламфурушларни эмас, рассомларни кўпроқ танийман.

— Эланора, агар у рассом бўлиб чиқса нима қилардинг? — деб сўради Муниса.

— Нима қилардим, — шаддодлиги тутди қизнинг, — шартта сендан тортиб олардим.

Улар пиқ-пиқ кулишди. Ахир, Эланора дугонасини қийий бошлаган лаҳзадаёқ икковининг ҳам негадир роса кулгиси қистаётган эди-да.

* * *

Эланора нақ уч соат Мунисани қимирламай ўтиришга мажбур этди. Охир-оқибат қогозда лабларида табассум туғилаётган бўлажак келинчакнинг нурли сиймоси пайдо бўлди.

— Во-й, шу менманми? — ҳайратдан ёқа ушлади Муниса.

— Мунис, сен бебаҳо қизсан. Ўзингни бунчалар арзон ҳисоблама. Оёгингда салгина айбинг бўлса нима қипти?! Ҳали шундай келинчак бўлгинки, назар-писанд қилмаган йигитлар куйиб ўлсин. Шундай бека

бўлгинки, ўшаларнинг хотинлари йўлда қолиб кетсин. Хали...

Бироқ Эланоранинг сўзи бўғзида қолди. Кимдир дарвозани гурсиллатиб тепа бошлади. Аксига олиб, илгак синиб кетди ва эшик даранглаб очилди. Уларнинг қаршисида соч-соқоли ўсган, ғирт маст, барваста эркак газабнок қиёфада чайқалиб турарди. Қизлар беихтиёр ортга чекинишиб, бир-бирининг пинжига суқилишди.

— Эсонгул қани?! — салкам бақириб сўради у.

— Б-буна-қа аёлни танаймиз, — деди Муниса тили зўрға айланиб.

Эркак кўз остидан бутун ҳовлини кузатди, сўнгра алланималар деб гўлдираб олгач, саволини қайтарди:

— Эсонгул қани, деяпман!

Эланора дугонасини силтади ва:

— Мунис, бор, милиция чақир! Нега эшикларингни бузиб кириб, ҳайвондай бўкиради! — деди. — Тез телефонга чоп! Қани, бизга қўлини теккизсин-чи!..

Тўсатдан мастнинг суроби тўғирланиб қолди.

— Эй...эй... — деди қўлини олдинга чўзиб. — Мелиса деманглар, қизлар... сингилжонлар... Ўзи бу кимнинг уйи? Мамасаид гарангникимас шекилли?

Муниса уч уй наридаги Мамасаид акани эслади. Бир қизи ҳар йили эрга тегиб чиққуси эди. Навбатдаги куёв шу пиёниста бўлса керак.

— Йўқ, адашдингиз. Сиз сўраган уй анави ёқда.

Маст эшикка қарамасдан пайпаслаб, синган илгакни топди-да, сўкинди. Кейин:

— Узр, синдирворибман... Ҳаммаси ўша бетавфиқдан... Эртага тузаттириб бераман... — деди.

У эшикдан чиқаётиб яна сўкинди. Қизларни ҳайрон қолдириб, Мамасаид аканинг уйи томон эмас, тескари томонга гандираклаб жўнади. Дугоналар унинг ортидан бир оз қараб тургач, эшикни ёпдилар, Муниса калитни икки марта буради.

— Қўрқаяпман, — ранги оқарган Муниса дугонасига термулди.

— Кетди-ку, нимадан қўрқасан?! — деди Эланора. — Даданг билан аянг келса, ҳаммасини айтиб бер. Бориб ёқасидан олсин алкашнинг! Одам ҳам шунақа бўлади-ми?! Ким ўша сўраган аёли?

— Гап ундасан, менимча, бу одам айгоқчи.

— Эсингни едингми? Қанақа айгоқчи ҳақида гапираяпсан?

— Мени пойлаб келган. Агар ёлғиз ўтирганимда, мастлик баҳона ўлдириб кетарди!

— Вой-ву-у, ваҳимангни қара-ю! Юр, Мамасайд аканикига! Ҳозир бориб Эсонгул қизидан шу одамни сўраймиз. Мабодо танимаса, гапингга ишонаман, акс ҳолда сен ваҳиманинг уясисан. Худо билади-да, ўша қотилликка ҳали гувоҳмисан, йўқми? Кечаси алламбало тушлар кўриб, касалхонада ҳам кўзингдан инс-жинслар нари кетмаган. Тасодифан қўшни хонада қотиллик бўлгач, «вой, мен қотилни кўрдим, кўз олдимда ўлдиришди», деб айюҳаннос солгансан.

— Ҳа, мен шунақаман, — Муниса чорпоя четига ўтириб, юзини терс ўгирди.

Эланора дугонасининг ҳақиқий афт-ангорига эмас, ўзи чизган хомаки портретига ачиниш-ла назар ташлади.

— Мунис, — деди секингина, — тўгрисини айтсам, сенинг бошингга тушган кулфатлар аслида меникининг олдида кулфат ҳам эмас, шунчаки саргузашт. Биласанми, сен ўйлаган қиз эмасман. Балки шивирини эшитгандирсан? Талабалик чоғимда гапим чиққан. Туманимиздан ўзгача хаёлда борганман Тошкентга. Энди мусаввирман, бу дегани, санъаткорман, деб ўз онгимни ўзим буздим. Мусаввир дегани антиқа кийинадиган, истеъдоди нафақат кийинишидан, балки юриш-

туришидан ҳам сезилиб туриши керак, деб ўйлардим. Миямга сингиб-сингиб кетган тутуриқсиз ўй-хаёллар бошимга етди... Уйларингда ростдан ҳеч ким йўқми, Мунис? Ундай бўлса эшит, мен — қотилман! Қорнимдаги болани ўлдирганман! Эсласам, чидаёлмай кетаман... Қайтиб фарзанд кўрмасам керак! Туғмаганларнинг аборт қилдириши ёмон дейишади...

— Кўй, Эланора, бунақа гапларни гапирма, — деди Муниса.— Сен бахтли қизсан, ўзингга муносиб ёрингни топасан, албатта. Миш-мишлар қаерда йўқ дейсан, дугонажон?!

— Демак, мен ҳақимда эшитган экансан-да?

— Сен яхши қизсан, ўзингни ўзинг гийбат қиляпсан.

— Одам ўзини ўзи гийбат қилиб бўларканми? — Эланоранинг фақат лаблари кулимсиради. — Мунис, қизиқ-қизиқ гаплар топасан-а?.. Мен энди турмушга чиқишга кўрқаман. Рустам акани бекор хафа қилган эканман.

— Қайси Рустам?

— Айтдим-ку кўчаларинг бошида кўриб қолдим деб, ўша-да. Мактаб вақтида, Мунис, биз — сен билан мен, ҳозиргидек қалин дугона эмасдик, шунинг учун у кишини яхши танимайсан. Рустам ака стадиондаги бир байрамда мени севиб қолган. Мактабни битирар йилим орқамдан роса ялиниб юрди. Майли, Тошкентда ўқитаман, ўзим ҳам кўчиб бораман, ижодинг учун барча шарт-шароитларни яратаман, деди. Ишонмадим! Мени чин дилдан севса, битиргунимча кутсин, деб хаёл қилдим. Бироқ касалманд онаси тўйини кўрмасам армонда кетаман, дебди. Бир гал Рустам ака йиғлаб ҳам келди, ишонасанми? Ҳатто, юрагим у кишини чорлай бошлади. Ақлим эса... агар шу миямдаги ғояларни ақл деб атасак... рад этди. Балки Тошкентда

Ўзим каби рассом йигит дуч келар, у Тошкентда қолиб, ижод қилишимни таъминлар!.. Эҳ, эрга тегишга шошилмаганимда рассом йигит билан қандоқ бахтли оила қурадиг-а, дея афсус чекишдан кўрқдим. Эътибор бераяпсанми, Мунис, мен қанчалар худбинман!.. Энди ҳолимни кўр. Кимман? Ўзича санъат йўлидан кетаётган, лекин на санъатга, на оиласига ҳисса қўшолган аросатдаги одамман. Ўртада номуси поймол бўлган, туғилажак болани нобуд қилган бахтсиз қиз!..

— Буларнинг барини ҳозир Рустам акангни учратганингдан таъсирланиб гапиряпсанми? Қўй, Эланора, сен барибир яхши қизсан. Айтдинг-ку, ўша кишининг соч-соқоли ўсган, бир аҳводда деб! Агар унга турмушга чиққанингда пиёниста эр дастидан куйиб яшардинг. Қара, расмимни қандай истеъдод билан чиздинг. Эҳтимол, мактабни битирганингдан эрга текканингда, умуман чизолмасдинг ҳам!

Эланора суратдан ҳамон кўз узмай ўтирарди. Муниса гапини тугатган маҳал ўрнидан туриб, сурат ва мўйқаламларини йиғиштира бошлади.

— Суратингга ҳали ишлов беришим керак, — деди у. — Эрта-индин ташлаб ўтарман.

— Тўхта, кетмоқчимисан?

— Ишим бор, Мунис.

— Мен ҳам кетаман, — деди Муниса, — бозор томондан юрасанми? Аямнинг дўконида қоламан.

— Куппа-кундузи нимадан кўрқасан? Мени кузатма, ёлғиз кетмоқчиман.

Аммо Муниса кийимларини апил-тапил алмаштириб, кўча эшикни очди.

— Ўлсанг ҳам қолмайсан энди, — Эланора синган илгичга имо қилиб дугонасининг қитиқ патига тегинди. — Юрагинг ҳам антиқа-да. Бир баҳона бўлмасин сен бечорага.

— Бунча кўп гапирдинг? Нима, Рустам аканг билан учрашишингга халақит беряпманми?

— Балки у бошқа одам бўлгандир. Сенга ўхшаб менам алаҳсирашни бошламасам гўрга эди.

Муниса:

— Ишқилиб, эшигимизни синдирган Рустам аканг-масмиди?! — деб сўраган эди, Эланора сохта лаб буриб:

— Ҳа, мен Эсонгулман, — деди. — Қалай, ўхшайманми?

Дугоналар кулишиб, гавжум кўчага чиқишди. Бозоргача қўл ушлашиб боришди.

— Юр, аям билан ҳам хайрлашиб кет, — дея Муниса дугонасининг қўлидан тортган эди, Эланора илон ушлагандек сесканиб, қўлидагилари сочилиб кетди.

— Сенга нима бўлди? — Муниса дугонаси кўрқув тўла нигоҳларини қадаган томонга, бозордаги ғиж-ғиж одамларга, кўз югуртирди. — Тавба-ей, юрагимни ёрдинг-ку!

— Жинни бўлаяпман, — ранги қогоздек оқарган Эланора нарсаларини йигиштираётиб оломон орасидан кўзлари-ла кимнидир ахтарди. — Кўзимга кўринди, кўзимга... йўқ-йўқ, у эди... аниқ...

— Ким? Яна Рустам акангми?

Эланора бош чайқади.

— Кошки у бўлса! Номард... нокас... ўша йигитни кўрдим... Альбертни!..

— Тавба, энди Альбертинг ким бўлди?

— Сенга ҳаммасини ҳикоя қилиб бермагандим, Мунис. Мени алдаб кетган, бахтсиз қилган йигитнинг исми Альберт эди.

— Ўзбекми?

— Ҳа, ўзбек. У фотография билан шуғулланарди. Ўйлаб кўрсам, исми Альберт бўлмаган, фотограф эканлигига ҳам шубҳам бор... Ҳозир бозорда юрибди у... Кетдик, ушлайман аблаҳни!

Муниса ноилож эргашаркан, ҳозир ёмон бир иш бўладигандек чўчиди. Мабодо Альбертни тутиб олса, Эланора шунча одамнинг ўртасида нима қилади? Тарсаки туширса ё йиғлаб бўйнига осилса, ҳамма Мунисага ҳам қарамайдими? Ҳаловат гиламфуруш, унинг жияни, ҳатто ўз аяси ҳам шу бозорда.

— Эланора, тўхтагин, — ялинди Муниса. — Илтимос, гапимга қулоқ сол. Айтган одамнинг бу ерларда юрмайди. Яхши танимаган одамнинг қандай кўра қолдинг оломон орасидан? Исмини ҳам тузукроқ билмайсан-ку!

— Унинг савдогар қобилияти ҳам бор эди. Картошка-пиёз олиб кетишга келган бўлса-чи?...

Иккови бозорда ўн дақиқача тентирашди. Эланора нукул атрофга олазarak бўлар, хаёли ўзида эмасди. Юриб-юриб ўйинчоқлар дўконига яқинлашиб қолишди.

— Аямнинг ёнига борамиз, — деди Муниса.

Тушкун кайфиятда дўкон остонасига келдилар. Эланора нафас ростлаб олиб, дугонасининг ортидан кириб борди.

— Ие, пиёда келдингларми? — Янглиш хола ҳайронлигини яширолмади. — Тинчликми? Кўп яёв юриш мумкин эмас-ку сенга, Мунис?

Эланора нарсаларини қўйиб, зўр бериб жилмайди.

— Хола, иккимизниям муллага ўқитиб юбормасангиз бўлмайди. Мунисанинг ҳам, менинг ҳам кўзимизга фақат ёмон одамлар кўринапти.

— Мулла, худо хоҳласа, никоҳ ўқишга келади, — кулди Янглиш хола. — Сенинг тўйинг ҳам яқинда бўлса керак? Жа пишиқсан, айтмайсан.

— Мен тоғдан келсам, сиз богдан келасиз-а, хола.

Дугоналар пештахта ортидаги стулларга ўтиришди. Бир неча аёл ва болалар ўйинчоқларни томоша қилиб,

таъбларига ёққанларини танлашмоқда эди. Эшикдан эса бозор шовқин-сурони оқиб кирмоқда.

Муниса дугонасини туртиб, айтма, деб ишора қилди.

— Вой, нега туртасан? — жўрттага овоз чиқарди Эланора ва маст кимсанинг ўзбошимчалигини сўзлаб берди.

— Ўлдираман Эсонгулни! — дея Янглиш холанинг жиғибийрони чиқди. — Йиғиштириб олсин ўйнашларини! Ҳали қарасанг жанжал, ҳали қарасанг ғавго, тўполон! Эшигимни тепишни кўрсатиб қўяман!

Мунисанинг аяси бир дийдиёсини бошлаган эди, Эланора берган ахборотиға пушаймон еб, сабр-тоқати ҳам тугади. Иттифиқо, унинг нигоҳи ойнали рамкаға солинган Тиллатепа фотосуратиға тушди.

— Хола, хола дейман! Қўйинг ўшаларни! Анави расм ўйинчоқлар дўконига қаердан келиб қолди?

Янглиш хола бир зум танаффус этиб, харидорлар билан савдо қиларкан:

— Уми? — деди. — Бир фотограф бола ўтган йили қўярда-қўймай сотиб кетганди, арзонроқ деб олгандим. Сендан бошқа ҳеч ким сўрамабди-я, шунча вақтдан бери. Нима, оласанми? Ўзимизнинг Тиллатепа-ку!

— Мен худди шунинг суратини чизишга тайёрланиб юрибман. Қаранг, фотографнинг устамонлигини!

Муниса дугонасини туртиб, шивирлади:

— Ўша Альбертинг ҳам расмчи эдими? Балки униямаямга лақилларсан?

Эланора огзи очилиб қолди. Яхшиям, Мунисанинг аяси харидорлар билан банд эди, акс ҳолда қизнинг ҳолидан кўп сирларни уқиб оларди.

— Альберт, ярамас.... шаҳарчамизда яшаётганга ўхшайди, — деди Эланора Мунисага ҳамон ҳайратланиб боқаркан. — Мен унинг услубини сезаяпман... Хола, у

қанақа йигит эди? Қоп-қора кўзлари катта-катта, сочлари орқага таралган...

— Нима? Йигитларга шунақа эътиборлимисан? Хаҳ, шум қиз-а! Эртароқ эрга бервориш керак Мунис икковингни.

— Наҳотки, эслолмасангиз?

— Ҳар битга одамни эслайверсам, миямда жой қоладими, Эланора? Бу дўконга бир кунда қанча одам кириб чиқишини билмайсан-да!

Шу пайт Янглиш хола эшикка қарадию, сапчиб тушди.

— И-и-и, Мунис, Эланора, ўтирманглар бу ерда. Туринглар, турсаларинг-чи! Нозик одам келаяпти, секингина чиқиб кетинглар.

— Ким?! — Қизлар бараварига аланглашди.

— Э, Ҳаловат гиламчини танимай, нима бўлди икковингга?! Вой, шахсан ўзлари келаяпти, кетинглар икковингам, кетинглар.

* * *

Дўконга басавлат аёл кириб келди. Кулоғию бармоқларида, бақбақа осилган бўйнида — жами ярим килоча тилла буюми ярақ этиб кўзга ташланарди. Шошиб киргани боис қизларга разм солмади, виқор билан Янглиш холага рўпара бораверди.

— Салом, аёлнинг гули, — деб сўрашди у тилла тишларини намойиш қилган мисол оғзини хиёл қийшайтириб. — Ширин-шакар болажонларга зап ажойиб ўйинчоқларни сотиб, хурсанд қилиб ўтирибсизми? Савдолар қалай, савдогар? Худо беряптими?

Янглиш холадек шаддод ва тили ўткир аёл гиламфуруш қаршисида ювош тортиб:

— Ҳа... вой... ўзингиз яхшими? Ишларингиз... келинг... — деб тутилиб қолди.

— Яхшиман, Худога шукр. Би-ир олдингизга ўтай дедим-да, оповси. Ҳадеганда вақт бўлавермади. Қайним, қайнушкам тўй қилиб қолди, денг. Э-э, эримнинг уруғи жуда бўш, бари лакалов. Қоним қайнаб кетди. Столигаям, ароғиягаям ўзим бош бўлдим. «Жигули» билан ароқни икки рейс босиб келдим, одамлар қудуқ, оповси, нақ сувсиз қудуқнинг ўзи! Қанча ароқ бўлсаям ортмайди! Лип этиб ютворишаверади. Ҳе-ҳ-ҳе, тагин сизга тегиб кетмасин, қудажон.

Эшикка етган Муниса ва Эланора бурилиб қарашганида Янглиш хола қизариб-бўзариб қўлини кўксига қўйганини кўрдилар.

— Қайнонанг ўрнидаги аёл шуми? — сўради Эланора кўзларини пирпиратиб. — Бунақа қайнона қўл остида уч кун ҳам яшолмаган бўлардим.

Мунисанинг руҳи тушиб, йиглаворгудай нигоҳ ташлади дугонасига.

— Тегмасаммикан, кўрқяпман, — деди ҳазин овозда. — Тушларимдаям бежиз аён бермаяпти. Тўйдан кейинги ҳаёт у ёқда турсин, тўй кечасидаёқ бир фалокат юз беради. Кўнглим ҳозир шунчалик сезяптики, Эланора! Мен қисматдан қочиб қутулолмайман! Чимилдиққа етар-етмас ўгирлаб, овлоқ жойда сўйиб кетишса керак! Кўрасан, гапларим рост чиқади.

— Рост чиқмай ўлсин! — Эланоранинг фигони фалакка ўрлади. — Бундай совуқ гапларни қаердан топиб гапирасан, ҳайронман! Баданим бижирлаб кетди-ей, бас.

— Ёшлигида ўлганлар ҳақида, кўпинча, яқинлари нима дейишади, эшитганмисан? Ўлимини сезган экан, кўзимга қора одамлар кўринади, тушимга ўликлар киради, деган экан. Биламан, мен ҳақимда ҳам шунақа гаплар тарқалади.

— Ҳозир бир челақ сув опкелиб устингдан қуйвораман, уйқусираяпсанми, ё жийда тагидан ўтганмисан?

Муниса ерга қараб, ҳамон йиғламоқдан бери бўлиб турарди. Эланоранинг жаҳли чиқди-да:

— Сенга гапириб бўлмай қолибди, — деди. — Индамаса бузгунчига айлантириб қўясан.

— Кимни? — тушунмади Муниса.

— Кимни бўларди, мени-да! Анави гиламфурушни мақтамаганим учун айниясанми? Аянг кўкларга кўтарганда, йигитни кўрмасдан рози бўлдинг. Мен бир гапирсам, тескарига ўзгарасан. Нега ўз фикринг, қатъиятнинг йўғ-а, Мунис? Тагин аянгнинг олида балога қолдириб ўтирма. Йигитни кўр, ёқса тег. Гиламфуруш гапдон бўлса бўлибди-да. У на қайнонанг, на бир ҳовлида яшайдиган одам... Бўпти, мен кетдим. Суратингга ранг берсам, эрта-индин ташлаб ўтаман.

Эланора сурат ва жомадонини кўтариб, жўнашга шайланди.

— Аямга кўрсатмадик-ку, — деди Муниса суратнинг бир четига кўл теккизиб.

— Хаёлим Альбертда эди, — ростини сўзлади Эланора. — Тўлиқ тугатганимда кўради-да, энди. Айтгандай, келганимда бўш бўласанми?

— Нимаиди?

— Тиллатепага борамиз. Манзара чизмоқчиман.

— Аям рухсат берсалар, албатта, бораман. Кўрдинг, ҳозир қанча хуноби ошди. Операция бўлганимдан ташвиш қилаяптилар.

— Таксида борамиз, мольбертниям ўзим кўтараман.

Муниса дугонасининг кўнглига қараб, юрагидаги ваҳимани бошқа сўйламасликка аҳд қилди. Ҳолбуки, шу дамда хаёли қотил томон кетганди. Назарида, ёвуз кимса ягона гувоҳни йўқотиш пайида астойдил пайт пойлаётгандек эди. Тепаликка уюштирилган сайру саёҳат эса катта имконият бўлиб, қотил Эланорани ҳам ўлдириб қўйиши муқаррар бўлиб туюларди.

Дугонаси одамлар орасида кўздан йўқолгач, Муниса

фаввора ёнидан дўконни кузатиб турмоқ ниятида бир оз юрди. Бироқ аяси ва Ҳаловат гиламфуруш чиқиб, ташқарида қуюқ хайр-хушлашаётганига кўзи туииб, тўхтади.

Аяси атрофни зимдан кузатди. Мунисани кўриб, қайта-қайта имлади.

— Танишиш ниятинг борми ўзи? — сўради Янглиш хола.

— Танишиш? — аясига саволомуз боққан қарашлар замирида туйқус уялиш намоён бўлди. — Э, ая...

— Ҳозир Ҳаловат холанг жиянини чақиришга кетди. Асли кўриб ўтирмасанг ҳам бўларди. Менга ёқдими, демак, сенгаям ёқади у бола.

— Бормайман, — нозланди Муниса ва билмасдан қўпол гап гапириб қўйди: — Ая, сиз оёғимда айб борлигини яширгансиз.

— Оёғингга нима жин урипти?! — Янглиш холанинг кўзлари олайди. — Ўзингни ўзинг гўнгга тенглаб юр-вер қўнгизга ўхшаб! Ичкарига кир-да, у ёқ-бу ёғингни тузатиб чиқ.

Бу танбеҳлар паст овозда илондек вишиллаб айтилди. Табиийки, одамлар эътибор беришмади, аммо Мунисанинг наздида оломоннинг кўзи уларда эди.

Ортидан кирган аяси:

— Сенингча, Ҳаловат гиламчи оқсоқланишингни билмайдими? — деб бир оз ҳовуридан тушиб гапирди. — Албатта, билади, ўз кўзи билан кўрган. Жияни ҳам. Аммо улар фақат пулнинг одами эмас, одамгарчилиги ҳам бор. Йигит ота-онасининг ёлғиз ёдгори, сен ҳам яккаю ягона фарзандимсан. Бахтли оила қуришларингга ишонаман, қизим. Икки ҳовли охир-оқибат ўзларингга қолади: бизникию, куёвники. Ҳатто, болаларингнинг уй-жойи бор-а, оҳ-оҳ-оҳ!

Онасининг «пурмаъно» ваъзи Мунисани хурсанд

қилолмас эди. Ёши ўттизга қараб кетаётган қизни келинчак бўлиб, бахт топиш орзусигина келажакка бошларди.

Бозордан сал нарида туман қишлоқларига қатнай-диган транспортлар бекати жойлашган эди. Жўрабек ва Мунисанинг худди шу жойда учрашиши келишиб олинганди.

— Яхши бор, қизим, — меҳрибончилик ила Мунисани кузатди онаси. — Очиқ чехра, ширин сўз, одоб-андиша ҳар қандай қизнинг кўрки. Йигитники эса мардлик ва бойлик. Нима демоқчи эканлигимни тушунгандирсан?

Муниса одатига биноан тузук-қуруқ жавоб бермай, бекатда кутаётган гул кўтарган нотаниш йигит сари йўл олди.

* * *

Енгил ҳаяжон ва алланечук ғурур Мунисага хуш ёқди. У умрида илк бор катталарнинг саъй-ҳаракатлари ила бўлиши муқаррар деб кутилаётган танишувга — куёв билан юзма-юз суҳбатлашгани шошилмоқда эди. Шошилган сайин, негадир бекатнинг узоқлашиб қолишини ҳам истарди бу қиз.

Пўрим кийинган баланд бўйли барно йигитни кўрган заҳоти Муниса таққа тўхтади. Бўлажак турмуш ўртоғи наҳотки шундай ўктам бўлса? Гулни ҳам ўзгача дилбарлик-ла кўтарган. Ҳаттоки, деҳқонлар ҳам кулиб эмас, чин ҳавас ва ҳайиқиш ила қараб ўтмоқдалар, Мунисани бирдан иккиланиш чулғаб олди. Балки бу бошқа йигитдир, деб ўйлаб, атрофга нобопроқ йигитни учратиш (аслида учратмаслик) умидида бир қур кўз югуртирди.

Кейин йигитнинг ёнидан ўтиб, бекатда бирон дақиқа кутиш мақсадида олға юрди ва... йигит жилмайиб қаради. Икки қадам ташлаб Мунисага яқинлашаркан:

— Сиз Янглиш холамнинг қизимисиз? — деб сўради-да, ҳали қиз тилга кирмасдан гулдастани узатди. — Бу сизга, Мунисахон.

Дабдурустдан қиз шунчалар шошиб қолдики, йигитнинг кўнглини совитиб қўйишдан кўрқиб, ҳатто, юраги орқага тортиб, ҳушидан айирилаёзди. Йигит ҳаммасини тушуниб, хотиржамлик билан:

— Бекат ортидаги кўчадан юрсак, — деди. — Сизга маъкул келармикан? Мен қаёққа десангиз ўша ёққа боравераман. Кетдикми?

Мунисанинг овози зўрға чиқди:

— Ҳм-м...

Икки ёш бекатни айланиб ўтишиб, шаҳарчадан четга, токзорлару картошка далаларига элтувчи кўча бошига чиқишди. Кичикроқ завод ортида қабристон дўнглиги, олисдан эса Тиллатепа кўриниб турарди.

— Шу йўлдан кетаверсак нақ табиатнинг ўзгинасига дуч келарканмиз, — деди Жўрабек. — Сизга шаҳар ёқадими, қишлоқми?

— Икковиям... яхши.

— Тўғри. Лекин мен, биласизми, сизни табиат деб атаган бўлардим.

Муниса уялинқираб жилмайди ва Тиллатепа томонга назар соларкан, деди:

— Дугонам ҳозиргина у ёқлар ҳақида гапирганди.

— Қаёқлар ҳақида?

— Табиат... Тиллатепа...

— О-о, дугонангиз шоирами?

— Йўқ, рассом.

— Ф-фу, рассом? Қиз болаям расм чизарканми?... Айтмоқчийдимки, у қиз болами, турмуш қурмаганми?

— Турмуш қуриш муҳим эмас, — деди Муниса.

Жўрабек бағоят ҳайрат ичра:

— Нега, ахир? — деб Мунисага тикилди. — Сизнингча, турмуш қуриш муҳим эмасми?

— У санъатга ҳаддан ташқари берилган. Яқинда Тиллатепага борамиз, суратини чизмоқчи.

— Мен ҳам бораман, — деди Жўрабек. — Тўйдан кейин айланишиб юриш бу ерларда урф эмас экан. Биз бир айланиб қолайлик.

Муниса завод томон юришни хоҳламай тўхтади. «Тўй» сўзи қулогига «энди менинг хотинимсан» дегандек эшитилди, ғалати бўлиб кетди.

— Шу ерда тураверамизми, Мунисхон?

— Аям кўп юрма, деб тайинлаганлар. Касалхонада ётиб чиққандим, кўричак...

— Эшитдим. Ҳозир аҳволингиз яхшими? Билсангиз керак, икки ҳафтадан сўнг тўйимиз. Аммам тезлаштириб қўймаптилар. Танийсизми? Эркакдай хотин! Гиламфуруш!

— Танийман, — ердан кўз узолмади Муниса, сўнгра сўрашга журъат этди: — Қанақа тўй?.. Ҳалиги... икки ҳафтадан кейин...

Жўрабек уч қаватли уй ёнидаги болалар майдончасида ўриндиқни кўрди-да, бўлажак ёрини етаклади. Йигитнинг қўли тегиши билан боши айланиб кетган Мунисага йўл-йўлакай эҳтиросли нигоҳ ташлаб:

— Икки ҳафтадан сўнг висол тўйимиз, — деди у. — Айтишмадимми сизга? Унгача унаштириш тўйи бўлади.

— Мен сизни... тўғриси, яхши танимайман, — Муниса даҳшатли туши, Эланоранинг танбехлари ва ниҳоят, ўз қадр-қиммати ҳақида ўйлай бошлади.

— Исмим Жўрабек, ёшим йигирма олтида, отаонам вафот этгач, Тошкентда яшадим. Мана шунақа.

— Ўртоқларингиз қанақа йигитлар? Йўқ, мен сўрамоқчийдимки, душманларингиз... улар...

Жўрабекнинг ранг-туси сезилар-сезилмас ўзгариб, Мунисага қараб ютинди.

— Қ-қанақа душманлар, Мунисхон?

Шу лаҳзада қизнинг хаёлидан яна бир фикр ўтди: балки йигит яхшидир, тўй кечасида мени Ҳаловат гилламчининг душманлари ўлдириш қасдида юргандир? Уни назардан қочирибман-ку!

«Йўқ, буларнинг душманлари эмас, ўзимнинг душманам — касалхонадаги ўша қотил пайт пойлаяпти, — деб ўйлади яна у. — Ҳаммасини милицияга сўзлаб беришим керак...»

— Қанақа душманлар? Саволимга жавоб бермадингиз, Мунисхон.

Қиз оний хаёллардан янада карахт бўлиб, ҳоргинлик туйди.

— Касалхонадаги воқеадан сўнг ҳар нарсадан чўчийдиган бўлиб қолганман, — деди у. — Тушимга ўша қотилга ўхшаш одам киргани кирган.

— Касалхонадаги қотилликдан қаттиқ кўрққан бўлсангиз, у тушингизга кириб чиққандир-да!

— Йўқ, унчалик аҳамият бермаяпсиз. Қотилни тушимда қотилликдан аввал кўргандим. Одам ўлдиришга гувоҳ бўп қолиш қандай ёмон, ҳеч кимнинг бошига тушмасин... Бир тасаввур қилинг.

— Худди кинодагидекми? — ҳазилга йўйиб кулимсиради Жўрабек.

Муниса ич-ичидан хафа бўлиб кетди. Совчи қўяётган бу йигитдан нечоғлик хафа бўлишга ҳаққи борлиги ҳақида дарров ўйлаб кўраркан, туйқус ўзидан ҳам шубҳаланди: ваҳимакаш бўлиб қолганман! Бунда не айб?

— Ташвишланманг, ўнта тугул йигирмата бўлиб келмайдими! Қайси йигит ёрини бериб қўяди?! — деди Жўрабек

— Қўйинг-э, келмасин...

— «Душманлари борми? Мени ўзи ким ўғирлайди?..» Ҳали шулардан бошқасини ўйламай юрган экансиз-да?

— Шунақа қизман, нима қилай? Ўзимни бошқача қилиб кўрсатолмайман. Бир оёғим кичкиналигимдан бери сал оқсайди...

— Энди оёққа ўтди! Ким сизни камситаяпти, Мунисхон? Ҳар нимани ўзингизга олаверманг. Мен ҳаётда сиздан ўн баравар кўп эзилганман. Агар ота-онам автоҳалокатга учрамаганида, шундай азиятларни кўрмасдим, сарсон-саргардонликда яшамасдим. Мана, Худога шукр, ҳаётимни қайтадан бошлаяпман. Тошкентга энди бормайман.

Мени «болалар уйи»га топшириб, уйига сиғдирмаган шу қариндошлардан умрбод воз кечмоқчи, бу ерларни унутмоқчи эдим. Лекин аммам «кел, Жўрабек, акамдан қолган уйнинг чироғини ўзинг ёқ, сени уйлантирайлик, қиз ҳам топдим», деганида, кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Одамлардек оилам даврасида, ўз ҳовли-жойимда яшашни шунчалар истадимки, сўз билан таърифлаб беролмайман. Мунисхон, сиз ҳақингизда эшитган заҳотим рози бўлдим. Тагин бу йигитнинг юраги кесак экан, деманг. Сиз орзуимдаги қиз бўлиб чиқишингизни кўнглим сизди. Аммам сизни узоқдан кўрсатганди...

Муниса ялт этиб қаради, Жўрабек ҳам ўгирилди.

— М-мени... қаерда кўрсатдилар? — қизнинг кўзлари порлади.

Жўрабек:

— Шунақа қизсиз-да! — деди. — Сизни кузатишади, бир-бирларига кўрсатишади, пойлашади. Сиз эса ваҳимага тушасиз. Хуллас, аммам сизни кўрсатганда, юрагим ёмон жизиллади...

— Ёлғонламанг, — уятдан лов-лов ёнаётган қиз бошини қўтаролмай гапирди.

— Аввал ҳеч кимни севмаганман. Менга шунчалар ёққансизки... Боя ҳам кўз олдим тиниб кетди, ўлай

агар. Демак, менда бу ўзгаришлар бежиз содир бўлмаяпти... Мунисхон, муҳаббат деганлари шу бўлса-чи? Уйга борганимда жиянларим “янгамиз яхши эканларми?” десалар, бир бошқача бўлиб кетаман.

— Ростдан ҳам шу ёшгача ҳеч севмаганмисиз?

— ...севмаганман. Яқин-яқин кунларгача севишиш, оила қуриш ҳақида ўйлаб эмас, нега ҳаётим заҳар-заққумга тўлди, гуноҳим нима, деб йиглаб яшаганман.

Жўрабек бирдан жимиб қолди. Муниса ҳам нимани гапиришни билмасди. Иккиси ҳам бир-бирига айтган гаплари учун виждонан қийналаётганга ўхшардилар.

— Мен сиз билан бахтли бўлишимга ишонаман, — деди Жўрабек ва қизнинг ўнг қўли устига кафтини қўйди.

Қиз қўлини илкис тортиб олмоққа уриндию, бир чўчигани қолди. Йигит киши билан у умрида биринчи бор бунчалик яқин гаплашаётгани учун уяларди, қизларга хос ҳуркаклик ила қўрқарди.

Учрашув сўнгида Жўрабек совчилардан гап очди...

* * *

Совчилар келишини пойлаб турган эканми, Мунисаларнинг дарвозаси тагига ҳаял ўтмай милиция машинаси тўхтади. Улар Ҳаловат гиламфурушнинг «Жигули»сига маъноли қараб қўйишгач, дарвоза қоқдилар. Янглиш холанинг эсхонаси чиқиб кетаёзди.

— Худо уриб, шу вақти келадими булар?! — паст овозда қарганиб уйидан чиқди Янглиш хола.

Аввалроқ эшикни очиб, орган ходимларини ичкарига таклиф қилган Мунисанинг дадаси ҳаллослаб келаётган хотинининг вазоҳатига қарадию, чеккан носининг ҳам кайфини унутди. «Оббо, мелиса келганигаям энди мен айбдор», деб ўйлади у.

— Ҳай, ҳай, укажонлар, тинчликми? — Янглиш

хола кела солиб терговчини саволга тутди. — Бошқа безовта қилмаймиз, дегандингиз?! Айтиб қўяй, уйда нозик меҳмонларим бор: совчилар! Агар айниб-нетиб қолишса, катталарингга бораман. Шикоят қилишни биз ҳам биламиз.

— Хотинингизга айтинг, — деди терговчи Муни-санинг дадасига, — оғзини ёпиб, бир четда ўтирсин. Иложи бўлса, умуман кўринмасин бизга. Қани, қизингиз? Чақиринг, бўлимда гаплашадиган гап бор.

— Ҳой, командир ука, — Янглиш хола яна бидилла-ди, — ҳаддингиздан ошманг...

— Келадими, йўқми? — терговчининг қони қочди.

Мунисанинг дадаси уйи томон шошган эди, Янг-лиш хола ҳам эргашди.

— Энди нима деймиз, дадаси, шу ерда, девордан пана жойда гаплашиб қўя қолса-чи? Боринг, тушун-тиринг, Мунисани ўзим олиб чиқаман. Органда қи-зимга пишириб қўйибдими?

Барча гапни ошхонадан эшитиб турган Муниса ҳов-лига чиқди. Совчилар ичкари хонада ўтирган бўлса-лар-да, қиз тортиниб-қимтиниб паналаб турганди.

— Ассалом, — деди қиз майин ва уятчан овозда.

— Синглим, — деди терговчи. — Тўй арафасида сиз-ниям кўп безовта қилдик-да. Бу ерда турсак, совчила-рингиз деразадан мўралаб қолишса, ёмон хаёлга бори-шади. Дарвоза олдига борайлик. Сиз, хола, — терговчи Мунисанинг аясига ўқрайди, — бориб совчиларни ал-даб туринг, хўпми? Боринг, боринг, қизингизни оп-кетмаймиз. Ўзиям, ичингизда айтмаган қаргишингиз қолмади-ёв... Мунисахон, сизга битта сурат кўрсата-ман, шошилмасдан, диққат билан қаранг.

Терговчи йигит папкасидан олган суратда ёши эл-ликларга борган, турқи-тароватида инсонийлик ало-матлари сезилмайдиган калбош одам тикилиб турарди.

Бир неча дақиқадан сўнг терговчи сўради:

— Танидингизми бу одамни?

Муниса уни илк марта кўриб туриши эди, бироқ қаеридир таниш эди, қаердадир кўрган.

Яна тушини эслади, кейин касалхонадаги қотилни ва дарвоза эшигини тепган мастни. Буларга қўшилиб яна икки кимса ҳам хаёлида гавдаланди: Муниса сўнгги икки шахсни кўрмаган, дугонаси Эланора тасвирлаб бергану, миясига михланган. Бири Эланорани мактаб чоғи севган Рустам, иккинчиси Тошкентда уни бахтиқаро қилиб ташлаб қочган Альберт.

Кейинги кунларда пайдо бўлган шу беш қиёфа фотосуратда тикилиб турган одамга ҳар жиҳатдан богликдек туюлди Мунисага. Аммо касалхонада айнан фотосуратдаги кишини кўрмаган эди-да. Қандай тухмат қила олади унга?

— Бошқа жойда ҳам кўрмаганмисиз? — умидворлигини сездириб сўради терговчи. — Масалан, ортингиздан кузатаётганини ёки соат сўрагандир?

— Мен...мен кўрмаганман, — деди Муниса.

Дадаси яқинроқ келган эди, терговчи унга ҳам расмни узатди.

— Балки ўша куни бу одамни йўл четидами, касалхона ҳовлисидами сиз кўргандирсиз?

— Й-йўғ-э, — кўрқиб кетди Мунисанинг дадаси, — кўзимга дўхтирдан бошқа ҳеч ким кўринмади. Бари оқ халатда, к-кўк халатда...

Тўсатдан Муниса мудҳиш кечадаги қотилнинг кўйлагини эслагандек бўлди. Ё дадаси кўк халат деганига шундай туюлаяптими? Ҳа, қўшни бўлмага орқа эшикдан кирган қотил қора кўйлақда эмас, касалхонанинг кўк кўйлагига эди: жарроҳлар киядиган.

— Эсладим, — дедию Муниса юзини тўсиб олди. — Кўйлагини эсладим, у врач кийимида эди, кўк кўйлақ...

— Ўтган сафар қора дегандингиз?.. Майли, юз тузилиши-чи? Манави расмдаги одам эмасмиди? Балки бошқа суратлардан танирсиз? — терговчи типирчилаб қолди. — Биз фоторобот тайёрлашимиз керак, соқол ва кўк кўйлақдан ташқари турли белгиларни кўрсатамиз, эсингизга тушар?

— Кўрқаман, — дея Муниса ортига тисарилди.

— Ана, дадангиз ҳам боради. Келиб-келиб тинчлик посбонларидан кўрқасизми, синглим?

— Йўқ, кўнглим сезаяпти, ўша қотил мени пойла-япти, тушларимга кираяпти.

Мунисанинг дадаси терговчига яқинлашиб, пичирлаган кўйи алланималарни сўзлаб берди. Терговчи бошини маъноли лиқиллатди-да, Мунисага қаттиқ тикилди.

— Дарров опкеп қўямиз, машинага чиқинглар.

Совчи келган ҳаяжонли дақиқаларда терговхонада ўтирган Муниса бўлажак тўйи ҳақида беихтиёр ўйлаётган чоғ, ходимлар қўшни хонадан қайтиб чиқишди. Терговчи йигит Мунисанинг дадасига қотилнинг кўпайтирилган тахминий фотоқийёфасини кўрсатар экан:

— Уни қизингизнинг тўйигача албатта топамиз, — деди. — Сизга ва Мунисага каттакон раҳмат. Ўлим билан олишиб ётган бечора аёлни ўлдирган ёвузни топмасдан қўймаймиз.

— Кечирасиз, бир савол сўрасам бўладими? — эшик олдида журъат этди Мунисанинг дадаси.

— Энди бизни безовта қилмайсизми, демасангиз бас, — жилмайди терговчи.

— Қизимга эътибор қаратгунча, ўша ўлган аёлнинг эрини, таниш-билишларини текшириш афзал эмасми? — деди таксичи ота.

Терговчи хўрсиниққа ўхшаш чуқур уф тортди-да, Мунисанинг дадасига қўл узатди.

— Фақат шу билан иш битса қанийди. Ҳеч ким билмайди ким ўлдирган, нима сабабдан. Биттагина гувоҳ бор, уям бўлса қизингиз. Ниҳоятда ичидан пишган, аввал ҳам қотиллик қилган одам эканлиги сезилиб турибди. Хўп, хайр.

Бир оздан сўнг терговчи Мунисанинг дадасини тўхтатиб, секингина деди:

— Қизингизнинг шубҳа-гумонларида жон бор. Кўчага ёлғиз чиқмасин, уйда ёлғиз қолмасин. Бироқ ваҳима қилмасдан хотиржам юраверинглар. Биз ҳам ҳаракат қиламиз, албаттга.

Ота ва қизи уйларига қайтишганда, совчилар кетганига бирровгина бўлган экан.

— Ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим мелисанинг дастидан, — койинди Янглиш хола. — Совчилар отаси қани, деб сўрашса, нима дейишимни билмадим, изза бўлиб қолавердим. Эркак бўлиб мундо-оқ мелиса билан гаплашолмайсиз ҳам. Ука, уч-тўрт соатда ўзимиз борамиз, деб вазиятни тушунтирсангиз, еб қўядими?

— Э, органнинг совчи билан нима иши бор?! Қизиқ экансан, совчилар тугул жаноза бўлаётган жойдан мурдани олиб кетиб қолиши мумкин, экспертиза-пекспертиза, деб!

Камдан-кам аччиги чиқадиган эрига Янглиш хола ажабланиб қаради. Кейин қизига ичкарига киришни буюриб, эрига яқин борди.

— Шанба куни фотиҳа тўйи.

Бу гапдан Мунисанинг дадаси негадир чўчиб тушди.

* * *

Муниса ва онаси ишга бирга боришди. Тўй учун матолар, турли либослар харид қилиш учун бозор айланишни эса эртасига қолдиришди.

Бугун дугонасининг бўш вақти борлигини сезган-

дек, Эланора мольберт ва портрет кўтариб, дўконга кириб келаркан:

— Сезгиларим алдамас экан, билгандим Мунисанинг шу ердалигини, — деди.

— Ҳеч тиниб-тинчимайсан-да, — Янглиш хола қизининг ўртоғини очиқ чеҳра билан кутиб олди. — Дугонангни ҳам куёвга бердик, ўша айтган одамимизга.

— Жўрабекками? Табриклайман. Танимасам-да, эшитдим, жуда яхши бола. Мунис, бахтли бўл, ҳа энди... бизларга ҳам юқсин!

— Илойим, сенинг тўйинг ҳам яқинда бўлсин. Одамларнинг кўзини яшнатадиган келинчак бўлиб юринглар.

Мунисага шаънига айтилаётган гаплар қанчалик ёқса, шунчалик уяларди ҳам. Дўконга харидор кирдию, баҳонада гапни бурди:

— Расмим битдими, Эланора?

— Ўзимнинг ишимни ўзим мақтаб ўтирсам ярашмайди, — дея рассом қиз портретга ўралган қоғозларни очди. — Кўргин, менимча, гап йўқ.

Муниса хомаки портретига бўёқ берилгач, музейлардаги «шоҳ» суратлардан асло қолишмайдиган санъат асари пайдо бўлганига лол қолиб, аяси томон ўгирди.

— Қаранг, ая!

Харидорлардан чалғиган Янглиш хола:

— И-и, Муниса-ку! — деб юборди. — Эланора, ўзинг чиздингми? Тўйга тўёна бўлибди-да, а?!

— Буни анави расмга алмашаман, — деди Эланора Тиллатепа фотосуратига ишора қилиб. — Тўйга эса тўёнам ўзгача бўлади, кўз кўриб қулоқ эшитмаган.

— Бу эски фотосурат нимага керак? Ҳозир шунақа жойларнинг суратини дўконларга илиб қўйиш Тошкентда урф деса, мен лаққа тушибман-да, — Янглиш

хола гапини ўзи маъқуллаб бош силкиди. — Кейин эътибор қилсам, кўпчилик Россиядан, Хитойдан чиққан манзарали календарларга кўпроқ ишқибоз экан.

— Хола, — сабрсизланди Эланора беихтиёр депсиниб. — Сураткаш йигит ҳақида сўрасам, майна қиласиз. Ростдан ҳам расм эгасини эслолмайсизми?

— Йўқ, афсус. У сенга салкам касбдош-да, шундайми?

— Шундай десаям бўлади, демасаям. Ҳозир гап бундамас. У «Тошкентда урф», деб аниқ айтдимми?

Харидорнинг пулини санаётган Янглиш хола тўхтаб:

— Айтди, Эланора, айтди. Айнан шу гапига роса ишондим, росаям, — деди.

Эланора Мунисага қаради.

— Тошкентда урф, эмиш. Бу ўша! Туманимизга қандайдир алоқаси бор унинг. Топаман! Бозорда кўрганим ҳам у эди, энди заррача шубҳам йўқ, — деб пичирлади.

Муниса дарров Жўрабекни ўйлади. Жўрабек ҳам Тошкентда кўп юрган, Эланорани қон қақшатиб кетган йигит ҳам. Ҳозирда иккиси ҳам шу шаҳарчада. Балки улар бир-бирини танир?

Зум ўтмай бундан-да кўрқинчли хаёл қалбини тешиб ўтди: Эланорани бахтиқаро қилган йигит билан Жўрабек битта одам бўлса-чи?

Қора хаёл таъсирида қулоғига гап кирмай қолди. Дугонаси Тиллатепага бориш ҳақида иккинчи марта огиз очгандагина тушунди.

— Нима?.. У ёққами? — деди чайналиб. — Аям қўймайдилар, ўзимнинг ҳам оёғим тортмаяпти... Лекин...

— Лекин боришинг шарт.

Муниса ним жилмайиб, секингина деди:

— Жўрабек ҳам бормоқчийди.

— Э, ана, танишиб оламан шу баҳонада. Сен эса

оёғим тортмаяпти деб айёрлик қиласан, дугон. Яхшимас, яхшимас!

Шу пайт дўконга Мунисанинг дадаси хуш-хандон қиёфада кириб келиб, ҳамма билан, ҳаттоки, қўғирчоқ сотиб олаётган етти ёт бегоналар билан ҳам ҳол-аҳвол сўрашди.

— Ҳал бўлди, — деди у хотинига. — Ҳожи жуда мард экан, арзон айтди.

Янглиш хола хурсанд бўлса-да, негадир ичидагини сиртига юқтирмай, эрини танқид остига олди:

— Сизга айтмабмидим, у киши микроавтобусларини арзонроқ ижарага беради, деб! Сиз эса ҳали учрашмасдан дод-вой қиласиз! «Жигули»нгиз тўкилиб тушгунча, беш-ўн сўм билан юраверардингиз. Ана энди Самарқанд-Тошкент йўлларида бирингиз икки бўладиган бўлди.

— Таксичиликни ҳозирнинг ўзидаёқ ташладим, — деди Мунисанинг дадаси. — Кечкурун «Хундай»ни олиб келаман, Худо хоҳласа.

— Охирги марта таксичилик қилмайсизми? — даб-дурустдан сўраб қолди Эланора. — Мен Тиллатепа суратини чизиб, «Ўтмишдан қолган тепаликлар» конкурсида иштирок этмоқчи эдим. Мунисага юр, ёлғиз бормай десам, кўнмаяпти. Вақтингиз бўлса, икки соат ажратолмайсизми? Бизлар билан...

— Борай, а? — хотинига қўрқа-писа қаради таксичи. — Нима қипти, буларни бир айлантириб келсам?

— Ҳа, майли, Эланора учун... Кўрдингизми, дадаси, Мунисанинг расмини шундай боплаб чизибдики, қаранг. Кўрсат, Муниса.

Ҳаммалари яна портретга тикилишди, мусаввирни мақташди. Сўнгра Эланоранинг илтимосига биноан, Тиллатепа фотосурати ўрнига Мунисанинг портретини қўйишди.

— Агар бирон киши суратга қизиқиш билдирса, — деди Эланора, — менинг иш жойимнинг манзилини берасиз. Хўпми, холажон?

— Хўп, биз сенинг санъатинггайм, рекламанггайм қойилмиз. Баракалла, қизим.

Мунисанинг дадаси мольбертни кўтариб олди. Бозордан чиқиб, учаласи «Жигули»га ўтиришди ва шаҳарча яқинидаги дала ўртасидаги олислардан кўзга ташланадиган Тиллатепа сари равона бўлишди.

Муниса дадаси бирга эканлигидан димоғи чоғ эди. Бироқ бу хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Жўрабек билан учрашган майдонча ёнидан ўтиб боришаётганларида, ниманидир бўлишолмай бақириб-чақираётган уч кишини кўриб қолди. Кўлларини силтаб-силтаб гапирётган икки эркак йўлга орқа ўтириб турар, фақат биттасининг, яъни улардан дакки эшитаётган йигитнинг юзини кўриш мумкин эди.

Бу йигит Жўрабек эди.

* * *

Тиллатепага қилинган сайр Мунисага татимади. Эсда қолгани шуки, Эланора фурсат топиб, далалар адоғидаги янги қишлоқ четида жойлашган бадавлатларгина қурадиган ҳашатматли оқ уйни кўрсатиб, деди: «Ҳув анави уй Рустам аканики экан, кеча билдим».

Муниса ишонмади. Ахир, яқиндагина уни пиёниста қиёфасида кўрганини айтганди. Наҳотки, шундай ҳовли-жойнинг соҳиби соч-соқоли ўсган, бечораҳол турқи-тароватда юрса?!

Халоват гиламфуруш ҳақиқатан эркакшода эканлигини яна бир бор исботлади. Тиллатепага боришган куни кечқурун Мунисаларникига бостириб кириб келди (Бечора Муниса ундан яширинишга зўрга улгурди).

Мунисанинг дадаси билан қўл бериб кўришар экан:

— Қандайсиз ўзи, «отец герой?» — деди тап тортмай.
— Қизларни бир айлантириб келибсиз-да! Тепаликдан тилла топдиларингми, ишқилиб?

Мунисанинг дадаси нимадир деб мингирлади. Бўлажак куда амма хохолаб кулиб:

— Жонингиз соғ бўлсин, ака, тиллани мана энди топасиз! — деди.

Бу аёл фотиҳа тўйи олдидан ўзаро алланималарни келишиб олиш учун қадам ранжида қилган экан. У кетгач, Муниса йиглади.

— Нега йиглайсан? — койиди Янглиш хола. — Тавба, тўйи бўладиган қиз йиғлармиш, деб эшитганмисан, дейман, бесабаб ҳиқиллайсан?

— Улар яхши одамларга ўхшамаяпти.

— Ким айтди?

— Ўзим сезяпман.

— Гиламчининг вағир-вуғурига юрагинг қинидан чиқиб кетдими? Бас қил, эртага шанба унаштириш тўйи!

Муниса Жўрабек мисоли йигитни орзу қилганди, мана, юлдузи-юлдузига тўғри келяпти, аммо энди бахтдан масрурлик қани? Нима етишмаяпти?

«У шубҳали кимсалар билан тортишаётган эди, — ўйлади Муниса. — У яхши йигит эмас. Аммаси ҳам, аям ҳам билмайди. Жўрабекни ростдан Эланорага кўрсатишим керак...»

Билгандек, Жўрабекнинг ўзи сим қоқиб, шошилинч учрашиш зарурлигини айтди. Муниса умрида илк марта шумлик қилди:

— Ҳозиргина холамнинг қизлари келишди, — деб алдади у, — учрашувга чиқолмайман. Эртага вақтингиз бўлса, дугонам билан бораман.

— Рассом дугонангизми?

— Ҳа, Театр ва рассомчилик институтини тугатган Эланора деган дугонам.

— Эланора?!

Мунисанинг назарида Жўрабек Эланора исмини эшитиб, гўшакни ташлаб юборгандек туюлди.

— Сизга нима бўлди? Алло... Жимиб қолдингиз?

— Гапимни пойлашаётган экан... жиянларим... Улар жуда шўх-да, Муниса. Узр, нима деяётгандингиз?

— Бугун эмас, эртага Эланора деган дугонам билан чиқаман. Майлими бирга чиқсам?

— Бемалол, сиз нима деб ўйловдингиз? Дугонангиз ёнингизда бўлса, гапларимиз қовушар балки. Душманлар, одам ўгирлашлар ҳақида гапирмасдингиз.

Бўлажак келин-куёвлар зўрма-зўраки кулишди. Кейин учрашув жойи ва вақтини белгилашиб, хайрлашдилар.

Муниса шу заҳоти Эланорага қўнгироқ қилди.

— Нима? — деди Эланора уйқусираган овозда. — Учрашув?.. Хўп.

Шундай сўнг Муниса нималар қилиш, нималар гапириш ҳақида ўйлай бошлади. Алламаҳалда онаси кириб:

— Эртага учрашувинглар бор экан-а? — деди. — Куёвга фақат косметикалар олдирма. Никоҳ узуги, тилла занжир, «швецкий» пальтолар ҳам эсдан чиқмасин. Ҳозир гиламчи телефон қилиб айтдики, унаштириш тўйига келадиган ана шунақа кийимларни келин ўзи танласин...

Муниса Янглиш холанинг буюмлару тақинчоқлар хусусида тинмай жаврашларидан аллазамонлардан бери безор эди. Ҳозир ҳам зўрга тоқат қилди.

* * *

Бозор иморатлари ниҳоясидаги чорраҳада Мунисани башанг кийинган Жўрабек кутиб олди. Улар суҳбатлашиб турганларида, Мунисанинг мактабдош та-

нишлари рўзгор халталарини кўтариб ўтиб қолишди. Ишонқирамай, ортларига қараб-қараб қўйишди. Атай қилгандек, синфдошларидан бири одми кийинган, тушкун кайфиятдаги ароқхўр эри билан ўта бошлади. Бу жувоннинг «Мунисага қайси соғ йигит уйланди? Ўзига ўхшаган чўлоқ ёки кўр-пўр олмаса, эрсиз ўтади» дея иғво қилганини эшитганди; бахилликдан ранги қизариб-бўзариб тезроқ чорраҳадан узоқлашиш пайига тушиб қолди.

— Ё Оллоҳ, — деди Жўрабек чуқур хўрсиниб, бир вақтлар шу кўчадан мени ота-онам етаклаб ўтишган-а! Мана, энди мен кап-катта йигитман, насиб қилса, оила қураяпман. Умр оқиб кетавераркан, Мунисхон. Одам боласи билиб-билмай қанча хатоларга йўл қўяди, гуноҳларга ботади. Охирги вақтлари фақат шулар ҳақида ўйлайман. Худо гуноҳларимни кечирса, яхши яшаб, бахтли бўлиб, орзуларимни ушатсам... Мунис, сизда ҳеч қанақа гуноҳ бўлмаса керак? Нурдай пок-сиз! Қанийди мен ёмонлик қилган инсон ҳозир қаршимдан чиқсайди, оёқларига ётиб кечирим сўрардим. Чунки сиз билан ҳозир шунчалар хурсандман, юрагим шунчалар тоза, ҳеч бунақа бўлмаган.

— Тиллатепага кетаётиб сизни биз учрашган болалар майдончасида кўрдим, — деди Муниса. — Олдин-гиздаги икки эркак кимлар эди?

— Биз учрашган болалар майдончасими? Бу анави томондами, бекат орқасида? — Жўрабек Мунисага ҳайрон бўлиб тикилди.

— Ҳа, улар сизга қаттиқ-қаттиқ гапиришаётганди.

— Хўш, нималар деб?

— Биз таксида эдик, дадамнинг машинасида.

— Туш кўрмадингизми мабодо? — соатига қаради Жўрабек. — Мен у ёқда нима қиламан? Мана, соат тўққиздан ҳам ўтаяпти. Элмираддан дарак йўқ.

— Элмира эмас, Эланора, — деди Муниса Жўрабекнинг ўзини бепарво ва ёлғончиларга ўхшаб тутаётганидан хафа бўлиб. — Ростдан сиз эмасмидингиз?

— Нега алдайман сизни? Кўзингизга мен бўлиб кўринганман, буни тушуниш мумкин. Хўп, бас бойлашиб тураверамизми? Эланора келмаса келмасин, ўзимиз кетаверамиз.

— Йўқ, уйига борамиз, — деди Муниса.

Жўрабек такси тўхтатди. Улар рассом қизнинг маҳалласига жўнар эканлар, галати бўлиб қолган йигитга ўгринча кўз ташлаган қиз алланималарни пайқади: Жўрабек нимадандир ташвиш чекаяпти, асабий ўйнаётган бармоқлари ҳам айтиб турибди. «Агар Эланорани зор йиғлатган йигит — сураткаш Альберт шу бўлиб чиқса, юзига туфлайман, — ўйлади Муниса. — Уйга қайтиб бормайман, холамларникига кетаман. Нега мени пуллашмоқчи? Ҳа, аям билан Ҳаловат гиламфуруш ўртасида битим бор. Яхши ниятда бизни унаштиришмаяпти, мақсад — пул, мақсад — ҳовли. Мен ҳам, Жўрабек ҳам ёлғиз фарзандлармиз. Эҳтимол, аям икки ҳовлини ҳам ўзига олмоқчидир. Ҳаловат гиламфуруш-чи? Албатта, у ҳам».

Машина дарвоза ёнида тўхтагач, Муниса Жўрабекка илтимос қилди:

— Дугонамни сиз чақириб чиқсангиз.

Жўрабек дарвозага истар-истамас яқинлашди ва кўнгироқ тугмасини босди. Ҳаял ўтмай Эланоранинг аяси эшик очди. Жўрабекнинг гапини тинглаб, сўнгра таксига синчиклаб қаради, Мунисани таниб, имлаб чақирди.

— Уйида йўқ экан, — деди таксига қайтаётган Жўрабек.

Эланоранинг аяси шоша-пиша ҳол-аҳвол сўрашиб, лаб бурди.

- Бахтли бўл, қизим... Бу йигит менга жуда таниш!
да! Қаерда кўрган эканман?
— Бозорда аммасининг ёнида туради, гилам сотади.
— Балким... Тўғри-тўғри.
— Эланора ҳеч қаёққа кетмоқчи эмасди-ку?
— Билмасам, эрталаб бир йигит телефон қилувди.
рассомчилик бўйича иш чиқиб қолди, деб шошиб жўнаб кетди. «Маданият уйи»га кетганми?

Муниса ним жилмайиб қўйди. Эланорага узрини етказиб қўйишини тайинлаб, таксига ўтирди.

Бу шаҳарчада бир одат бор эди: тўй олдидан бўлажак келин-кўёвлар катта шаҳарга айланишга чиқарди. Айланиш баҳона келинчакка атир-упалар, кийим-кечаклар, нозик совгалар олинарди. Истироҳат боғи, ресторан ва албатта суратхона мазкур саёҳат режасига киритиларди.

Ўша куни кечгача шаҳар айланган икки ёш ўзлари яшайдиган туман марказига тўлиб-тошиб қайтишди.

Хайрлашаётиб Муниса бирга тушган суратларини сўради. Жўрабек ёнидан олиб узатаркан:

— Менда тура турсин, — деди бирдан. — Сурат ёмон чиқди, уйдагиларингиз кулади, Мунис.

— Йўқ, — ўжарлик қилди қиз. — Дадам билан аямга эмас, дугонамга кўрсатаман.

Жўрабек норози бош чайқади.

— Фақат дугонам, дугонам дейсиз. Айтган вақтида уйида ўтирмайдию...

* * *

Нон синдириш ва никоҳ маросимлари оралигида икки ҳафта ҳам вақт ўтмаслиги Мунисага эриш туюлди. Шунча ёшгача ота уйида яшаган бўлса-да, жуда тез ва эрта кетаётгандек эди. Кўнгли бўшаб, кўзига ёш қуйилди.

— Бахтли бўл, қизим... Бу йигит менга жуда таниш-да! Қаерда кўрган эканман?

— Бозорда аммасининг ёнида туради, гилам сотади.

— Балким... Тўғри-тўғри.

— Эланора ҳеч қаёққа кетмоқчи эмасди-ку?

— Билмасам, эрталаб бир йигит телефон қилувди, рассомчилик бўйича иш чиқиб қолди, деб шошиб жўнаб кетди. «Маданият уйи»га кетганми?

Муниса ним жилмайиб қўйди. Эланорага узрини етказиб қўйишини тайинлаб, таксига ўтирди.

Бу шаҳарчада бир одат бор эди: тўй олдидан бўлажак келин-куёвлар катта шаҳарга айланишга чиқарди. Айланиш баҳона келинчакка атир-упалар, кийим-кечаклар, нозик совғалар олинарди. Истироҳат боғи, ресторан ва албатта суратхона мазкур саёҳат режасига киритиларди.

Ўша куни кечгача шаҳар айланган икки ёш ўзлари яшайдиган туман марказига тўлиб-тошиб қайтишди.

Хайрлашаётиб Муниса бирга тушган суратларини сўради. Жўрабек ёнидан олиб узатаркан:

— Менда тура турсин, — деди бирдан. — Сурат ёмон чиқди, уйдагиларингиз кулади, Мунис.

— Йўқ, — ўжарлик қилди қиз. — Дадам билан аямга эмас, дугонамга кўрсатаман.

Жўрабек норози бош чайқади.

— Фақат дугонам, дугонам дейсиз. Айтган вақтида уйида ўтирмайдию...

* * *

Нон синдириш ва никоҳ маросимлари оралигида икки ҳафта ҳам вақт ўтмаслиги Мунисага эриш туюлди. Шунча ёшгача ота уйида яшаган бўлса-да, жуда тез ва эрта кетаётгандек эди. Кўнгли бўшаб, кўзига ёш қуйилди.

Тўсатдан барчаси унга бахтли ҳаёт воқеалари бўлиб кўрина бошлади. Ҳатто, касалхонадаги қотиллик ҳам. Зеро, қотил адашмай-нетмай ўша жувонни ўлдирибди, мабодо ароқ ёхуд наша таъсирида адашиб, Мунисани сўйиб кетганида нима бўларди? Бечора марҳумага қанчалик ичи ачишмасин, «уни деб мени ўлдириб юбориши ҳам мумкин эди», деган худбиниона ўй қизнинг қалб қасрида кезиниб юарди.

Янглиш хола вақт топиб, Мамасаид ақаникига борди ва куёви кўча эшик илгагини синдириб, ҳовлига бостириб кирганини, қизларни кўрқитганини айтиб, гап билан савалади. Эсонгул ҳам уйда экан, Янглиш хола уни сал кам урмоқчи бўлди. Муниса ўша маст кимса ҳеч қандай қотилга алоқаси йўқ, асли тутуриқсиз бир пиёниста эканлигидан бохабар бўлгач, янада хуш-хандон бўла бошлади. Демак, уни ҳеч ким кузатмаяпти! Тўй кечасида ўғирлаб кетиш деган гаплар қуруқ ваҳима! Шу кунларгача қайси келинчакни илк никоҳ оқшомида чимилдиқдан ўғирлаб кетишибдию, келиб-келиб оддийгина Мунисани ўғирлашса?!

Фотиҳа тўй ўзгача хурсандчилик билан бошланганига ҳам Мунисанинг кайфияти ҳиссадор эди. Қизигаги ўзгаришларни пайқаган Янглиш хола «Хундай»ни ҳовли четига олаётган эрига яқин бориб:

— Нимасини айтасиз, дадаси, Муниса куёв билан шаҳар айланиб келди-ю, ўзгарди. Куёв ёқдими дейман, жа хурсанд, хонасида хиргойи ҳам қилаяпти, — деди.

Мунисанинг дадаси ноўнгай ҳолга тушиб, хотинидан кўзларини олиб қочди. У қизи ҳақида ким гапиришидан қатъи назар, дарҳол қизариб кетарди.

Тез орада қудалар келишди. Кўни-қўшнилари ҳам фотиҳа тўйига чиқишди. Бир четдаги хонада Муниса суратларга тикилар, Жўрабекдан кўз узолмас, тўйи ҳақида касалхонага тушмасдан аввалги ширин орзуларига ҳамоҳанг хаёл сурарди.

Даҳлиздан Эланоранинг овози эшитилди. Муниса расмларини тахмонга яшириб, эшикка шошилди. Иккови бўсағада ўпишиб кўришдилар, шўх Эланора Мунисанинг белидан тутиб, кўтарди ҳам.

— Вой, қўйсанг-чи, дугон, — типирчилади Муниса, — операциям яхши битмаган.

— Бекор айтибсан! — Эланора дугонасининг қўлларидан тутиб давра айланди. — Биқиндаги жароҳат билан чимилдиққа киргизишмайди. Қалайсан? Шаҳарга саёҳат менсиз татимадими?

— Татимади. Очигини айтсам, ёлгончи экансан. Биз уйларинггача борибмиз-а! Қочиб кетаман десанг уришармидик?

— Оҳо, «уришармидик» эмиш. Дарров эргинангни қўшиб гапирадиган бўлиб қолибсанми?

— Эланора, аянг сени бир йигит чақирганини айтди, мени мазах қилмай қўя қол. Ким эди у? Тагин анави... — Мунисанинг Альберт дейишга тили бормади. — ...яна ким билади дейсан? Ким эди? Иш юзасиданми ишқилиб?

— Биламан, нима демоқчилигингни, Мунис, энди уларни ушлаб бўлмайди... Айтгандай, куёвтўранг аямнинг кўзига иссиқ кўринибди. Суратга тушдингларми? Балки менинг кўзимга ҳам иссиқ кўринар. Бер суратни, кўрай!

— Ўзи сенга кўрсатмоқчи эдим, — деди Муниса ва тахмон орасидан суратларни олди.

Эланора суратга жилмайиб боқди. Туйқус жилмайиш ғойиб бўлиб, ўрнини тундлик эгаллади. Чуқр ух тортди-да:

— Қандай бахтлисан, дугонажон, — деб Мунисани кучоқлади.

— Кўзингга иссиқ кўринди-я?

— Йўқ, биринчи кўришим. Истараси иссиқ, ўктам йигит экан. Кутмагандим. Бахтли бўл.

Охирги жумлани айтаётиб, рассом қизнинг ияги сезиларли даражада қалтираб кетди.

— Мен Тошкентда ўқиган бўлсам-да, туманимизда яшайдиган йигитга турмушга чиқадиганга ўхшайман. Сен эса тескарисси: пойтахтда ўсган йигитга ёр бўлаясан, — деди у.

— Эланора, ростини айт, Жўрабек яхши йигитми?

— Унинг суратини кўрдим, холос. Ҳеч сездингми, ичадими, чекадими?

— Унақа одатлари йўқ, — деди Муниса.

Эланора бир лаҳза хаёлга толди. Сўнгра фотиҳаланаётган қизни ҳайрону лол қолдириб, ўзига ўзи гапирётгандек:

— Уйга қайтсам, портретни тугатсам, — деди.

— Нима? Кетмоқчимисан? Ҳозиргина келдинг-ку.

— Эрталаб бежиз чақиришмади, Мунис. Шошилиш учун беришди, бормасам бўлмайди.

— Кетмоқчи эмасдинг, нима жин урди сени?

Аммо Эланорани на Муниса, на Янглиш хола тўхатиб қололди. У уйига жўнаб кетган кўйи дугонасининг никоҳ тўйида ҳам қорасини кўрсатмади.

Айтишларича, Тошкентга, «Ўтмишдан қолган тепаликлар» конкурсига иштирок этиш учун кетганмиш.

— Мени унутдими, мен ҳам унутаман, — деди Муниса ишонган дугонасининг бу қилигидан ранжиб.

* * *

Ҳаш-паш дегунча тўй куни ҳам етиб келди. Муниса салондан қайтганида, қиз-жувонлар унинг эртакларидаги маликалардек соҳибжамол келинчакка айланганини тан олишди. Ҳар қандай қиз ҳам келинчак либосида бунчалар ўзгармас, бунчалар ибo ва хуркаклик ила наззора айлолмас эди.

Тўй карвони «Бахт» ресторанига ошиқди. Ҳофизлар

қўшиғию дўсту дугоналар табриги карнайларни ларзага солди.

Муниса барча-барчаси ўнгида содир бўлаётганидан масрур эди. Бироқ тўй оқшоми бир лаҳзада ўтди-кетди. Бир қараса, келин-куёвга жавоб беришибди. Меҳмонлар ҳам сийрак, ҳофизлар чарчаган, машиналар кутишмоқда.

Ресторандан чиққан келин-куёвни мушакбозлик билан яна бир бор қутлашди. Кейин меҳмонлар тўдасини ортда қолдирган Жўрабек ва Муниса ўзлари учун безатилган машинада уйга қайтдилар.

Жўрабекка мерос қолган уй эскича усулда қурилган бўлиб, пастак деразаларига ичкаридан панжара қоқилган эди. Аммо ўз даврининг ҳашаматли ҳовлиси экани сезилиб турарди. Мунисани янгаси чимилдиққа кузатиб келаркан:

— Ана энди ҳайҳотдай жойда куёв билан ошингизни ошаб, ёшингизни яшаб, рўзгорингизни гуллатасиз, — деб ҳазиллашди. — Бунинг учун бугунги «имтиҳон»дан инжиқлик қилмасдан ўтиб олинг, келишдикми?

Тун ярмида келин-куёвни ёлғиз қолдиришди. Жўрабек деворга қоқилган гиламга суяниб ўтиргач, Мунисага тикилди.

— Мунис, — деди эркаловчи оҳангда, — мана тўйимиз ҳам ўтди. Худо хоҳласа, бахтли ҳаёт кечирамиз, ҳеч нарсадан камимиз бўлмайди...Сиздан узр сўрамоқчиман...

Муниса «нега?» демоқчи бўлиб саволомуз боқди. У ўзига ярашган бежирим адрас кўйлак кийиб олган, бошидаги зардўпписи ҳам чиройига чирой қўшар эди.

— Мен бир куни Тошкентдан келаётиб купеда бир одам билан ёнма-ён ўтириб қолдим. У учига чиққан қиморбоз экан, топган барча пуллари ҳаром, Муниса, тушуняпсизми? Ўзимни оқламоқчимасман, лекин

у ёмон одам эди. Кўзи илинган маҳал сумкасини олдим, тамбурга югурдим, эшикни очдим ва сумка билан пастга сакрадим. Поезд шитоб-ла кетаётган эди. Нега жонимни хатарга қўйиб бировнинг сумкасини ўғирлаб, поезддан сакрадим, тушунолмайман, Муниса. Сумкада қирқ миллион сўм бор экан. Тўрдап уч қисмини йўқ қилиб юбордим. Ўғри ва маишатпараст деб ўйламанг. Тавба қилганимни, яхши йўлга кирганимни биласиз-ку! Мени кечиради деб шу гапларни гапираяпман, яширсам ҳам бўларди-ку! Йўқ, яширолмайман, чунки сизни яхши кўраман... Мунис, энг ёмони шу бўлдики, мен аммамникида яшай бошлаб, бозорда гилам сотаётганимда ўша кимсани учратдим. Нега йиғлаяпсиз, Муниса? Наҳотки, ёмон бола экан деб куйяпсиз? Мени кечиринг... Хуллас, ўша ҳамшаҳримнинг сумкасини ўғирлаган бўлиб чиқдим. У нима деди, Мунис, қулоқ солинг, у... пулимни икки баравар қилиб қайтарасан, деди. Шу кеча муддат тугайди. Сиз кўрқманг, улар келса ўзим гаплашаман. Милиция ҳам менга ён босади, сабаби улар гиёҳфуруш, қиморбоз, қотил... Ҳа, улар қотил! Бир гапидан сездимки, фоизга пул олиб, ўз вақтида тўламаган аёлни ўлдириб юборишган экан. Сиз касалхонада худди шу одамни ёки ҳайвондан баттар акасини кўргансиз. Фиди-биди қилса, милицияга тутиб бераман, сиз қотилликка ягона гувоҳсиз!.. Муниса, йиғламанг...

Жўрабек ёрига яқин сурилиб, елкасидан қучди. Илк бўсасини ҳадя этмоқ умидида ёногига лаб босмоқчи эди ҳамки, дераза оҳиста тақиллади. Муниса санчиб тушди ва ўзини куёв панасига олди. Мудҳиш туши ўнгидан келадигандек дир-дир қалтираб, деди:

— Энди нима қиламиз?.. Уйда катталар ҳам борми?.. Кўрқаяпман...

— Ким у? — деди Жўрабек дераза пардасини суриб.

— Сан баққа чиқ-да, гап бор, — деган овоз эшитилди.

Шу гапнинг ўзиёқ Мунисанинг жонини олиб қўяёзди. Жўрабек эса жаҳл билан эшикка отилганди, келинчак «борманг!» деб ёлворди. Чироқлар ёнди, эшиклар тарс-турс очилиб ёпди. Ёлғиз қолган келинчакнинг ҳузурига янгаси кириб келди.

— Уйда бошқа эркаклар ҳам борми? — сўради Муниса йиғлаб.

— Нима гап? Куёв нега чиқиб кетди?

— Катталарни уйғотинг... — изиллади Муниса. — Ўлдириб қўйишади! Улар ёмон одамлар!

— Кимлар? Тушунмадим... Уйда куёвнинг момоси, учта болакай бор, неваралари бўлса керак... Вой тавба-ей, нима қилдик-а? Эркаклар Ҳаловат опаникида эди-я! Мен чақириб кела қолай.

— Йўқ! — янгасига ёпишди Муниса. — Кетманг!

— Уйдан чиқмай ўтиринг, қўрқманг, келинчакнинг уйига киришмайди. Ичкаридан қулфланг.

Янга уйдагиларни уйғотиб, ҳар эҳтимолга қарши таёқ олиб, кўчага чиқди. Тунги кўчалар кимсасиз эди. У Ҳаловат гиламфурушнинг уйига чошиб кетди.

Кампир эшик қоқса-да, Муниса очмади.

— Момо, мен яхшиман... Сиз ётаверинг. Майли янгамнинг ўрнида ёта қолинг.

Даҳшатли дақиқлар бирма-бир ўтар, куёвдан дарак йўқ эди. Олисдан бақир-чақир эшитилгандек туюлди. Муниса юрак ҳовучлаб, ўтириб қоларкан, телефон йўқлигидан эзилди.

Балки момо қўшнилари уйғотиб, мелиса чақира олар?..

Эшик гурсиллаб кетди. Сўнг Жўрабекнинг овози эшитилди:

— Мунис, эшикни очинг! Тезроқ очсангиз-чи!

Келинчак калитни буради, хонага юзига қон сачраган куёв кириб келди.

— У билан муштлашиб қолдим, — деди Жўрабек. — Уриб, афтини буздим. Йўл четида хушидан кетиб ётибди. Мунис, зарур нарсаларингизни олинг, кетамиз.

— Қаёққа?..

— Ҳозир акаси етиб келади, тўппончаси бор уларнинг. Мелиса келгунча отади-кетади. Ҳайвон улар!

Иккови шошилиб кўчага чиқишди, момо ҳайҳайлаб қолаверди. Муниса воқеалар тушга айланишини истаб, кўзини бир неча марта очиб-юмди. Бироқ барчаси ўнгида рўй бераётгани ҳақиқат эди.

Шу пайт қоронғиликдан бир кимса чиқиб келди. Тўппонча ва қонга бўялган афт-ангорини кўриб, келин-куёв қотиб қолишди.

— Акам келишини кутмайман, — деди у хириллоқ овозда. — Тўппончам борлигини билмаганмидинг, ит?! Нега у ёқ-бу ёгимни титкилаб кўрмадинг? Гапир, ўғривачча!

— Ҳусан ака, кулоқ солинг...

— Ўчир! Ҳозир машинага ўтириб, акамникига борамиз. Мени қандай урган бўлсанг, сениям шундай урамиз. Хотинчанг билан уч кун меҳмон бўласан. Пул ахтарасан, фоизидан кечдим, менга ўғирлаган пуллариمنى қайтарсанг бас. Уқдингми, ярамас?! То пул топиб келгунингча хотининг ихтиёримизда бўлади. Фоиздан кечганимнинг сабаби ҳам шу.

— Нима деяпсан?! Мен сени... — Жўрабек Ҳусанга ташланмоқчи эди, Муниса додлаб унга осилди. Ҳусан отсамми-отмасамми дегандек тишларини ғижирлатиб тараддудланди.

— Шартим ўтмадими? — деди у тўппончасини маҳкамроқ ушлаб. — Унда икковинг ҳам ўласан! Биринчи кечада биргаликда жаҳаннамга кетасан!

Агар йўлак бўйлаб бир одамнинг шарпаси кўринмаганида, Хусан, эҳтимол, ўқ узган бўларди. Акам келаяпти деб хаёл қилди шекилли, у ўзини бир оз босиб олди. Аммо яқинлашган кимса бошқа бўлиб чиққач, яна тутқаноғи тутди

— Ҳов, гаранг, — деб хириллади йўловчига, — йўқол бу ердан!

Йўловчи тўхтади. У тасодифан келиб қолмаганини Муниса ҳам, Жўрабек ҳам бирдан пайқашди.

— Сени ахтариб келаяпман, нега йўқолар эканман? — деди йўловчи дадил овозда.

— Рустам?.. Сенмисан?.. Тинчликми? Кўрмаяпсанми, бандман.

— Буларниям ўлдирмоқчимисан?

— Эй, оғзингга қара! Кимни ўлдирибман?

— Касалхонада хотинимни катта холанг пичоқлади-ми? Вақти-соати келса, Азройил сенларсиз ҳам жонини оларди! Ёш болали онани ўлдирдинглар-а!.. Ахир, пулни мен олганман-ку, хотинимда нима айб?

Хусан аламзада кишига чалгиган маҳал Жўрабек шиддат билан унга ташланди ва иккаласи асфальтга кулади. Муниса қўрққанидан қоққон қозикдай турарди. Рустам Жўрабекка ёрдамга чопди, аммо кечикди: тўппончадан қарсиллаб ўқ узилди...

Кимдир Мунисанинг кўлидан тортиб, номаълум томонга етаклаб борарди, тинмай ҳансирарди. Хуши жойига тушган келинчак етаклаётган Жўрабек эканини англади.

— Уни отиб қўйдим, Мунис! — деди куёв йигит. — Вокзалга кетамиз... Россияга... Кейин Россияга қочамиз.

Уларга Рустам етиб олди.

— Сиз Мунисамисиз? — деб сўради у. — Эрингиз билан қочаверинг, булар ёвуз одамлар! Хусаннинг қасдини олиш учун сизниям ўлдирмасдан қўймайдилар.

Менинг бегуноҳ хотинимни йўқ қилишди. Сиз касалхонада гувоҳ бўлгансиз, Муниса! Арзимас пул учун шу ишни қилганини билмайсиз... Эй, жўра! — мурожаат қилди у Жўрабекка. — Ундан қасос олиш учун кечаю кундуз пойлаб юргандим, афсуски, менинг ўрнимга сиз ўлдириб қўйдингиз. Янги куёвга жабр бўлди-да!

Мунисанинг сўзлашга ҳоли йўқ эди.

* * *

Эрталабки тўққизда учови Тошкентга етиб келишди. Вокзалга яқинлашганларида, Жўрабек:

— Рустам ака, — деди, — нима, сиз ҳам Россияга кетмоқчимисиз? Бўлди, шунча кузатиб келдингиз... раҳмат! Энди кетаверинг... Ўзи бошидан бизга қўшилиб бекор қилдингиз, болангизниям ўйланг-да!

— Ўғлим ишончли қўлларда, — деди Рустам, — ундан ташвишланмайман.

Вокзалга келиб, чипта олишди. Рустам аллақаяққа бориб қайтгач, илк марта кулимсиради.

— Келин, — деди у, — келинчак Россияга кетяпти деб ҳамма сизга ҳайрон қараяпти. Одмироқ кийиниб олинг. Келин-куёв йўқолганлиги ҳақида хабар тарқатилган бўлса, ҳаммамизни ушлашади.

Улар ҳеч қандай галвасиз, поездга чиқишиб, битта купега жойлашишди.

— Сиз менга жуда шубҳали кўрина бошладингиз, — дея Жўрабек Рустамга қаттиқ тикилди. — Россияга кетиш учун тап-тайёрсиз, қотил билан қочиб боряпсиз.

Муниса ғужанак бўлиб ётиб олганди. Жўрабек ўридан туриб секин туртди-да, сўради:

— Мунис, мен отиб қўйган кимсани касалхонада кўрганмидингиз? Бу кишининг хотинини ўша касофат ўлдирган эмиш.

— Йўқ, — ғўлдиради келинчак.

— Хусан гуёхфуруш, бузуқ, бетайин жинотти...
 — деди Рустам бир кечада ўсиб қолган соқолини сатади.
 — Сиз ундан эмас, акаси Қодир калладан қурқинингиз керак. Аблаҳ камида ўн кишининг бошини еган Умри қамокда ўтган телба! Далилим бўлмагани учун уни милицияга айтмадим. Биламан, Хусан мени жазолаш учун акасига айтиб хотинимни ўлдиртирган. Нега мени эмас? Уларга пул топиб беришим учун ҳали керак эдим.

— Ишондим ҳам дейлик, — Жўрабекнинг шубҳа-гумони тарқамади, — нега кинолардагидек саргузашт сотиб оляпсиз? Уйингизга қайтиб, милицияга бор гапни айтинг. Қотил — мен, сиз гувоҳсиз, холос.

— Қизиқ экансиз, — Рустам кўзларини олиб қочди, — Қодир калла мендан сўраб ўтирадими? Ўлдирадикўяди! Россияда бир оз ишлаб, фурсат кутаман, вазиятни ўрганаман, сўнгра ундан қасос оламан. Маразни топиш жуда-жуда қийин! Сиз Қодир каллани билмас экансиз!

Қозоғистонга етиб, чой ичишди. Чойдан сўнг Мунисани яна уйку босди. Жуда кучли уйку эди...

Алламаҳалда кўзини очиб, чинқириб юборди. У поездда эмас, қандайдир ўтовда ётар, очиқ эшикдан ойдин сахро кўриниб турар эди.

— Жим! — деди Рустам ўрнидан туриб. — Сиз энди менинг ихтиёримдасиз. Куёвтўра ўзига келганида поезд Россияга етиб қолаёзган бўлади. Энди уни унутинг.

Даҳшатдан ўзини йўқотиб қўйган келинчак ўтовдан югуриб чиқди. Уйқудори таъсирадами, ўзини қозоқ саҳросида кўриб, гарангсиб қолганиданми, кўп югуролмади: кум устига йиқилиб, оғзи гардга тўлди.

Рустам ҳам ўтовдан чиқди. Осмондан тушдими, ер тагидан чиқдими, иккита чўпон пайдо бўлиб, Мунисани

— Ҳусан гуёҳфуруш, бузуқ, бетайин жинойтчи эди,
— деди Рустам бир кечада ўсиб қолган соқолини силаб.
— Сиз ундан эмас, акаси Қодир калладан кўрқишин-
гиз керак. Аблаҳ камида ўн кишининг бошини еган!
Умри қамокда ўтган телба! Далилим бўлмагани учун
уни милицияга айтмадим. Биламан, Ҳусан мени жазо-
лаш учун акасига айтиб хотинимни ўлдиртирган. Нега
мени эмас? Уларга пул топиб беришим учун ҳали ке-
рак эдим.

— Ишондим ҳам дейлик, — Жўрабекнинг шубҳа-гу-
мони тарқамади, — нега кинолардагидек саргузашт со-
тиб оляпсиз? Уйингизга қайтиб, милицияга бор гапни
айтинг. Қотил — мен, сиз гувоҳсиз, холос.

— Қизиқ экансиз, — Рустам кўзларини олиб қочди,
— Қодир калла мендан сўраб ўтирадимми? Ўлдиради-
кўяди! Россияда бир оз ишлаб, фурсат кутаман, вазир-
ятни ўрганаман, сўнгра ундан қасос оламан. Маразни
топиш жуда-жуда қийин! Сиз Қодир каллани билмас
экансиз!

Қозогистонга етиб, чой ичишди. Чойдан сўнг Му-
нисани яна уйку босди. Жуда кучли уйку эди...

Алламаҳалда кўзини очиб, чинқириб юборди. У по-
ездда эмас, қандайдир ўтовда ётар, очиқ эшикдан ой-
дин сахро кўриниб турар эди.

— Жим! — деди Рустам ўрнидан туриб. — Сиз энди
менинг ихтиёримдасиз. Куёвгўра ўзига келганида по-
езд Россияга етиб қолаёзган бўлади. Энди уни унутинг.

Даҳшатдан ўзини йўқотиб қўйган келинчак ўтовдан
югуриб чиқди. Уйқудори таъсирадами, ўзини қозоқ
сахросида кўриб, гарангсиб қолганиданми, кўп югу-
ролмади: кум устига йиқилиб, оғзи гардга тўлди.

Рустам ҳам ўтовдан чиқди. Осмондан тушдими, ер
тагидан чиқдими, иккита чўпон пайдо бўлиб, Муни-

сага ачинганича, қозоқчалаб сўзлади. Уларнинг гаплари Мунисага тушунарли эди. Бири «бу қизни сарсон-саргардон қилгунча ўша ёқда гаплашмабсан-да», деди. Иккинчиси эса «сени танимайдими бу?» деб Рустамдан шубҳа қилди.

Аммо Муниса чўпонларда нажот руҳини ҳис этмади, Рустам дастлаб ўтовга келганларидаёқ улар билан гаплашиб қўйганлиги равшан эди.

— Мен сизга ҳеч қандай ёвузлик қилмайман, — деди Рустам келинчакнинг ёнига, қумга тиз чўкиб. — Ичкарига киринг, Муниса, дамингизни олинг. Ҳализамон тонг отади, уйга қайтишимиз керак.

Рустам қўл узатиши билан Муниса додлаб ўзини олиб қочди. Чўпонлар норози бўлиб, нималардир дейишди.

— Кўраяпсизми, чўпонлар мени ёмон кўра бошлашди, — пичирлади Рустам. — Куч ишлатишса икковига қарши ҳеч нима қилолмайман. Тушунинг, ҳозир биз Қозоғистондамиз. Айтганимни қилсангиз, кечқурунганча уйда бўламиз. Агар иккимизни мелисага топширишса, тергову суриштиришлар билан қанча вақт ўтишини тасаввур қилаверинг. Бунинг устига, яхшилик қиламан деган одамни қамоққа тикасиз.

— Шуми яхшилигингиз?

— Кўп нарсадан беҳабар эканлигингиз билиниб турибди. Кимга турмушга чиқаётганингиздан ҳам хабарингиз йўқ.

Муниса энди Рустамга тик боқишга журъат этди.

— Ҳа, менга ишонинг, — давом этди келин ўгриси, — куёвингиз одам ўлдиришга ўлдирдию, нега бирдан Россияга жуфтакни ростлаб қолди? Хўп, қотил экан, у ҳолда нега дарҳол сизни ҳам етаклади? Калла борми унда? Инсоф борми? Ҳатто, ота-онангиз ҳам ҳозир

қаерда эканлигингизни билмайди. Мелисалар нима хаёлга боради? Сизни қарангу!

Рустам Мунисани етаклаб ўтов сари юрди. Чўпонлар илжайиб қараб туришарди. Муниса қўлини тортиб олди-да, ўтовнинг бир четига қисилиб ўтирди ва тиззаларини қучоқлади.

— Сиз Жўрабекни аввалдан танийсизми? — деб сўради у эркакдан.

— Хотинимни ўлдириб кетишганидан бери, — деди Рустам ҳам ўтираркан.

— Мен ўша кун ёмон аҳволда эдим, қотилни тузукроқ кўролмадим...

— У Қодир калладан бошқа ҳеч ким эмас! Лекин тахминимни мелисага айтмадим. Қодирни биламан, барибир сувдан қуруқ чиқади. Одам эмас у! Барибир ўлдираман.

— Ўғлингизнинг тақдирини ўйламабсиз-да.

— Шундоғам унинг кўзларига қараёлмайман. Ҳаммасига мен айбдорман.

— Виждонингиз қийналяпти, лекин яна хато иш қиляпсиз.

Рустам Мунисага қаради: нимқоронгида кўзлари йилтиллади ўгрининг.

— Барибир мени ўғирламаслигингиз керак эди, — деди Муниса. — Бу ерда бир кеча сиз билан қолдим, энди тамом, уйим бузилди. Қандай бахтсизман!.. Шунчалар хор бўламанми? Нима қилдим?.. Нега...

Ўтов Мунисанинг паст овоздаги йиғисидан сўнг янада сирлилик касб этди.

— Мана шу сизнинг халос бўлганингиз эмасми? — деди Рустам. — Куёвингизни унутинг. У ёмон бола. Қотилни ахтариб юрган кунларим бир неча марта йўлимдан чиқди. Ҳусан билан эски таниш. Биласизми, аслида мен сизни қутқариб қолдим. У билан тўғри Рос-

сияга кетганингизда, кафолат бераманки, сизни хўрларди. Тавба, у қанақа куёвки чимилдиққа кирар-кирмас одам ўлдириб, келинчагини чет элга олиб қочса!

Муниса шу алфозда ўтираверди. Ростдан ҳам саҳрода Рустамдан ўзга суянчиги йўқ эди. Чўпонлар ёмон ниятли кишиларга ўхшамаяпти, аммо уларнинг қўлларида нима каромат келади? Рустамнинг чангалидан қутқариб, катта йўлга чиқариб қўйишсаю Тошкент томонларга кетаётган машинага солиб юборишса, кимсасиз дала-дашту бегона шаҳарлар оралаб, соппа-соғ ва поклигича етиб борадими уйига? Йўлда учраган кас борки, ёмон ўй ўйлайди. Куёвим билан Россияга кетаётгандик, купеда бир ҳамшаҳаримиз ҳам бирга эди, чойимизга дори қўшиб, ухлатиб қўйди-да, мени Қозғистонда тушириб қолдирди, кўзимни очсам ўтовда ётибман! — Бундан даҳшатли ва хавфли ҳақиқат борми? Муниса биринчи учраган одамига барибир ростини айтиб қўяди.

Ўйлар гирдобиди тонг оттирган келинчак Рустам йўлга отланишга ундагандаёқ дик етиб турди.

— Бугун уйда бўлишим шарт, — деди Муниса. — Менга бир нарса бўлса, сизни ҳеч қачон тинч қўйишмайди.

Қозоқлар билан хайрлашгач, Рустам:

— Сизга ҳеч нарса бўлмайди, нега мендан чўчийсиз-а?! — деб тез-тез юриб кетди.

Ўша куни улар ҳақиқатан ҳам Тошкентга етиб келишди. Ўзлари яшайдиган тумангача такси ёллаб, кеч қолмаслик учун ҳайдовчини шошилтиришди.

Шаҳарчага жуда яқин қолишди. Уйларнинг чироқлари дарахтлар орасидан милтиллар эди. Муниса шунча йўлдан омон етиб келганига шукр қилиб, кўзларини оҳиста юмган эди, бақувват қўллар огзига рўмолча босди: кўзларини катта-катта очди, аммо ихтиёрсиз равишда қайта юмди.

* * *

Орадан қанча вақт ўтганини билмайди, бир вақт худди машина ғойиб бўлганини, аммо бу сафар ўтовда эмас, деворларига тахта қоқилган ертўлада ётганини фаҳмлади. Қичқириб, ўзини ҳар ёнга отмади. Бўй етмас баландликда кичик дарча бўлиб, ойна ортидан зулмат мўралади. Ўрнидан оғир қўзғалиб, совқотаётгандек қўнишди ва эшик сари судралиб қадам босди.

Мана энди Рустамнинг жиноятчи эканлигига тўлиқ амин бўлди. Хотинининг ўлгани ҳам ёлгон бўлиб чиқар! Балки Қодир калла шунинг ўзидир? Жўрабекка уйқудори бермаган, аксинча, купедаёқ ўлдириб кетганмикан?

— Ҳой, очинглар! — эшикни гурс-гурс урди Муниса.
— Очинглар!..

Анча вақтдан сўнг қадам товушлари эшитилди. Аллақаердан бола йиғиси келган эди, эшикни очаётган киши:

— Йиғлама, ҳозир бораман, ҳо-озир, — деб юпатди.

Овоз Рустамники эди. Ва эшик очилиб, Рустам кўринди.

— Илтимос, жойингизга ўтиринг, — деди у шошиб. — Тепада ўғлим ёлғиз қолди. Хўш, сизга нималар керак? Тез айтинг. Ўғлим ухласа, кейин бафуржа гаплашамиз.

— Ҳеч нарса керак эмас, қўйворинг мени!

— Бир оз кутинг, овқат келтириб бераман.

— Мени бу ерга қамаб, бошингизга қандай балоларни орттираётганингизни тушунаяпсизми?

— Ўч олмоқчиман! — деди Рустам Мунисани хона ўртасига итариб.

— М-мендан... Нега, ахир?

— Э, сиздан эмас! Қизиқ экансиз!

Рустам эшикни ёпаётганди, Муниса чопиб келиб

эшикка тармашди. Жаҳли чиққан Рустам унинг билан
гидан маҳкам қисиб, каравотга олиб борди.

— Вақтимни олманг деяпман. Бу ҳолда келишолмай
қоламиз. Битта нарсани билиб қўйинг: тутқунликда
асрашдан бўлак сизга ҳеч қандай ёмонлик қилмайман.
Ўчимни олишим учун кераксиз, холос.

Эшик қарс этиб ёпилиб, калит икки марта буралди.

* * *

Ертўлада яшаётганининг учинчи куни умиваль-
ник жумраги синиб, сув оқиб кетди. Муниса эшикни
тақиллата бошлади. Шу пайт бола йигиси эшитилди.
Кимдир эшикка яқинлашиб, қулоқ солди.

— Умивальник суви тошиб, полни расво қилди, —
деди Муниса.

Шарпа жавоб бермади.

— Ким?.. Рустам ака, сизми?

Эшикнинг шундоқ ортида бола яна йиглагач, аёл-
нинг овутгани қулоққа чалинди, севинчдан қичқариб
юбораёзган Муниса:

— Опа! Опа!.. — деб эшикни итара бошлади. — Мени
бу ерга опкелиб қамашди. Илтимос, эшикни очинг.
Чиқариб юборинг...

Аёл узоқлаша бошлади, бола яна йиғлади. Муниса
эшикка суяниб, бўсағага беҳол ўтириб қолди. Қўйлаги
этагини алам билан тишлади, кўзларидан дув-дув ёш
тўкилди. «Бу ердан қутулиб чиқишнинг чорасини ўзим
топишим керак», деб ўйлади у.

Алламаҳалда Рустам кириб келди-да, мудраётган
Мунисанинг ёнига ўтирди. Чап қўлини оппоқ дока би-
лан боғлаб олган, жароҳатдан қон силқиб чиқмоқда
эди.

— Роса очикқандирсиз? — деди у. — Кечиринг, мен
вақтида келолмадим. Биттаси билан мушглашиб қол-
дим.

— Ўлиб кетсангиз бу эшикни ким очади? — Муниса бошини зўрға кўтарган эди, пешонаси тиришди. — Бугун эшик орқасига бир аёл бола кўтариб келди. Гапирсам дарров жўнаб қолди. Мен қаердаман ўзи? Ўша аёл ким? Сиз рўстдан ўша... касалхонада ўлдирилган аёлнинг эримисиз? Айтинг, кимсиз? Қасдингиз бўлса ўлдириб қўя қолинг! Қийнаманг мени!

— Ўтириб-ўтириб чарчабсиз, юринг, тепада овқатланамиз.

Муниса узун хонанинг хилват гўшасидаги эшикдан чиқиб, аланглади. Йигирма қадамлар юришгач, чапга қайирилиб, зинадан ҳовли саҳнига чиқишди. Баланд деворли ҳовли ва икки қаватли оқ уй Мунисага таниш туюлди.

— Агар қичқирсангиз беҳосдан уриб юборишим мумкин, — огоҳлантирди Рустам. — Чунки ёнимда хушдан кетказувчи дори йўқ. Бунинг устига асабларим таранг тортилиб, кўнглимга қил сиғмаяпти.

Муниса сув ичди, сўнгра юз-қўлини ювиб, шинамгина ошхонага кирди. Овқатнинг мазали ҳиди димоғига урилиб, ютинди.

— Икковимиз келишсак, ҳеч кимга қийин бўлмайди, — Рустам бир қўллаб дастурхон ёзишга киришди. — Яъни менга ҳам, сизга ҳам демоқчиман. Бояги аёл опам эди. Кўпинча, у ўғилчамга қараб ўтиради.

— Ўғлингизнинг исми нима?

— Азизжон. Ана, ухлаб ётибди.

Муниса уч ёшлардаги ширингина болакайга разм солди. У бурчакдаги каравотчада пишиллаб ухлар, шира қотган юзи атрофида пашшалар айланарди.

— Юзини ювмай ётқизиб қўйибсиз, — Муниса болага яқин борди. — Энага ёлламаганмисиз?

— Бир аёл опам билан навбатма-навбат қарайди.

Рустам овқат сузишга қийналди. Муниса келиб ёрдамлашмаганида уриниб қоларди.

— Қодир каллани топсам, — деди у, — сизни қамаб ўтирганимни айтаман, дарагингизни эшитиб барибир келади.

Мунисанинг томоғига нон тиқилди. Бехосдан йўталиб, уй соҳибига қизариб қаради.

— Қўрқманг, — кулимсиради Рустам, — Қодир сизга яқинлашолмайди ҳам. Фақат дарагингизни эшитиб, бу ерга келса, бас. Мен уни ўлдираман. Сизни фақат тутқунликда ушлаб турганим йўқ, ҳимоя ҳам қилаяпман. Қодирдан ҳар балони кутиш мумкин. У сиз келин бўлиб тушган уйга ўт қўйиб юборди.

— Ўт қўйиб?..

— Ҳа, мелиса қаёққа қараяпти, деб нолиманг. Қодир одамларнинг хаёлича, аллақачон Россияга кетган. Уйни Хусаннинг яқин ошнаси қасос олиш учун ёқиб юборган. Аслида эса Қодир шу атрофда изгиб юрибди. Қўлга олинган гўлаҳни ҳам, шубҳасиз, у ёллаган.

— Уйингизга бирдан бостириб кирса...

— Мен унинг хаёлидаям эмасман. Излаётган кишиси иккита: сиз ва Жўрабек.

Мунисанинг қорни оч бўлса-да, овқат ейиш истаги сўнди. Хаёлга толиб, ахийри, рўпарасида ўтирган шу одамни ҳайрон қилгиси келди.

— Рустам ака, Тиллатепагача минг қадам борми? — деб сўради кўзлари ила тепалик томонга имо қилиб.

Эркак қошиғини тақ этказиб товоққа ташлади. Ҳақиқатан, асиранинг гапи нишонга теккан эди.

— Опам сиз билан валақлашганга ўхшайди.

— Опангиз миқ этмади, — ўпкалади Муниса. — Ундан сиз эмас, мен хафа бўлишим керак. Шуни айтиб қўйай, уйингизниям, ўзингизниям эсладим. Сиз Рустамсиз... ўша Рустам!

— Шунча кундан буён Рустам бўлмай ким эдим?

— Бегона Рустам эдингиз. Энди эса мактабда Элано-

ранинг ортидан юрган ўша ошиқ бўлиб кўринаяпсиз. Бир вақтлар мен билан саломлашгансиз, дугонамни сўрагансиз.

Рустам бошини чангаллаб, бир муддат елкаси силкиниб-силкиниб кулди. Мунисага қаради, сўнг яна бошини эгиб, овоз чиқармай кулаверди.

— Нега куласиз? Эланора Тиллатепа суратини чизган куни сизнинг уйингизни кўрсатиб, «хув анави уй Рустам аканики» дегани ҳалиям қулогим остида жаранглаб турибди. Касалхонадан чиққанымда, у бизникига келган эди. Кўчамиз бошида сизни учратганини, ўрталарингизда бўлган муҳаббат фожиасини сўзлаб берди. Дугонам ҳам ҳаётда адашди, бахтини тополмади. Аммо охириги вақтларда у сизни кўп эслайдиган бўлиб қолган.

— Гапларингиз тўғри, — қовоқларини артди Рустам. — Мени жуда яхши эсладингиз. Қаранг, хотинимнинг қотилини кўрган ёлғизгина гувоҳ ҳам бегона чиқмади-я! Эланора!.. Эланора! У менинг биринчи муҳаббатим! Қандай хатолар қилганини, ким йўлдан урганини — барчасини биламан.

— Альберт деган фотограф.

— Йўқ, — деди Рустам, — Альберт унинг сохта исми. Яқинда билдимки, Альбертнинг ҳақиқий исми Жўрабек экан, сиз турмушга чиққан Жўрабек.

Муниса беихтиёр ёқа ушлаб, гўё ўтирган жойида тошга айланди. Ўзи ҳам шубҳаланиб юрганди. Фотиҳа тўйда Эланора Жўрабекнинг суратини кўриб, бирдан ўзгарганининг, кетиб қолганининг, никоҳ тўйга эса қадам босмаганининг ёмон бир сабаби борлигини сезган эди. Нега Эланора Мунисага айтмади экан? Тўйни бузмасликни истадими? Унда қабих бир кимсани дугонасига раво кўрибди-да.

Жўрабек бир неча марта гуноҳларига тавба қилиб

гапирганини эслаган Муниса «балки Жўрабек тузалмоқчи бўлгандир» деган хаёлга борди. Хаёлларини тўзғитиб, Рустам шундай деди:

— Жўрабекнинг чўнтагига купедаёқ хат солиб қўйганман. Ўқийдию бу ерларга ҳеч қачон қайтиб келмайди. Юрагига ёмонлик илдиз отган киши барибир ўнганмайди, Муниса. Қисматингизга куйманг.

Муниса кўнгли бўшаб, юзини терс ўғирай экан:

— Куйганим йўқ, — деди. — Лекин у ҳаётини қайтадан бошламоқчи эди. Мени ҳимоя қилиш учун тасодифан одам ўлдириб қўйди...

Муниса гапиролмай, пастки лабини тишлади. Рустам уҳ тортди-да, деди:

— Сизгайм осон эмас. Бироқ ҳаётда шундай одамлар бўладики, аввал қилган ёмонликлари умр бўйи кўланкадай эргашиб юради. Чунки аслида уларнинг юрагига ёмон ниятлар чўкиб қолган. Исталган вақтда юзага чиқиши мумкин.

Азизжон ғингшиб қўйди. Олислардан машиналарнинг сигналлари, трактор гуриллаши эшитилди. Чигирткалар чириллашини ҳам келинчак энди эшитди.

— У келмайди...келмасин ҳам...— деди Муниса ғазаб қўзиб. — Сизнинг хатингиз сабабидан эмас...

* * *

Ўша куни улар дастурхонга фотиҳа қилишгач, Азизжон уйғонди. Муниса унинг юз-қўлини ювиб, кийимларини алмаштирди. Бола биринчи дақиқадан Мунисага эл бўлди. Иккиси меҳмонхонада расмли китоб томоша қилишди. Кейин Муниса уни чақалоқдай кўтариб, хонада овутиб юриб ухлатди.

— Укаларингиз йўғ-а, адашмасам? — сўраб қолди Рустам.

— Йўқ.

— Уйингизда укаларингиз ёки жиянларингиз бўлма-са ҳам, болага яхши қараркансиз.

— Билмадим, негадир Азизжонни кўриб йиғлагим келди. Уни кўп ўйлардим. Худди онасини қутқариш қўлимдан келса ҳам, қўрқоқлик қилгандайман.

— Сизда ҳеч қандай айб йўқ, Муниса, — хўрсинди Рустам. — Шундай ҳовли-жой қурган, машина олган, лекин қаноат қилмай яна бойлик ортидан қувган мен — сўқир банда — айбдорман. Бир ишга бош қўшдим у тезроқ ва кўпроқ фойда кўриш учун катта пул сарфладим. Етмаганига Ҳусандан қарз кўтардим. Ишим орқага кетаверди, қарзга ботавердим. Ҳусан уйимни тортиб олишга кўп уринди. Мақсадига етолмагач, яна бир йил муддат берди. Энди ўйласам, улар бекорга муддат беришмаган. Хотинимни ўлдириш учун ўзларидан шубҳагумонни иложи борича узоқроқ қувишган. Мантикий олиб қаранганда, мен ҳам қотилман.

Орага хийла вақт жимлик чўкди.

— Мени хонамга олиб боринг, — деди Муниса.

— Нариги хонада ухлай қолинг қамаб қўйганим учун узр.

Муниса сал кам бир ҳафталик таҳликали кечалардан сўнг биринчи марта тиниқиб дам олди. Эрталаб эшик ортида уни Азизжон кутиб турарди. Улар кечагидан ҳам иноқ бўлишди.

Рустам телефон турадиган хона эшигининг калитини топди-да, Азизжоннинг энагасига сим қоқиб, болани аммасиникига юборишини маълум қилди.

Шу куни Рустам қош қорайгунча уйда бўлди. Муниса Азизжон билан овунди. Бечора болакай аясидан айирилиб, ҳеч ким билан сўзлашмай қўйган экан.

— Сенинг отинг нима? — жўрттага сўради Муниса.

— Азиз, — деди бола чучук тилда.

— Эслигина боламисан?

Азизжон бошини қимирлатди. Сўнг:

— Сиз-чи? — деб Мунисага тикилди. Унинг нигоҳида онасини ахтараётгани, жуда-жуда соғингани сезилиб турарди.

— Мен ҳам эслигинаман.

— Аям ҳам, — бошини эгди бола.

— Менинг исмим Муниса, — деди келинчак.

Бола қизиқ воқеа содир бўлгандек ялт этиб қаради.

— Муниса?

— Ҳа.

— Муниса... — қайта такрорлади Азизжон. Шу ондан бошлаб бу меҳрибон келинчакни у Муниса деб атай бошлади.

Бир гал уларнинг гапларига кулоқ солган Рустам Мунисага жилмайиб қаради.

— Сизнинг шарофатингиз билан ўғлим яна тилга кирди. Кечирасиз-да, у ҳали «сиз»лаб гапиришни билмайди.

— Мана, ўрганияпти.

— Муниса, — Рустамнинг юзида қайғу аломатлари зоҳир бўлди, — қамоқдан келгунимча Азизжонга сиздай оқила тарбиячи қараса дейман.

— Рустам ака, сиз қамалмайсиз, — деди Муниса.

— Нега?.. Мен Қодирни ўлдирмасдан қўймайман.

* * *

Оқшом чоғи Рустам ўғлини асира келинчакка ташлаб аллақаяққа чиқиб кетди. Қайтиб келгунча Муниса Азизжон билан меҳмонхонада бекинмачоқ ўйнади. Агар болакай уни тополмай қолса, «Муниса, Мунис-а» деб ялинарди. Муниса ўзи яширинган жойни атайин сездириб қўйган заҳоти, Азизжон қийқириб чопиб келарди.

— Эрталаб жўнаб кетаман, — деди Рустам. — Азизжонни опамникига ташлайман, сизга эса, мана, ҳафтага етадиган озиқ-овқат.

Эртасига, нонуштадан сўнг, Рустам барча эшикларни қулфлаб, Мунисани уй ичида қолдириб, ўғилчасини кўтариб чиқиб кетди. Болакай «Мунисага бораман» деб хархаша қилса-да, қўйиб юбормади.

Муниса икки кун чидади. Охири, сабр-бардоши тугаб, деразаларни ланг очди, панжарани кучи етганича силтай бошлади. Бу ердан кўча кўринмаса-да, қичқириб, қўшнилари нинг эътиборини жалб этиш мумкин эди.

— Ким бо-ор?! Ёрдам беринглар-ар!!! — овозининг борица бақирди у. — Ёрдам..

Қоронғи тушиб қолган бўлса-да, аллақандай шарпалар девордан ошиб ўтганини кўрган Муниса жон ҳолатда орқага чекинди. Деразаларни ёпишга ҳам кўрқиб, стол тагига яширинди.

Орадан ваҳимали бир дақиқа ўтди. Меҳмонхонанин қоронғи бурчакларидан ёвуз кимсалар чиқиб келаётгандек туюларди. Шу вақт кўшни хонада нимадир гижирлаган эди, шундоқ ҳам юрак ҳовучлаб ўтирган бо-яқиш келинчакнинг жони чиқиб кетаёзди.

Айна лаҳзада эшикка кучли зарб урилди чоғи, қалин эшикнинг мустаҳкам қулфлари қарсиллаб синди ва баҳайбат кимсалар бақир-чақир билан бостириб киришди. Мунисанин қўзлари бир неча фонардан қамашиб кетди. Уни стол тагидан тортиб чиқаришиб, оёғини ерга теккизмай ташқарига олиб жўнашди. Даҳшатдан ҳушини йўқотаёзган келинчак кўшни хонада, йўлақларда, иккинчи қават зинасида — ҳамма жойда чипор кийими устидан зирҳли кимча кийиб олган темир қалпоқли, автомат тутган кишиларни кўрди.

Ва ниҳоят, у озод бўлган эди.

* * *

Маълум бўлишича, Янглиш холанинг ўйинчоқлар дўконига бола етаклаган бир аёл кириб келибди ва болани овутиш учун ўйинчоқ ахтара бошлабди. Янглиш хола қизининг дардида йиглаб ўтирган экан. Бир вақт бола Эланора чизган Мунисанинг портретини кўрсатиб: «Муниса! Мунисага бораман!..» деб йиглашга тушибди. Янглиш хола аввалига қулоқларига ишонмабди. Кейин жойидан сакраб туриб, болакайни қучоқлаб олибди ва портретдаги қизни қаёқдан танишини сўраб, жазавага тушибди. Аёл болани кўтариб қочишга уринибди, аммо Янглиш хола уларни дўконга қамаб, дод солаверибди. Милиция етиб келгач, аёл ўзи билгандарини, укаси Рустам бир қизни уйида гаровда ушлаб турганини айтибди...

Бир соатдан сўнг Рустам ҳам қўлга олинди. У Қодир калланинг қўл-оёғини боглаб, қатл қилмоқчи бўлган сўнгги лаҳзада ушланди.

Ҳаммасидан ҳам қизиғи, Муниса Рустамни севиб қолди. Рустамнинг қамоқдан йўллаган охириги хатида шундай сўзлар бор эди: «Муниса, кечаю кундуз сизни ўйлаяпман. Агар розилик берсангиз, яқин кунларда опам совчиликка боради. Келгуси йил тўй қиламиз. Балки қамоқдан ундан аввалроқ чиқарман...»

Муниса яна туш кўрди. Рустам иккиси тўй саҳнасида ўтирганмиш, Азизжон лимонад сўраб турган эмиш...

Жўрабек эса Россияда дом-дараксиз йўқолди. Эланора Санкт-Петербургдаги кўргазмага борганида унга ўхшаган бир йигитни кўрганини айтди, аммо ўша йигитнинг кўзлари кўр эмиш.

МУНДАРИЖА

Қассоб сири	3
Ўғирланган келинчак	155

Адабий-бадиий нашр

Азамат ҚОРЖОВОВ

ҚАССОБ СИРИ

Қиссалар

Муҳаррир: *О.Қанаев*
Дизайнер: *Р.Ташматов*
Мусаҳҳиҳ: *М.Холиқова*
Саҳифаловчи: *Г.Курбанбаева*

Нашриёт лицензияси: АИ №270

Босишга 13.11.2017 йил да берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16

“Virtex Times UZ” гарнитурасида офсет усулда босилди.

Нашр босма табоғи 14,0 Адади 4000 Буюртма №56

12000с

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.

«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.

100054.Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

Телефон: (371) 273-19-51

Факс: (371) 273-19-50

Email: dizayn-print@mail.ru

www.Ijod-Press.uz

КАССОБ СИРИ

Азамат
ҚОРҶОНОВ

ISBN 978-9943-994-71-3



9 789943 994713

